

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
А К А Д Е М И Я**

**Ж. Т. ХОЛМЎМИНОВ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ**

**ТОШКЕНТ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
А К А Д Е М И Я

Ж. Т. ХОЛМҮМИНОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ

*Ўзбекистон Республикаси Ичкни ишлар вазирлиги ИИВ олий ўқув юртлари тингловчилари учун дарслик сифатида руҳсат этган*

*Масъул муҳаррир*

Табиат ва жамият ҳақидаги фанлар халқаро академиясининг  
академиги,  
юридик фанлар доктори, профессор  
**У. ТАДЖИХАНОВ**

Тошкент 2003

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг  
Таҳририят-ноширлик кенгашида маъқулланган*

**Ж. Т. Холмўминов.** *Ўзбекистон Республикасининг  
Х-17 экология ҳуқуқи:* Дарслик / Маъсул муҳаррир юридик фанлар  
доктори, профессор У. Таджиханов. – Т.: Ўзбекистон  
Республикаси ИИВ Академияси, 2003. – 268 б.

**ББК 67.99.(2)5**

Дарслик 38000 – «Ҳуқуқ» соҳасининг 5380100 – «Юриспруденция»  
йўналиши бўйича «Экология ҳуқуқи» фанининг намунавий дастури  
асосида тайёрланган бўлиб, унда «Экология ҳуқуқи» фанининг  
тушунчаси, предмети, методлари, тизими, принциплари ва манбалари,  
табиат ресурсларига нисбатан мулкчилик, экология соҳасида давлат  
бошқаруви ва назоратининг экологик-ҳуқуқий ҳолати, экологик  
ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик, ер, сув, ер ости  
бойиллари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ўрмон, атмосфера ҳавосини  
муҳофаза қилиш ва алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг  
экологик-ҳуқуқий тартиби, экологик-ҳуқуқий таълим-тарбия ҳамда атроф-  
табиий муҳитни халқаро экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш масалалари  
атрофлича ёритилган.

ИИВ Академиясининг тингловчилари ва профессор-ўқитувчиларига,  
юридик олий ва ўрта маҳсус ўкув юртларининг ўқитувчилари ва  
талаబаларига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг амалиётчи  
ходимларига ҳамда экологик ҳуқуқ масалалари билан қизиқувчи барча  
китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**Тақримчилар:**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан  
арбоби, юридик фанлар доктори, профессор  
**И. Ж. Жалилов;**

Халқаро «Экосан» жамғармасининг  
президенти, фалсафа фанлар доктори, профессор  
**Ю. Ш. Шодиметов**

## **МУНДАРИЖА**

СҮЗ БОШИ .....	9
<b>УМУМИЙ ҚИСМ</b>	
<b>I боб. Экология ҳуқуқи, унинг предмети, методи, тизими, принциплари ва манбалари .....</b>	<b>13</b>
1-§. «Экология ҳуқуқи» тушунчаси, предмети ва вазифалари	13
2-§. Экология ҳуқуқи курсининг тизими ва методи.....	15
3-§. Экология ҳуқуқининг принциплари.....	18
4-§. Экология ҳуқуқининг манбалари .....	19
5-§. Экология ҳуқуқининг бошқа ижтимоий ва ҳуқуқий фанлар билан боғлиқлиги .....	23
<b>II боб. Табиат ресурслари (объектлари)га нисбатан мулк ҳуқуқи.....</b>	<b>26</b>
1-§. Табиат ресурсларига нисбатан мулк ҳуқуқи ва унинг асосий белгилари.....	26
2-§. Табиат ресурсларига нисбатан мулк ҳуқуқининг объекти ва субъекти .....	28
3-§. Табиат ресурсларига нисбатан мулк ҳуқуқининг мазмуни ва моҳияти .....	30
4-§. Табиат ресурсларига нисбатан мулк ҳуқуқининг шакллари	31
5-§. Табиат ресурсларига нисбатан мулк ҳуқуқини муҳофаза қилишининг шакл ва усуллари .....	33
<b>III боб. Экология соҳасида давлат бошқаруви ва назоратининг экологик-ҳуқуқий ҳолати .....</b>	<b>36</b>
1-§. Экология соҳасида давлат бошқаруви, унинг принциплари, шакл ва функциялари .....	36
2-§. Экология соҳасида давлат бошқаруви органларининг тизими ва ваколатлари .....	38
3-§. Табиат бойликларидан фойдаланишни бошқариш ва назорат қилишда давлат кадастри юритишнинг ҳуқуқий асослари ва аҳамияти .....	42
4-§. Экология соҳасида давлат назорати ва унинг ҳуқуқий тартиби.....	50
5-§. Экологик экспертиза ва уни ҳуқуқий тартибга солиш.....	53

6-§. Экология соҳасидаги бошқарувнинг иқтисодий чора- тадбирлари .....	55
7-§. Ички ишлар органларининг экология соҳасидаги бошқаруви ва назорат қилиш фаолиятининг хуқуқий тартиби ҳамда уни такомиллаштириш йўллари.....	57
<b>IV боб. Экологик хуқуқбузарлик учун жавобгарлик.....</b>	<b>61</b>
1-§. Экологик хуқуқбузарлик ва унинг хусусиятлари .....	61
2-§. Экологик хуқуқбузарликларнинг турлари, таркиби ва белгилари .....	63
3-§. Экологик хуқуқбузарлик учун интизомий жавобгарлик....	64
4-§. Экологик хуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик ....	67
5-§. Экологик хуқуқбузарлик учун фуқаровий-хуқуқий жавобгарлик.....	69
6-§. Экологик хуқуқбузарлик учун жиноий жавобгарлик.....	71
7-§. Ички ишлар органларининг экологик хуқуқбузарликларга карши курашиш ва уларнинг олдини олиш борасидаги вазифалари .....	74

### *МАХСУС ҚИСМ*

<b>V боб. Ерни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишнинг экологик-хуқуқий ҳолати.....</b>	<b>76</b>
1-§. Ердан фойдаланишнинг тарихи ва уни экологик-хуқуқий муҳофаза қилиш .....	76
2-§. Ўзбекистон Республикасининг ер майдони, уни экологик- хуқуқий муҳофаза қилишнинг вазифалари ва принциплари .....	79
3-§. Ягона давлат ер фонди, унинг таркиби ва экологик-хуқуқий аҳамияти .....	82
4-§. Ерга нисбатан мулк хуқуки .....	84
5-§. Ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви.....	87
6-§. Ердан фойдаланиш ҳамда уни экологик муҳофаза қилиш устидан назорат олиб бориш тартиби .....	93
7-§. Ердан фойдаланиш хуқуқининг пайдо бўлиши ва бекор бўлиш асослари .....	95
8-§. Ерга эгалик қилувчилар ва фойдаланувчилар, ижарачи ва ер участкаси мулқдорининг хуқуқ ва мажбуриятлари .....	99
9-§. Ер тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун.....	103
экологик-хуқуқий жавобгарлик.....	103

10-§. Ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиши таъминлашда ички ишлар органларининг вазифалари .....	108
<b>VI боб. сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг экологик-ҳуқуқий ҳолати .....</b>	<b>111</b>
1-§. Сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг экологик-ҳуқуқий ҳолати.....	111
2-§. Давлат сув фонди ва уни бошқариш органлари.....	117
3-§. Сувдан фойдаланиш ҳуқуқи. Унинг пайдо бўлиши ва бекор бўлиш асослари.....	121
4-§. Сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	124
5-§. Сувни муҳофаза қилишнинг экологик-ҳуқуқий чоратадбирлари .....	126
6-§. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишда ички ишлар органларининг ўрни ва вазифалари .....	131
<b>VII боб. ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш тартиби.....</b>	<b>133</b>
1-§. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уни экологик муҳофаза қилишнинг ҳозирги аҳволи .....	133
2-§. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир асосий талаблар.....	135
3-§. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда давлат бошқаруви .....	138
4-§. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқи, унинг обьекти ва субъектлари .....	140
5-§. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқининг пайдо бўлиши ва бекор бўлиш ҳолатлари .....	143
6-§. Ер ости бойликларидан фойдаланувчиларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари .....	145
7-§. Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик .....	148
8-§. Ер ости бойликларини экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишда ички ишлар органларининг вазифалари.....	153
<b>VIII боб. ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишнинг экологик-ҳуқуқий тартиби .....</b>	<b>155</b>
1-§. Ўсимликлар дунёсидан фойдаланишнинг тарихи ва аҳамияти .....	155
2-§. Ўсимликлар дунёсининг инсон ҳаётида тутган ўрни ва	

уларни экологик-хукукий муҳофаза қилиш .....	157
3-§. Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви ҳамда назорат олиб бориш .....	163
4-§. Ўсимликлар дунёси обьектларидан фойдаланиш турлари ва хусусиятлари .....	165
5-§. Ўсимликлар дунёси обьектларидан фойдаланиш хукукининг пайдо бўлиши ва бекор бўлиш асослари .....	167
6-§. Ўсимликлар дунёси обьектларидан фойдаланувчиларнинг хукуқ ва мажбуриятлари .....	170
7-§. Ўсимликлар дунёсига оид қонунларни бузганлик ва улардан нотўғри фойдаланганлик учун экологик- хукукий жавобгарлик.....	171
8-§. Ўсимликлар дунёсини экологик-хукукий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишда ички ишлар органларининг ўрни ва вазифалари .....	175
<b>IX боб. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг экологик-хукукий ҳолати .....</b>	<b>177</b>
1-§. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг хукукий ҳолати ва хусусиятлари .....	177
2-§. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш хукуқи ва унинг турлари	181
3-§. Ов қилиш ва балиқ овлашни хукукий тартибга солиш ....	184
4-§. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш хукукининг бекор бўлиш асослари .....	186
5-§. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишнинг экологик-хукукий чора-тадбирлари .....	187
6-§. Ҳайвонот дунёсини экологик-хукукий муҳофаза қилишда ички ишлар органларининг вазифалари .....	191
<b>Х боб. Ўрмонлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг экологик-хукукий тартиби .....</b>	<b>193</b>
1-§. Ўрмонларнинг инсон ҳаёти ва жамиятдаги экологик аҳамияти .....	193
2-§. Ўзбекистон Республикасининг ўрмон тўғрисидаги қонунлари, уларнинг экологик-хукукий аҳамияти .....	196
3-§. Ўрмонлардан фойдаланиш хукуқи, субъектлари ва обьектлари .....	199
4-§. Давлат ўрмон фондидан экологик-хукукий фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш устидан давлат бошқаруви.....	200
5-§. Ўрмонлардан фойдаланиш хукукининг пайдо бўлиши ва	

бекор бўлиш асослари .....	203
6-§. Ўрмондан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	205
7-§. Ўрмон тўғрисидаги қонун талабларини ва ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқини бузганлик учун экологик-ҳуқуқий жавобгарлик.....	207
8-§. Ўрмонлардан фойдаланиш ва уларни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишда ички ишлар органларининг вазифалари .....	210
<b>XI боб. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг экологик-ҳуқуқий ҳолати.....</b>	<b>213</b>
1-§. Атмосфера ҳавосини тирик мавжудот ҳаётидаги аҳамияти .....	213
2-§. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг..... хозирги ҳолати .....	214
3-§. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг экологик- ҳуқуқий тадбирлари.....	218
4-§. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятлар ва давлат ҳисобини юритиш .....	221
5-§. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви ва назорат қилиш тартиби .....	223
6-§. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ва талабларни бузганлик учун жавобгарлик .....	227
7-§. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда ички ишлар органларининг ўрни ва вазифалари .....	232
<b>XII боб. алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг экологик-ҳуқуқий ҳолати.....</b>	<b>235</b>
1-§. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлар экологик- ҳуқуқий ҳолати ва унинг хусусиятлари .....	235
2-§. Давлат қўриқхоналари ва уларнинг экологик-ҳуқуқий тартиби.....	240
3-§. Давлат миллый табиат боғлари .....	242
4-§. Давлат заказниклари .....	245
5-§. Давлат табиат ёдгорликлари .....	247
6-§. Алоҳида муҳофаза этиладиган ўзга табиий худудлар....	249
7-§. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик .....	256
8-§. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудларни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишда ички ишлар органларининг ўрни ва вазифалари .....	259

<b>XIII боб. Экологик-хуқуқий таълим ва тарбия .....</b>	<b>261</b>
1-§. Экологик-хуқуқий таълим-тарбия ва унинг вазифалари .	261
2-§. Экологик-хуқуқий маданият ва тафаккурни шакллантириш .....	264
3-§. Экологик-хуқуқий таълим ва тарбияни олиб бориш .....	267
4-§. Экологик-хуқуқий таълим ва тарбияни олиб боришда оиланинг ўрни ҳамда аҳамияти.....	271
5-§. Ички ишлар органларининг экологик-хуқуқий таълим ва тарбия ишарини олиб боришдаги вазифалари .....	275
<b>XIV боб. Атроф-табииий муҳитни халқаро экологик-хуқуқий муҳофаза қилиш .....</b>	<b>277</b>
1-§. Халқаро экология ҳуқуқи ва унинг хусусиятлари .....	277
2-§. Атроф-табииий муҳитни халқаро экологик-хуқуқий муҳофаза қилиш принциплари .....	278
3-§. Атроф-табииий муҳитни халқаро экологик-хуқуқий муҳофаза қилиш объектлари .....	279
4-§. Атроф-табииий муҳитни халқаро экологик-хуқуқий муҳофаза қилиш манбалари .....	281
5-§. Жаҳон уммони – дарё, денгиз ва сув бойликларини халқаро экологик-хуқуқий муҳофаза қилиш .....	283
6-§. Атмосфера ҳавоси ва космик фазони халқаро экологик-хуқуқий муҳофаза қилиш .....	287
7-§. Тоғ-кон бойликларини халқаро экологик-хуқуқий муҳофаза қилиш ва халқаро ҳамкорлик .....	289
8-§. Атроф-табииий муҳитни экологик-хуқуқий муҳофаза қилишда халқаро ташкилотлар фаолиятининг аҳамияти .....	292
Барча мавзулар бўйича тавсия этиладиган адабиёт .....	298

## **СҮЗ БОШИ**

Хозирги пайтда дунёнинг қайси бир минтақасини олиб қарамайлик, инсон ҳаёти учун катта хавф туғдираётган экологик вазиятни бартараф қилишдек оғир муаммолар ўз ечимини кутиб турғанлигининг гувоҳи бўламиз. Инсоният XXI асрга қадам қўяр экан, унинг олдида оламни асрлаш, келажак авлоднинг барқарорлигини таъминлаш, турли экологик муаммоларнинг олдини олишдек долзарб масала кўндаланг турибдики, бу ҳеч кимни ташвишга солмай қолмайди.

Барча экологик муаммолар инсон билан табиат ўртасидаги уйғунлик ва мувозанатнинг бузилиши оқибатида вужудга келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, «экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча ҳалқларнинг манфатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир»<sup>1</sup>.

Демак, табиатни муҳофаза қилиш, экологик муаммоларнинг олдини олиш, экологик талабларга доимо риоя қилиш мустақил давлатимизнинг ижтимоий-иктисодий, хукукий масаласи бўлиб қолмай, балки экологик сиёсатнинг асосига айланиши лозим, чунки ушбу муаммолар мустақил давлатимиз равнақи билан бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг «Минг йиллик саммити»да сўзлаган нутқида Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистондаги экологик муаммоларга алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, Президентимиз И. А. Каримовнинг «минтақавий муаммолар мажмуига эътибор қаратилар экан, экологик

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. Т., 1998. 110-б.

хавфсизлик ва атроф мұхит масалаларини четлаб ўтиш мүмкін емас...

Орол муаммоси Марказий Осиё худуди доирасидан чиқиб кетди ва жаҳоншумул аҳамият касб этмолда. Унинг салбий оқибатларини бугунги кунда иқтим шароити, биологик мувозанатнинг ўзгаришида, аҳоли саломатлиги ва бўлғуси авлод генофондига таъсирида кўриш мүмкин...

Орол дәнгизининг фалокати Европа учун, сайёрамизнинг бошқа худудлари учун қандай хатарли ва кутилмаган оқибатларни юзага келтириши мүмкінлигига кимнидир ишонтириш ёки буни исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ деб ўйлайман<sup>1</sup>, деган гаплари экологик муаммоларни биргаликда ҳал этишни тақозо қилади.

Шунга қарамай республикамизда табиатни муҳофаза қилиш ва экологик мувозанатни сақлаш соҳасида, жумладан, ер, сув, ер ости бойликлари, ўрмон, ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда шифобахш ўсимликлардан фойдаланишда жиддий камчиликлар мавжуд. Комил ишонч билан айтиш мүмкінки, табиат – биосферани сақлаб қолиш ва уни ўзгартириш кўп жиҳатдан инсон фаолияти, айниқса, экологик-ҳуқуқий саводхонлик, экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбия билан ҳам боғлиқ.

1997 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллый дастури тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллый дастурини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 1998 йил 29 май қарори ҳам бозор иқтисодиёти шароитида экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбияга алоҳида эътибор беришни, аҳолини, айниқса ёшларимизнинг экологик-ҳуқуқий маънавияти ва маданиятини замон талаби, дунё андазалари даражасига етказишни тақозо қилади.

Президент И. А. Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида сўзлаган нутқида: «Биз ҳали ҳам болаларнинг ҳуқуқий тарбиясига етарлича эътибор бермаяпмиз. Мактаблардаги ўкув дастурларида қонунларни, ҳуқуқий тизимимизнинг асосларини ўрганишга амалда эътибор берилмаяпти»<sup>2</sup>, – деб тўғри таъкидлади.

АҚШ, Англия, Германия, Франция, Япония, Швейцария каби ривожланган хорижий мамлакатларнинг тажрибаларига эътибор

<sup>1</sup> Каримов И. А. БМТ Бош Ассамблеясида сўзланган нутқ // Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. Т., 2000. 110-б.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Адолат – қонун устуворлигига // Халқ сўзи. 2001. 30 авг.

берадиган бўлсак, уларда биринчи галдаги вазифа сифатида экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбияга эътибор берилган.

«Экология ҳуқуқи» курси ҳуқуқ тизимининг ягона бир тармоғини ўз ичига олади ва тегишили дастур асосида ўрганилади. Мазкур курсни ўрганиш ҳар бир фуқаронинг экологик – ҳуқуқий билимларини кенгайтиради, мустақил Ўзбекистоннинг барча табиат бойликларини муҳофаза қилиш, экологик талабларни ҳуқуқий баҳолаш, фуқароларнинг ҳуқуқий экологик онгини, маънавияти ва маданиятини ўстириш ҳамда ҳуқуқий экологик билимларини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ушбу китобни яратишда асосий ҳуқуқий манба сифатида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ер кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», Олий Мажлиснинг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида», «Ер ости бойликлари тўғрисида», «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида», «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида», «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида», «Ўрмон тўғрисида», «Маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида», «Экологик экспертиза тўғрисида» ва «Чиқиндилар тўғрисида» қабул қилган қонунлари асос қилиб олинди. Мазкур муаммоларни ёритиш ва ечишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатлар асосий манба бўлиб хизмат қилди.

Маълумки, «Экология ҳуқуқи» фани асосан 1980 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг кўплаб олий ўқув юртларида ўқитила бошланган эди. Бу курс ҳозир олий ўқув юртларда олиб борилаётган «Экология» курсидан фарқ қилиб, мавжуд табиат бойликлардан экологик – ҳуқуқий асосда оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга қаратилган масалаларни ўз ичига олади.

Дарслик икки қисмдан, яъни Умумий ва Maxsus қисмлардан иборат:

Умумий қисмнинг I бобида экология ҳуқуқининг моҳияти, предмети, методи, тизими, принциплари ва манбалари ўз аксини топган, II боб табиат ресурслари (объектлари)га нисбатан мулк ҳуқуқи масаласига, III боб экология соҳасида давлат бошқаруви ва назоратининг ҳуқуқий-экологик ҳолатига, IV боб эса экологик ҳуқуқбузарлик ва экологик-ҳуқуқий жавобгарлик масалаларига бағишлиланган.

Maxsus қисми V–XIV бобларни ўз ичига олиб, ер, сув, ер ости бойликлари, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, ўрмонлар, атмосфера ҳавоси ҳамда алоҳида муҳофаза этиладиган табиий

худудларнинг экологик-хуқуқий тартибига бағишиланган. Унда шунингдек, экологик-хуқуқий таълим-тарбия ҳамда атроф-табиий мухитни ҳалқаро экологик-хуқуқий муҳофаза қилиш масалалари ҳам ёритилганди.

Дарсликда ҳар бир мавзудан кейин мавзу юзасидан савол ва топшириқлар берилган.

Ушбу китоб Узбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг амалдаги дастурига асосланиб яратилган ва мавзулар 2-курс тингловчиларига мазкур фандан сабоқ олиш учун имкон қадар ёритиб берилган.

Дарслик илк бор нашрга тайёрланиши ва чол этилиши туфайли унда айрим камчиликлар ҳам бўлиши мумкин. Азиз китобхоннинг дарслик юзасидан таклиф ва мулоҳазалари бўлса, бажонидил қабул қиласиз.

## **УМУМИЙ ҚИСМ**

### **I БОБ ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ, УНИНГ ПРЕДМЕТИ, МЕТОДИ, ТИЗИМИ, ПРИНЦИПЛАРИ ВА МАНБАЛАРИ**

#### **1-§. «Экология ҳуқуқи» тушунчаси, предмети ва вазифалари**

Экология ҳуқуқининг моҳиятини билиш учун, аввалимбор, экология сўзининг маъносини англамоқ зарур. Бу термин 1866–1869 йилларда дастлаб немис биологи Эрнест Геккель (1834–1919) томонидан фанга киритилган.

Экология сўзи грекча **«oikos»** – «уй», «тураг жой» ва **«logos»** – «таълимот» ёки, кенгроқ маънода, табиатда, қандай жамият бўлишидан қатъи назар, тирик организмлар (мавжудотлар) яшайдиган макон ҳақидаги таълимотдир.

«Экология» тушунчаси амалиётга жуда секинлик билан кириб келди. XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида инглиз физиологи И. Бердонсандерсон, америкалик олимлар С. Фарбе ва К. Шретер экология тўғрисида ёздилар. Экология XX асрнинг бошларига келиб фаннинг мустақил соҳаси сифатида шаклланди.

Экология хусусида 1913 йил АҚШда Ч. Эдамснинг «Ҳайвонлар экологиясини ўрганишга оид қўлланма», инглиз зоологи Ч. Элтоннинг «Ҳайвонлар экологияси», Россия экология мактабининг асосчиларидан зоолог олим Д. Н. Кашкаревнинг «Ҳайвонот экологияси асослари» каби китоблари ҳозирги даврда ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ.

Умуман олганда, экология ҳуқуқининг фан сифатида шаклланишида ҳуқуқшунос олимларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш зарур. Мазкур фаннинг асосчиси сифатида М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети ер ва колхоз ҳуқуқи кафедрасининг мудири Н. Д. Казанцевнинг хизмати катта бўлган.

Экология ҳуқуқи дастлаб «Табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилиш» номи билан 1960 йилнинг сентябрь ойидан Қозон университетида, 1973 йилдан бошлаб М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетида алоҳида фан сифатида ўқитила бошланган. Узбекистон Республикасининг олий ўқув юртларида у алоҳида фан тармоғи сифатида 1980 йилдан бошлаб ўқитилмоқда.

Экология ҳуқуқи ҳуқуқ тизимининг ягона бир тармоғи ҳисобланиб, у табиат, жамият ва, умуман, инсоният ўртасидаги ўзаро экологик муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади, унинг экологик-ҳуқуқий принципларини, нормаларини ўрганувчи фан сифатида шаклланиб боради. Чунки инсон табиатдан фойдалана бориб, унинг географик мұхитини ўзgartиради, умуман, табиийлигига путур етказиб, ривожланиш мувозанатини бузади, табиий жараёнига салбий таъсир күрсатади. Бундай экологик салбий таъсирнинг оқибати эса табиатдаги ўзаро мутаносибликка зарар етказиб, биосфера ва инсон ўртасидаги мувозанатнинг бузилишига олиб келади. Шунинг учун ҳам табиат, жамият ва инсон ўртасидаги мувозанат меъёрини сақлаб қолиш, она табиатдан ва унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш, уларни мұхофаза қилиш инсоният олдиғидеги долзарб вазиға бўлиб қолмоқда. Зоро, табиатни мұхофаза қилиш, экологик муаммоларнинг олдини олиш, экологик ҳуқуқбузарликка қарши курашиш инсониятнинг онгли фаолияти бўлмоғи лозим.

Шундай экан, экология ҳуқуқи табиат, жамият ва инсон ўртасидаги муносабатлар қонуниятларини очиб беради, бошқа экология ҳуқуқи институтларини кенгроқ ўрганиш учун назарий асос ҳисобланиб, экологияга оид сиёсатнинг шаклланишига ва ривожланишига кучли таъсир күрсатади, экологик-ҳуқуқий онг ва тафаккур, экологик-ҳуқуқий маънавият ва маданиятнинг негизини яратади.

Экология ҳуқуқининг ҳуқуқ тизимида мустақил фан тармоғи сифатида тан олиниши унинг предмети ва методига оид маҳсус белгилариdir. Экология ҳуқуқи фанининг предмети у ўрганадиган масалалар мажмуи, яъни табиат, жамият ва инсоният (кишилар) ўртасидаги ўзаро табиий мутаносибликни сақлаш ҳамда экологик-ҳуқуқий муносабатларни мустаҳкамлашдан иборатdir.

Экология ҳуқуқи бошқа ҳуқуқ тармоқларидан ўзининг субъекти ва обьектига эгалиги, давлат экологик бошқарув тизими мавжудлиги, экологик-ҳуқуқий нормаларга риоя қилиш, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уларни мұхофаза этиш, халқаро экология ҳуқуқи нормалари билан боғлиқлиги нұқтаи назаридан фарқ қиласади. Буни кенг маънода экологияга оид муаммоларнинг чегара билмаслиги ва глобал тусга эга эканлиги билан тушунтириш мумкин.

Ҳозирги кунда барча фанлар қатори экология ҳуқуқининг бир қатор вазифалари мавжуд. Бу вазифалар унинг мақсадлари билан чамбарчас боғлиқ.

Экология ҳуқуқининг асосий мақсади – табиат, жамият ва инсон ўртасидаги мувозанатни сақлаш әвазига, ҳозирги ва

келажак авлод учун табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уларни ҳуқуқий экологик муҳофаза қилиш ҳамда жамиятнинг экологик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишдан иборатdir.

Шундай қилиб, экология ҳуқуқи фанининг ҳозирги кундаги асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ва унинг ана шу хусусияти билан боғлиқ экологик сиёсатини мустаҳкамлаш;
- мустақил республикамиздаги мавжуд табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уларни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш;
- иқтисодий, ҳуқуқий, географик ва миллий хусусиятларни инобатта олиб экология соҳасида қабул қилинган қонунлар устуворлигини таъминлаш;
- ҳалқимиз, айниқса ёшлар, ўртасида экологик-ҳуқуқий таълим-тарбияни ривожлантириш;
- омманинг экологик-ҳуқуқий маънавияти ва маданиятини янада юксалтириш;
- экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиб чора-тадбирларини мустаҳкамлаш;
- ҳалқаро экология ҳуқуқи принципларига риоя этиш, уни бажариш ва ҳалқаро экология ҳуқуқи талаблари асосида иш олиб бориш.

## 2-§. Экология ҳуқуқи курсининг тизими ва методи

Экология ҳуқуқи курси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган Умумий ва Maxsus қисмлардан иборат. Экология ҳуқуқи курсининг тизими, экологик қонуниятларга асосан, ўзаро боғлиқ экология ҳуқуқи институтларининг мантиқий жойлашиш мажмуи ҳисобланади.

Экология ҳуқуқи Maxsus қисмининг нормаларини амалда жорий этишда Умумий қисм нормаларининг қоидалари татбиқ этилади. Умумий қисмнинг нормалари фақат Maxsus қисмнинг нормалари асосида ёки биргаликда қўлланилади.

Maxsus қисм нормаларини қўллашда Умумий қисм нормалари йўналтирувчи ва тартибга солувчи ҳисобланади. Шундай экан, экология ҳуқуқи Maxsus қисмининг нормалари Умумий қисм нормаларининг қоидалари ва институтларига асосланган ҳамда унга мувофиқdir.

Экология ҳуқуқининг **Умумий қисми** ҳамма қисмларга ва институтларга тегишли умумий масалаларнинг бир тартибда кўриб чиқилиши ва ўрганилишини акс эттиради. Унда «экология ҳуқуқи» тушунчаси, предмети, методи, тизими, принциплари ва

манбалари, табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқи, экология соҳасида давлат бошқаруви ва назоратининг экологик-ҳуқуқий ҳолати, экологик ҳуқуқбузарлик ва экологик-ҳуқуқий жавобгарлик масалалари ўрганилади. **Махсус қисмидা** эса ер, сув, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ўрмон, атмосфера ҳавоси, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг экологик-ҳуқуқий тартиби масаласи аниқ ёритилган. Шунингдек, экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбия ҳамда атроф-табиий муҳитни ҳалқаро экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш масаласи кўриб чиқилган.

Ҳар қандай ўқув фани муайян методга, яъни ўрганилаётган ҳодисаларни англаб етиш усул ва воситаларига эга бўлади.

Экология ҳуқуқининг методини табиат, жамият ва инсон ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, мувозанатни акс эттирувчи экологик-ҳуқуқий билимлар олишда қўпланиладиган илмий фаолият принциплари, қоидалари, усувлари ташкил қиласди.

Умуман олганда, методларни хусусиятига кўра икки гурухга бўлиш мумкин: биринчиси – барча ўқув фанларига хос бўлган методлар бўлиб, уларнинг асосида табиат, жамият ва тафаккурнинг умумий қонуниятлари ётади; иккинчиси – маҳсус методлар бўлиб, уларга тарихий, мантикий, социологик, қиёсий, кибернетик ва системали методлар киради.

Ушбу талабдан келиб чиқадиган бўлсак, экология ҳуқуқи курсининг методлари табиат, жамият ва инсон ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва мувозанат, уларнинг ривожланиш қонуниятлари, табиатни ҳозирги ва келажак авлод учун сақлашнинг ахволи ва моҳияти ҳақида экологик-ҳуқуқий билим олишга ёрдам берувчи усул ва воситалар бирлигидан иборат.

Экология ҳуқуқи курсининг методлари (усувлари) ўзаро боғлиқ бўлган муайян тизимни ташкил қиласди ва бу тизимга бир қанча методларни киритиш мумкин. Қуйида уларга батафсилроқ тұхталамиз.

**Тарихий-ҳуқуқий метод** экология соҳасида табиат, жамият ва инсон ўртасидаги ўзаро табиий боғлиқликни тарихий асосда ўрганишни тақозо этади. Мазкур методда кишилик жамиятининг турли даврларида рўй берган экологик ҳодисалар, табиат ва инсон ўртасидаги муайян мутаносибликлар ҳақида тегишли экологик-ҳуқуқий билим олиш имконини берадиган тарихий-ҳуқуқий экологик манбалар, қонулар, бошқа ҳуқуқий нормалар тарихий жиҳатдан таҳлил қилинади.

**Мантикий метод** экологик-ҳуқуқий муаммоларни ўрганишда, экологик ҳуқуқбузарликларга баҳо беришда ҳар томонлама түғри мантикий хулоса чиқаришга ундаиди, экология ҳуқуқи фанини

ўрганишда, экологик қонун хужжатларини қўллашда маълум зиддиятларни келтириб чиқаришнинг олдини олади.

*Социологик метод* экологик муаммоларни ҳал қилишда, турли сўровлар орқали ўрганишни, анкеталар ёрдамида экология соҳасида турли маълумотлар тўплашни, экологик-хукуқий статистик маълумот ва олинган натижалардан фойдаланишни талаб қиласди. Бу метод орқали экологик-хукуқий таълим-тарбия, экологик-хукуқий маънавият ва маданият ҳамда экология борасида олиб бориладиган бошқа тадбирларнинг самарадорлиги аниқланиши мумкин.

*Қиёсий метод* экологик муаммолар ва уларнинг олдини олиш, экологик ҳукуқбузарлик ва уларга қарши кураш ёки экология соҳаси билан боғлиқ барча ҳодисалар, тушунчалар, назария ва ғоялар, жараёнларни ўзаро солиштириш, таққослаш ва шу асосда улар ўртасидаги мавжуд ўхшашликлар ҳамда фарқларни аниқлаш имконини беради. Экологик муаммоларни билиш ва ҳал қилишда турли мамлакатларнинг экологик-хукуқий қонунлари таққослаб ўрганилиши мумкин.

*Кибернетик метод* экология муаммосини ёки экология ҳукуки олдига қўйилган барча вазифаларни ҳал қилиш борасида, математик, статистик, ахборот қидирув тизимини яратишда ушбу методларни қўллаган ҳолда ҳукуқий-экологик статистик ахборотни компььютерлар ёрдамида билиб олиш, сақлаш, қайта ишлашда турли хил техника воситаларини қўллашни ўрганишга ёрдам беради.

*Системали метод* экология ҳукуки фани экологик муаммоларни ўрганиш ва уларни ҳал қилиш, ушбу глобал муаммонинг олдини олишда тизимли ёндашувни ҳисобга олган ҳолда илмий объективлик ҳамда тарихийлик принципларига асосланади.

Ушбу методлар, деярли барча фанларга хос бўлиб, бевосита экология ҳукуки фанида ҳам қўлланиши мумкин. Бундан ташқари, экология ҳукуқининг бир қатор ўзига хос методлари ҳам мавжуд.

*Табиатни муҳофаза қилишининг ҳукуқий методи* – табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш ишида экологик назоратнинг давлат ва жамоат усусларини қўллаш, экология соҳасида бошқарувни ташкил этишда тақиқловчи, рухсат берувчи, тавсия қилувчи, мажбурловчи, компенсацияловчи ва бошқа нормаларни ҳукуқий жиҳатдан белгилаш, экологик ҳукуқбузарликлар учун экологик-иктисодий ва юридик жавобгарлик чораларини белгилаш, етказилган экологик зарарни қоплаш ёки тўлаш тадбирларини ўз ичига олади.

*Табиатни муҳофаза қилишининг маъмурий ҳукуқий методи* асосан табиатни муҳофаза қилиш ёки экология соҳасида, табиат

ресурсларидан оқилона фойдаланишда келиб чиқадиган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий бошқариш йўли бўлиб, тақиқловчи, олдини олувчи ҳамда мажбурловчи нормаларни кўллаш орқали амалга оширилади.

*Табиатни муҳофаза қилишининг фуқаровий-ҳуқуқий методи* – жамиятдаги муносабатларни экологик-ҳуқуқий бошқариш йўли бўлиб, моддий (иқтисодий) манфаатдорликни қўллаш орқали табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишдан келиб чиқади.

*Экологлаштириш методи* – экология соҳасидаги барча муаммоларни ҳал этишда, экология ҳуқуки нормаларини қабул қилишда, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда, табиат, жамият ва инсон ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлашда «экологиялаштириш», яъни экологик талабга жавоб берадиган технологиялар жорий этиш ва экологик муозанатни сақлашда намоён бўлади.

### **3-§. Экология ҳуқуқининг принциплари**

Экология ҳуқуки предмети ва методларини ҳуқуқий тартибга солишда унинг принциплари катта аҳамиятга эга. Экология ҳуқуки курсининг принциплари деганда, экология ҳуқуки нормаларида мустаҳкамлаб қўйилган, унинг умуман мазмунини ва алоҳида институтлари мазмун ва моҳиятини белгиловчи назариянинг фоялари тушунилади. Шуниси эътиборлики, экология ҳуқуқининг принциплари табиат, жамият ва инсон ўртасидаги чамбарчас боғлиқликни мустаҳкамлайди. Зоро, экология ҳуқуки курси принципларининг ўзига хослиги шундаки, у мазкур фаннинг, табиатни муҳофаза қилишининг асосий мақсад ва вазифалари билан мустаҳкам боғлиқ.

Экология ҳуқуки фаннинг принциплари ва моҳияти Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»<sup>1</sup> қонунининг 3–4-моддалари талабидан келиб чиқади. Ушбу принциплар қуидагилардан иборат:

- 1) табиат ресурсларидан оқилона, самарали фойдаланиш ва уларнинг муҳофазасини таъминлаш;
- 2) инсоннинг яшаш мұхити бўлмиш биосфера ва экологик тизимлар барқарорлигини сақлаш;

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. № 1. 37-м.

3) инсон ва унинг келгуси авлодлари генетик фонди ҳақида ғамхўрлик қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш;

4) фуқароларнинг ҳаёт учун қулай табиий мұхитта эга бўлиш ҳукуқини таъминлаш;

5) таълим муассасаларида экологик ўқишнинг мажбурийлиги;

6) жамиятнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини илмий асосланган ҳолда уйғунлаштириш;

7) табиатдан маҳсус фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш ва умумий асосларда фойдаланганлик учун ҳақ тўламаслик;

8) экологик экспертиза ўтказишнинг мажбурийлиги;

9) табиатдан оқилона фойдаланишни ва табиатни муҳофаза қилишни рағбатлантириш;

10) табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишда ошкоралик;

11) табиат ресурсларини доимо тиклаб боришининг зарурлиги;

12) табиатни муҳофаза қилиш соҳасида миллий, минтақалароро ва халқаро манфаатларни уйғунлаштириш;

13) табиатни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлашда давлатнинг ташқи ва ички экологик сиёсатини мустаҳкамлаш;

14) табиатни муҳофаза қилиш қонунлари талабларини бузганлик учун жавобгарлик.

Мазкур принципларнинг устунлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (50, 54, 55, 93, 100 ва бошқа моддаларида) ўз аксини топган ва мустаҳкамланган.

Экологик-аграр қонунларнинг ҳаммасида ҳам аниқ принциплар кўрсатилмаган. Аммо Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ер кодексида<sup>1</sup> ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий принциплари аниқ кўрсатиб берилган.

#### **4-§. Экология ҳукуқининг манбалари**

Барча фанлар каби экология ҳукуқи фани ҳам ўзининг манбаларига эга. Табиат, жамият ва инсон ўртасидаги экологик муносабатларни ҳуқуқий тартибга соладиган норматив экологик-ҳуқуқий ҳужжатлар экология ҳукуқининг манбалари ҳисобланади.

Норматив экологик-ҳуқуқий актлар – тегишли ваколатли давлат органининг белгиланган тартибда қабул қилган юридик

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998 № 5–6. 82-м.

хужжати ҳисобланиб, умуммажбурий хусусиятга эга. Шунингдек, норматив экологик-хуқуқий хужжатлар ҳам бир қатор хусусиятларга эга:

1) улар экологик-хуқуқий нормаларни белгилаб беради, ўзгартиради ва бекор қиласди;

2) уларда табиатни муҳофаза қилишга оид қоидаларнинг мазмуни батафсил ёритилади;

3) белгиланган экологик-хуқуқий нормаларга умуммажбурий тус беради ёки табиатни муҳофаза қилиш борасида илгари белгиланган экологик-хуқуқий нормаларнинг амал қилишини бекор қиласди ёки тўхтатади.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикасида экология ҳуқуқи фанининг тарихий ривожланиши қуйидаги босқичлардан иборат:

1924–1957 йиллар – Ўзбекистонда дастлабки ер-сув, аграр ислоҳотларнинг ўтказилиши ва олиб борилиши;

1957–1963 йиллар – Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилишга оид қонунларнинг қабул қилиниши;

1968–1981 йилларда республиканизнинг ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмон, ҳайвонот дунёси ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларининг кодификация қилиниши;

1985–1990 йиллар – табиатни муҳофаза қилишга оид бир қатор ўзгаришлар, табиатни муҳофаза қилиш бўйича маҳсус давлат қўмитасининг ташкил этилиши;

1991 йилдан ҳозирги давргача – Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги, сабиқ Иттифоқнинг емирилиши ҳамда бир қатор экологик ва аграр аҳамиятга эга бўлган қонунларнинг қабул қилиниши.

Демак, биз юкорида тўхталиб ўтган норматив экологик-хуқуқий хужжатлар бир қанча турларга бўлинishi мумкин. Уларга батафсилроқ тўхталамиз.

1. **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг экологияга оид қоидалари** (50, 54, 55, 93, 100-моддалари). Барча экологик-аграр қонунлар Конституция талабларига мос равишда қабул қилинади.

2. **Экологияга оид қонунлар** – Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсатини мустаҳкамловчи ҳуқуқий нормалар. Улар Олий Мажлис сессияларида муҳокама этилгач, матбуотда эълон қилиниб, ҳалқ муҳокамасидан кейин тегишли таклифлар инобатга олиниб қабул қилинади.

Улар жумласига: «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» (1992 й.), «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» (1993 й.), «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида» (1993 й.), «Ер ости бойликлари тўғрисида» (1994 й.), «Атмосфера ҳавосини

муҳофаза қилиш тўғрисида» (1996 й.), «Ўсимлиқ дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» (1997 й.), «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» (1997 й.), «Урмон тўғрисида» (1999 й.), «Экологик экспертиза тўғрисида» (2000 й.), «Чиқиндилар тўғрисида» (2002 й.)ги қонунларни ва Ер кодекси (1998 й)ни киритиш мумкин.

3. **Ўзбекистон Республикаси Президентининг экологияяга оид фармонлари** экологик муаммоларни ҳал қилишга, уларнинг олдини олишга ҳамда табиатни муҳофаза қилишга қаратилган норматив-хуқуқий хужжатлар бўлиб, экология хуқуқи фанининг яна бир манбаи ҳисобланади.

Президентимиз мустақиллик даврида қабул қилган бир қатор фармонлар экология масалаларини ҳал қилишга қаратилган бўлиб, бениҳоя катта экологик, иқтисодий, сиёсий ижтимоий ва ҳалқаро аҳамиятга эга. Улар жумласига:

- «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида»ги 1990 йил 28 июль фармони;
- «Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги 1991 йил 11 май фармони;
- «Ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 1994 йил 14 ноябрь фармони;
- «Хуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг хуқуқий маданият даражасини юксалтириш, хуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш тўғрисида»ги 1997 йил 25 июнь фармони;
- «Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги 1998 йил 2 март фармони;
- «Ўзбекистон Республикасининг Ер ресурслари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги 1998 йил 24 июль фармони;
- «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солигини жорий этиш тўғрисида»ги 1998 йил 10 октябрь фармони ва бошқа кўплаб хужжатлар киради.

4. **Вазирлар Маҳкамасининг табиатни муҳофаза қилиш ва экология муаммоси билан боғлиқ қарор ва фармойишлари** Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан қабул қилиниб, республиканинг экологик қонунлари ва Президент фармонларини амалга оширишга қаратилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг:

- «Саноат теракчилигини ривожлантириш ва бошқа тез ўсувлари ёғочбоп дарахтзорлар барпо этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1994 йил 8 февраль қарори;

- «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1998 йил 29 май қарори;
- «Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга оид қонун хўжатлари га мувофиқ қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) тузиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1998 йил 15 июль қарори;
- «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида бошоқли дон экинлари уруғчилиги республика бошқармасини ташкил этиш тўғрисида»ги 1998 йил 7 август қарори;
- «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги давлат автомобил назорати ҳодимларининг масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1998 йил 14 ноябр қарори;
- «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси «Давсув хўжаликназарат»ни ташкил қилиш тўғрисида»ги 1999 йил 24 марта қарори;
- «Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1999 йил 1 июнь қарори ва бошқа бир қатор ҳўжатлар мамлакатимиздаги экологик муаммоларни ҳал қилиш ва уларнинг олдини олиш, шунингдек, аграр ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган.

5. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг экология ва табиатни муҳофаза қилишга оид **буйруқ** ва **йўриқномалари** давлат бошқаруви органларининг норматив-ҳуқуқий ҳўжатларидир. Масалан: Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Ўрмон қўмитаси, Саноат ва кончилиқда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Адлия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ва бошқалар қабул қилган буйруқ ва йўриқномалар экология ҳуқуқининг ҳам манбаи бўлади.

Улар Конституциямизга асосан қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикасининг экологик қонунлари ва Президентнинг ушбу соҳадаги фармонлари ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, улар Қорақалпоғистон Республикасининг экологик масалаларга оид норматив ҳўжатлари ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, улар Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида амал қиласди.

7. Давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг табиатни муҳофаза қилиш ва экология муаммоларини ҳал қилишга қаратилган **қарорлари**. Тъқидлаш жоизки, давлат ижроия ҳокимият органларининг экология ва табиатни муҳофаза оид норматив-хуқуқий ҳужжатлари вакилллик органлари ҳамда юқори турувчи ижроия органларининг экология ва табиатни муҳофаза қилишга оид ҳужжатларига мувофиқ келиши шарт.

## **5-§. Экология ҳуқуқининг бошқа ижтимоий ва ҳуқуқий фанлар билан боғлиқлиги**

Экология ҳуқуқи фан сифатида турли ижтимоий ва ҳуқуқий фанлар билан чамбарчас боғланган. Бу алоқадорлик ушбу фанларнинг ўрганиш обьекти умумийлигидан келиб чиқади. Улар ўз предмети доирасида табиат, жамият ва инсон ўртасидаги муносабатлар ҳамда у билан боғлиқ турли ижтимоий ҳодисаларни ўрганади. Бу фанларнинг алоҳида хусусияти шундаки, улар ўзлари ўрганадиган фан соҳасига ва унинг аниқ предметига эга бўлади. Шундай экан, экология ҳуқуқи ижтимоий фанлар бўлмиш иқтисодиёт, сиёсатшунослик, фалсафа ва социология билан чамбарчас боғлиқидир.

**Иқтисодий фанлар ва экология ҳуқуқи.** Иқтисодий фанлар ишлаб чиқариш муносабатлари тизими, хўжалик ҳаётини ташкил этиш, хўжалик соҳаларининг меҳнат, молия каби асосий ҳодисаларини ўрганади. Экология ҳуқуқи эса табиат, жамият ва инсон ўртасидаги иқтисодий ҳолат билан боғлиқ бўлган ҳодисаларни экологик нуқтаи назардан ўрганади.

Экология ҳуқуқининг яна бир хусусияти шундаки, у иқтисодий муносабатларни амалга оширишда ҳар бир табиат обьектидан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни талаб этади.

**Сиёсатшунослик ва экология ҳуқуқи.** Сиёсатшунослик сиёсий ҳодисалар, уларнинг шакллари, сиёсий жараёнлар, сиёсий ҳокимият ва давлат ҳокимиятига эришиш воситалари, партиялар фаолияти, давлат ва шахснинг ўзаро муносабатлари каби кўплаб сиёсий муаммоларни ўрганади.

Экология ҳуқуқи эса инсон ва табиат ўртасидаги алоқадорлик, давлатнинг экологик сиёсати ва унинг халқаро миқёсда тутган ўрни кабиларни ўрганади.

**Фалсафа ва экология ҳуқуқи.** Фалсафа табиат, жамият ва инсон билиш жараёни ривожланишининг умумий қонуниятларини ўрганади. У табиат, жамият ва инсон ўртасидаги экологик-ҳуқуқий масалаларни ҳам умумий тарзда, ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганиши мумкин. Аммо, экология ҳуқуқи фани фалсафий

хulosаларга таянган ҳолда, табиат, жамият ва инсон ўртасидаги турли муаммоларни экологик- ҳуқуқий жиҳатдан ўрганади ҳамда бир қатор назарий ва амалий хulosалар чиқаради.

*Социология ва экология ҳуқуқи.* Социология жамиятнинг яхлит ва алоҳида тузилиши, ижтимоий гурӯҳлар тўғрисидаги социал жараёнлар, алоҳида шахслар ва гурӯҳлар хулқ-авторининг қонуниятлари ҳақидаги фан ҳисобланади. Социология ўзининг хulosаларида ижтимоий тажриба ва сўров маълумотларига асосланиб иш олиб боради. Экология ҳуқуқи эса табиат, жамият ва инсон ўртасидаги муаммоларни ечишда, уларнинг олдини олишда социологик тадқиқотлар, сўровлар, ижтимоий тажриба хulosалари, экологик-ҳуқуқий фикр ва дунёқарашга эга бўлган фоялардан фойдаланади.

*Ҳуқуқий фанлар ва экология ҳуқуқи.* Экология ҳуқуқи юридик фанлар билан узвий алоқадордир. Давлат ва ҳуқуқ назарияси умумметодологик назарий фан сифатида экология ҳуқуқи фанининг асосий пойдевори ҳисобланади.

Экология ҳуқуқи фанининг ҳаётитилиги ҳам, хусусияти ҳам шундаки, у ҳуқуқ тизимида алоҳида аҳамиятга эга бўлган қуйидаги фанлар билан чамбарчас боғлиқдир:

- 1) сиёсий таълимотлар ва ҳуқуқий қарашлар тарихи;
- 2) давлат ҳуқуқи, давлат қурилиши ва бошқаруви, маъмурий ҳуқуқ ва молия ҳуқуқи; инсон ҳуқуқи; конституциявий ҳуқуқ;
- 3) фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, фуқаролик процессуал ҳуқуқи, ҳалқаро ҳуқуқ, ҳўжалик ҳуқуқи; меҳнат ҳуқуқи;
- 4) қишлоқ ҳўжалик ҳуқуқи, ер, сув, ўрмон ва тоғ-кон ҳуқуқлари;
- 5) жиноят ҳуқуқи ва жиноят-процессуал ҳуқуқ, криминология, прокурор назорати ҳуқуқи;
- 6) мусулмон ҳуқуқи, солик, божхона ва бошқа ҳуқуқ тизими соҳалари.

Хуллас, экология ҳуқуқи фани жуда долзарб фан бўлиб, у глобал экологик муаммоларни ўрганишда, уларни ҳал этишда юқоридаги ижтимоий ва ҳуқуқий фанларнинг назарий қоида ва хulosаларига бевосита таяниб иш олиб боради.

### ***Такрорлаш учун савол ва топшириқлар***

1. Табиат, жамият ва инсон ҳаётининг ўзаро боғлиқлиги нималарда кўринади?
2. Экология ҳуқуқи фанининг вазифалари нималардан иборат?
3. Экология ҳуқуқининг асосий принципларини айтиб беринг.
4. Экология ҳуқуқи яна қандай бошқа ҳуқуқий соҳалар билан боғлиқ?

5. Экология ҳуқуқининг манбаи ва унинг ривожланиш босқичларини санаб беринг.
6. Экологик-ҳуқуқий манбаларнинг хусусиятлари нималардан иборат?
7. Экология ҳуқуқи фанининг манбалари ва уларнинг ўзига хослигини гапириб беринг.
8. Экология ҳуқуқининг объектларига нималар киради?
9. Экология ҳуқуқининг методи ва тизимини айтиб беринг?

## II БОБ ТАБИАТ РЕСУРСЛАРИ (ОБЪЕКТЛАРИ)ГА НИСБАТАН МУЛК ҲУҚУҚИ

### **1-§. Табиат ресурслариға нисбатан мулк ҳуқуқи ва унинг асосий белгилари**

Табиат ресурслари, яъни ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ўрмон, атмосфера ҳавоси ва бошқаларга нисбатан бўлган мулкчилик энг муҳим сиёсий ва иқтисодий аҳамият касб этади. Ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида ўз ифодасини топган. Унга асосан, «ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир».

Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий ва маъмурӣ-худудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил равишда белгилайди ҳамда табиат бойликларидан ўз халқи манфаатлари йўлида фойдаланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат мустақиллиги тўғриси»даги қонунига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг моддий асоси унинг мулкидир. Республика ҳудудидаги ер, ер ости бойликлари, сув ва ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ва бошқа ресурслар, республиканинг маънавий бойликлари Ўзбекистон Республикасининг миллий бойлиги, мулки ҳисобланади» (7-мода).

Республикамида мустақиллик йилларида қабул қилинган экологик ва аграр қонунларда юқоридаги конституциявий талаблар мустаҳкамланган.

Олий Мажлиснинг сессияларида қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (5-м.), «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги (3-м.), «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги (4-м.), «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги (3-м.), «Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги (3-м.), «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги (3-м.), «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (1-м.), «Ўрмон тўғрисида»ги (4-м.) қонунларида, Ер кодексида (16-м.)

кўрсатилган талаблар табиат ресурсларига нисбатан белгиланган мулкчиликни қонун доирасида ҳал этишга қаратилган.

Шу билан бирга, табиий ресурсларга нисбатан мулкчилик ҳукукининг қўйидаги белгилари ҳам мавжуд:

1) *табиий ресурсларнинг ажралмаслиги*, яъни маълум бир табиий обьектни мулк сифатида бошқа бир обьектдан ажратиб бўлмаслиги. Масалан, ердан ер ости бойлигини, сувдан балиқни ажратиб бўлмайди. Зеро, сув обьектларига мулк ҳукуки, балиққа бўлган мулк ҳукуқидан ажралмасдир;

2) *табиий ресурсларнинг бебаҳолиги, қийматининг йўқлиги*, яъни айрим табиий обьектлар (тупроқ, ер қаъри, боғ, сунъий ўрмон, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси) эволюцион ривожланиш ва кишилар меҳнат фаолиятининг мужассамлашган ҳолдаги натижаси эканлиги, уларнинг аниқ бир қийматини белгилаб олиш имкони йўқлиги. Масалан, бир пайтнинг ўзида ернинг ҳам кўчмас мулк, ҳам табиий обьектнинг ажралмас бир бўлаги эканлиги;

3) *табиий ресурсларнинг моддиyllиги*, яъни ўзининг обьектив кўрсаткичларига биноан табиий ресурсларни мулк сифатида ўзлаштира ёки ундира олмаслиги. Масалан, атмосфера ҳавоси, фазовий элементлар, иқлим ресурслари ва ҳоказо.

Табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳукукининг хусусиятларини инобатга олиб, тахминан қўйидаги турларга бўлиш мумкин:

а) *умумсиёсий табиий ресурслар* – давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ваколат доирасига кирувчи мудофаа заруратлари, ҳавфсизликни таъминлаш, давлат чегараларини қўриқлаш ва шунга ўхшаш сиёсий вазифаларни бажарувчи табиат обьектлари, ер участкалари ёки сув манбалари;

б) *умумиқтисодий табиий ресурслар* – саноат, транспорт, энергетика, космик тизимлар, ядро ва шунга ўхшаш бошқа иқтисодий зарур обьектлар билан банд бўлган табиий обьектлар ва ер участкалари;

в) *умумэкологик табиий ресурслар* – экологик вазифаларни бажарувчи алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий худудлар, ер участкалари, сув манбалари, акваториялари ва бошқа табиий обьектлар. Ушбу тоифага тарихий ва табиий ёдгорликлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, алоҳида ажратилган табиий обьектлар (тарихий ёдгорликлар, ноёб турдаги дараҳтлар, катта шаршаралар, табиий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган чўққитош, нодир ер ости бойликлари ва муҳим экологик топилмалар киради).

## **2-§. Табиат ресурслариға нисбатан мулк ҳуқуқининг объекти ва субъекти**

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида: «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир», – деб кўрсатилиши табиий ресурсларнинг давлат ва халқ мулки эканлигини билдиради. Масалан, ерга нисбатан давлат мулки деганда, ер устидан ва барча ер фонди тоифаларидан ҳукмронликни, яъни уни тасарруф қилиш ҳуқуқини фақат давлат амалга оширишини тушуниш керак.

Давлат ер эгаси сифатида туғиладиган ҳамма масалаларни ҳал эта олади, яъни уни фойдаланиш учун беради, қайтариб олади, ердан фойдаланиш мақсадларини белгилайди, ер тузиш ишларини амалга оширади ва ҳоказо.

Ер – умуммиллий бойлик деганда эса ундан шу худудда яшайдиган ҳалқ манфаатини кўзлаб фойдаланиш тушунилади. Ҳалқ бевосита ернинг эгаси ҳисобланмайди, яъни ер ҳалқнинг мулки ҳисобланмайди. У бу ҳуқуқни маълум давлат органлари орқали амалга оширади. Ерга нисбатан мулк ҳуқуқини ҳалқ ўзича амалга ошира олмайди. Шунинг учун ҳам, табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқининг субъекти – асосан давлатдир. Демак, давлат қонун асосида табиат ресурсларидан фойдаланиш (ва уни бекор қилиш) ҳуқуқига эга бўлади ҳамда қонун асосида уни бошқа фойдаланувчиларга беради.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 17-моддасига асосан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуклари белгиланиб, «юридик шахслар ушбу кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин».

Жисмоний шахслар ушбу кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин».

Ўзбекистон Республикаси «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунининг 18-моддасида «мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, деҳқон хўжаликлари ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар

сувдан фойдаланувчилар бўлишлари мумкин. Қонунларда назарда тутилган ҳолларда бошқа ташкилотлар ва шахслар ҳам сувдан фойдаланувчи бўлишлари мумкин»лиги кўрсатилган.

Демак, Ўзбекистон Республикасида табиий ресурслардан умумий ва маҳсус йўсинда фойдаланилади. Табиатдан умумий тарзда фойдаланиш фуқаролар томонидан ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондириш учун текинга табиий ресурсларни айrim фойдаланувчиларга биритирмай ва ҳеч қандай рухсатномалар бермай туриб амалга оширилади. Табиатдан маҳсус йўсинда фойдаланиш тариқасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларга ишлаб чиқариш ва ўзга хил фаолиятни амалга ошириш учун табиий ресурслар ҳақ олиб маҳсус рухсатномалар асосида эгалик қилишга, фойдаланишга ёки ижарага берилади (Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни, 6-модда).

Табиий ресурсларга нисбатан мулкчиликнинг объекти табиий ресурслар, яъни ер, сув, ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ер ости бойликлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 8-моддасида кўрсатилган барча ер фонди тоифалари, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида кўрсатилган ягона давлат сув фонди, «Ўрмон тўғрисидаги қонун»нинг 5-моддасида кўрсатилган давлат ўрмон фонди, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида кўрсатилган ўсимлик дунёси объектлари, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида кўрсатилган ҳайвонот дунёси объектлари, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида кўрсатилган ер ости бойликлари давлат фонди ва бошқалар табиий ресурсларга нисбатан мулкчиликнинг объекти ҳисобланади.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 168-моддасига асосан, фуқаролар, юридик шахслар ва давлат мулк ҳуқуқининг субъектлари бўлади. Мулк ҳуқуқининг объекти масаласи ҳам Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида аниқ кўрсатилган.

«Ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар, корхоналар, ашёлар, шу жумладан бинолар, квартиralар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, хомашё ва маҳсулот, пул, қимматли қофозлар ва бошқа мол-мулк, шунингдек интеллектуал мулк объектлари мулк бўлиши мумкин» (Фуқаролик кодекси, 169-модда).

### **3-§. Табиат ресурсларига нисбатан мулк ҳуқуқининг мазмуни ва моҳияти**

Табиат ресурсларига нисбатан мулк ҳуқуқининг мазмуни асосан учта элементдан: табиат ресурсларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш ҳуқуқидан иборат. Мазкур ҳолат Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 164-моддасида мустаҳкамланган. Унга асосан, «мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборат. Мулк ҳуқуқи муддатсизdir». Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тўғрисида»ги қонунига асосан, ўрмондан фойдаланувчилар ўрмонни тасарруф қилиш ҳуқуқига эга эмас. Зеро, бу ҳуқук фақат ўрмоннинг эгаси бўлган давлатда сақланиб қолади. Бундан кўриниб турибдики, ўрмондан фойдаланувчи субъектлар ўрмоннинг мулк ҳуқуқи асосидаги эгаси ҳисобланмайдилар ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқига эга эмаслар. Ушбу ҳолатдан хулоса қилиб айтиш мумкинки, «Ўрмон тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасига асосан, ўрмондан фойдаланувчи субъектлар фақат ўрмонга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Табиат ресурсларидан фойдаланувчи субъектларнинг табиат ресурсларидан фойдаланишга оид муносабатларида табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқи катта аҳамиятга эга. Бу ҳуқук орқали табиий ресурслардан фойдаланувчи субъектлар ўзларини табиий ресурснинг **«хўжайини»** сифатида ҳис этадилар. Мазкур ҳуқук туфайли табиий ресурслардан фойдаланувчилар қонунда белгиланган тартибда ундан мустақил тарзда фойдаланишлари мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 17-моддасида юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари аниқ кўрсатилган. Ушбу қонуннинг 20-моддасида «Ер участкаларига доимий ва муддатли (вақтинча) эгалик қилиш ҳамда улардан доимий ва муддатли (вақтинча) фойдаланиш ҳуқуқи» ҳам аниқ ўз аксини топган.

Табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқининг мазмуни ҳақида фикр юритилганда, мазкур ҳуқуқнинг чекланиши, тутатилиши масалалари ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Ана шундай ҳолатлар «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддасида, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 34-моддасида, «Ўрмон тўғрисида»ги қонуннинг 40-моддасида, Ер кодексининг 42-моддаларида қонуний ифодасини топган.

Табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи мазмунининг ўзгариши фойдаланишда бўлган табиат обьектларининг бир тоифадан иккинчи тоифага ўтиши, айрим майдонлардан фойдаланиш режимиининг ўзгариши билан боғлиқ. Зотан, табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида гап боргандা, бу ҳуқуқни бекор қилиш ёки тўхтатиб қўйиш масаласи ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш тартиби «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 37-моддасида, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни бекор қилиш тартиби Ер кодексининг 36-моддасида ва бошқа қонунларда ўз аксини топган.

Табиат ресурсларига нисбатан мулк ҳуқуқининг мазмуни табиат обьектларидан фойдаланувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Уларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши англаб этишлари ҳамда уларга риоя қилишлари табиат ресурсларидан оқилона фойдаланилиши, уларнинг муҳофаза этилиши, экологик қонунчиллик талабларининг бажарилиши, белгиланган талабларнинг бузилмаслигига хизмат қиласди.

Амалдаги бир қатор қонунларда, жумладан: Ер кодексининг 39–42-моддаларида – ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси эгасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, «Ўрмон тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддасида – ўрмондан доимий фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, 22-моддасида – ўрмондан вақтинча фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ кўрсатилган.

Хуллас, юқоридаги барча ҳолатлар табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, содир этилиши мумкин бўлган экологик ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш учун асосий ҳуқуқий манба бўлади.

#### **4-§. Табиат ресурсларига нисбатан мулк ҳуқуқининг шакллари**

Ҳозирги даврда иқтисодиётимизни кўп укладли иқтисодий тизимга ўтказиш мулкнинг ҳар хил шаклларини ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб берди. Бундан асосий мақсад мавжуд имкониятлардан оқилона, илмий асосланган тарзда, чуқур мулоҳаза ва таҳлиллар асосида фойдаланишdir. Демак, иқтисодиётимизга мулкнинг у ёки бу шаклини жорий қилишда, ишлаб чиқаришни ташкил этишда, мулкчиликнинг ҳар хил шаклларини амалиётга жорий қилишда унинг сиёсий, иқтисодий, моддий ва ижтимоий томонларини чуқур мулоҳаза қилиш лозим.

Бу табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқи муаммоларини тўғри ҳал этишга имкон беради. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 167-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасида мулкнинг хусусий ва оммавий шакллари мавжуд. Табиат ресурсларига нисбатан мулкчилик, асосан давлат ихтиёридадир. Табиат ресурсларига нисбатан хусусий мулкчиликни қўллаш мумкинми, деган савол туғилиши табиий.

Умуман олганда, табиат ресурсларининг ҳар қандай обьектига ҳам хусусий мулкчиликни жорий этиб бўлмайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексинининг 18-моддасига асосан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси обьектлари улар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вужудга келади.

Дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенгглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган ҳалқаро ташкилотларнинг ер участкаларига нисбатан мулк ҳуқуқи уларга ўзлари ваколатхона сифатида фойдаланаётган иморат ёки иморатнинг қисмлари, шу жумладан ваколатхона бошлигининг қароргоҳи улар жойлашган ер участкалари билан бирга, шунингдек мазкур ваколатхоналарнинг иморатларини қуриш учун ер участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинганда вужудга келади.

Чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг, дипломатия корпуси ходимларининг, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган матбуот вакилларининг, фирмалар, компаниялар ва ҳалқаро ташкилотларнинг доимий ваколатхоналари ходимларининг, чет эл инвестицияси иштироқидаги корхоналарда доимий асосда ишловчи, шунингдек республикада доимий истиқомат қилувчи ва яшаш учун гувоҳномаси бўлган шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи уларга уй-жой бинолари шу бинолар жойлашган ер участкалари билан бирга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинганда вужудга келади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 213–215-моддалари оммавий мулк, республика мулки ва муниципал мулк масалаларига бағишенган. Хусусан, мазкур қонуннинг 214-моддасида: «Ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий бойликлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви республика органларининг мол-мулки, давлат аҳамиятияга эга бўлган маданий ва тарихий бойликлар, республика бюджетининг маблағлари, олтин захираси, давлатнинг валюта фонди ва бошқа фондлари республика мулкидир, шунингдек корхоналар ва бошқа мулкий комплекслар,

ўқув, илмий, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари, интеллектуал фаолият натижалари, башарти булар бюджет ёки давлатнинг ўзга маблағлари ҳисобидан яратилган ёки сотиб олинган бўлса, бошқа мол-мулк республика мулки бўлиши» мумкинлиги кўрсатилган.

Амалдаги қонунчиликка биноан, ер участкалари, ер ости бойиклари жойлашган участкалар ва бошқа алоҳида табиий обьектлар, корхоналар ва бошқа мулкий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ва фойдаланиш жараёнида ўзининг табиий хусусиятларини йўқотмайдиган бошқа ашёлар (истеъмол қилинмайдиган ашёлар) мулк ижарасига берилиши мумкинлиги ҳам таъкидланган (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 537-моддаси).

Хуллас, табиат обьектлари, ресурслари фақат давлат мулки, яъни умуммиллий бойлик бўлиши мумкин. Улар Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан, ижара асосида берилиши ва мерос қилиб қолдирилиши ҳам мумкин. Улар олди-сотди қилинмайди, айрибошланмайди, ҳадя этилмайди, гаровга қўйилмайди, давлат томонидан муҳофаза этилади. Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган ҳоллар бундан мустаснодир.

## **5-§. Табиат ресурсларига нисбатан мулк ҳуқуқини муҳофаза қилишнинг шакл ва усуслари**

Табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқини муҳофаза қилиш ҳар бир обьектдан оқилона фойдаланишини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида «фуқаролар атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар», деб кўрсатилиши табиат ресурсларидан фойдаланувчиларни мазкур обьектлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиб, кўз қорачиғидек асрашга ундейди.

Шунинг учун ҳам, табиат ресурсларига нисбатан давлат мулкчилигини муҳофаза қилиш табиат ресурсларидан фойдаланувчи субъектларнинг мулк ҳуқуқини муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлиб, корхона, муассаса, ташкилотларнинг ушбу ҳолат юзасидан ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш, бу борада давлат назоратини олиб бориш, ҳамда ножӯя хатти-ҳаракатлар, яъни экологик ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун юридик жавобгарлик белгилаш билан бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасида кўрсатилганидек, мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қиласи, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан

фойдаланиш экологик мұхитта заар өтказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан күриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Мазкур ғоя табиат ресурсларидан фойдаланувчиларга нисбатан бир қатор масъулиятли вазифалар юклайди. Масалан, экологик ва аграр қонунларнинг моҳиятини тушунтириш, замонавий фан-техника ютуқларидан фойдаланиб табиатни мұхофаза қилиш ишларини яхшилаш, ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш, экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбияни, экологик-ҳуқуқий маънавият ва маданиятни ошириш, табиат объектларидан фойдаланишини назорат қилиш ва бошқалар. Ушбу талабларни амалга оширишда асосан жамоатчилик ва маҳалла қўмиталарининг фаол иштироки катта аҳамиятга эга. Шундай экан, табиат ресурсларига нисбатан мулк ҳуқуқини мұхофаза қилиш асосан суд тартибида ва маъмурий тартибида олиб борилади.

*Табиат ресурсларига нисбатан мулк ҳуқуқини суд тартибида ҳимоя қилиш ер, сув, ер ости бойликлари, ҳаво, ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига нисбатан эгалик ҳуқуки, мулк ҳуқуқи, битим ва шартномаларнинг қонунийлиги оқибатида өтказилган моддий ва маънавий заар, табиат объектларидан фойдаланиш ва уларни мұхофаза қилиш ҳуқуқларини бузганлик учун өтказилган заар ёки содир этилган экологик жиноятларни кўриб чиқишида намоён бўлади.*

Табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқини мұхофаза қилиш маъмурий тартибда ҳам олиб борилиши мумкин. Бунда содир этилган экологик ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий органлар томонидан маъмурий жазолар кўлланилиши, мансабдор шахсларнинг чиқарган тегишли хужжатлари юқори орган томонидан бекор қилиниши мумкин.

Табиат ресурсларига нисбатан мулк ҳуқуқини мұхофаза қилиш методи, маълум ҳуқуқ тармоғи талаби асосида олиб борилади. Умуман олганда, табиат ресурсларига нисбатан мулк ҳуқуқини, давлат мулкчилигини қонун асосида кўриқлаш асосан интизомий-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий ва жиноят-ҳуқуқий усуслар орқали амалга оширилади. Ҳар қайси усул ўзининг алоҳида хусусиятига эга бўлиб, өтказилган заар, унинг оқибати, қонунга хилофлиги ҳамда даъво аризасида кўрсатилган ҳолатларнинг қай даражада содир этилганлиги билан боғлиқ.

Хуллас, табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқини мұхофаза қилиш меҳнат, маъмурий, фуқаролик ва жиноят ҳуқуқий тизимлари билан боғлиқ бўлиб, содир этилган ва өтказилган заар учун жазо чоралари юқоридаги ҳуқуқ тизимларида ва амалдаги қонунчилиқда аниқ кўрсатилган.

## ***Такрорлаш учун савол ва топшириқлар***

1. Табиатдан фойдаланиш ва табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
2. Табиат бойликларига нисбатан мулк ҳуқуқининг объекти ва субъектларини санаб беринг.
3. Табиат ресурсларига нисбатан мулк ҳуқуқининг бекор бўлиш ҳолатларини тушунтиринг.
4. Ерга нисбатан мулк ҳуқуки ва уни тартибга солиш қандай кечади?
5. Табиат ресурсларига нисбатан мулк ҳуқуқининг ҳуқуқий асослари қайси ҳуқуқий хужжатларда белгиланган?
6. Табиат ресурсларига нисбатан мулк ҳуқуки бузилишининг юридик оқибатлари нималарга олиб келади?

## III БОБ

# ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА НАЗОРАТИНИНГ ЭКОЛОГИК-ХУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

### 1-§. Экология соҳасида давлат бошқаруви, унинг принциплари, шакл ва функциялари

Бозор иқтисодиёти табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни талаб қиласди.

Экология соҳасида давлат бошқаруви ҳамда назоратини ташкил этиш, кучайтириш ва олиб бориш мустақил давлатимиз экологик сиёсатининг асосини ташкил этади.

«Экология хуқуқи» фанида экология соҳасида давлат бошқаруви алоҳида институт ҳисобланади ва у ўз хусусиятига эга бўлган бир қатор принциплари, шакллари ва функциялари билан фарқланиб туради.

Юридик адабиёт таҳлили шуни кўрсатадики, экология соҳасида давлат бошқаруви масаласи алоҳида иш обьекти<sup>1</sup> сифатида кенг ўрганилган ва янги қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда ҳам ўз аксини топган. Мустақиллик даврида чоп этилган бир қатор илмий ишлар, мақолалар ва дарсликлар экология соҳасида давлат бошқаруви муаммосини ўзида мужассамлаштирид<sup>2</sup>. Мазкур ишлар экология соҳасида мавжуд хусусиятларни ўзида намоён этган, чунки собиқ Иттифоқ даврида маъмурий-буйруқбозлик тизими ушбу соҳага ҳам салбий таъсирини кўрсатган эди. Эндилиқда маъмурий-буйруқбозлик мазкур соҳада йўқотилди. Ҳозирги шароитда мулк

---

<sup>1</sup> Қаранг: Шемшученко Ю. С. Государственное управление охраной окружающей среды в СССР: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. Киев, 1978; Жўраев Ю. А. Право и управление в области использования и охраны природной среды Республики Узбекистан: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. М., 1996.

<sup>2</sup> Қаранг: Байдельдинов Д. Л. Правовой механизм государственного управления в области экологии. Алматы, 1998. С. 98; Боголюбов С. А. Экологическое право. М., 1999. С. 448; Холмуминов Ж. Т. Экологоправовые проблемы использования и охраны орошаемых земель в Республике Узбекистан. Т., 1996. С. 37–67; Холмуминов Ж. Т. Экология ва қонун. Т., 2000. 352-б.

шаклларининг кўплиги инобатга олиниб, экология соҳасида давлат бошқаруви амалга оширилмоқда.

Экология соҳасида давлат бошқаруви – давлатнинг ижроия-тақсимлаш ва ижроия-бошқарув фаолияти бўлиб, табиат ва инсон ўртасидаги мавжуд мувозанатни сақлашга қаратилган. У табиат ресурсларидан фойдаланувчи субъектлар хукуқ ва мажбуриятларини ўз вақтида амалга оширишлари, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тартиби билан бевосита боғлиқдир.

Экология соҳасида давлат бошқарувининг **объекти** инсоннинг яшаш учун қулай атроф-табиий муҳитга эга бўлиш борасидаги фаолияти ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишдир.

Экология соҳасида давлат бошқарувидан **мақсад** табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш билан боғлиқ тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги ва экологик қонунларга қатъий риоя этиш, инсон ҳаёти учун қулай экологик муҳит яратиш, мавжуд табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ҳамда барча табиат бойликларини келажак авлод учун ҳамда мустақил давлатмиз равнақи учун кўз қорачиғидек сақлашдан иборат бўлиши керак.

Экология соҳасида давлат бошқарувини таъминлаш бир қатор **принципларга** амал қилишни тақозо этади. Булар:

- инсон ҳаёти ва соғлигини таъминлаш мақсадида табиат обьектларини сақлаш ва тиклаб бориш;
- табиат ресурсларига нисбатан давлат мулкчилиги;
- ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнида экологик муаммоларни ҳал қилишга давлатнинг алоҳида эътибор бериши;
- экология соҳасида давлат бошқарувини олиб бориш, ташкил этиш ва бажариш жараёнида турли самарали иқтисодий методлардан фойдаланиш лозимлиги;
- экологик муаммоларни ҳал қилишда кенг жамоатчилик, фуқаролар, жамоат ташкилотлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларини жалб қилиш;
- демократик централизм ва қонунийлик;
- келажак авлод олдида экологик муаммоларни ҳал этишдаги жавобгарлик ва бошқалар.

Булардан ташқари, ушбу соҳа қонунийлик, режалаштириш ва бўйсуниш каби умумий принципларни ҳам ўз ичига олади.

Экология соҳасида давлат бошқаруви уч шаклда амалга оширилади:

1) ҳуқуқ ижодкорлиги – бунда экология соҳасини бошқариш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш мумкин бўлади;

2) ҳуқуқни татбиқ этиши – давлат томонидан аниқ тадбирларни амалга ошириш учун қабул қилинган норматив ҳужжатларни бошқариш жараёнида қўллашни таъминлаш;

3) ҳуқуқни муҳофаза қилиш – давлатнинг экология соҳасини бошқариш билан боғлиқ бўлган талабларини ўз вақтида бажармаганлик учун тегишли жавобгарликлар белгиллаши орқали амалга оширилади.

Экология соҳасида давлат бошқарувини ташкил этишнинг алоҳида *методлари* ҳам мавжуд бўлиб, бунда кўп мулкчилик ва субъектларнинг ушбу соҳадаги хусусиятлари инобатга олинади. Масалан, кўрсатманинг мажбурийлиги, чиқарилган буйруқларнинг давлат органлари томонидан бажарилиши, давлат томонидан рухсат берилиши (экологик экспертиза учун) ва бошқалар.

Экология соҳасида давлат бошқарувини амалга ошириш жараёни давлат бошқарувини мустаҳкамловчи бир қатор функцияларга таянади.

1) атроф-табиий муҳит сифатининг нормативлари ва стандартлари;

2) экологик мониторингнинг мавжудлиги;

3) табиат ресурсларига нисбатан экологик кадастрнинг юритилиши;

4) экологик экспертизанинг ўtkазилиши;

5) экологик назоратни йўлга қўйиш ва амалга ошириш;

6) экологик тўлов ва солиқларни ундириш;

7) экология соҳасидаги қонунларни бузганлик учун аниқ жавобгарликлар мавжудлиги.

Мазкур функциялар кейинги параграф ва бобларда аниқ ва кенгроқ таҳлил қилинади.

## **2-§. Экология соҳасида давлат бошқаруви органларининг тизими ва ваколатлари**

Ўзбекистон Республикасида экологик муаммоларни ҳал этиш бир қанча давлат органларининг биргалиқда иш олиб боришини тақозо қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасига асосан, «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинниши принципига асосланади». Мазкур кўрсатма шундан далолат берадики, юқоридаги органлар ўз ҳуқуқий ваколатлари

жараёнида экологик муаммоларни ҳал этишда давлатнинг экологик сиёсатини амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунида экология соҳасидаги давлат бошқарувига катта эътибор берилиб, II боб «Давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг табиатни муҳофаза этишга тааллуқли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари» (7–11-моддалар) деб номланади.

Давлат бошқарув органларининг экология соҳасидаги ваколатларига қараб умумий ва маҳсус тизимга бўлиш мумкин.

**Умумий** давлат бошқарув органларига қўйидагилар киради:

- а) Президент ва унинг девони;
- б) Олий Мажлис;
- в) Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси;
- г) маҳаллий ҳокимият идоралари;
- д) Вазирлар Маҳкамаси.

Президент экология соҳасидаги ишларни амалга ошириш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасида кўрсатилган ёки ўз ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳал этади. Шунингдек, Президент ўз ваколати доирасида:

- 1) экология соҳасидаги қонунларни имзолайди ва шунга оид фармон, фармойиш ва қарорлар қабул қиласди;
- 2) экология хавфсиз муҳитни таъминлаш учун зарурий чоратадбирлар қўради;
- 3) Олий Мажлис тасдиғига Табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг раиси лавозимига номзод тақдим этади;
- 4) экологик инқироз ёки талофат кўрган ҳудудлар ёки бутун ҳудуд бўйича фавқулодда ҳолат жорий этади;
- 5) республиканинг ички ва ҳалқаро экологик сиёсатига доир ваколатларни амалга оширади ва ҳоказо.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасига асосан, *Олий Мажлис* қўйидаги ваколатларга эга:

- 1) табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш;
- 2) давлат экология дастурларини тасдиқлаш;
- 3) табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги республика қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;
- 4) ҳудудларни фавқулодда экологик ҳолат, экологик оғат ва экология фалокати минтақалари деб эълон қилиш, бундай минтақаларнинг ҳуқуқий режимини ва жафо кўрганларнинг мақомини белгилаш;
- 5) табиатни муҳофаза қилишга тааллуқли қонунлар ижросини мувофиқлаштириб бориш;

6) табиий ресурслардан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашнинг энг кўп ва кам ҳажмини, шунингдек тўловларни ундириб олишдаги имтиёзларни белгилаш ва бошқалар.

Амалдаги қонунчиликка асосан, атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг давлат бошқарувини, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатларига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади. Вазирлар Маҳкамаси табиатни муҳофаза қилиш соҳасида:

- 1) табиатни муҳофаза қилишга доир ягона сиёsat юритиш;
- 2) табиат ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш;

3) табиий ресурсларга нисбатан табиат кадастри юритилиши тартибини белгилаш ва бундай кадастр юритилишини таъминлаш, республика аҳамиятига молик табиий ресурсларнинг захираларини тасдиқлаш;

4) экологик жиҳатдан танг вазиятлар, табиий оғатлар ва фалокатларнинг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

5) табиий оғатлар ва йирик аварияларнинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

6) табиий ресурслардан фойдаланганлик, атроф-табиий муҳитни ифлослантирганлик, чиқиндилар, заарли таъсир этувчи бошқа нарсалар жойлаштириб ташлаганлик учун ҳақ тўлаш тартибини, шунингдек табиий ресурслардан фойдаланиш, чиқиндилар жойлаштириш лимитларини белгилаш;

7) экологик таълим ва тарбия тизимини яратиш ҳамда унинг амал қилишини таъминлаш;

8) табиатдан алоҳида тартибда фойдаланилайдиган ҳудудларнинг чегараларини, табиатни муҳофаза қилиш ва хўжалик фаолияти режимларини тасдиқлаш;

9) табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида давлатлараро муносабатларни ривожлантириш;

10) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ҳазарда тутилган бошқа тадбрларни амалга ошириш ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколат доирасига киради.

Шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида давлат ҳокимиюти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг ҳам ваколатлари мавжуд:

1) ўз ҳудудида табиатни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш, минтақанинг (ҳудуднинг) экологик дастурини тасдиқлаш;

2) табиий ресурсларни ҳисобга олиш ва уларнинг аҳволига баҳо бериш, экологик жиҳатдан заарали бўлган объектларни рўйхатга олиш;

3) табиатни муҳофаза қилишга доир тадбирларни моддий-техник таъминлаш;

4) табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи, саноат чиқиндиларини ёки рўзғор чиқиндиларини тўплаш ёки кўмид ташлашга рухсатномаларни белгиланган тартибда бериш ёки уларни бекор қилиш;

5) табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар ундириш;

6) табиатни муҳофаза қилиш устидан назорат ўрнатиш, атроф мухитга зарар етказаётган маҳаллий аҳамиятга молик объектлар фаолиятини вақтинча ёки бутунлай тўхтатиш ва қайта ихтисослаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш.

7) Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган бошқа масалаларни тартибга солиш. («Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддаси).

**Махсус тизимга** кирувчи давлат органлари экология соҳасидаги тегишли ваколатларига қараб комплекс, тармоқлараро ва функционал гуруҳларга бўлинади.

1. Комплекс гуруҳларга кирувчи давлат органлари қуидагилар.

- а) Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;
- б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги;
- в) Давлат санитария назорати;
- г) Бошгидромет бошқармаси;
- д) Фавқулодда вазиятлар вазирлиги;
- е) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси.

2. Тармоқлараро гуруҳга қуидагилар киради:

- а) Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги;
- б) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги ўрмон хўжалиги бош бошқармаси;
- в) Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси;
- г) Ички ишлар вазирлиги;
- д) Ер ресурслари давлат қўмитаси;

3. Функционал гуруҳга қуидагилар киради:

- а) Ички ишлар вазирлиги;
- б) Давлат божхона қўмитаси;
- в) Давлат солиқ қўмитаси;
- г) Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги;
- д) Ўздавстандартметрология ва сертификатлаштириш агентлиги;

- е) Давлат ветеринария назорати;
- ж) Қурилиш вазирлиги ва бошқалар.

Юқорида номлари кўрсатиб ўтилган барча вазирлик ва қўмиталар экология соҳасида бошқарув ва назорат ишларини амалга ошириш жараёнида Узбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ва Олий Мажлис қарорларини бажарадилар, шунингдек ўз низомлари ва бошқа норматив ҳужжатларга асосан иш олиб борадилар.

### **3-§. Табиат бойликларидан фойдаланишни бошқариш ва назорат қилишда давлат кадастри юритишнинг ҳуқуқий асослари ва аҳамияти**

Табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, бошқариш, назорат қилишда давлат кадастрининг аҳамияти каттадир.

«Кадастр» сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, «cadastrum» – тартибга солинган маълумотлар йифиндиши, деган маънони англатади.

Кадастр – обьект ва ҳодисаларни сон, сифат ва иқтисодий кўрсаткичлари бўйича рўйхатга олиш вазифасини бажарувчи, тартибга солинган маълумотлар йифиндиши. Унда обьект ва ҳодисаларнинг табиий географик тасвифи, таснифи, ўзгариши ва ривожланиши ҳақидаги маълумотлар, ўрганилганлик даражаси, экологик, ижтимоий-иқтисодий баҳоси ва ҳуқуқий тартиби ҳамда картографик ва статистик маълумотлар илова қилинади. Объектлардан фойдаланувчилар, уларни ифлослантирувчилар рўйхати ва объектлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий тартиби, уларни муҳофаза қилиш чоралари ва бошқа маълумотлар берилади.

Амалдаги қонунларга асосан, табиий ресурслар кадастри бир неча турларга бўлинади:

- 1) давлат ер кадастри (Ер кодексининг 15-моддаси);
- 2) давлат сув кадастри («Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 109-моддаси);
- 3) давлат ўрмон кадастри («Ўрмон тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддаси);
- 4) фойдали қазилма конлари, нишоналари ва техноген ҳосилалар давлат кадастри («Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун»нинг 42-моддаси);
- 5) атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат ҳисобини юритиш («Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 26-моддаси);

6) алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг давлат кадастри («Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддаси);

7) ўсимлик дунёси объектларини давлат томонидан ҳисобга олиш ва давлат кадастри («Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги» қонуннинг 26-моддаси);

8) ҳайвонларни давлат томонидан ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш ҳажмларини ҳисобга олиш, ҳайвонот дунёси давлат кадастри («Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддаси) ва бошқалардан иборат.

Барча турдаги табиий ресурслар кадастри бир қатор принципларга таянади, жумладан:

1) давлат бошқаруви органлари ва уларнинг ваколати кўрсатилган ҳуқуқий нормалар ҳамда бошқа қонунларга амал қилиш;

2) кадастр юритиш (олиб бориш) тадбирларига ва уларни ўтказишда иқтисодий тежамкорликка риоя этиш;

3) давлат кадастрини олиб боришда давлат назоратини ўрнатиш;

4) кадастр маълумотларини тўғри юритмаганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги ва бошқалар.

Биз юқорида номи зикр этилган кадастр турларидан бири бўлган ер кадастрига кенгроқ тўхталамиз ва унинг ҳуқуқий манбаи ҳақида фикр юритамиз. Ана шундай қонунлардан бири Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XII сессиясида (1998 йил 28 август) қабул қилинган «Ер кадастри тўғрисида»ги қонундир<sup>1</sup>.

Демак, «Ер кадастри тўғрисида»ги қонуннинг моҳиятини билишимиз учун унинг тарихий ва ҳуқуқий маъноларига эътибор беришимиз лозим.

«Кадастр» лотинча «cadastrum» сўзидан олинган бўлиб – реестр деган маънони англатган. Давлат кадастр ер солиғи манбаига доир китоб (реестр) сифатида тушунилган, кейинчалик эса у давлатнинг ҳисобга олиш-баҳолаш тадбирлари тузилишини ифодалайдиган бўлди.

Яна бир французча маъноси – «Cadastre» – «ердан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш» ёки ер тўғрисидаги зарур маълумотларнинг ҳужжатларда ифодаланган мажмуаси, умуман эса «солиқка тортилаётган ашёлар рўйхати»ни англатган.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ахборотномаси. 1998 № 5–6. 82-м.

Ҳар бир мамлакатда кадастр ўз шароитлари ва анъаналарига мувофиқ ривожиланади. Шунинг учун ҳам жаҳонда айнан бир хил кадастр тизимини топиш қийин. Шуниси қизикки, мамлакатимиз ҳудудида ўтган асрларда шариатда қабул қилингандеги «Темир дафтар» байни кадастр тушунчасига тўғри келади.

Хозирги кунда ер кадастри – ерларнинг табиий аҳволи, хўжалик ва хукуқий ҳолати тўғрисидаги муттасил янгиланиб турувчи ишончли маълумотлар тизими ҳисобланади. Ер кадастрининг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат: ер участкаларига оид хукуқларни рўйхатга олиш, ерларнинг миқдори ва сифатини ҳисобга олиш, ерларни баҳолаш.

«Ер кадастри тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилинишидан асосий мақсад, давлат ер кадастрини юритиш, иқтисодиётни ривожлантириш, ер участкаларига бўлган хукуқларнинг кафолатларини таъминлаш, ерлардан оқилона фойдаланиш, уларни қайта тиклаш ва муҳофаза қилиш учун кадастр маълумотларидан фойдаланишининг хукуқий асосларини белгилаб беришдан иборат.

1998 йил 30 апрелда қабул қилингандеги Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 15-моддасида «Давлат кадастри» масаласига эътибор берилган бўлса, қонуннинг 3-моддасида «Давлат ер кадастри» масаласи аниқ ва батафсил ёритилган.

Давлат ер кадастри, Давлат кадастрлари ягона тизимининг таркибий қисми ҳисобланиб, у ерларнинг табиий, хўжалик, хукуқий режими, тоифалари, сифат хусусиятлари ва қиммати, ер участкаларининг ўрни ва ўлчамлари, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижаракилар ва мулқдорлар ўртасидаги тақсимоти тўғрисидаги маълумотлар ҳамда хужжатлар тизимидан иборат.

Давлат ер кадастри ер участкаларига бўлган хукуқларнинг давлат рўйхатидан ўtkазилишини, ерлар миқдори ва сифатининг ҳисобга олинишини, тупроқ бонитировкасини, ерларнинг қиймат баҳосини, шунингдек ер кадастрига доир ахборот бир тизимга солиниши, сақланиши ва янгилаб турилишини ўз ичига олади.

Яқин кунларгача аҳоли пунктларининг ер кадастри амалда йўқ эди. 1995 йилда бошланган рўйхатга олиш (инвентаризация) натижасида шаҳар ерлари кадастрига асос солинди. Хозирги кунда «Ўзгеодезкадастр»нинг 200 дан ортиқ кадастр хизматлари аҳоли пунктлари ер кадастрини яратишга киришган.

Шундай экан, меҳнат қиладиган дехқон учун ернинг ҳолати, яъни тупроқнинг сифати, ернинг текислиги, чегаралари ва ер участкасининг хукуқий тартиботи, баҳосини билиш жуда зарур. Ер участкасига доир шу ва бошқа маълумотлар ер кадастрининг асосий мазмунини ташкил этади.

Бундан ташқари, ер участкасининг ҳар қандай эгаси, ундан фойдаланувчи ёки унинг мулкдори санаалмиш дехқон ер кадастри:

– ер эгасининг ер участкасига оид ҳукуқларини, жумладан ердан фойдаланиш, ер участкасининг чегараларини ўрнатиш ва уларга риоя этилишини муҳофаза қилишини;

– ер участкаси тўлиқ ёки қисман олиб қўйилган ҳолларда зиёнларнинг қопланишини таъминлашини;

– ерга оид даъволарнинг одилона ҳал қилиниши ва бошқа ҳукуқий нормаларнинг бажарилишини таъминлашини билмоғи даркор.

Кадастр маълумотлари дехқонга экин майдонларининг ўлчамлари ва тузилишини, моддий харажатларни, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини, унинг таннархини, даромадни, агротехника талабларини, ўғитлардан фойдаланиш тартибини, алмашлаб экишни режалаштиришда ёрдам беради. Тупроқ бонитетини аниқлаш ер участкасига солинадиган солиқ миқдорини, шунингдек унинг нархини баҳолашга имкон беради. Бу, ўз навбатида, асосли миқдорда кредит олиш имконини яратади.

Ерларнинг табиий ҳолати худудни хариталаштириш, тупроққа оид агрохимик, геоботаник, мелиоратив ва бошқа маҳсус текширишлар ва изланишлар, ерларни табиий қишлоқ хўжалиги жиҳатдан районлаштириш, тупроқ бонитетини ўрганиш орқали амалга оширилади.

«Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасида тупроқ бонитировкаси масаласига алоҳида эътибор берилган. Тупроқ бонитировкаси – қишлоқ хўжалиги экинлари агротехникаси ўртacha даражада бўлганида, тупроқ сифати ҳамда табиий унумдорлик қувватига бериладиган қиёсий баҳо. Тупроқ бонитировкаси қишлоқ хўжалиигига мўлжалланган ерларнинг кейинги қиймат баҳосини чиқариш, мулкий пайларнинг миқдорини аниқлаш, ер тузишни амалга ошириш ва ерлардан оқилона, самарали фойдаланишини рағбатлантириш учун асос ҳисобланади.

Тупроқ бонитировкаси тегишли қишлоқ хўжалиги майдонлари учун юз балли шкала бўйича ўтказилади. Яхши хоссаларга эга бўлган, унумдор тупроқ юқори балл билан баҳоланади. Тупроқ бонитировкаси қонун ҳужжатларида белгилланган тартибда ўтказилади. Тупроқ бонитировкасига доир маълумотлар ер баҳосига оид ахборотни ташкил этади. Шуни таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда республикамиз вилоятларида тупроқнинг ҳосилдорлик бонитети (балли) 100 дан 54 баллгача тушиб кетди. Натижада гектар ҳисобига олинадиган ҳосилдорлик камайди.

Мамлакатдаги бутун ер фонди мақсад-вазифаси ва халқ хўжалигининг тегишли тармоқларида фойдаланиш аломатига кўра 8 тоифага бўлинади:

- қишлоқ хўжалик ерлари;
- ўрмон фонди ерлари;
- сув фонди ерлари;
- саноат, транспорт, алоқа ва мудофаа аҳамиятига эга бўлган ерлар;
- алоҳида муҳофазадаги табиий худудларнинг ерлари;
- тарихий меъморчилик ва табиий обидаларнинг ерлари;
- сайру саёҳат ва соғломлаштириш аҳамиятига эга ерлар;
- захира ерлар. Бу тоифадаги ерлар улардан фойдаланишни бошқариш услубиётининг моҳияти, ер фонди тузилмасини нормалаштириш, уларни ҳуқуқий тартибга солиш, улардан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий ва экологик самарадорлиги жиҳатидан ўзаро фарқланади.

Сифат кўрсаткичлари тупроқ типлари ва турлари билан, унинг механик ва кимёвий таркиби, сизот сувининг чуқурлиги, тупроқдаги гумус таркиби, тупроқнинг шўрланганлик даражаси, ерларнинг буталар билан қопланганлиги, ботқоқлашуви, тошлоқлиги, ифлосланиши билан аниқланади ва улар бир бутун ҳолда ерларнинг сифатини акс эттиради.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон фонди ерлари тупроқ бонитети балларига кўра баҳоланади. Аҳоли пунктлари ерларини баҳолаш учун шаҳар курилиши аҳамиятидан келиб чиқсан бонитет баллари кўлланилиши лозим.

Ер участкасининг жойлашган ўрни унинг чегаралари билан белгиланади. Чегараларни белгилаш кадастр тасвирининг муҳим босқичидир. Чегараларни белгилашда зарур юридик талабларга жиддий риоя қилинмоғи лозим. Масалан, чегаралар ўрнининг ҳуқуқий ҳужжатларга (ер ажратиш тўғрисидаги қарорга) мувофиқлигини текшириш; чегараларни қўшни ер участкаларининг эгалари билан келишиб олиш; чегара белгилаш актини расмийлаштириш ва ҳ.к. Фақат ҳамма юридик талаблар бажарилганидан сўнггина, чегаранинг бурилиш нуқталари координаталарини аниқлаш, ер участкасини хариталаштириш ва кадастр тасвири (съёмкаси) натижалари бўйича ер кадастрини юритиш учун зарур бўлган ер участкалари ва ер турларининг майдонлари аниқланади. Ер участкаларининг жойлашган ўрни ва ўлчамлари тўғрисидаги маълумотлар кадастр китобига киритилади.

Ер участкаларининг жойлашган ўрни ва ўлчамлари тўғрисидаги юқорида зикр этилган маълумотлардан ташқари, кадастр ҳужжатларида ер эгаси (ердан фойдаланувчи,

мулқдор)нинг исми-шарифи, ернинг мулк шакли, кадастр рақами, ер участкасига оид ҳуқуқни рўйхатга олиш санаси, эгалик ҳуқуқига оид ҳужжатларнинг берилиш санаси, ер участкасидан фойдаланиш, фойдаланишнинг муддатлилиги, ернинг мақсад-вазифаси, ер участкасининг чегара бурилиш нұқталари ўрни кўрсатилган схемаси, ёндош ер участкаларининг таърифи, сервитутлар, ер участкасидан фойдаланишдаги чеклашлар, ер участкасининг ҳолатини тавсифловчи миқдор ва сифат кўрсаткичлари, унинг иқтисодий баҳоси кўрсатилади.

Ер кадастрини юритиш фақат ҳозирги вақтдаги ҳолатини қайд қилишдангина эмас, кадастр маълумотлари ва ахборотларини узлуксиз янгилаб туришдан, бошқача айтганда, уларни долзарблаштиришдан ҳам иборатdir.

Кадастр маълумотлари турли ҳалқ ҳўжалиги масалаларини ҳал қилишда алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, улардан мамлакат ер фонди тузилмаси ва ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш, ерлардан барча тоифалар ва ҳалқ ҳўжалигининг тармоқлари бўйича унумли фойдаланишни, шу жумладан, тупроқ ҳосилдорлигини қайта тиклаш ва ерларни муҳофаза қилишни, ер муносабатларини тартибга солиши, ер участкаларига оид ҳуқуқларни рўйхатга олиш ва кафолатлашни таъминлаш учун ер солиги тизимини, кредит-гаров тизимини, ер бозорини, ер нархини белгилаш ишларини, ер тузишни, ерларни олиб қўйиш ҳолларида кўриладиган зиёнларни қоплаш ишларини, қишлоқ ва ўрмон ҳўжалиги корхоналарининг ҳўжалик фаолиятларини баҳолашни ва бошқаларни ривожлантиришда фойдаланилади.

Ер табиий ресурс ҳисобланади ва шунинг учун ҳам у реал нархга эга эмас. Лекин ер участкалари билан боғлиқ турли ишларни амалга ошириш (олди-сотди, алмашув, гаров, солик солиш ва бошқалар) уларни баҳолашни талаб қиласиди, Ер участкасини нархлаш унинг истеъмол хусусиятларининг пулдаги ифодасидир. Бозор муносабатлари шароитида ер баҳоси, ер бозори конъюнктураси таъсири остида, талаб ва таклифни, ер участкаси истеъмол хусусиятларини назарда тутган ҳолдаги механизмининг фаолияти асосида юзага келади. Ер бозори бўлмаган ҳолларда ер нархи ер участкасини ўзлаштириш (ободонлаштириш)га сарфланган харажатлар (кўйилган маблағлар)нинг йигиндиси асосида норматив белгиланади. Ернинг норматив баҳосини аниқлаш ер участкасининг истеъмолчилик хусусиятларига таъсир кўрсатувчи омиллар мажмуасини назарда тутадиган етарли даражадаги зарур илмий таълимотга асосланмоғи лозим. Ер участкаларини ижарага беришда ер учун тўлов ижара ҳақи кўринишида олинади, унинг

миқдори томонларнинг келишувига кўра, яъни шартномада белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 28-моддасига мувофиқ, ижара ҳақи миқдори ер солиги ставкасининг бир бараваридан кам ва уч бараваридан кўп бўлмаслиги керак, ерлардан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланилган ҳолларда, ер солиғининг бир ставкаси миқдорида ўрнатилган.

Ер кадастри таркибига кирган маълумотлардан ернинг сифати ва баҳосига қараб ижара ҳақи, ер солиги ва ер билан боғлиқ бошқа тўловларнинг ўртача миқдорларини белгилаш учун фойдаланилади.

Барча тоифадаги ерларнинг *қиймат баҳоси* натура ва қиймат кўрсаткичлари тизими ёрдамида амалга оширилади. Ерларнинг *қиймат баҳоси* қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чиқарилади. Турли мақсадларга мўлжалланган ерлардан фойдаланиш самарадорлиги даражасини аниқлаш, ер учун тўланадиган ҳақ ва унинг норматив баҳосини ҳисоблаб чиқиш, ерларни кимошли савдоси асосида сотиш пайтида бошланғич нархини аниқлаш, ерларни давлат ва жамоа эҳтиёжлари учун олиб қўйишида йўл қўйилган нобудгарчилик ва кўрилган зарарларни қоплаш учун ерларнинг *қиймат баҳоси* чиқарилади. Ерларнинг қиймат баҳосига доир маълумотлар ер баҳосига оид ахборотни ташкил этади (19-модда).

Кадастр маълумотларининг катта ҳажм ва турли хиллиги топографик-геодезик ва тупроққа оид катта ҳажмдаги турли текшириш ва изланишлар олиб боришни тақозо қиласиди. Топографик-геодезик изланишлар натижасида кадастр режалари ва хариталари учун картографик асос яратилади, унга ер участкаларининг чегаралари ва бошқа зарур маълумотлар киритиллади. Топографик-геодезик ва картография ишлари ер кадастрини юритишни таъминлаш «Ўзгеодезкадастр»нинг бўлинмалари ва хизматлари томонидан бажарилади.

Кейинчалик тупроқ бонитетини аниқлаш учун фойдаланиладиган турли сифат тавсифларига эга бўлиш тупроқ тасвирининг вазифаси ҳисобланади. Давлат ер қўмитасининг ихтисослаштирилган институтлари томонидан айнан шу мақсадларда агрохимик, геоботаник ва бошқа текшириш ҳамда изланишлар ўтказилади.

Давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ва маҳсус ваколат берилган давлат бошқарув органлари амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси

хузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги маҳсус ваколат берилган давлат бошқаруви органлари ҳисобланади.

Давлат ер кадастрини юритиш соҳасида қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг ваколатларига киради:

- ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш;
- молиялаш ва инвестиция соҳасидаги устувор йўналишларни белгилаш ва масалаларни ҳал этиш;
- ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги ҳар йилги миллий ҳисботни тасдиқлаш;
- ер участкаларига бўлган хукуқларни ва ер участкаларига оид битимларни давлат рўйхатига олиш тартибини белгилаш;
- топографик-геодезик, картография ишларига ҳамда давлат ер кадастрини юритиш билан боғлиқ бошқа ишларга лицензия бериш тартибини белгилаш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Умуман олганда, туман (шахар) ер кадастри дафтари ерларни давлат рўйхатига олиш, ҳисобга олиш ва уларни баҳолаш бўйича асосий ҳужжат бўлиб, ер участкасининг жойлашган ўрни, қайси мақсадда фойдаланиш мўлжалланганилиги, унга эгалик қилиш, фойдаланиш, ижарага олиш хукуқлари ва ер участкасига бўлган мулк хукуқини аниқлаш учун зарур маълумотларни ўз ичига олади, ер участкасининг микдор ва сифати ҳамда нархи тўғрисидаги аҳборот манбай ҳисобланади. Ер кадастри дафтарининг тузилиши, мазмуни ва уни юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 24 июлда «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги<sup>1</sup> фармони эълон қилинди. Ушбу фармонга кўра, Ер ресурслари давлат қўмитаси зиммасига Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва «Ер кадастри тўғрисида»ги қонуни талабларини, ер ва ер кадастри билан боғлиқ бўлган муносабатларда ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ер ресурсларини бошқариш тизимини ҳамда кадастри соҳасини такомиллаштириш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишини таъминлаш лозимлиги аниқ кўрсатилди. Фармонда аграр муносабатларда кузатилаётган изланишлар ўз

---

<sup>1</sup> Қаранг: Халқ сўзи. 1998. 24 июль.

аксини топган бўлиб, унда ер участкаларига оид ҳужжатларни давлат рўйхатига олиш масалаларида ер кадастри юритишни амалга оширувчи муассасаларнинг фаолияти замон талабларига жавоб бера оладиган бўлиши лозимлиги қатъий белгилаб қўйилган. Ер солигини тўғри ҳисоблаш, ернинг норматив нархини аниқлаш, ер билан боғлиқ молиявий фаолиятни ва гаров муносабатлари билан боғлиқ юридик жиҳатлар қонунда батафсил акс этган. Бу эса соҳадаги ишларни тартибга солишда катта аҳамият касб этади.

Демак, ер кадастри билан боғлиқ бўлган муаммоларни ечиш ҳамда «Ер кадастри тўғрисида»ги қонун талабларини амалга ошириш учун қўйидагиларни таъминлаш мақсадга мувофиқдир:

- қабул қилинган аграр ва экологик қонунлар, жумладан Ер кодекси ва «Ер кадастри тўғрисида»ги қонуннинг моҳияти ва мазмунини аҳолига кенгроқ тушунтириш;

- ер кадастри билан боғлиқ муаммоларнинг ҳуқуқий томонлари илм-фан соҳасида кенгроқ ўрганилишини йўлга қўйиш;

- давлат ер кадастри талабларини амалга ошириш учун маҳсус кадрлар, жумладан, эколог-юристлар, эколог-ирригаторлар, эколог-ўрмоншунослар, эколог-агрономлар тайёрлаш;

- ер кадастрини юритиш технологиялари соҳасини тубдан қайта қуриш;

- Ер ресурслари давлат қўмитаси ва «Ўзгеодезкадастр» бошқармасининг ўзаро алоқасини ҳамда айrim масалаларда ҳамфирқлик билан иш юритишини таъминлаш лозим.

Хуллас, Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XII сессиясида қабул қилинган «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонун, Ер кодекси ҳамда қишлоқ хўжалик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш ва амалга ошириш мақсадида қабул қилинган «Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар ер-сувдан ва бошқа табиий бойликлардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий асосини яратди.

#### **4-§. Экология соҳасида давлат назорати ва унинг ҳуқуқий тартиби**

Экология соҳасида давлат бошқарувининг асосий элементи, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг давлат томонидан назорат қилинишидир. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» ги қонунда мазкур масалага алоҳида

эътибор берилган ва қонуннинг VII боб, 28–32-моддаларида ўз аксини топган.

Шу билан бирга, экология соҳасида давлат назорати ва унинг ҳуқукий томонлари бир қатор ҳуқукий адабиётларда<sup>1</sup> ҳам кўрсатилган. Умуман олганда, қуйидаги хусусиятлар «экологик назорат» тушунчасини белгилаб беради:

биринчидан, экологик назорат республикамида табиатни муҳофаза қилишнинг асосий бўллаги эканлиги;

иккинчидан, у мустақил давлатимизнинг экологик сиёсатини ўзида акс эттириши;

учинчидан, экология соҳасида давлат бошқарувининг асосий элементи эканлиги.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 29-моддасига асосан, экологик назоратнинг қуйидаги вазифалари мавжуд:

– атроф-табииий муҳит ҳолатини ҳамда хўжалик юритиш ва бошқа фаолият таъсири остида бўладиган ўзгаришларни кузатиб бориш;

– атроф-табииий муҳитни муҳофаза қилиш, табииий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиатни ҳимоя қилишга доир қонуллар талаблари ва атроф муҳит сифатининг нормативларига риоя этиш борасидаги дастурлар ҳамда тадбирларнинг бажарилишини текшириш.

Экологик назорат тизими атроф-табииий муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизмати, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат назоратидан иборат. Умуман олганда, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида экологик назоратнинг тўрт тури фарқланади:

1) мавжуд табиат обьектлари: ер, сув, ер ости бойликлари, атмосфера ҳавоси, ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ҳолатини назорат қилиш;

2) ишлаб чиқилган экологик лойиҳалар, ҳужжатларнинг барча соҳаларда қўлланилишини назорат қилиш;

3) табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган тадбирларни амалга оширишни назорат қилиш;

---

<sup>1</sup> Қаранг: Мухитдинов Н. Б., Ильяшенко Л. В. Правовое обеспечение рационального природопользования. Алматы, 1985; Байдельдинов Д. Л. Правовой механизм государственного управления в области экологии. Алматы, 1998; Холмұминов. Ж. Т. Экология ҳуқуки: Чизмалар альбоми. Т., 2002.

4) амалдаги экологик қонунларга риоя қилинишини назорат қилиш.

Экологик назоратнинг қуидаги шакллари мавжуд:

а) информацион; б) олдини олиш; в) жазолаш;

Амалдаги қонунчилликка асосан, экологик назоратнинг қуидаги турлари мавжуд:

- 1) атроф-табиий мұхит мониторинги.
- 2) давлат экологик назорати;
- 3) ишлаб чиқариш назорати;
- 4) тармоқ экологик назорати;
- 5) жамоат экологик назорати;

Ўзбекистон Республикаси «Табиатни мұхофаза қилиш тұғрисида»ги қонунининг 31-моддасыда күрсатилганидек, табиатни мұхофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, маҳсус өаколатта әга давлат идоралари амалға оширадилар. Улар қуидагилар:

- Ўзбекистон Республикаси Табиатни мұхофаза қилиш давлат құмитаси;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Саноатда ва кончилийда ишларнинг бехатар олиб боришини назорат қилиш агентлиги;
- Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг маҳсус өаколатты табиатни мұхофаза қилиш давлат идоралари ҳисобланади.

Табиатни мұхофаза қилиш соҳасида маҳсус өаколатты давлат идоралари табиатни мұхофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалға оширишда идоравиي экология хизмат бўлинмаларини белгиланган тартибда жалб этишлари мумкин.

Атроф-табиий мұхит мониторинги – атроф-табиий мұхит ва бошқа экология ҳуқуқи обьектлари ҳолатини ва уларнинг кишилар фаолияти натижасида ўзгариб бориш даражасини кузатиб бориш ва бу соҳадаги ҳуқуқбузарларларнинг олдини олиш чораларини белгилайди. («Табиатни мұхофаза қилиш тұғрисида»ги қонунининг 28-моддаси).

**Жамоат экологик назорати** – нодавлат нотижорат ташкилотлари (касаба үюшмалари, маҳалла йигинлари, жамғармалар)нинг атроф-табиий мұхит ҳолатини ҳамда экологик қонунчилликнинг амалиётда қўлланишини текшириши.

Амалдаги экологик қонунлар талабларидан маълумки, экологик назоратни олиб боришда бир қанча усуллардан фойдаланилади:

- 1) кузатиб бориш, маълумотлар олиш ва бериш;
- 2) текшириш;

- 3) экологик ҳалокат ва хавфнинг олдини олиш;
- 4) экологик қонунлар бузилишининг олдини олиш;
- 5) тегишли рухсатномалар бериш, фаолиятни чеклаш, тўхтатиш ва бекор қилиш;
- 6) тегишли жарималар солиш;
- 7) содир этилган ҳуқуқбузарлик қуролларини мусодара қилиш.

Хуллас, экология соҳасида давлат назоратини олиб бориш барча табиат объектларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ҳамда экологик қонун ва талабларнинг тӯғри амалга оширилишини таъминлайди.

## 5-§. Экологик экспертиза ва уни ҳуқуқий тартибга солиш

Экология соҳасида давлат бошқарувининг яна бир функцияси экологик экспертиза ҳисобланади. Экологик экспертизанинг **мақсади** – табиатни муҳофаза қилиш, одамлар саломатлигини сақлаш ва жамиятнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш учун хўжалик юритишдаги заарали фаолиятларни олдини олиш.

Экологик экспертизанинг асосий **вазифаси** – муайян хўжалик объектларининг атроф-табиий муҳитга ва кишилар саломатлигига таъсири даражасини баҳолаш.

Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тӯғрисида»ги ва «Экологик экспертиза тӯғрисида»ги<sup>1</sup> қонунлари Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизасининг **ҳуқуқий асоси** ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Экологик экспертиза тӯғрисида»ги 2000 йил 25 май қонуни 26 моддадан иборат. Мазкур қонуннинг 1-моддасига асосан, «экологик экспертиза деганда, режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилаш ҳамда экологик экспертиза обьектини рўёбга чиқариш мумкинлигини аниқлаш тушунилади».

Экологик экспертиза ўтказишда аниқ мақсад бўлиши керак, амалдаги қонунда ушбу масалага алоҳида эътибор берилган. Қонуннинг 3-моддасида кўрсатилганидек, экологик экспертиза куйидаги мақсадларда ўтказилади:

– мўлжалланаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятни амалга ошириш тӯғрисида қарор қабул қилинишидан олдинги

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг ахборотномаси. 2000. № 5–6. 144-м.

босқичларда бундай фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш;

– режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолият атроф-табий мухит ҳолатига ва фуқаролар соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса ёки шундай таъсир кўрсатаётган бўлса, бундай фаолиятнинг экологик хавфлилик даражасини аниқлаш;

– атроф-табий мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича назарда тутилаётган тадбирларнинг етарлилиги ва асослилигини аниқлаш.

Давлат экологик экспертизасини ўтказиш **муддати 30 кундан** ошмаслиги лозим. Уни ўтказиш муддати давлат экологик экспертизаси объектиning мураккаблигига қараб, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси томонидан кўпि билан **икки ойга** узайтирилиши мумкин.

**Экологик экспертиза турлари** қуйидагилардан иборат: 1) давлат экологик экспертизаси; 2) жамоат экологик экспертизаси; 3) экологик аудит.

Қонунга асосан, экологик экспертиза буюртмачиси ёки бошқа манфаатдор шахсларнинг экологик экспертиза экспертизининг фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди.

Ана шу талабларни амалга ошириш учун экологик экспертиза бир қатор **принципларга** асосланади:

- 1) қонунийлик;
- 2) холислик;
- 3) асослилик;
- 4) экологик хавфсизлик талабларини ҳисобга олишнинг мажбурийлиги;
- 5) режалаштирилаётган ҳар қандай хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг эҳтимол тутилган экологик хавфлилик презумпцияси;
- 6) хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг атроф-табий мухитга ва фуқаролар соғлиғига таъсирини баҳолашнинг комплекслилиги ва бошқалар («Экологик экспертиза тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддаси).

**Давлат экологик экспертизаси** экология соҳасида ваколатли давлат органи томонидан тайинланган комиссия фаолияти бўлиб, унинг хulosаси барча соҳалар учун бажарилиши мажбурийдир.

**Жамоат экологик экспертизаси** – экологик асосланиш зарур бўлган ҳар қандай фаолият соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқароларнинг ташаббуси билан амалга оширилиши мумкин. Жамоат экологик экспертизасини амалга

оширишга тўсқинлик қилиш тақиқланади. Жамоат экологик экспертизаси давлат экологик экспертизаси ўтказилишидан қатъи назар амалга оширилиши мумкин. Жамоат экологик экспертизасининг хulosаси тавсия хусусиятига эга бўлади.

**Экологик аудит** – экологик аудиторлар (фирмалар)нинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда атроф-табиий муҳит ҳолатига салбий таъсир кўрсатаётган, ишлаб турган корхоналар ва бошқа объектларни мустақил экологик экспертиза қилишидир. Экологик аудит хўжалик ва бошқа хил фаолият обьекти мулқдорининг қарорига биноан ўтказилади.

Булардан ташқари соҳавий, илмий, ҳуқуқий, норматив ва санитария-экологик экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин.

Умуман олганда, ҳар қандай турдаги экологик экспертиза ўтказиш табиат бойликлари ва инсон ҳаётини сақлашдан иборат бўлиб, давлат экология экспертизасининг ижобий хulosасига эга бўлмаган лойиҳаларни амалга оширишни ман этади.

## **6-§. Экология соҳасидаги бошқарувнинг иқтисодий чора-тадбирлари**

Мамлакатимизда экология соҳасидаги бошқарувни такомиллаштириш кўпроқ экологик-иқтисодий методларни амалга ошириш билан боғлиқ. Уларга экологик тўловлар, экологик солик, экологик суғурта, табиатни муҳофаза қилиш тизимидағи рағбатлантириш кабилар киради. Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар давлат табиий ресурслардан **маҳсус фойдаланганлик учун** ва табиат обьектларини қайта тикилаш ҳамда муҳофаза қилиш чораларини қўллаш мақсадида солик, ижара ва норматив баҳолар шаклида улардан фойдаланувчилардан ундириб оладиган тўловлардир.

Табиатдан маҳсус фойдаланганлик учун **тўловлар**, уларнинг моҳияти ва мазмуни, тўлаш, ундириш тартиби ҳамда бошқа ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 34-моддасида ўз ифодасини топган. Атроф-табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқарганлик ва оқизганлик ҳамда ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини жойлаштирганлик учун тўлов табиатни муҳофаза қилиш жамғармасига келиб тушади.

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини пул билан таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги идоралари хузурида табиатни муҳофаза қилиш республика жамғармаси ҳамда маҳаллий жамғармалари ташкил этилади. Табиатни муҳофаза

қилиш жамғармаларини тузиш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси томонидан тасдиқланадиган низом билан белгилаб қўйилади.

Табиатни муҳофаза қилиш жамоат жамғармалари аҳолининг, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг ихтиёрий бадаллари ва бошқа манбалар ҳисобидан, шунингдек, ажнабий юридик шахслар ва фуқароларнинг ажратмаларидан ҳосил бўлади. Жамоат жамғармаларини ташкил этиш ва сарфлаш тартиби тегишли жамоат бирлашмалари томонидан тасдиқланадиган табиатни муҳофаза қилиш жамоат жамғармалари тўғрисидаги низомлар билан белгилаб қўйилади. («Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддаси).

Ўзбекистон Республикасида экологик солиқлар Солиқ кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 1997 йил 26 декабрда тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1998 йил 15 январда 394-тартиб рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Экология солигини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома билан тартибга солинади.

Йўриқноманинг 110-моддасига асосан, товар ишлаб чиқарувчи, иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи юридик шахслар экология солиги тўловчилардир. Экология солиги бир %ли ставка бўйича тўланади.

Солиқ кодексининг 113-моддасига биноан, қўйидагилар экология солигидан озод қилинадилар:

– «Нуроний» жамғармаси ва унинг корхоналари – бўшатиб олинаётган маблағлардан жамғарманинг уставда белгиланган вазифаларини бажариш учун фойдаланган тақдирда;

– ишловчилари умумий сонининг камида 50 % ногиронлар бўлган юридик шахслар (савдо, воситачилик, таъминот, сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланаётганлар бундан мустасно).

Ўзбекистон Республикасида атроф-табииий муҳитнинг ифлосланиши ва табииий ресурслар сифатининг ёмонлашуви оқибатида зарар етиши ҳолларини назарда тутиб, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мол-мулки ҳамда даромадлари, фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулки *ихтиёрий* ҳамда *мажбурий сугурта* қилинади. Экология сугуртасининг тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгилаб қўйилган.

Шуниси эътиборга сазоворки, табиатни муҳофаза қилиш тизимида рағбатлантириш катта аҳамиятга эга. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 37-моддаси айнан шу масалага бағишиланган. Унга асосан, табиатдан оқилона

фойдаланиш, атроф-табиий мұхитни мұхофаза қилишни рағбатлантириш қуидагилар орқали амалга оширилади:

– корхона, муассаса, ташкилот ва фуқаролар табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиатни мұхофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширганлари тақдирда уларга солиқ тұлашда имтиёзлар бериш;

– табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиат мұхофазасини таъминлаш борасидаги чора-тадбирларни рүёбга чиқариш учун имтиёзли шартларда қисқа ва узоқ муддатлы кредитлар (ссудалар) бериш;

– асосий ишлаб чиқариш фондлари учун юқори амортизация нормалари белгилаш;

– атроф-табиий мұхитта ифлослантирувчи моддалар чиқариш ва оқизиш ҳамда чиқиндиларни жойлаштириш барқарор суръатда пасайтириб борилған тақдирда бундай моддаларни чиқарғанлик ва оқизғанлик ҳамда чиқиндиларни жойлаштирганлик учун тұловларни камайтириш;

– табиатни мұхофаза қилиш жамғармалари маблағларининг бир қисмини ифлослантирувчи моддалар чиқариш ва оқизишни камайтириш чора-тадбирларини рүёбға чиқариш мақсадида корхоналар, муассасалар, ташкилоттар ва айрим шахсларға фоизли қарзлар сифатыда шартнома асосида бериш.

## **7-§. Ички ишлар органларининг экология соҳасидаги бошқаруви ва назорат қилиш фаолиятининг ҳуқукий тартиби ҳамда уни такомиллаштириш йўллари**

1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни мұхофаза қилиш тұғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида «Табиатни мұхофаза қилишдан мақсад:

– инсон саломатлиғи учун, экологик мувозанатни сақлаш учун, республикани самарали ва барқарор ижтимоий-иктисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида табиатдан оқилона ва уни ишдан чиқармайдиган қилиб фойдаланиш учун қулай шартшароит яратиши;

– жонли табиатнинг турлари ва генетик фонди бойлигини сақлаб қолиши;

– экология тизимлари, ландшафтлар ва ноёб табиат объектлари хилма-хиллигини сақлаб қолиши;

– экология хавфсизлигини таъминлаш;

– табиат объектлари билан боғлиқ маданий меросни асрар қолишидир», деб таъкидланиши барча ҳуқуқни мұхофаза қилувчи

органлар қатори ички ишлар органлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хукуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг хукуқий маданияти даражасини юксалтириш, хукуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги 1997 йил 25 июнь фармони ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Жамиятда хукуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида»ги қарорида хукуқий ва экологик-хукуқий муаммоларни ҳал этишда ички ишлар органларининг фаолиятига алоҳида эътибор қаратилгани ва ИИВ бир қатор вазифаларни бажариши зарурлиги кўрсатиб берилган.

Экологик муаммоларни ҳал этиш ва уларнинг олдини олишда ИИВнинг бир қатор бўлинмалари ижобий ишларни амалга ошириб, экологик қонунларнинг бажарилишини таъминламоқдалар. Хусусан:

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ девони** – республикамизда ИИВ фаолиятига оид бир қатор буйруқлар, низом ва йўриқномалар қабул қиласи, уларнинг жойларда амалга оширилишини таъминлайди;

**маҳаллий милиция нозирлари** – маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларига экологик-хукуқий тартиб ўрнатиш, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун талаблари бажарилишини таъминлаш ҳамда экологик-профилактик хукуқий назорат ишларини амалга оширишга кўмаклашадилар;

**санитария милицияси** – аҳоли пунктлари, шаҳар, қишлоқ, дам олиш, рекрация минтақалари ва бошқа жамоат жойларнинг тоза-лигини доимий назорат қилиш ҳамда санэпидстанция, ветеринария хизмати ходимларига экологик хукуқбузарликларнинг олдини олишда ёрдам беради;

**ДИҲХХХ ходимлари** – автотранспортдан фойдаланганда атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш, унга қарши курашиш ҳамда автотранспорт шовқинларининг нормал ҳолатда бўлишини таъминлашга ёрдам берадилар;

**милиция ёнғиндан сақлаш бўлимлари** – табиат ва ҳалқ хўжалиги объектларининг ёнғинга қарши ҳолатини баҳолаш, табиат объектлари муҳофазасига кўмаклашиш, ёнғинга қарши курашиш ва унинг олдини олиш, табиат объектларини муҳофаза қилиш ишларини амалга оширадилар;

**милиция тергов бўлинмалари** – амалдаги қонунларимиз асосида экология соҳасидаги хукуқбузарликларга қарши

курашадилар, уларнинг олдини олишни ва содир этилган экологик хуқуқбузарликларнинг фош этилишини таъминлайдилар;

**милиция қўриқлаш хизмати** – ўзаро келишув ёки шартнома асосида давлат аҳамиятига эга бўлган ва бошқа муҳим табиий, тарихий экологик обьект ҳамда комплексларни қўриқладилар, муҳофаза қиладилар.

Кўриниб турибдики, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ичидаги ички ишлар органларига экологик муаммоларни ўз доирасида ҳал этишда катта масъулият юкланган ва уларнинг мазкур соҳадаги фаолияти кўп қирралидир. Ҳозирги амалиёт ва тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, ички ишлар органлари экологик муаммоларни ҳал қилишда бир қатор тадбирларни амалга оширишлари зарур. Авваламбор, ички ишлар органлари ўз фаолиятларини тўла бажариши учун хуқуқий асосга, таянч ёки хуқуқий манбага эга бўлмоғи лозим. Қабул қилиниши кутилаётган Ўзбекистон Республикасининг «Милиция тўғрисида»ги қонуни ана шундай хуқуқий манба бўлиши мумкин.

Бизнингча, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштириш учун қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

**биринчидан**, «Милиция тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш ва унда ички ишлар органларининг экологик-хуқуқий фаолиятига кенроқ эътибор бериш;

**иккинчидан**, ҳозирги экологик тангликтни инобатга олиб, ИИБда «Эколог-милиционер» штатларини жорий этиш ва уларнинг экологик хуқуқбузарликларга қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириш;

**учинчидан**, ички ишлар органлари ўз экологик фаолиятларини янада яхшилашлари учун бошқа хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, прокуратура, суд, адлия, миллий хавфсизлик хизмати, солиқ, божхона ва бошқа органлар билан ҳамкорликларини янада кучайтириш ҳамда кенгайтириш;

**тўртинчидан**, ички ишлар органлари экология муаммоларини ҳал қилиш соҳасида Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Экосан» ҳалқаро жамғармаси, «Экология пости» ва шу каби бошқа корхона, муассаса, ташкилотлар билан яқиндан алоқа қилиши ва бу соҳадаги муаммоларни биргаликда ҳал этиш;

**бешинчидан**, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузурида табиатни муҳофаза қилиш ишини амалга оширувчи алоҳида бўлинма тузиш ва унинг хуқуқий ваколатини кенгайтириш;

**олтинчидан**, ички ишлар органлари ходимлари аҳоли, айниқса ёшлар, ўртасида экологик-хуқуқий сұхбатлар, кечалар,

учрашувлар ўтказиши, уларнинг экологик-хукуқий маданиятини янада оширишга кўмаклашиши;

**еттингидан**, экологик қонунлар ва бошқа табиатни муҳофаза қилишга оид хукуқий ҳужжатларни оддий, оммабоп шаклда (тушунтирувчи шарҳлар, саволномалар, оммабоп китоб ва бошқа экологик-аграр хукуқий адабиётлар) чоп этишни кенгроқ йўлга қўйиш.

Хуллас, ички ишлар органларининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини хукуқий тартибга солиш ва уни такомиллаштириш катта аҳамиятга эга.

### ***Тақрорлаш учун савол ва топшириқлар***

1. Экология соҳасида давлат бошқарувининг аҳамияти нимада ва унинг вазифалари қандай?
2. Давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув идораларининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатларини санаб беринг.
3. Экологик назорат нима ва у қандай тартибда олиб борилади?
4. Экологик экспертиза нима ва уни ўтказишнинг хукуқий тартиби қандай?
5. Ички ишлар органлари фаолиятида экологик муаммоларни назорат қилишининг хусусиятлари нималардан иборат?

## IV БОБ ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚБУЗАРЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

### **1-§. Экологик ҳуқуқбузарлик ва унинг хусусиятлари**

Экологик ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик ҳуқуқий жавобгарлик институтининг бир қисми бўлиб, унинг моҳияти, мазмуни ва хусусиятларини билиб олиш катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва бошқа ҳуқуқий адабиётларда<sup>1</sup> ушбу масалага алоҳида эътибор берилган.

Экология соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар юридик жавобгарликка тортиш учун асос ҳисобланади. Экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликка нисбатан қўлланиладиган юридик жавобгарликка бир қатор хусусиятлар хос. Хусусан, унинг асосий мақсади ва моҳияти экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар, экологик ва аграр қонунларнинг бузилишига қарши қураш ҳамда экологик қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 47-моддасига асосан:

– «Табиатни муҳофаза қилишнинг стандартлари, нормалари, қоидалари ва бошқа норматив-техник талабларини бузишда, шу жумладан корхоналар, иншоотлар, транспорт воситалари ва бошқа обьектларни режалаштириш, куриш, реконструкциялаш, улардан фойдаланиш ёки уларни тугатиш чоғида, экология нұқтаи назаридан хавфли маҳсулотларни чет элларга чиқариш ва чет эллардан олиб келишда ҳудуднинг белгилаб қўйилган экология сифимини, экология нормалари, қоидаларини бузишда;

– табиий бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланишда, давлат экология экспертизаси талабларини бажармаганликда;

– табиий ресурслардан фойдаланганлик учун, атроф-табиий муҳитга зарарли моддалар чиқарганлик ва оқизганлик, қаттиқ чиқиндилар жойлаштирганлик, бу муҳитни ифлослантирганлик ва

---

<sup>1</sup> Қаранг: Боголюбов С. А. Экологическое право. М., 1999. С. 208–235; Холмүминов Ж. Т. Экология ҳуқуқи. Чизмалар альбоми. Т., 2002. 200-б.

унга заарли таъсир кўрсатишнинг бошқа турлари учун белгиланган ҳақни тўлашдан бош тортганлиқда;

– табиатни муҳофаза қилиш обьектларини қуриш режаларини, табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа тадбирларни бажармаслиқда;

– атроф-табиий мұхитни тиклаш, унга бўладиган заарли таъсир оқибатларини бартараф этиш ва табиий ресурсларни такорор ишлаб чиқариш чораларини кўрмаганлиқда;

– табиатни муҳофаза қилш устидан давлат назоратини амалга ошираётган идораларнинг кўрсатмаларини бажармаганлиқда;

– алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ва обьектларнинг ҳуқуқий тартиботини бузганлиқда;

– атроф-табиий мұхитта заарли таъсирни ҳисобга олиш қоидаларини бузганлиқда;

– ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини, кимёлаштириш воситаларини, шунингдек радиактив ва заарли кимёвий моддаларни сақлаш, ташиб, улардан фойдаланиш, уларни заарасизлантириш ва кўмиб юбориш вақтида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлиқда;

– атроф-табиий мұхитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг обьектларга боришига, айрим шахслар ва табиатни муҳофаза қилиш жамоат ташкилотларига эса ўз ҳуқуқ ва вазифаларини рўёбга чиқаришларига тўскىнлик қилганлиқда;

– атроф-табиий мұхитнинг ҳолати ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида ўз вақтида ва тўғри ахборот беришдан бош тортганлиқда айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига биноан интизомий, маъмурий, жиноий ва бошқа йўсингдаги жавобгарликка тортиладилар».

Хуллас, экология соҳасидаги ҳуқуқбузарлик – айбдорнинг қонунга хилоф хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида Ўзбекистон Республикасининг экологик тизимиға ёки экология соҳасига етказилган зарар, экологик соҳани мустаҳкамлаш ёки ривожлантиришга тажовуз қилиш, экологик талабларни ўз вақтида амалга оширишга путур етказиш ҳамда экология соҳасидаги қонун ва талабларни бузишда намоён бўлади.

Таъкидлаш ўринлики, экология соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарлик субъектнинг ҳуқуқий нормаларга қарши қилган хатти-ҳаракати билан қасдан ёки эҳтиётсизликдан, табиат обьектларига – ер, сув, ер ости бойликлари, атмосфера, ўрмон, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига ҳамда инсон саломатлиги ва

яшаш мұхити учун хавфли бўлган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик оқибатида намоён бўлади.

## **2-§. Экологик ҳуқуқбузарликларнинг турлари, таркиби ва белгилари**

Экология соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг турлари ва белгилари ана шу ҳуқуқбузарликларни тавсифлайдиган хусусиятдир.

Экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг ўзига хос белгилари куйидагилардир:

- 1) айбнинг мавжудлиги;
- 2) ижтимоий хавфлилиги;
- 3) ҳуқук нормаларига зидлиги;
- 4) жазога лойиқлиги.

1. Экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни тавсифловчи белгилардан бири *айбилик* ҳисобланади. Бунда экологик ҳуқук нормасини юридик жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлган шахс бузади ва бу ҳаракатни қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этади.

Экология соҳасидаги ҳуқуқбузарлик учун аниқланган *айб* шахснинг шу соҳада содир этган ҳуқуқка хилоф ҳаракатига ва унинг заарали оқибатларига руҳий муносабатидир. Тасодиф ёки баҳтсиз ҳодиса натижасида бирор кимсага ёки корхона, муассаса, ташкилотга айбсиз зарар етказиш ҳодисаси экологик ҳуқуқбузарлик жумласига кирмайди.

2. Экологик ҳуқуқбузарликларни содир этишда *ижтимоий хавфлилик* даражаси шундан иборатки, бунда экологик ҳуқуқбузарлик жамиятнинг, давлатнинг экологик тизимиға, экология соҳасидаги бошқарувга ва экологик сиёсатга тажовуз қиласи ёки айрим экологик ҳуқук ва манфаатлар поймол этилади. Экологик ҳуқуқбузарликтининг заарали ёки хавфлилиги шундаки, у жамият, давлатнинг экологик манфаатига салбий таъсир кўрсатади.

3. Экология соҳасида ҳуқук нормаларига зидликда, яъни маълум қилмиш оқибатида экологик қонунларнинг ёки муайян экологик-ҳуқуқий нормаларнинг бузилиши мавжуд бўлади. Ёки экологик ҳуқуқбузарлик табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги ёхуд бошқа экологик ҳуқук нормаларида белгилаб қўйилган тақиқни бузади. Агарда белгиланган экологик тақиқлар бузилмаса, унда экологик ҳуқуқбузарлик мавжуд деб топилмайди.

4. Экология соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарлик юзага келиши учун жазога сазоворлик бўлиши шарт. У маълум экологик ҳуқуқбузарлик содир этган шахс (субъект)нинг ваколатли давлат органи томонидан маълум жавобгарликка тортилишини ифодалайди.

Айрим ҳолларда шахс қонунга биноан жавобгарлиқдан озод этилиши мумкин, лекин буни ҳам тегишли ваколатли давлат органлари амалга оширадилар.

Экология соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарлик **таркибиға**: субъект, объект, субъектив томон ва объектив томон, экологик ҳуқуқбузарлик оқибатида экологик тизим, манфаат ва соҳага етказилган зарар ҳамда у билан боғлиқ ҳолатлар киради.

Экология соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг қуидаги **турлари** мавжуд:

1) интизомий-ҳуқуқий (мехнат интизомига амал қилмаслик, ишга кеч қолиш ва келмаслик оқибатида);

2) маъмурий-ҳуқуқий (табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқ нормаларни бузиш);

3) фуқаровий-ҳуқуқий (мажбурият, шартнома ва битимларни ўз вақтида бажармаслик оқибатида мулкий, моддий ва маънавий зарар етказиш);

4) жиноий-ҳуқуқий (экология соҳасидаги жиноятларни содир этиш).

Таъкидлаш жоизки, содир этилган экологик ҳуқуқбузарликларнинг турига, ижтимоий хавфлилик даражасига қараб давлат мажбурлов чоралари ҳам ўзгариши мумкин.

Экология соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликларга нисбатан қўлланиладиган чораларнинг хусусияти шундаки, уларнинг энг оғирлари жиноятлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан қўлланилади.

Юқорида кўрсатилган жавобгарлик турлари ер, сув, ер ости бойликлари, ўрмон, атмосфера ҳавоси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ қонун ҳамда талабларни бузганлик учун қўлланилади.

### **3-§. Экологик ҳуқуқбузарлик учун интизомий жавобгарлик**

Экология ҳуқуқида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун интизомий жавобгарлик масаласи катта аҳамиятга эга. Бу соҳада содир этилган ҳуқуқбузарлик интизомий-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Интизомий жавобгарликка тортишдан мақсад – шахс содир этган экологик ҳуқуқбузарлиги учун моддий ва маънавий жавобгарликни ҳис этиши, ҳуқуқбузарларни тарбиялаш ва бошқа ходимлар ўртасида шундай экологик ҳуқуқбузарларлик содир этилишининг олдини олиш, экологик-аграр қонунларга ҳамда меҳнат қонунларига ҳурмат билан қараш, экология тизимида олиб борилаётган тадбирларни амалга оширишда, экологик сиёсатни мустаҳкамлашда меҳнат интизомига қаттиқ риоя қилишини таъминлаш.

Экология соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарлик мавжуд бўлиши учун интизомий жавобгарликка тортишга субъектнинг давлат белгилаган экологик тадбирларни бажармаслиги ҳамда амалга оширмаслиги, меҳнат бурчига садоқат билан ёндашмаслиги оқибатида экологик тизимга зарар етказганлигининг ўзи кифоя.

Фуқаролар ва мансабдор шахслар, ижарачилар, фермер, дехқон ҳўжаликлари, қишлоқ ҳўжалик кооперативлари (ширкатлар), хусусий корхоналар, корхона, муассаса, ташкилотлар интизомий жавобгарлик субъекти бўлиши мумкин.

Экология соҳасида ҳуқуқбузарларлик содир этганлик учун интизомий жавобгарликка тортиш асосан меҳнат қонунлари билан тартибга солинади.

Экология соҳасида интизомий ҳуқуқбузарликнинг объекти – нафақат иш тартиби, балки экология соҳасида белгиланган ички тартиб ва уни тўлдириб турадиган тегишли экологик-ҳуқуқий нормалар (актлар, низом, устав ва бошқалар) ҳисобланади. Ушбу соҳа бўйича интизомий жавобгарликка тортиш бошқа юридик жавобгарликлар турига қараганда анча таъсирили ва ижобий натижка беради.

Ҳуқуқбузарнинг маълум айбга эга бўлиши, интизомий ҳуқуқбузарлик содир этган субъектнинг у ёки бу микдорда етказган заари ҳамда бу заарнинг оқибати ходимни интизомий жавобгарликка тортиш шартларидан бири ҳисобланади.

Экология соҳасида қўлланиладиган интизомий жавобгарлик меҳнат интизомини бузиш оқибатида ҳамда ўз хизмат вазифасини етарли даражада ҳамда бурчини масъулият билан бажармаслик натижасида вужудга келади. Экологик ҳуқуқбузарларлик содир этганлик учун интизомий жазо чораси Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида батафсил ёритилган<sup>1</sup>. Мазкур кодекснинг 181-моддасига биноан, ходимга меҳнат

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Т., 1996.

интизомини бузганлик учун иш берувчи қуйидаги интизомий чораларни қўллашга ҳақли:

1) ҳайфсан;

2) ўртacha ойлик иш ҳақининг 30 %дан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима (ички меҳнат тартиби қоидаларида ходим ўртacha ойлик иш ҳақининг 50 %дан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Ходимнинг иш ҳақидан жаримани, Меҳнат кодексининг 164-моддаси талабларига риоя қилган ҳолда, иш берувчи ушлаб қолади);

3) меҳнат шартомасини бекор қилиш (100-модда иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари). Ушбу моддада назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўллаш тақиқланади.

Ходим экологик ҳукуқбузарлик содир этганда интизомий жазо чораси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 82-моддасига кўра, иш берувчининг буйруғига асосан расмийлаштирилади. Интизомий жазо қўллашдан олдин ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бош тортиши унга нисбатан жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайди. Экологик ҳукуқбузарликлар учун интизомий жазо қўллашда содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг қай даражада оғир эканлиги, шу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, ходимнинг иш фаолияти, хулқатвори ҳисобга олинади ва бир ой ичida қўлланилади. Масалан, экология соҳасидаги ҳукуқбузарликлар учун интизомий жавобгарлик ердан оқилона фойдаланманмаслик оқибатида экилган экин маҳсулоти сифатининг ёмонлашиши, агротехника қоидаларини, ернинг мелиоратив ҳолатини бузиш, сувдан фойдаланиш талаблари ва тартибини бузиш, ҳавони ифлослантириш ва бошқа ҳолларда қўлланилиши мумкин.

Интизомий жавобгарликка тортишнинг бир қатор хусусиятлари мавжуд: *биринчидан*, у бошқа жавобгарлик турларидан енгилпроқ тарзда эканлиги билан; *иккинчидан*, фақат корхона, муассаса, ташкилот раҳбари томонидан қўл остида ишловчи ходимга нисбатан қўлланиши билан фарқ қиласди.

Демак, экология соҳасида содир этилган ҳукуқбузарликлар учун интизомий жавобгарликни якка тартибда эмас, балки умумий йиғилишларда, кўпчилик ҳузурида муҳокама қилиб қўллаш яхши натижা беради. Экология ҳукуқида интизомий жавобгарликка тортиш кўпроқ тарбиявий аҳамиятга эга, аммо бундай жавобгарликка олиб келадиган ҳукуқбузарлик содир этилиши оқибатида ҳукуқ соҳасининг белгиланган экологик-ҳукуқий тартиби ва нормалари бузилади.

Хуллас, экология соҳасида қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш, барча корхона, муассаса, ташкилотларнинг мулклари ва тегишли ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, атроф-табиий муҳитни барқарорлаштириш, инсон саломатлиги ва келажак авлодни соғлом ўстиришга хизмат қиласди.

#### **4-§. Экологик ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик**

Маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг бир тури сифатида экология соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун ҳам қўлланилади. Экология соҳасида маъмурий-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилишининг ўзи кифоя қиласди.

Маъмурий-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида аниқ кўрсатилган. Ушбу қонуннинг 10-моддасига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда, қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (касдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Экология соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликларга асосан маъмурий жавобгарликни белгилашдан мақсад – барча фуқаро ва юридик шахслар экологик қонун талабларини бажаришлари, жамият, давлат олдидаги экологик масъулиятларни билишлари ва амалга оширишлари ёинки тегишли экологик ҳуқуқбузарликларни содир этганларни қайта тарбиялаш ва тегишли жазо чоралари кўришдан иборат.

Экология соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик белгиланган қонунларга қарши қилинган хатти-ҳаракат оқибатида Ўзбекистон Республикаси экология тизими ва экологик қонунларига ҳамда уларни амалга ошириш талабларига риоя этмаслик ёки уларга амал қилмаслик ёинки улари бузиш ҳолатлари тушунилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ўз ичига 4 элементни, яъни субъект, объект, субъектив ва объектив томонларни қамраб олади.

Экология соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектлари фуқаро ва мансабдор шахслар ҳисобланади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 13-моддасига асосан, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда 16 ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортиладилар. Экологик

хуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг мансабдор шахсларига эса алоҳида йўриқнома<sup>1</sup> асосида ҳам қўлланилиши мумкин.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги хуқуқбузарларнинг бир неча турлари кўрсатилган ва тегишли жазо чоралари қўлланилиши ҳам батафсил ёритилган. Ушбу кодекснинг VIII боби айнан шу масалаларга бағишланган бўлиб, бир неча йўналишни ўз ичига олади.

1) ердан фойдаланиш ва уни экологик муҳофаза қилиш йўналиши (65–69-моддалар);

2) ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш талабларини бузиш билан боғлиқ йўналиш (70, 71-моддалар);

3) сув захираларини муҳофаза қилиш ва сувдан фойдаланиш билан боғлиқ йўналиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ йўналиш (72–76-моддалар);

4) ўрмон фондидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ йўналиш (77–80-моддалар);

5) ўсимлик ва ўрмонларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ йўналиш (79–82, 84–89-моддалар);

6) алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тартибини бузиш билан боғлиқ йўналиш (82-модда);

7) атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган йўналиш (85–88-моддалар);

8) ов қилиш, ҳайвонот ва ўсимликлар турларини саклаш билан боғлиқ бўлган йўналиш (90–95-моддалар);

9) лойиҳаларни давлат экологик (санитария-экологик) экспертизасининг ижобий хулосасиз рўёбга чиқариш билан боғлиқ йўналиш (96-модда) ва ҳ.к. Юқоридаги моддаларда кўрсатилган экологик хуқуқбузарликлар учун тегишли жазо чоралари мазкур моддаларнинг санкция қисмида кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 23-моддасига асосан, маъмурий хуқуқбузарликни содир этганлик учун қуидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилади:

1) жарима;

2) маъмурий хуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;

<sup>1</sup> Қаранг: «Табиатни муҳофazaga қiliш давlat қўmitasi organlari mansabдор шахslari томонидан табиий muҳitni muҳofazaga қiliш va tabiatdan foydalaniш соҳasidagi xukukbuzarlik учун maъmuрий жавobgarlikni tatbiq этиш tўғrisida» йўriқнома. T., 1998. 51-bet.

3) муайян шахсни унга берилган маҳсус ҳуқуқдан (ов қилиш, машина ҳайдаш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;

4) маъмурий қамоққа олиш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария эпидемиология хизмати барча соҳаларда, жумладан экология тизимида санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилишни назорат қиласди. У қайси мулк шаклида бўлишидан қатъи назар, барча корхона, муассаса, ташкилот ҳамда фуқаролар республика ҳудудида санитария қоида ва талабларига риоя қилишлари лозим. Мазкур талаб Узбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги ва «Ветеринария тўғрисида» ги қонуниларда ўз ифодасини топган.

Жумладан, «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонуннинг 30-моддасига асосан, давлат бош санитария врачи ва унинг муовини санитария қонун ва талабларини бузганлик учун, гигиена талабларига риоя этмаганлиги, ушбу масала бўйича тегишли кўрсатмаларни бажармаганлик учун тегишли маъмурий жазо чораларини белгилаши мумкин, яъни мансабдор шахсларга икки ойлик иш ҳақидан ошмаган миқдорда, бошқа фуқароларга эса, бир ойлик иш ҳақидан ошмаган миқдорда жарима солиши мумкин.

Хуллас, экологик ҳуқуқбузарликларга нисбатан маъмурий жавобгарликни қўллаш, экологик қонун ва талабларнинг тўла амалга ошишини, табиий обьектларни қонун билан қўриқлашни, ушбу соҳада содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ва унга қарши курашишга катта ёрдам беради.

## **5-§. Экологик ҳуқуқбузарлик учун фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик**

Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик экология соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган мулкий зарар оқибатида намоён бўлади.

Фуқаровий-ҳуқуқий (мулкий) жавобгарликка тортишдан мақсад, экология соҳасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган моддий ва маънавий (мулкий) зарарларни ўз вақтида қоплашдир. Етказилган зарар учун жавобгарликнинг умумий асослари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида ўз ифодасини топган.

Экология соҳасида фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш учун қўйидаги шартлар бўлиши керак:

- а) етказилган зарарнинг мавжудлиги;
- б) айнинг бўлиши;

в) ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг қонунга (хуқуққа) хилофлиги;

г) зарар охирги зарурат ва зарурий мудофаа туфайли етказилган бўлса, ушбу ҳолатни ҳисобга олиб, суд томонидан жазо чорасини белгилаш.

Фуқаровий-хуқуқий жавобгарликнинг ўзига хос томони шундаки, субъектнинг экология соҳасида хуқуқбузарлик содир этгандилиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортимиши уни етказилган зарарни ўз вақтида тўлаш ёки қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.

Шунинг учун ҳам экология хуқуқида фуқаровий-хуқуқий жавобгарлик давлатнинг экологик манфаатини, экологик талабларни, экологик қонунларни, субъектлар ёки мулк эгалари етказган экологик зарарни қоплаш ҳамда мазкур соҳадаги барча хуқуқий нормаларни бажаришига қаратилгандир. Ушбу талаб, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 48, 49 ва 51, 52-моддаларида батафсил ёритилган. Экология соҳасида фуқаровий-хуқуқий жавобгарлик қуидаги ҳолларда намоён бўлиши мумкин:

1) табиат бойликларидан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш талаблари ва қонунларини бузганлик оқибатида етказилган зарарни қоплаш, тўлаш, қайтариш. Ушбу ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси (86–88-м.), «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (25-м.), «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги (47–50-м), «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун (117–118-м.)ларида батафсил кўрсатилган;

2) ер, сув, ер ости бойликлари, ўрмон, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси давлат (умумхалқ) мулки бўлиб, ушбу обьектлар олди-сотди, ҳадя қилиш, гаровга қўйиш, айирбошлашга рухсат этилмайди.

Қилинаётган барча ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаслиги керак ва тузилган ҳар қандай битим Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун талабларига мос келиши лозим (Фуқаролик кодекси, 113–128-м.);

3) табиат бойликларидан фойдаланишда экология тизимидағи субъектлар қонуний хуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга, ўзлари етказган зарарни ҳам қоплашлари шарт. Масалан, корхона, муассаса, ташкилот чиқарган зарарли чиқитлари билан атмосфера ҳавосини ифлослантириши, ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини бузиши мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида мажбуриятларни бажармаслик ва бузиш учун ҳам жавобгарлик кўрсатилган. Ушбу қонуннинг 333-моддасига асосан, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки тўлиқ бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки

шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради. Қарздор мажбуриятни тўлиқ бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрмаганлигини (жумладан, экология соҳасида ҳам) исботласа, у айбизиз деб топилади. Айнинг йўқлиги мажбуриятни бузган шахс томонидан исботланади. Файриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик туфайли экология тизимига, шунингдек юридик шахсга, етказилган зарарни экологик зарар етказувчи тўлиқ ҳажмда қоплаши лозим.

Қонун хужжатларида ёки шартномада, жабрланувчиларга зарарни тўлашдан ташқари, товон тўлаш мажбуриятлари ҳам белгилаб қўйилиши мумкин. Қонуний ҳаракатлар туфайли етказилган зарар қонунда назарда тутилган ҳолларда тўланиши лозим ва ҳоказо. Экология соҳасида содир этилган ҳукуқбузарлик (жиноят)лар натижасида етказилган зарар асосан **икки шаклда** намоён бўлади.

**1) иқтисодий-экологик** зарар. Ушбу шаклда табиат захираларидан фойдаланувчи субъектларнинг мулки ҳамда даромадларига зарар етказилади.

**2) экологик-ҳукуқий** зарар. Бундай зарарнинг хусусияти шундаки, ер-сувни ифлослантириш, ер ва бошқа табиат обьектларини яроқсиз ҳолга келтириш, ўрмонларни қирқиши, атмосфера ҳавосини ифлослантириш ва бошқа ҳолатларда намоён бўлади.

Шуниси эътиборлики, экология соҳасида томонлар шартнома мажбуриятларини бузганда ҳам фуқаровий-ҳукуқий жавобгарлик қўлланиши мумкин.

Экология соҳасида шартнома тузиш фуқаровий-ҳукуқий битимларнинг турларидан бири ҳисобланади, у икки ёки кўп томонлама бўлади. Шунинг учун ҳам шартнома экология соҳасида мажбуриятлар пайдо бўлишининг энг муҳим асосларидан биридир.

Бундай шартномалар **ёзма** ёки **оғзаки** шаклда тузилиши мумкин. Экология соҳасидаги ҳалқаро шартнома мажбурияти билан боғлиқ масалалар «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 53-моддасида ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа экологик қонунларида тартибга солинган.

## **6-§. Экологик ҳукуқбузарлик учун жиноий жавобгарлик**

Экологик ҳукуқбузарлик содир этганлик учун жиноий жавобгарликни қўллаш ўз хусусиятига кўра бошқа юридик

жавобгарликларга нисбатан анча оғирроқдир. Бундай жавобгарликни қўллашдан мақсад – экология соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарлика баҳо бериш, унинг олдини олиш, унга қарши курашиш.

Экология соҳасида жиноий-ҳуқуқий жавобгарлика тортиш учун жиноий ҳуқуқбузарлик (жиноят) содир этилиши асос бўлади. Ушбу соҳада жиноий-ҳуқуқий жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида кўрсатилган. Бундан ташқари бир қатор юридик адабиётларда<sup>1</sup> ҳам айрим хусусиятлари очиб берилган.

Экология соҳасидаги ҳуқуқбузарлик (жиноят) деганда, табиат бойликларига, давлатнинг экологик сиёсати ва экологик бошқарув тизимиға, экология соҳасида қабул қилинган норматив ҳужжат ва қонунларга, талабларга, инсон унинг яшаш мұхити, келажаги ва ҳаётига нисбатан қасддан ёки эҳтиётсизликдан қилинган ижтимоий хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Экология соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликнинг элементи қуидагилардан иборат: обьект, субъект, обьектив томони ва субъектив томони.

Экология соҳасида содир этилган жиноятларнинг ўзига хос белгилари, яъни **айбнинг мавжудлиги, ижтимоий ҳавфлилик даражаси, ҳуқуққа зидлиги ва жазога сазоворлиги** бошқа турдаги ҳуқуқбузарликларга нисбатан оғирроқ кўринишда бўлади ва Жиноят кодекси билан тартибга солинади.

Экология соҳасидаги жиноятларнинг **объекти** – табиат бойликлири, ер, сув, ер ости бойликлари, атмосфера ҳавоси, ўрмон, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси ҳамда инсон ҳаёти ва атроф-табииий мұхит.

Экология соҳасидаги жиноятларнинг **субъекти** – жисмоний ва юридик шахслар.

**Объектив томони** – субъектнинг амалдаги экологик қонунларни қўпол тарзда бузиши. Бу қуидаги талабларни ўз ичига олади: а) мавжуд экологик қонунларни бузиш; б) табиат ва унинг бойликларига зарар етказиш ёки ҳавф туғдириш; в) субъектив томони тегишли ҳуқуқбузарлик содир этилиши ва ўзаро боғлиқлик.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Кадыров М. Уголовное право Республики Узбекистан. Т., 1997. С. 227–251; Кабулов Р. Уголовная ответственность за нарушение санитарного законодательства или правил борьбы с эпидемиями. Ҳуқуқ–Право–Law. 2000. № 1.

С. 67–68; Экология ҳуқуқи. Т., 2001. 101–112-б.

**Субъектив томони** – субъектнинг қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида экологик жиноят содир этиши. Зеро, бунда айб, қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги, ҳуқуқка хилофлиги ва жазога сазоворлик даражалари юқоридаги хатти-ҳаракатларни ўзида ифода этади.

Экология соҳасида содир этилган жиноятлар учун жазо белгиланиши қуидаги принципларга таянади:

а) юридик жавобгарликка тортишнинг ҳақиқат мезонига мослиги;

б) қилинган ижтимоий хатти-ҳаракат учун қонуний жазо белгилашнинг муқаррарлиги.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида биринчи марта экология соҳасидаги жиноятлар кўрсатилиб, «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар» деб номланди (XIV боб). Мазкур жиноятлар 12 турни ўз ичига олиб, ЖКнинг 193–204-моддаларида ўз аксини топган. Улар қуидагилар: «Экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш» (193-м.); «Атроф-табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш» (194-м.); «Атроф-табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик» (196-м.); «Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш» (197-м.); «Экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дараҳтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш» (198-м.); «Ўсимликлар касалликлари ёки заараркунандалари билан кураш талабларини бузиш» (199-м.); «Ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш» (200-м.); «Заарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш» (201-м.); «Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш» (202-м.); «Сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш» (203-м.); «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тартибини бузиш» (204-м.) ҳолатларига бағишлиланган.

Юқорида кўрсатилган моддаларда ушбу жиноятларни содир этганлик учун жазо чоралари ҳам кўрстилган. Унга кўра, экология соҳасида содир этилган жиноятлар учун айбдор шахс энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорида жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилдан беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси ЖҚда экология соҳасида содир этилган жиноятлар учун жазо чоралари анча кучайтирилган.

Хуллас, экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар (жиноятлар) учун жиноий жавобгарликнинг қўлланиши катта аҳамиятга эга бўлиб, у мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, унга қарши курашиш ва содир этилганлари учун одил жазо беришга қаратилган.

## **7-§. Ички ишлар органларининг экологик ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш борасидаги вазифалари**

Экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва уларнинг олдини олишда барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қатори, ички ишлар органларининг ҳам фаолияти ва вазифаси анча кенгdir. Ички ишлар органларининг экологик ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш билан боғлиқ барча кўрсатмалари Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг бир қатор буйруқлари ва низомларида кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Карантин-қўриқлаш тадбирлари ва санитария назоратини таъминловчи милиция бўлинмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги 1997 йил 15 май буйруғи экологик муаммоларни ҳал қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш борасида қўриқлаш бўлинмаларининг ҳамда санитария милициясининг олдига бир қатор вазифалар қўйди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимида санитария назорати тўғрисида»ги 1997 йил 17 январь буйруғи ҳам атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда ички ишлар органларининг аҳамиятини оширди. Унга асосан, санитария милицияси санитария-ветеринария органларига кўмаклашиши ва содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ёрдам бериши аниқ кўрсатилган.

Хуллас, ички ишлар органлари мазкур жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш учун экологик-ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришлари, фуқароларнинг экологик онги, маънавияти ва маданиятини оширишга кўмаклашишлари ҳамда ушбу ишни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан ҳамкорликда олиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

### **Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар**

1. Экологик ҳуқуқбузарлик нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
2. Экологик ҳуқуқбузарлик учун юридик жавобгарлик ва унинг хусусиятлари ҳақида гапириб беринг.
3. Экологик ҳуқуқбузарликлар учун қандай жазо турлари кўлланилади?
4. Экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш йўлларини айтиб беринг.
5. Ички ишлар органларининг экологик ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш фаолияти ҳақида маълумот беринг.

## **МАХСУС ҚИСМ**

### **V БОБ ЕРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЭКОЛОГИК-ХУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ**

#### **1-§. Ердан фойдаланишнинг тарихи ва уни экологик-хуқуқий муҳофаза қилиш**

Ер шундай сахийки, у ўз бағрида инсон учун зарур бўлган жами неъматларни яратишга қодир. Ерга мөхр билан муносабатда бўлинса, у ҳам ҳимматини аямайди. Ер – одамзотнинг ҳаёт манбаи. Барча озиқ-овқатлар, кийим-кечаклар, фойдали қазилмалар унинг маҳсулидир. Кўриниб турибдики, ернинг иқтисодий, ижтимоий аҳамияти жуда катта. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз ер ҳақида бир қанча мақоллар тўқигани бекиз эмас. «Ер – хазина, сув – олтин», «Ер тўқ – сен тўқ», «Ер тўйидирар – ўт куйдирар», «Ер-сув – битмас кон», деган ҳикматлар шулар жумласидандир.

Инсон ибтидоий жамиятдаёқ табиат бойликларидан, ердан фойдалана бошлаган. Қулдорлик даврига келиб ундан йиртқичларча фойдаланиш кучайган, бир қанча жойларда инсон билан табиат ўртасидаги мувозанат бузилган. Натижада Юнонистон, Кичик Осиёда (Месопотамия, Эрон ва бошқа жойларда) ўрмонлар ўрнига чўллар, сахролар пайдо бўлган.

Шу боис кўплаб давлатларда ерни экологик-хуқуқий муҳофаза қилиш чоралари кўрилди. Масалан, Австралиядаги қонунларга кўра, фермер (дехқон)лар ердан унумли фойдаланиб, тупроқ эрозиясига қарши чора кўришга мажбур. Агар фермер буни бажармаса, унда ерларнинг муҳофазаси ва уларни эрозиядан сақлаш ишларини давлат бажаради ва бунинг учун кетган харажатларни фермердан ундириб олади.

Хиндишондаги қонунларга мувофиқ, тупроқ эрозиясига қарши чора кўрмаган дехқоннинг ери мусодара этилиб, 10 йилдан кейингина қайтариб берилади. Кейинги 30 йил мобайнинда Хиндишонда ерни сув ва шамол эрозиясидан асраш борасида бир қанча яхши ишлар амалга оширилди. Бу ерда «Ландшафт архитектураси контораси» ва «Тупроқ эрозияси билан кураш» жамиятлари тузилган.

Австралияда эса табиат муҳофазаси ишларини маблағ билан таъминлаш мақсадида Табиатни муҳофаза этувчи миллий фонд ташкил қилинган.

Инсоният учун катта ҳәётий аҳамиятга эга бўлган табиат бойликлари, жумладан ердан тӯғри фойдаланиш, унинг ифлосланишига йўл қўймаслик тўғрисида бир қанча давлатлараро битимлар тузилган.

Бутун дунёда 13,4 млрд. гектар ер мавжуд. Шундан 1 млрд. 457 млн. гектарига (10,8 %) экин экилади, 2 млрд. 987 млн. гектар (22,3 %) ердан ўтлоқ ва яйлов сифатида фойдаланилди. Жаҳонда энг кўп ҳайдаладиган ерлар ўрмон ва дашт зоналарида бўлиб, АҚШ, Канада, Ҳиндистон, Хитой ва Бразилияда жойлашган. Жумладан, бизнинг республикамида ҳам сугориладиган ерларда асосан пахта, ғалла экинлари ўстирилди.

Биз онгли мавжудотлармиз, шунинг учун ҳам бебаҳо бойлигимиз бўлган ердан оқилона фойдаланиш, уни эъзозлаш, ҳосилдорлигини ошириш ва экологик тадбирларни ўз вақтида бажаришимиз зарур ва шарт.

1963 йилда АҚШ президенти А. Линкольн Гомстедлар қонунини чиқарди. Натижада ер фермерларга (дехқонларга) 67 гектардан бўлиб берилди. Бугун ҳам ер дехқон қўлида.

1949 йилдаги Хитой инқилобидан кейин дехқонларга 2–3 гектардан ер берилди. Бугун Хитой дехқони 1 млрд. 100 млн.дан ортиқ аҳолини боқяпти. Маълумки, Япониянинг ер майдони Ўзбекистонницидан анча кичик. Лекин улар 30 млн.ли аҳолини bemalol боқиб келяпти. Бангладешнинг майдони республикамизницидан 4,5 марта кичик. Аҳолиси эса бизницидан 6 марта ортиқ, яъни 110 млн. Майдони Ўзбекистонницидан 4,5 марта кичик бўлган давлат шунча аҳолини боқяпти.

Агар масаланинг тарихий томонига зътибор берадиган бўлсак, республикамиз худудида дастлабки обикор дехқончилик ўчоқлари милоддан аввалги икки мингинчи йилларда мавжуд бўлган.

1925 йилнинг декабрида собиқ Ўзбекистон ССР Марказий ижроия қўмитасининг фавқулодда сессияси республиканинг ҳамма ерида ер-сув ислоҳоти ўtkазиш тўғрисида декрет қабул қилди. Табиатни қўриқлаш борасидаги дастлабки комиссия 1956 йилда тузилди. 1961 йилда Табиатни муҳофаза қилиш жамияти ташкил этилди.

Собиқ КПСС Марказқўмининг 1988 йил 7 январда қабул қилган «Мамлакатда табиатни муҳофаза қилиш ишини тубдан қайта қуриш тўғрисидаги» қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида ҳам Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташкил этилди.

Республикада экологик вазият жиддий кескинлашганлигини ҳисобга олиб ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш, экологик қонунларга ва қоидаларга риоя қилишни кучайтириш, лойиҳа ечимлари, янги техника, технология ва материаллар экология талабларига жавоб беришни мустақил экспертиза қилишни таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда маҳаллий Совет идоралари, илмий кучлар, меҳнат жамоалари, давлат ва жамоат ташкилотларининг куч-ғайратларини яхшироқ уйғунлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Совети 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон ССР табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳуқуқий мақомини ўзгартириш ҳақида қарор қабул қилди, мазкур қарорда, жумладан шундай дейилади:

1. «Ўзбекистонда Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети бевосита Ўзбекистон Олий Советига бўйсундирилиб, унга табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш масалалари бўйича идоралардан устун турувчи бошқарув органи ваколатлари берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети ҳар қандай бошқарув идораларидан мустақил суратда ўз вазифаларини амалга оширади ва табиатни муҳофаза қилиб, табиий ресурсларни тақрор ҳосил қилишнинг ҳолати ва уларни муҳофаза қилиш учун ҳамда бу соҳадаги ягона илмий-техникавий сиёsat учун Ўзбекистон Республикаси Олий Совети олдида жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Совети томондан тасдиқланади, комитет раисининг ўринbosарлари ва унинг ҳайъати аъзоларининг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети тақдимиға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Совети томонидан тасдиқланади».

Таъкидлаш лозимки, табиатга кейинги 20–30 йил ичida катта зарар етказилди. Эндилиқда экологик танглиқдан дарҳол кутулишнинг иложи йўқ. Республикаизда табиат бойликларини сақлаш, назорат қилиш, эъзозлаш мақсадида миллий табиат боғларини ташкил этмоғимиз лозим. Бу борада ижобий ишлар бошланган. 1991 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан 570 минг гектар ерда Угом-Чотқол Миллий табиат борги (Бўстонлик тумани билан Паркент ва Оҳангарон туманларининг қисман тоғли худудлари) ташкил этилди.

Кейинги пайтларда ер ҳуқуқининг мазмуни яна ҳам бойиди. Бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бундан кўзланган мақсад фуқароларнинг турмуш шароитини яхшилашга ёрдам беришdir. Республикаизда ер ресурсларига алоҳида эътибор бериш ва фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжалигини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 1991 йил 11 январда чиқарилган «Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ва қишлоқ жойларда яшовчи бошқа фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини янада ривожлантиришга оид қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги фармон катта аҳамиятга эгадир. Бу фармон асосан собиқ ҳалқ депутатлари туман, қўрғон, қишлоқ ва овул Советлари, жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликлари раҳбарлари 1991 йилнинг сентябрь ойига қадар ажратиб бериладиган томорқа участкаларини расмийлаштириш, улардан оқилона фойдаланиш йўл-йўриклини белгилаб берди.

Аҳолиниг шахсий ёрдамчи хўжаликларини кенгайтириш давом эттирилмоқда. Аммо бу ерларнинг ҳаммасини аҳолига бўлиб бериш керак, деган маънони билдирумайди, балки мавжуд ер майдонларидан оқилона фойдаланиш, уларни кўз қорачигидек сақлаш ҳамда барча экологик талабларни бажаришни тақозо қилади.

Шундай экан, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон ўз ҳаёт манбай ва маконини, яъни она табиатни ва унумдор тупроқни, зилол сувни, мусаффо ҳавони, шифобахш ўсимликларни ўрганиши, уларни эъзозлаши, зарарли хусусиятларини билиб, уларга қарши кураш чораларини излаб топиши, бу борадаги ички ва ташқи омилларга қарши тинимсиз кураш олиб боришлари зарур.

Хуллас, мустақиллик ҳар биримизни касби коримиз, ҳалол меҳнатимиз билан бир ёқадан бош чиқариб, республикамиз табиатини, ер ва бошқа ресурсларни тежашга, улардан оқилона фойдаланишга, келажак авлодга қолдиришга ундейди.

Демак, ерин экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш деганда – уни асраш, ундан оқилона фойдаланиш ва тупроқ унумдорлигини ошириш, муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий тизими тушунилади.

Албатта, булар жумласига Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, «Табиатни муҳофаза қилиш», «Ер кадастри» ҳамда ер ресурсларини экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишга қаратилган бир қатор қонун, фармон, қарор ва бошқа қонун ости ҳуқуқий норматив ҳужжатлар киради.

## 2-§. Ўзбекистон Республикасининг ер майдони,

## уни экологик-хуқуқий муҳофаза қилишнинг вазифалари ва принциплари

Табиат бойликлари орасида ер, ер ресурслари алоҳида хусусиятга эга бўлиб, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий қудрати ер ресурслари билан чамбарчас боғлиқдир. Жумладан, мустақил Ўзбекистон халқининг ҳаёти, турмуш тарзи, фаолияти ва фаровонлигининг туб асоси ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга таянади. Шу сабабли уни муҳофаза қилиш ніҳоятда катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг умумий ер майдони 44,9 млн. гектар бўлиб, қишлоқ хўжалик тармоғига ажратилган ерлар 28 млн. гектар (яъни бутун ҳудуднинг 62 %ни ташкил этади). Шундан 23 млн. гектари сахро ерларда жойлашган яйловлардир, 0,7 млн. гектари лалми ҳайдаладиган, 4,3 млн. гектари эса суфориладиган ерларни ташкил этиб, бу 15 % ҳудудни ўз ичига олади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 95 % ана шу тоифага кирадиган ерлардан олинади.

Ўзбекистон Республикасида ер билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ер кодекси ва ана шу қонунларга асосланиб чиқарилган бошқа қонун ва қонуности ҳужжатлари билан тартибига солинади. Бундай ҳужжатлар жумласига Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Махкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тегишли қарор ҳамда буйруқлари киради.

Шунингдек, ер билан боғлиқ муносабатларни тартибига солища Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)», «Деҳқон хўжалиги», «Фермер хўжалиги» тўғрисидаги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Фуқаролик кодекслари, Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекси, Солик кодекси ва бошқа қонунлар алоҳида аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалалар, сув, ўрмон, тоф-конга тааллуқли муносабатлар, шунингдек ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш маҳсус қонунлар билан ҳам тартибига солинади.

Республикамиздаги ер майдонини хуқуқий-экологик муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни таъминловчи асосий

манба Ер кодекси ҳисобланади. Шундай экан, мазкур кодексининг қуидаги хусусиятларини алоҳида таъкидлаш керак:

**биринчидан**, Ер кодекси Узбекистон Республикаси ҳалқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг манбаси сифатида ердан оқилона фойдаланиш ва уни ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг асосини ташкил этади;

**иккинчидан**, у янги ижтимоий тузум, бозор муносабатларини мустаҳкамлаш учун янги ҳуқуқий замин тайёрлаб, қишлоқ ҳўжалигида аграр ислоҳотларни амалга оширишда алоҳида аҳамият касб этади;

**учинчидан**, Ер кодекси иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда содир бўлган ўзгаришларни ҳамда қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ислоҳотларнинг янада чукурлашишида асосий ҳуқуқий манба ҳисобланади;

**тўртинчидан**, 1990 йил 20 июндаги Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги қонунидан туддан фарқ қилиб, ҳозирги шароитда ердан фойдаланиш ва уни ҳуқуқий муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган барча муаммоларни тўлиқроқ акс эттиради;

**бешинчидан**, Ер кодекси янги талаб ва бозор иқтисодиёти шароитида қабул қилинган «Фермер ҳўжалиги», «Деҳқон ҳўжалиги» ва «Қишлоқ ҳўжалиги ширкати» тўғрисидаги қонунлар талабларини ҳамда «Ер кадастри тўғрисида»ги янги қонунни қўллаш, амалга оширишда алоҳида аҳамият касб этиб, муҳим манба ҳисобланади;

**олтинчидан**, Ер кодексининг энг муҳим жиҳати – унинг барқарорлиги. Бунинг сабаби унинг нормалари, принциплари ва аҳамияти узоқ мuddатни ҳисобга олиб қабул қилингандигидир.

Демак, Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан, ер умуммиллий бойлик, Ўзбекистон Республикаси ҳалқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб ердан илмий асосланган ҳолда, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишни, табиий муҳитни асраш ва яхшилашни, ҳўжалик юритишнинг барча шаклларини тенг ҳуқуқлилик асосида ривожлантириш учун шароит яратишни, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер муносабатларини тартибга солишдан, шунингдек, бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг

конституциявий талаби ва асосий принциплари Ер кодексида ўз асосини топган.

Жумладан, 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ер кодексининг 2-моддасига биноан, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қуйидаги принципларга асосланади:

- энг муҳим табиий ресурслар фуқаролар ҳаётий фаолиятининг асоси бўлмиш ер фондини асраш, тупроқ сифатини яхшилаш ҳамда унумдорлигини ошириш;
- ердан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш;
- қишлоқ ҳўжалиги учун мўлжалланган ерларни, энг аввало, сугориладиган ерларни алоҳида муҳофаза этишни, кенгайтириб боришини ҳамда улардан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш;
- қишлоқ ҳўжалиги ерларининг унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишни давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-куватлаш;
- ерга ва атроф-табиий муҳиттга зарар етказилишининг олдини олиш, экологик хавфсизликни таъминлаш;
- ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш шаклларининг хилма-хиллиги, ер муносабатлари иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш ҳамда уларнинг қонуний ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя этиш;
- ердан фойдаланганилик учун ҳақ тўлаш;
- ерларнинг ҳолати ҳақидаги ахборотнинг тўлиқ бўлишини ҳамда ундан эркин фойдаланишга йўл қўйилишини таъминлашга асосланади.

### **3-§. Ягона давлат ер фонди, унинг таркиби ва экологик-ҳуқуқий аҳамияти**

Ўзбекистон Республикасининг ер ресурслари бой ва ўзига хос жиҳатга эга. Экология ҳуқуқида мамлакатимизнинг ер фонди тоифаларини ўрганиш ҳам катта аҳамият касб этади. Ягона давлат ер фонди тоифаларга бўлинишининг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида кўрсатилган. Зоро, ер фондининг ҳуқуқий асоси мазкур қонуннинг 8–10-моддаларида аниқ акс этган. Жумладан, кодекснинг 8-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасида ер фонди ерлардан фойдаланишнинг асосий мақсадига кўра қуйидаги тоифаларга бўлинади:

1) қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар – қишлоқ ҳўжалиги эҳтиёjlари учун берилган ёки ана шу мақсадга мўлжалланган

ерлар. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар суфориладиган ва суфорилмайдиган (лалмикор) ерлар, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, кўп йиллик мевали дов-дараҳтлар ва токзорлар эгаллаган ерларга бўлинади;

2) аҳоли пунктларининг (шаҳар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг) ерлари – шаҳарлар ва посёлкалар, шунингдек қишлоқ аҳоли пунктлари доирасидаги ерлар;

3) саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар – кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш учун юридик шахсларга берилган ерлар;

4) табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар – алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлар эгаллаган, табиий даволаш омилларига эга бўлган шунингдек оммавий дам олиш ва туризм учун фойдаланиладиган ерлар;

5) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар – тарихий маданий ёдгорликлар жойлашган ерлар;

6) ўрмон фонди ерлари – ўрмон билан қопланган, шунингдек ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар;

7) сув фонди ерлари – сув обьектлари, сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар ва сув обьектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги ерлар;

8) захира ерлар.

Ҳаётнинг ривожланиши ва амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, баъзи ҳолларда қонунда белгиланган ер тоифалари бошқасига ўтказилиши ҳам мумкин. Мазкур ҳолат амалдаги Ер кодексининг 9-моддаси талаблари асосида ҳамда талаб даражасида белгилаб кўйилган хуқуқий нормаларга тўла мос келиши лозим. Ерлардан фойдаланишнинг асосий **мақсади** – ерлардан ер кадастри ҳужжатларида акс эттириладиган аниқ мақсадларни кўзлаб фойдаланишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби ва шартларидир.

Ерларни ер фондининг бир тоифасидан бошқасига ўтказиш улардан асосий фойдаланиш мақсади ўзгарган тақдирда амалга оширилади. Ерларни ер фонди тоифаларига бўлиш, бир тоифадан бошқасига ўтказиш ерга эгалик қилиш ва уни фойдаланишга бериш хуқуқига эга бўлган органлар томонидан амалга оширилади.

Ер фондининг тоифаси ерни эгалик қилишга ва фойдаланишга бериш хуқуқига эга бўлган органлар томонидан қабул қилинадиган ер участкаларини бериш тўғрисидаги қарорларда, ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш хуқуқини тасдиқловчи гувоҳномаларда, шартномаларда, давлат ер кадастри

хужжатларида, ер участкаларига бўлган хукуқларни давлат рўйхатига олиш хужжатларида кўрсатилади. Ерларни бир тоифадан бошқасига ўтказишнинг белгиланган тартибини бузиш бундай ўтказиш фактларини ғайриқонуний деб ва улар асосида тузилган ер участкаларига доир битимларни ҳақиқий эмас деб топишга, шунингдек ер участкаларига бўлган хукуқларни давлат рўйхатига олишни рад этишга асос бўла олади.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига асосан, ер участкаси – ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, хукукий режимга ҳамда ер участкасига бўлган хукуқларнинг давлат ер кадастрида ва давлат рўйхатига олиш хужжатларида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисми. Ер участкасининг чегараси режаларда (чизмаларда) қайд этилади ва натурада (жойнинг ўзида) белгиланади. Ер участкасининг майдони натурада (жойнинг ўзида) чегара белгиланганидан кейин аниқланади. Ер участкаси бўлиннайдиган ва бўлинмайдиган бўлиши мумкин.

Ўзининг асосий фойдаланиш мақсадини ўзгартирган ва ёнфинга қарши, санитария, экологияга оид, шаҳарсозлик ҳамда бошқа мажбурий нормалар ва қоидаларни бузмаган холда қисмларга бўлиш мумкин бўлган ва бу иш амалга оширилганидан кейин ҳосил бўлган қисмларнинг ҳар бири мустақил ер участкаси ҳисобланади. Фойдаланиш мақсадига кўра, мустақил ер участкаларига бўлиниши мумкин бўлмаган ер участкаси бўлиннайдиган ер участкаси ҳисобланади.

Юқоридаги ер фонди тоифаларининг ўз номи ва фойдаланиш хусусиятидан кўриниб турибдик, ҳар бир категория ер фонди тоифасининг ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий, экологик ва ижтимоий аҳамияти каттадир.

Хуллас, ҳар бир тоифадаги ер фондидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган мақсадда оқилона фойдаланиш ва уни хукукий-экологик муҳофаза қилиш зарур.

#### **4-§. Ерга нисбатан мулк ҳукуки**

Бозор иқтисодиёти шароитида ерга нисбатан мулкчилик ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам ҳукукий аҳамиятга эга. Айниқса, иқтисодий тараққиётнинг амалга ошиши кўп жиҳатдан ерга нисбатан мулкчилик шаклига боғлиқ бўлади.

Ерга нисбатан давлат мулки ёхуд хусусий мулкчилик белгиланиши мумкин. Ҳозирги шароитда кўпчилик давлатларнинг ерга оид қонунларида ерга нисбатан давлат мулки билан бирга

хусусий мулкчилик ҳам белгиланган. Ўзбекистон Республикасида ҳам бу масалага катта эътибор берилган. Жумладан, Конституциянинг 55-моддасида «ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захирапар умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир», деб кўрсатилган.

Ер ресурсларига нисбатан давлат мулки деганда, ер устидан ҳукмронликни, яъни уни тасарруф қилиш ҳуқуқини фақат давлат амалга оширишини тушуниш керак.

Давлат ернинг эгаси сифатида ер бойликлари устида бўладиган ҳамма муаммоларни ҳал этади, яъни фойдаланиш учун бериши, қайтариб олиши, ердан фойдаланиш мақсадларини белгилаши, ер тузиш ишларини амалга ошириши мумкин.

Ер халқ бойлиги деганда, ундан шу ҳудудда яшайдиган ҳалқнинг манфаатини кўзлаб фойдаланиш, агар ер майдонларини бошқа давлатларга бериб юбориш, чегараларни ўзгартириш зарурати туғилса, буни ҳалқнинг фикрини инобатга олиб ёки референдум ўtkазиш орқали амалга ошириш тушунилади. Таъкидлаш жоизки, халқ ернинг бевосита эгаси эмас, яъни ер ҳалқнинг мулки ҳисобланмайди. У бу ҳуқуқни маълум давлат органлари орқали амалга оширади. 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида ҳам табиий ресурсларга, жумладан ерга нисбатан мулкчилик белгиланган.

Табиий ресурсларини фойдаланишга бериш, ҳамда уларни муҳофаза қилиш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади. Мазкур масала амалдаги Ер кодексининг 16-моддасида қўйидагича ифодаланган. «Ер давлат мулки – умуммиллий бойлиқдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур, у давлат томонидан муҳофаза этилади ҳамда олди-сотди қилинмайди, айирбошланмайди, ҳадя этилмайди, гаровга қўйилмайди, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно».

Юридик шахслар Ер кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, ерга доимий эгалик қилиш, ундан муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин.

Жисмоний шахслар Ер кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, мерос қилиб қолдириладиган ерга умрбод эгалик қилиш, ундан доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосларида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуqlари қўйидагича белгиланган:

– юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуки савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари улар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вужудга келади;

– дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларнинг ер участкаларига мулк ҳуқуки уларга ўзлари ваколатхона биноси сифатида фойдаланаётган иморат ёки иморатнинг қисмлари, шу жумладан ваколатхона бошлиғининг қароргоҳи улар жойлашган ер участкалари билан бирга, шунингдек мазкур ваколатхоналарнинг иморатларини қуриш учун ер участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинганда вужудга келади;

– чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг – дипломатия корпуси ходимларининг, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган матбуот вакилларининг, фирмалар, компаниялар ва халқаро ташкилотлар доимий ваколатхоналари ходимларининг, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарда доимий асосда ишловчи шахсларнинг, шунингдек республикада доимий истиқомат қилувчи ва яшаш учун гувоҳномаси бўлган шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуки уларга уй-жой бинолари шу бинолар жойлашган ер участкалари билан бирга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинганда вужудга келади (18-модда).

Шунингдек, амалдаги ер қонунчилигида мерос қилиб қолдириладиган ер участкаларига умрбод эгалик қилиш ҳуқуки ҳам кўрсатилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари:

– дехқон ҳўжалиги юритиш учун;  
– якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун;

– жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга ер участкаси олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам берилиши мумкин. Фуқароларнинг мерос қилиб қолдириладиган ер участкаларига умрбод эгалик қилиш ҳуқуки ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш

хуқуқини берувчи давлат ҳужжати билан тасдиқланади. Мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш хуқуқини берувчи давлат ҳужжатининг шакли, уни рўйхатга олиш ва бундай ҳужжатни бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

## **5-§. Ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви**

Ҳозирги шароитда республикамида урбанизация, яъни шаҳарларнинг ўсиши ва ривожланиши жадал рўй бермоқда. Баъзи жойларда шаҳарсозлик ва саноат қурилиши табиий шароит хусусиятларини тўлиқ ҳисобга олмаган ҳолда олиб борилаётганлиги сабабли, табиий шароит инсон ҳаёти учун зарур бўлган талабларга тўлиқ жавоб беролмай қолди. Шунинг учун ҳам республикамида саноатнинг ҳар қандай тармоғини жойлаштириш ва ривожлантиришда инсоннинг ҳаёт шароити (экологик шароит) мувозанатини бузмаслик учун саноат тармоқларининг атроф муҳитга бўлган таъсирини ҳар томонлама ва чукур ўрганиш ҳамда тегишли тадбирларни амалга ошириш лозим. Ана шу мақсадда ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини олиб бориш катта аҳамиятга эга.

Амалдаги Ер кодексининг 4-моддасига асосан, ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари кўрсатилган. Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига киради:

– ердан оқилона фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

– Ер кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ер муносабатларини тартибга солиш тўғрисида норматив ҳужжатлар қабул қилиш;

– тупроқ унумдорлигини ошириш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқа тадбирлар билан яхлит тарзда ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

– қишлоқ хўжалигининг табиий мослашуви жиҳатидан ерни районлаштириш, ер тузишни, ер мониторинги ўtkазилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

– давлат мулкидаги ерни тасарруф этиш;

– ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишда вазирликлар ҳамда идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

- ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ерни ижарага олиш ҳамда ерга бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда (Ер кодексининг 36-моддасига мувофиқ) бекор қилиш;
  - ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини ташкил этиш;
  - ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.
- Шунингдек, амалдаги ер қонунчилигида (Ер кодекси, 5-модда) ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари ҳам аниқ ўз ифодасини топган.
- Ер кодексига асосан, уларнинг ваколатлари қуидагилардан иборат:
- тупроқ унумдорлигини ошириш, ердан оқилона фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
  - ер ресурсларидан белгиланган мақсадда, оқилона ва самарали фойдаланиш, ерни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;
  - ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;
  - юридик шахсларга қишлоқ хўжалик эҳтиёjlари ҳамда бошқа давлат ва жамоат эҳтиёjlари учун эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш;
  - ўлчамидан қатъи назар, барча ерларни олиб қўйиш (апохида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар, алохида муҳофаза этиладиган ҳудудлар эгаллаган ерлар, шаҳар атрофи ерлари ва шаҳарларнинг яшил зоналари, илмий-тадқиқот муассасалари ва ўқув юртларининг тажриба майдонлари, ўрмон ўсимликлари билан қопланган ерлар бундан мустасно);
  - дипломатия ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган ҳалқаро ташкилотларга мазкур ваколатхоналарнинг биноларини, шу жумладан ваколатхона бошлиғи қароргоҳини куриш учун ер участкаларини мулк этиб реализация қилиш;
  - ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ерни ижарага олиш ҳамда ерга бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда (Ер кодексининг 36-моддасига мувофиқ) бекор қилиш;
  - ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Ер кодексининг 6-моддасига биноан, ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида туманлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари куйидагилардан иборат:

– тупроқ унумдорлигини ошириш, ердан оқилона ва самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

– ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

– фуқароларга, юридик шахсларга эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижарага ер бериш, шунингдек, тубдан яхшилаш ишлари амалга оширилган суғориладиган ерлар, пичанзорлар ва яйловлардан ташқари ерларни, ўрмон ўсимликлари билан қопланган ерлардан ташқари ўрмон фонди ерларини, санъат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ерларни, сув фонди ерларини олиб қўйиш – ҳар бир ер эгасига ва ердан фойдаланувчига ўн гектаргача ўлчамда;

– фуқароларга фермер хўжалиги юритиш учун ерни ижарага бериш;

– фуқароларга, юридик шахсларга захира ерлардан ер участкасининг ўлчамидан қатъи назар, эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш;

– ерни савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси обьектлари билан биргалиқда юридик ва жисмоний шахсларга мулк этиб реализация қилиш;

– ерга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқукини ким ошди савдоси асосида фуқароларга сотиш;

– ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

– ерга бўлган ҳуқуqlарни, ерни ижарага бериш шартномаларини, шунингдек, сервитутлар тўғрисидаги келишувларни давлат рўйхатига олиш;

– ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек, ерни ижарага олиш ҳамда ерга бўлган мулк ҳуқукини белгиланган тартибда (Ер кодексининг 36-моддасига мувофиқ) бекор қилиш;

– қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ташкил этилган, қайта ташкил этилган ва тугатилган ҳолларда, уларнинг ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиши масалаларини ҳал этиш;

– ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Шунингдек, Ер кодексида шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари ҳам етарли асосда кўрсатилган. Зоро, Ер

кодексининг 7-моддасига асосан, ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида куйидагилар шаҳарлар давлат ҳокимиияти органларининг ваколатлариiga киради:

– ердан оқилона ва самарали фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

– ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

– ер участкасининг ўлчамидан қатъи назар, шаҳар чегараси доирасида эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш, шунингдек, ерни олиб қўйиш. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари муассасалари ва ташкилотларининг ерлари бундан мустасно;

– ерни савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси обьектлари билан биргаликда юридик ва жисмоний шахсларга мулк сифатида сотиш;

– ерга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш хуқуқини ким ошди савдоси асосида фуқароларга сотиш;

– ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

– ерга бўлган хуқуқларни, ерни ижарага бериш шартномаларини, шунингдек, сервитутлар тўғрисидаги келишувларни давлат рўйхатига олиш;

– ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек, ерни ижарага олиш ҳамда ерга бўлган мулк хуқуқини белгиланган тартибда (ушбу кодекснинг 36-моддасига мувофик) бекор қилиш;

– ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида шаҳарлар давлат ҳокимиияти органларининг ваколатлариiga кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, маъмурий-худудий бирликларнинг чегараларини жойнинг ўзида белгилашга доир материаллар, шунингдек истиқболга мўлжалланган ҳамда лойиҳалаш олдидан ер тузиш ишларига доир бошқа материаллар қонун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳалари қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари мол-мулкининг мулқдорлари ёки улар ваколат берган органлар томонидан кўриб чиқилади ва қабул қилинади, шунингдек манфаатдор ташкилотлар билан келишилади. Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳалари вилоят ҳокими томонидан тасдиқланади. Юридик ва жисмоний шахсларга ер ажратиб бериш лойиҳалари Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ички хўжалик ер тузиш лойиҳалари туман ҳокими томонидан тасдиқланади. Ер тузиш лойиҳаларига ўзгаришлар ушбу лойиҳаларни тасдиқлаган органларнинг рухсати билан киритилади.

Ер тузишни ер тузиш хизмати органлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширади. Қишлоқ хўжалик экинзорларини жойлаштириш, ерларни яхшилаш ва муҳофаза қилиш, эрозияга қарши ва мелиорация тадбирларини амалга ошириш борасидаги ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш юридик ва жисмоний шахсларнинг талабларига мувофиқ улар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан давлат бошқарувини ҳамда назоратини олиб боришда ер мониторинги катта аҳамията эга. Ер кодексининг 14-моддасига асосан, ер мониторинги ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер фондининг ҳолатини кузатиб туриш тизимидан иборат. Давлат ер кадастри юритиши, ердан фойдаланишни, ер тузишни, ер фондидан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга ошириши, ерларни муҳофаза қилишни ахборот билан таъминлаш ер мониторинги асосида амалга оширилади. Ер мониторингини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ердан фойдаланиш ва муҳофаза этишини бошқаришда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг алоҳида ўрни мавжуд. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, давлат назоратини олиб бориш, табиатни муҳофаза этиш тўғрисидаги қонунларга риоя қилиш, Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини назорат қилиш ва бошқа вазифаларни амалга оширади. Шуниси эътиборга сазоворки, Узбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан чиқарилган буйруқлар, кўрсатмалар жойлардаги ташкилотлар учун бажарилиши мажбурийdir.

Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда Узбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси алоҳида ўрин тутади. Маълумки, ер фонди таркибига ўрмон фонди ерлари ҳам киритилган бўлиб, бу ерларни бошқариш Ер ресурслари давлат қўмитаси зиммасига юклатилган.

Шуни айтиш керакки, ер бойликларидан оқилона ва самарали, давлат ва халқ манфаатларига тұла жавоб берадиган тарзда фойдаланиш жуда мураккаб вазифа. Бу вазифа аниқ ва изчил бажарилишни талаб этади. Шу пайтгача ер ресурсларини тасарруф этиш халқ депутатлари Кенгашлари, ҳокимликлар томонидан, улардан фойдаланишни бошқаришнинг ташкилий масалалари эса Қишлоқ ва сув хұжалиги вазирлигининг тегишли бўлинмалари томонидан амалга ошириб келинди. Ушбу давлат органларининг зиммасига ердан фойдаланишни амалга оширишдан бошқа вазифалар ҳам юклатилган бўлиб, улар ердан фойдаланишда ташкилий-бошқарув ишлари билан бевосита шуғулланмайдилар. Бу эса ердан фойдаланишда кўзланган мақсадларга эришишга олиб келмайди. Ҳозирги ижтимоий-иктисодий тараққиёт, бозор иқтисодиёти талаблари ҳар бир гектар ердан табиий-иклимий шароити, ҳосилдорлик даражаси, давлат ва жамоат манфаатларидан келиб чиқиб, илмий асосда аниқ мақсад билан оқилона фойдаланишни тақозо этади. Шу мақсадда, 1998 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Фармонга кўра, Ер ресурслари давлат қўмитаси зиммасига Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси қоидаларини амалга ошириш, ерга оид муносабатлар соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, ер ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ва ер фондларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш вазифалари юклатилган.

Шу билан бирга, Ер ресурслари давлат қўмитасининг асосий вазифалари этиб: ер қонунчилигига риоя этишини назорат қилиш, ердан фойдаланишни яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ер тузишни ташкил этиш, ер ресурсларига берилладиган баҳони ҳисобга олишни такомиллаштириш, ер фондининг ҳолатини кузатиб бориш, тупроқдаги ўзгаришларни ўз вақтида аниклаш, ерларни баҳолаш, ерга салбий таъсир ўтказиш жараёнлари оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш мақсадида ерлар мониторингини амалга ошириш, давлат ер кадастрини ташкил этиш ва юритиш, ерга бўлган ҳуқуқни руйхатга олиш, давлат ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахсларни ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий ҳолати, уларнинг тоифалари, сифат хусусиятлари, ер участкаларининг қаерда жойлашганлигини ва ҳажмини, уларнинг ер эгалари, ердан фойдаланувчилар бўйича тақсимланиши тўғрисида маълумотлар ва ҳужжатлар билан таъминлаш, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш, ер қонунлари бузилишини бартараф этиш ва

айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриш кабилар белгиланди.

Ер ресурслари давлат қўмитаси ерга оид муносабатларни тартибга солиш, ер тузиш, ер мониторингини амалга ошириш, давлат ер кадастрини юритиш ҳамда ерлардан фойдаланишини назорат қилиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини амалга оширувчи орган ҳисобланиб, Вазирлар Маҳкамаси олдида ҳисбот беради. Ер ресурслари давлат қўмиталари бўлинмалари вилоятлар ва Қарақалпогистон Республикасидаги ер ресурслари давлат қўмитасига бўйсунадилар ҳамда Қарақалпогистон Республика Вазирлар Кенгашига ва вилоят ҳокимларига ҳисбот берадилар.

## **6-§. Ердан фойдаланиш ҳамда уни экологик муҳофаза қилиш устидан назорат олиб бориш тартиби**

Ердан фойдаланиш ҳамда уни экологик муҳофаза қилиш устидан назорат олиб бориш ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга, ер тўғрисидаги қонунларга риоя қилишга ва ер соҳасидаги айрим хукуқбузарликларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Ердан фойдаланиш ҳамда уни экологик муҳофаза қилиш масаласи Ер кодексининг 84-моддасида батафсил кўрсатилган. Унга кўра, ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек маҳсус ваколатга эга бўлган давлат органлари, посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширадилар.

Табиатни муҳофаза қилиш жамиятлари, илмий жамиятлар ва бошқа жамоат бирлашмалари фуқароларнинг ердан фойдаланишлари ҳамда уни муҳофаза қилишлари устидан назоратни амалга оширишда давлат органларига ва посёлка, қишлоқ, овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига кўмаклашадилар. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишнинг асосий вазифалари юридик ва жисмоний шахслар, давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонун хужжатлари талабларига риоя этишларини таъминлашдан иборатдир. Шунингдек, ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат органлари ўз ваколатлари доирасида куйидаги хукуқларга эга бўладилар:

– ердан оқилона фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш масалалари юзасидан текширувлар ўтказиш, мазкур масалалар бўйича барча зарур ҳужжатларни ва материалларни олиш, тупроқнинг кадастр маълумотларига мослигини аниқлаш мақсадида тупроқни текшириш;

– ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган, барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар (ёзма буйруқлар) бериш;

– айбдор мансабдор шахслар ва фуқароларни маъмурий жавобгарликка тортиш, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича даъволар тақдим этиш, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун тегишли корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ҳамда ҳукукни муҳофаза қилиш органларига тақдимномалар юбориш;

– ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ер участкаларини олиб қўйиш, шу жумладан ерларни ижарага бериш шартномаларини муддатидан олдин бекор қилиш ҳақидаги, шунингдек ердан фойдаланишни чеклаш ва тўхтатиб қўйишга доир материалларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳамда посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига тақдим этиш;

– ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш масалалари бўйича юридик ва жисмоний шахслардан зарур ахборотлар олиш, мазкур масалалар юзасидан давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисботларини эшитиш;

– ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини олиб бориш ишларида қатнашиш учун мутахассисларни белгиланган тартибда жалб қилиш.

Ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат органлари ва мансабдор шахслар:

– ердан белгиланган мақсадда фойдаланишини, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижаравчилар томонидан ерларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини белгиланган тартибда текширишлари;

– йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз вақтида чора кўришлари;

– ердан оқилона фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ тадбирлар юзасидан ўз ваколатлари доирасида кўрсатмалар беришлари шарт.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш борасидаги фаолияти бир йилда бир марта текширилиши мумкин. Агар орган ердан оқилона фойдаланмаслик ва уни муҳофаза қиласмаслик сабабларини бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берган бўлса, у белгиланган муддатда мазкур тадбирларни текширишга ҳақлидир.

Ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширувчи органлар ва мансабдор шахслар ўз фаолиятларининг тўғри ташкил этилиши ва амалга оширилиши учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар (Ер кодексининг 85-моддаси).

## **7-§. Ердан фойдаланиш ҳуқуқининг пайдо бўлиши ва бекор бўлиш асослари**

Ер участкалари юридик ва жисмоний шахсларга доимий ва муддатли (вақтинча) эгалик қилишга ҳамда улардан доимий ва муддатли (вақтинча) фойдаланишга берилиши мумкин.

Ер участкалари корхона, муассаса ва ташкилотларга қишлоқ ва ўрмон ҳўжалиги юритиш учун, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса бошқа мақсадлар учун ҳам доимий эгалик қилишга берилади. Доимий ёки муддатли (вақтинча) фойдаланиш учун ер участкалари:

- Узбекистон Республикасининг фуқароларига;
- саноат, транспорт ҳамда бошқа ноқишлоқ ҳўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига;
- чет эл инвестициялари иштироқидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга;
- ажнабий юридик ва жисмоний шахсларга берилади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ер участкалари фойдаланиш учун бошқа ташкилотлар ва шахсларга ҳам берилади.

Ерга доимий эгалик қилиш ҳуқуқи ердан доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати билан тасдиқланади. Давлат ҳужжатларининг шакллари, уларни рўйхатга олиш ва бундай ҳужжатларни бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Ердан муддатли фойдаланиш қисқа муддатли – уч йилгача ва узоқ муддатли – уч йилдан ўн йилгача бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш зарурати тақозо этганда, бу муддатлар тегишлича қисқа муддатли ёки узоқ муддатли вақтинча фойдаланиш муддатларидан ортиқ бўлмаган даврга узайтирилиши мумкин. Ердан вақтинча фойдаланиш

муддатларини узайтириш ерни берган орган томонидан амалга оширилади.

Яйлов чорвачилиги ташкил этиш учун ер участкалари қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига йигирма беш йилгача муддатга берилиши мумкин. Мазкур ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 20-моддасида ўз ифодасини топган. Таъкидлаш жоизки, ерни эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш (реализация қилиш) ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг ҳуқуқий ҳолати амалдаги ер қонунчилигига асосан қўйидагича кўрсатилган:

– ерни эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш (реализация қилиш) ер ажратиш тариқасида амалга оширилади.

– ер участкалари ажратиб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар, шаҳарлар ҳокимлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

– эгалиқдаги ёки фойдаланишдаги ер участкасини бошқа шахсларга бериш (реализация қилиш) факат шу участка белгиланган тартибда олиб қўйилганидан кейин амалга оширилади.

– саноат корхоналари, темир йўллар ва автомобиль йўллари, алоқа ва электр узатиш линиялари, магистрал қувурлар қуриш учун, шунингдек қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ёки қишлоқ хўжалигининг сифати ёмон ерлари берилади (реализация қилинади). Ўрмон фондига қарашли ерлардан мазкур мақсадлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) асосан ўрмон билан қопланмаган майдонлар ёки бута ва арzon дов-дараҳтлар билан қопланган майдонлар ҳисобидан амалга оширилади.

Ер тузиш хизмати органлари берилган (реализация қилинган) ер участкасининг чегараларини натурада (жойнинг ўзида) белгилагунларига ва ерга эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар берилгунига қадар ана шу ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга киришиш тақиқланади. Ер участкаларини эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш (реализация қилиш) тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади (Ер кодекси, 23-модда). Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ерга бўлган ҳуқуқ вужудга келиши билан улар тегишли тасдиқловчи юридик ҳужжат билан асослантирилиши керак. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ерга бўлган ҳуқуки жойнинг ўзида чегаралар белгиланганидан, ер участкаларининг режалари (чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, ерга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар давлат рўйхатига олинганидан кейин

вужудга келади. Ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар қўйидагилар:

- ер участкасига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати;
- ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати;
- мерос қилиб қолдириладиган ерга умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати;
- ерга бўлган мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордери, ер участкаси ижараси шартномаси ёки ердан муддатли фойдаланиш шартномаси ерга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлардир. Бу ҳужжатларда ер қайси ҳуқуққа асосан берилаётганилиги, ердан фойдаланишнинг белгиланган мақсади, уни ўзлаштириш муддатлари, ер участкасини сақлаш вазифалари ва сервитутлар кўрсатилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, қонунга асосан, ерни эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳузурида ҳокимлар бошчилигидаги доимий ишлайдиган комиссиялар тузилиб, улар таркибига давлат кадастри ва ер тузиш хизмати, табиатни муҳофаза қилиш, архитектура, санитария-эпидемиология хизмати органлари, фуқаролар йиғинларининг вакиллари ва бошқа шахслар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига биноан, ерга бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилиниш ҳоллари ҳам аниқ ўз ифодасини топган. Унга асосан, бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи ёхуд ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек ерни ижарага олиш ҳуқуқи қўйидаги ҳолларда бекор қилинади:

- 1) ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганда;
- 2) ер участкасининг берилган муддати тугаганда;
- 3) юридик шахс тутатилганда;
- 4) ерни ижарага олиш шартномаси бекор қилинганда ёки бекор бўлганда;
- 5) хизматда фойдаланиш учун чек ер бериб қўйишга асос бўлган меҳнатга оид муносабатлар бекор бўлганда, агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса;
- 6) ердан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланилганида;
- 7) ердан оқилона фойдаланилмаганда, яъни қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлганда;

8) ердан тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишига, экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келадиган усуулар билан фойдаланилган тақдирда;

9) қонун хужжатларида белгиланган муддатларда ер солиги, шунингдек ижарага олиш шартномасида белгиланган муддатларда ижара ҳақи мунтазам тўланмаганда;

10) қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ердан бир йил мобайнида ва қишлоқ хўжалиги соҳасига тааллуқли бўлмаган эҳтиёжлар учун бериб қўйилган ердан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида;

11) мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш хукуқини берувчи ордер ким ошди савдоси асосида сотиб олинганидан кейин ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида, ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш хукуқи гаровда бўлган тақдирда эса, гаров шартномаси муддати мобайнида фойдаланилмаганида. Фойдаланилмаётган ер участкалари аввалги эгаларидан улар тўлаган қиймати қопланган ҳолда олиб қўйилади;

12) ер участкаси Ер кодексида назарда тутилган тартибда олиб қўйилганида.

Қонун хужжатларида ерга эгалик қилиш хукуқи, ердан доимий фойдаланиш хукуқи ва ерни ижарага олиш хукуқини бекор қилишнинг бошқа ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Ерга бўлган мулк хукуқи қўйидаги ҳолларда бекор қилинади:

1) савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек уй-жой бинолари ва бошқа бинолар ёки биноларнинг бир қисми шу бинолар жойлашган ер участкаси билан бирга сотилганда;

2) давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек уй-жой бинолари ва бошқа бинолар ёки биноларнинг бир қисми улар жойлашган ер участкаси билан биргаликда қайта сотиб олинганда;

3) қонунда белгиланган ҳолларда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек уй-жой бинолари ва бошқа иморатлар ёки иморатларнинг бир қисми улар жойлашган ер участкиси билан бирга мусодара этилганда.

Ер кодекси 36-моддасининг биринчи қисми 1–11-бандлари ва учинчи қисми 2-бандида кўрсатилган ҳолларда ерга эгалик қилиш хукуқини ёки ердан доимий ёхуд муддатли фойдаланиш хукуқини, шунингдек ерни ижарага олиш хукуқини ва ерга бўлган мулк хукуқини бекор қилиш ер тузиш хизмати органларининг ёки ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг тақдимномасига

мувофик ҳуқуқлар бекор қилинишининг асослари тўғрисидаги тасдиқловчи хужжатлар бўйича тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимларининг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади.

Ерга эгалик қилиш ҳуқуқини, ердан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқини, шунингдек ерни ижарага олиш ҳуқуқини ҳамда ерга бўлган мулк ҳуқуқини бекор қилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва мазкур мансабдор шахсларнинг қарорларига рози бўлмаган юридик ва жисмоний шахслар судга шикоят қилишлари мумкин.

Ерга эгалик қилиш ва ердан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқини, шунингдек ерни ижарага олиш ҳамда ерга бўлган мулк ҳуқуқини бекор қилиш тартиби қонун хужжатлари билан белгиланади. Ерга эгалик қилувчи, фойдаланувчи, ижаравчи ҳамда мулкдори ерга бўлган ҳуқуқлардан воз кечишидан яққол далолат берувчи хатти-ҳаракатлар (чет элга жўнаб кетганлик, ер участкасидан белгиланганидан кўпроқ муддат давомида фойдаланмаслик) содир этган тақдирда, бу ер участкаси қонун хужжатлари билан белгиланган тартибда эгасиз мол-мулк тариқасида ҳисобга олинади.

Ерга бўлган ҳуқуқлардан воз кечиш мазкур ерга эгалик қилувчи, фойдаланувчи, ижаравчи ҳамда мулкдори мажбуриятларининг, ер участкаси бошқа шахсга берилгунга қадар, бироқ воз кечилган пайтдан ёки эгасиз мол-мулк тариқасида давлат рўйхатига олинган кундан эътиборан узоғи билан бир йил мобайнида, бекор қилинишига сабаб бўлмайди.

## **8-§. Ерга эгалик қилувчилар ва фойдаланувчилар, ижаравчи ва ер участкаси мулкдорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир ер эгаси, ижаравчи ва ердан фойдаланувчилар ундан оқилона фойдаланишлари, муҳофаза қилишлари ҳамда ердан фойдаланиш билан боғлиқ барча экологик талабларга риоя қилишлари лозим. Ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 39–42-моддаларида ўз аксини топган. Мазкур қонуннинг 39-моддасига асосан, ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижаравчи ва ер мулкдори қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- 1) ердан фойдаланиш мақсадида хўжалик юритиш;
- 2) қишлоқ хўжалик экинзорлари ва кўчатзорлари ҳамда довдараҳтларга, етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва уни реализация қилишдан олинган даромадга эга бўлиш;

3) ер участкасидаги мавжуд фойдали қазилмалар, ўрмон, сув объектларидан хўжалик эҳтиёjlари учун белгиланган тартибда фойдаланиш, шунингдек ернинг бошқа фойдали хоссаларини ишга солиш;

4) ерни суғориш ва захини қочириш, агротехника ва бошқа мелиорация ишлари ўтказиш;

5) қишлоқ хўжалик экинларини, дов-дараҳтларни суғориш ҳамда бошқа мақсадлар учун суғориш манбаларидан лимитга мувофиқ сув олиш;

6) белгиланган тартибда уй-жой бинолари, ишлаб чиқариш, маданий-маший ҳамда бошқа иморатлар ва иншоотларни барпо этиш, ердан фойдаланиш мақсади ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ уларни қайта куриш ва бузиб ташлаш (Ердан фойдаланувчилар ва ижаракчилар бу ишларни ер эгалари билан келишиб амалга оширишга ҳақли);

7) ер олиб қўйилган тақдирда унга етказилган заарарнинг (шу жумладан бой берилган фойданинг) қопланишини ёки ердан ихтиёрий равишда воз кечилганида сарфланган харажатларнинг тўланишини талаб қилиш;

8) ер участкасини ёки унинг бир қисмини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вақтинча фойдаланишга ва ички хўжалик ижарасига бериш.

Ер эгаси бўлган фуқаро мерос қилиб қолдирладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини, шу жумладан ким ошди савдоси асосида олинган шундай ҳуқуқни дехқон хўжалиги юритиш, якка тартибда уй-жой куриш мақсадида кредитлар олиш учун гаровга қўйиши мумкин. Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижаракчи ва ер участкаси мулқдори қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин. Бу эса ҳар бир ердан фойдаланувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларига оғишмай амал қилишини талаб этади. Э. Делакруа айтганидек, кичкина бўлса ҳам ҳар куни қандайдир бурчни адо этиш – ажойиб иш. Бу бурч ўз вақтида ердан фойдаланувчиларнинг барча бойликлар қатори, ер ресурсларига ҳам оқилона муносабатда бўлишида намоён бўлади. Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижаракчи ва ер участкаси мулқдори қуйидагиларни бажариши шарт:

1) ердан белгиланган мақсадга мувофиқ оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг табиатни муҳофаза қилувчи технологияларини қўллаш, ўз хўжалик фаолиятида худудда экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик;

2) ишлаб турган ирригация ва мелиорация тармоқлари, муҳандислик коммуникацияларини соз ҳолатда сақлаб туриш;

3) ерларни муҳофаза қилишга оид, Ер кодексининг 79-моддасида назарда тутилган туркум тадбирларни амалга ошириш;

4) ер солигини ёки ер учун ижара ҳақини ўз вақтида тўлаш;

5) бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижаравчилари ва мулқдорларининг ҳуқуқларини бузмаслик;

6) фойдали қазилма конларини ишлатиш, қурилиш ва бошқа ишларни амалга ошириш учун берилган қишлоқ ҳўжалик ерлари ва ўрмонзорларини уларга эҳтиёж қолмагандан кейин ўз ҳисобидан қишлоқ ҳўжалиги, ўрмон ҳўжалиги ёки балиқ ҳўжалигига фойдаланиш учун яроқли ҳолатга, мазкур ишлар бошқа ерларда амалга оширилган ҳолларда эса, белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш;

7) фойдали қазилма конларини ишлатиш чоғида, шунингдек бошқа ишларни амалга ошириш пайтида ўзларига эгалик қилишга ва фойдаланишга ҳамда мулк этиб берилган (реализация қилинган) ер участкалари худудидан ташқаридаги қишлоқ ҳўжалик экинзорлари, ўрмондан ташқаридаги қишлоқ ҳўжалик экинзорлари, ўрмонзорлар ва бошқа ерларга салбий таъсир кўрсатишнинг олдини олиш ёки уни мумкин қадар чеклаш чоратадбирларини амалга ошириш;

8) маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ердан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш;

9) бошқа ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ер участкаларининг ижаравчиларига ва мулқдорларига етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплаш. Қонун ҳужжатларига мувофиқ, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижаравчилари ва мулқдорлари бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин (Ер кодекси, 40-модда). Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаси қонунларига мувофиқ ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар бошқа ҳуқуқ ва бурчларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Давлат, ҳўжалик ва бошқа идоралар ҳамда ташкилотларнинг ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчилар фаолиятига аралашибиши тақиқланади, қонунлар бузилган ҳоллатлар бундан мустасно. Ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг бузилган ҳуқуқлари Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган тартибда тикланади.

Ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари фақат Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган ҳоллардагина табиатни ҳамда инженерлик коммуникацияларини муҳофаза қилиш ва бошқа ер эгалари,

ердан фойдаланувчилар, ижарачиларнинг манфаатларини, шунингдек фуқароларнинг хавфсизлигини кўзлабгина чекланиши мумкин. Ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини бузиш орқали етказилган зарар тўлиқ ҳажмда қопланиши керак. Зарарни қоплаш тўғрисидаги низоларни – агар томонларнинг бири фуқаро, ширкат ёки бошқа кооператив корхона ва жамоат корхонаси, муассаса ва ташкилот бўлса – суд кўриб чиқади, давлат корхоналари, муассасалар ва ташкилотлари ўртасидаги низоларни эса – давлат хўжалик суди идоралари кўриб чиқади.

Шунингдек, ердан фойдаланувчилар минерал ва бошқа хил ўғитларни тўғри ишлатишлари, экологик зарарли шароитларни олдини олиб, бошқа ножӯя ҳаракатлар содир этилишини назорат қилишлари ҳамда бошқа бурчларни ҳам бажаришлари шарт. Кейинги йилларда химиявий ўғитлардан тўғри фойдаланмаслик оқибатида ҳосилдорлик камайиб кетди. Ҳозирги пайтда ҳам республикада тупроқни, айниқса сугориладиган ерларни «даволаш» иши суст амалга оширилмоқда. Олимлар СССР вақтида Ўрта Осиё ҳудудида кимёвий моддалар кўп ишлатилганлиги туфайли унинг тупроқдаги таркиби собиқ Иттифоқдаги ўртача кўрсаткичдан 5–6 марта кўплигини аниқлашган.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай шароитда ер эгаси, ердан фойдаланувчилар, ижарачи ва ер участкаси мулқорининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари кафолатланади. Мазкур тартиб Ер кодексида ҳам ўз аксини топган.

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулқорлари фаолиятига давлат, хўжалик органлари ва бошқа органлар ҳамда ташкилотларнинг, шунингдек мансабдор шахсларнинг аралашуви тақиқланади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулқорларининг бузилган ҳуқуқлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тикланиши керак. Ҳуқуқ бузилиши натижасида уларга етказилган зарар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланиши керак.

Жисмоний шахсларга берилган ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун мазкур шахсларнинг хоҳишига кўра туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарори билан аввалги ер участкаси билан айнан бир хил ер участкаси ажратилгач, шу ер участкаси олиб берилаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар олиб кўйилаётган ер участкасининг ўрнига янги жойда уй-жой, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа иморатлари

куриб берганидан кейин ҳамда Ер кодексининг 86-моддасига мувофиқ бошқа барча заарлар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланганидан кейин олиб қўйилиши мумкин.

Давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналарининг, қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот муассасаларининг, тажриба ва ўкув хўжаликларининг ерлари уларнинг хоҳишига кўра олиб қўйилаётган иморатлар ўрнига уй-жойлар, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа иморатлар қуриб берилганидан кейин ҳамда Ер кодексининг 86–моддасига мувофиқ бошқа барча зарар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланганидан кейин олиб қўйилиши мумкин.

Юридик ва жисмоний шахслар мулкида бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектини, шунингдек уй-жой бинолари ҳамда бошқа биноларни ёки биноларнинг бир қисмини улар жойлашган ер участкаси билан бирга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олиш, шунингдек уларни мусодара қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади (41-модда).

Жумладан, ерларимизнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор беришимиз керак. Мелиорация деганда, тупроқ ҳосилдорлигини ошириш ва ердан оқилона фойдаланишга қаратилган барча тадбирлар йиғиндиси тушунилади. Тупроқларни сув ва шамол эрозиясидан, шўр босищдан, ботқоқланиш, лойқа босиб қатқалоқ бўлишдан сақлаш ҳоллари шулар жумласига киради. Шунингдек, ердан фойдаланишда агротехника қоидаларига, экологик вазиятни яхшилашга, ер бойликларидан фойдаланилаётганда экологик муаммоларни ҳал этиш учун ҳар қандай техникавий ва технологик тадбирларнинг салбий оқибатларини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Хуллас, бизнинг фанимиз одамлар заҳарланишининг олдини олиш, табиат бойликларини сақлаш, ер ва сув, ҳаво ресурсларини, она табиатимизни асраш, энг аввало инсонни асраш, келажак авлоднинг соғ, бақувват бўлиб ўсиши учун хизмат қилиши керак.

## **9-§. Ер тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун экологик-ҳуқуқий жавобгарлик**

Амалдаги қонунлар ерга эҳтиёткорона муносабатда бўлишни, ундан оқилона фойдаланишни, уни ҳар қандай ножӯя хатти-ҳаракат ва экологик бузилишлардан ҳимоя қилишни талаб этади. Агар ана шу тадбирларни амалга оширмасак, келажак авлод ерни

яроқсиз ҳолга келтирғанимиз учун бизни кечирмайди, чунки ундан нафақат биз, балки улар ҳам манфаатдор.

Шунинг учун, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 90-моддасида ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун айрим жавобгарликлар кўрсатилган.

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижаравчилар томонидан амалга оширилган ер участкалари олди-сотдиси, уларни ҳадя қилиш, гаровга қўйиш (ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини, шу жумладан ким ошиди савдоси асосида олинган шундай ҳуқуқини, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш бундан мустасно), ер участкаларини ўзбошимчалик билан айрбошлиш ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Бундай битимларни амалга оширишда айбдор шахслар қонунга биноан жавобгар бўладилар.

Қўйидаги ҳолатларда ҳам айбдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар:

- ердан белгиланган мақсадда фойдаланмаганлиқда;
- ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлиқда;
- қишлоқ ҳўжалиги ерларини ва бошқа ерларни яроқсиз ҳолга келтирғанлиқда, уларни кимёвий ва радиоактив моддалар, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва оқова сувлар билан ифлослантирганлиқда;
- ернинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган обьектларни жойлаштирганлиқда, курганлиқда, лойиҳалаштирганлиқда, фойдаланишга топширганлиқда;
- ердан фойдалананишнинг табиатни муҳофаза қилишга оид талабларини бажармаганлиқда;
- вақтинча эгаллаб турилган ерни қайтариш муддатини бузганлиқда ёки ерни белгиланган мақсадда фойдаланишга яроқли ҳолатга келтиришга оид мажбуриятларни бажармаганлиқда;
- ер эгалари, ердан фойдаланучилар, ижаравчиларга ва мулқдорларга қарашли ер участкаларининг марза белгиларини йўқ қилганлиқда;
- давлат ер кадастри маълумотларини бузиб кўрсатганлиқда;
- ўзбошимчалик билан пичан ўрганлиқда ва чорва моллари боқканлиқда;
- ёввойи ўтлар ва зараркунандаларга қарши кураш чораларини кўрмаганлиқда;
- ердан хўжасизларча фойдаланганлиқда, унинг ҳолатини яхшилаш ҳамда тупроқни сув ва шамол эрозиясидан ва тупроқ ҳолатининг ёмонлашувига олиб келадиган бошқа жараёнлардан сақлаш мажбуриятларини бажармаганлиқда;

– ер участкалари бериш тұғрисидаги аризаларни күриб чиқышнинг белгиланган муддатлари ва тартибини бузганлиқда.

Ұзбошимчалик билан әгаллаб олинган ер участкалари әсига қайтариб берилади, қонунга хилоф равища әгалик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган чиқимларнинг ўрни қолланмайды.

Ұзбошимчалик билан әгаллаб олинган ер участкалари уларга ғайриқонуний равища әгалик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-харажатлар қолланмаган тарзда қайтарилади.

Ер участкаларини фойдаланиш учун яроқлы ҳолатта көлтириш, шу жумладан ундаги иморатларни бузиш ер участкаларини ұзбошимчалик билан әгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалга оширилади.

Ұзбошимчалик билан әгаллаб олинган ер участкасини ер әсига, ердан фойдаланувчига, ер участкаси ижарачисига ёки мулқорига қайтариш тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига биноан ёки суднинг қарорига күра амалга оширилади (90-модда).

Ер тұғрисидаги қонуннинг ушбу талабларини бузганлик учун, яъни ерга хұжасизларча муносабатда бўлганлик ва экологик талабларни бузганлик учун интизомий, маъмурий, фуқаролик ва жиноий жавобгарликлар қўлланилади.

**Интизомий-хуқуқий жавобгарлик** – бу ер тұғрисидаги қонунларни ва экологик талабларни бузганлик учун қўлланилиб, асосан ердан фойдаланувчиларнинг бажариши ва амалга ошириш лозим бўлган мажбуриятларини ўз вақтида бажармаслигидан келиб чиқади. Интизомий-хуқуқий жавобгарлик корхона раҳбари томонидан қўлланилади. Бу жавобгарлик, асосан меҳнат қонунлари асосида амалга оширилиб, кўпроқ ер бойликларидан оқилона фойдаланиш ва унинг экологик ҳолатини сақлаш пайтида меҳнат интизомининг бузилиши оқибатида вужудга келади.

**Маъмурий-хуқуқий жавобгарлик** – бу интизомий жавобгарликка нисбатан оғирроқ бўлиб, ер билан боғлиқ бўлган хуқуқбузарликлар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тұғрисидаги кодексида кўрсатилган.

Ушбу қонунга асосан, ердан хұжасизларча фойдаланиш, обьектлар қуриш пайтида унумдор қатламни олмаслик, ер майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш, ерни фойдаланишдан чиқаришга, ҳосилдорликнинг пасайишига, тупроқнинг бузилиши ёки йўқ бўлиб кетишига олиб келадиган бошқа ҳаракатларни содир этиш, шунингдек таназзулга юз тутган

қишлоқ хұжалиғи ерларини консервациялашнинг белгиланған тартибини бузиш – фуқароларга әнг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қишлоқ хұжалиғи ва бошқа ерларни яроқсиз ҳолга тушириш, уларни ишлаб чиқариш чиқитлари ва бошқа чиқиндилар, кимёвий ва радиоактив моддалар ҳамда оқова сувлар билан ислофлантириш – фуқароларга әнг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (МЖТК, 65-модда).

Ер бериш тартибини бузиш, худди шунингдек, фермер ва дехқон хұжалиғи юритиш учун якка тартибда уй-жой куриш ва турар жой биносига хизмат кўрсатиш, жамоа боғдорчилиги ва полизчилиги учун фуқароларга ер беришга тўсқинлик қилиш – мансабдор шахсларга әнг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (МЖТК 66-модда).

Вақтингча эгаллаб турилган ерни ўз вақтида қайтариб бермаслик ёки уни ўз ўрнида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш юзасидан мажбуриятларни бажармаслик – әнг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (МЖТК 67-модда).

Тасдиқланган ер тузилиши лойиха хужожатларидан тегишли рухсати бўлмай туриб четга чиқиш, худди шунингдек тегишли органлар билан келишмай туриб объектларни жойлаштириш, лойихалаштириш, қуриш ва уларни фойдаланишга топшириш, давлат ер кадастри юритиш қоидаларини бузиш, ердан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни бузиб кўрсатиш, ахборотларни беришдан бўйин товлаш ёки нотўғри ахборот бериш – фуқароларга әнг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай хукуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, фуқароларга әнг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (МЖТК 68-модда).

Эгалиқдаги ва фойдаланишдаги ернинг чегара белгиларини, ўрмонлардаги чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш – фуқароларга әнг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч

бараваридан беш бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (МЖТК 69-модда).

Шунингдек, ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун ҳам маъмурий жавобгарлик белгиланган. МЖТКнинг 77-моддасига кўра:

– тегишли рухсат олмай туриб иморат солиш, ёғочни қайта ишлаш, омборлар ва бошқа иншоотлар қуриш мақсадида ўрмон фонди ерларидаги дараҳтни кундаков қилиш, ўрмон фонди ерларида пичанзорлар ва яйловларни шикастлантириш, ўзбошимчалик билан пичан ўриш ва мол боқиш, дренаж тизимларини ва йўлларни йўқ қилиш ёки шикастлантириш – фуқароларга эг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақрор содир этилган бўлса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, ердан, ер ости бойликларидан, сувдан, ўсимлик ёки ҳайвонот дунёсидан ўз бошимчалик билан фойдаланиш ёхуд ерга ва бошқа табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқини бевосита ёки яширин шаклда бузувчи битимлар тузиш ёки бошқа ҳаракатлар содир этиш, табиатдан маҳсус фойдаланиш ҳуқуқини бошқаларга бериш, худди шунингдек ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш – фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоқقا олишга сабаб бўлади.

**Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик** асосан ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг кўрган ва етказган заарларини қоплаш билан боғлиқ.

Бу масала Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 86-моддасида қуйидагича кўрсатилган. Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачиларига ва мулқорларига етказилган заарнинг ўрни (шу жумладан бой берилган фойда) қуйидаги ҳолларда тўла ҳажмда қопланиши керак:

– ер олиб қўйилган, қайта сотиб олинган ёки вақтинча эгаллаб турилган ҳолларда;

– давлат қўриқоналари, заказниклар, миллий табиат боғлари, табиат ёдгорликлари, маданий-тарихий ёдгорликлар, сув ҳавзалари, сув таъминоти манбалари, курортлар теварагида,

дарёлар, каналлар, сув ташламалари, йўллар, қувурлар, алоқа линиялари ва электр узатиш линиялари бўйлаб муҳофаза, санитария ва иҳота зоналари белгиланиши муносабати билан уларнинг ҳуқуқлари чекланганда;

– сув ҳавазалари, каналлар, коллекторлар, шунингдек қишлоқ хўжалиги экинлари ва дов-дараҳатлар учун заарли моддалар чиқарадиган бошқа обьектлар куриш ва улардан фойдаланишнинг таъсири ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳосил камайишига ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сифати ёмонлашувига олиб борадиган бошқа ҳатти-ҳаракатлари оқибатида ерларнинг сифати ёмонлашган тақдирда.

Зарарнинг ўрни олиб қўйилаётган ер участкалари ажратиб бериладиган корхоналар, муассасалар ва ташилотлар томонидан, шунингдек фаолияти ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижаравчилар ва мулкдорларининг ҳуқуқлари чекланишига ёки яқин атрофдаги ерларнинг сифати ёмонлашувига олиб борган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

**Жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик** бошқа ҳуқуқий жавобгарликларга нисбатан анча хавфли ва оғирроқдир.

Ушбу жиноий ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жиноий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига асосан қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 197-моддасига асосан, ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача бўлган миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хуллас, ушбу қонунларда кўрсатилган жазо ва кўрсатиб ўтилган қонун талабларининг асосий мақсади ер билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, унга қарши курашиш ва фуқароларни тарбиялашдан иборатdir.

## **10-§. Ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлашда ички ишлар органларининг вазифалари**

Ўзбекистон Республикасида ердан фойдаланиш ва уни экологик муҳофаза қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи барча

органлар қатори ички ишлар органларининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Ички ишлар органлари Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 8-моддасида кўрсатилган барча тоифадаги ерларни, жумладан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар, аҳоли пунктлари, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган, тарихий-маданий аҳамиятга эга бўлган, ўрмон, сув ва захира ерларидан оқилона фойдаланиш ва уларни экологик муҳофаза қилиш ишида фаол иштирок этадилар.

Ички ишлар органлари, айниқса санитария милицияси, аҳоли пунктлари, шаҳар, дам олиш, рекреациявий минтақалар ва бошқа жамот жойларининг тозалигини назорат қилишда ўз вазифасини амалга оширади.

Мазкур масалада Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 1999 йил 17 январда қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимида санитария назорати тўғрисида»ги 11-сонли буйруғи катта аҳамиятга эга. Унда санитария милициясининг ер ресурсларини ва бошқа объектларни муҳофаза қилишдаги вазифалари аниқ кўрсатилган.

Умуман олганда, ички ишлар органлари ер ресурсларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш мақсадида:

ер қонунчилигини тушунтириш, барча тоифа ерлардан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза этиш, санитария талабларига жавоб берадиган ҳолатларни белгилаш, барча тоифадаги ерларда кимёвий моддалар ва бошқа чиққиндилар ташлашнинг олдини олиш, ер тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишига қарши кураш ишларини олиб боради. Бу ишда профилактика нозирлари, кўриқлаш хизматлари, ДИХХХ ходимлари санитария милициясига яқиндан ёрдам беришлари лозим.

### ***Такрорлаш учун савол ва топшириқлар***

1. Ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг хукукий аҳамияти нимада?
2. Давлат ер фонди, таркиби ва уни хукукий муҳофаза қилиш хақида гапириб беринг.
3. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви ва назорат қилиш тартиби қандай?
4. Ер участкаларига доимий ва вақтинча эгалик қилишнинг хукукий тартиби қандай?
5. Ердан фойдаланувчиларнинг асосий хукук ва мажбуриятлари нималардан иборат?

6. Ер түғрисидаги қонунларни бузганлик учун юридик жавобгарлик ва уларнинг хусусиятларини санаб беринг.

VI БОБ  
СУВ РЕСУРСЛАРИНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН  
ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЭКОЛОГИК-ХУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

**1-§. Сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза  
қилишнинг экологик-хуқуқий ҳолати**

Табиат бойликлари орасида сув алоҳида ўрин тутади. Чунки барча тирик мавжудот ҳаётининг асосий манбай – сув. Сувсиз ҳаёт бўлиши мумкин эмас. Ота-боболаримиз сувни тоза сақлашга, ундан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор берганлар. Шунинг учун ҳам улар «Сув зар – сувчи заргар», «Сув учун кураш – ҳаёт учун кураш», деб бежиз айтмаганлар. Сайёрамизда сув пайдо бўлганидан кейингина ҳаёт пайдо бўлган. Инсоният ҳаёти давом этиши учун одамлар сувни, сув манбаларини, аввало чучук сувни эҳтиёт қилишлари лозим.

Сахрои Кабирдаги қабилалардан бирига меҳмон бўлган саёҳатчиларнинг ювинаётганини кўриб, мезбонлар анча ранжишган. Чунки улар бутун қабилага бир неча кунга етадиган сувни бир пасда тугатишган. Маълум бўлишича, сув бу ерда энг азиз неъмат ҳисобланиб, уни қатъий назорат остида тарқатишар экан.

Хинди斯顿даги қадимги шаҳарлардан бири Мохенжо-Дародаги харобалар текширилганда диаметри 0,5 дан 2,5 метргача келадиган қудук топилган, чамаси у айрим уйларни сув билан таъминлаган ҳамда жамоат жойларида одамлар чўмиладиган ҳовузлар шу сув билан тўлдирилган. Қадимги Римда сувнинг янги манбалари хақида мунтазам қайғуришган. 312 йилда шаҳарга 16,5 км узоқликдаги тоза сув манбаидан қувур ўтказилган. Орадан таҳминан 50 йил ўтгач, шаҳарга Аннон дарёсидан қувур ўтказилган. Унинг узунлиги 63 км дан ортиқ бўлиб, кейинги қувурнинг узунлиги 91 км эди. Шуниси қизиқки, қувур суви маҳсус резервуарларда йигилиб, тиндирилган. Унда сув босими керагича бўлиб, шу босим туфайли жамоат ҳовузлари, фаввора, ҳаммомлар, шунингдек шахсий уйлар сув билан таъминланган.

Перуда «Сув худоси» ибодатхонаси топилган. Унда фаввора ва каналлар бўлган, улар ибодатхона яқинидаги шаршара суви

билан тўлдирилган. Афинада эса милоддан олдинги VI асрдаёқ кудуқ сувидан фойдаланиш тартибини белгилайдиган қонун чиқарилган.

Юнонлар ўз даврида Феодесия, Керч, Евпаторияда ажойиб қувур қурғанлар. Қадимги Мисрда фиръавнлар даврида пармалаб ковланган қудуқлар мавжуд бўлган.

Кўриниб турибдик, ҳар доим одамларни сув билан таъминлаш масаласи муаммо бўлиб келган. Ҳаттоқи ҳозирги пайтда ҳам Греция, Голландия, Германия, Швейцария, АҚШ ва бошқа кўплаб мамлакатларда ичимлик суви билан таъминлаш долзарб масалалардан биридир.

Ичимлик сувининг одам организми учун аҳамиятини Шарқнинг кўргина олимлари ўз асарларида таърифлаганлар. Масалан, Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари» китобининг биринчи жилдида «Сувнинг сифати» ҳақида кўргина маълумотлар келтирган. Сувнинг инсон ҳаёти учун зарур элементлардан бири эканлиги, унинг хусусиятларини яхшилайдиган бир неча усувлар баён қилинган. Ибн Сино ўша даврдаёқ сувни тоза сақлаш, қайнатиб ичиш кераклигини одамларга уқтирган.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти ва экологик муаммолар авж олган шароитда республикамиз фуқароларининг сув ресурсларига бўлган эҳтиёжлари ортиб бормоқда. Келажак авлодларимизнинг тақдиди, соғлиғи оби ҳаётимиз билан боғлиқ экан, демак, айни шу кунларда қабул қилинаётган сув тўғрисидаги қонун, қарор ва фармонлар сув бойликларидан оқилона фойдаланиш, уни булғаниш ва ифлосланиш ҳамда камайиб кетишдан сақлаш ишига кўмаклашиши лозим. Сув ресурсларини ҳуқуқий экологик муҳофаза қилишда ҳуқуқий илмий йўналишни кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги талаблар ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, умуман олганда сув ресурслари билан боғлиқ барча муаммолар, Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги 1993 йил 6 май қонунида ўз аксини топди.

«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг З-моддасига асосан, «Сув Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки – умуммиллий бойлиқ ҳисобланади, сувдан оқилона фойдаланиш лозим бўлиб, у давлат томонидан қўриқланади».

Ушбу қонунга асосан, Ўзбекистон Республикасининг ягона давлат сув фонди: дарёлар, кўллар, сув омборлари, бошқа ер усти сув ҳавзалари ва манбалари, канал ва ҳавузларнинг сувлари ҳамда ер ости сувлари ва музликлардан иборатдир. Давлатлараро дарёлар – Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёси,

Орол денгизи ва бошқа сувлардан фойдаланиш ҳуқуқи давлатлараро битимларда белгилаб берилади.

Мазкур қонуннинг 18-моддасида кўрсатилганидек, «мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, дехқон хўжаликлари ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар сувдан фойдаланувчилар бўлишлари мумкин. Қонунларда назарда тутилган ҳолларда бошқа ташкилотлар ва шахслар ҳам сувдан фойдаланувчи бўлишлари мумкин».

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 39-моддасига биноан, барча ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижаравчилари ва мулқдорлари ҳам сув ресурсларидан оқилона фойдаланишлари ва уларни муҳофаза қилишлари шарт. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилган «Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддасида қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) учун сувдан фойдаланиш, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги 1998 йил 30 апрель қонуннинг 11-моддасида дехқон хўжаликлари учун сувдан фойдаланишнинг ҳуқуқий тартиблари кўрсатилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси «Табиятни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасида «Сувлар ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартлари» ҳам аниқ кўрсатилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси худудидаги ер усти, ер ости ва денгиз сувларидан зарур миқдордаги сувнинг табиий айланишини сақлаш, унинг нормативда кўрсатилган даражада тозалигини таъминлаш, сув ўсимликлари ва ҳайвонот оламини асрash, сув ҳавзаларининг ифлосланишига йўл қўймаслик, уларда экологик мувозанатни сақлаш ва сув ҳавzasига ландшафт элементи сифатида зиён етказмаслик шарти билан йўл қўйилади.

Маҳаллий ҳокимият идоралари, ўрмон ва сув хўжалиги идоралари дарё ирмоқлари ҳосил бўладиган жойларда, сув ҳавзалари соҳили миңтақаларида дараҳтзорларни тиклашлари ва дов-дараҳтни кўпайтиришлари ҳамда уларнинг сақланишини таъминлашлари шарт.

Сув ресурсларини экологик-ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикаси «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 97–102-моддаларида кўрсатилган.

Мустақил республикамиизда сув манбаларини муҳофаза қилиш вазифалари шундан иборатки, ҳамма сувлар (сув обьектлари) аҳоли соғлигига зарар етказиши, шунингдек балиқ захираларининг камайиши, сув таъминоти шароитининг ёмонлашиши ҳамда сувнинг физикавий, кимёвий ва биологик

хоссалари, табиий тозаланиш хусусиятининг камайиши, сувнинг гидрологик ва гидрогеологик режимининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган бошқа кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келиши ҳолларидан муҳофаза қилиниши керак.

Шуниси эътиборлики, сув тўғрисидаги ушбу қонунда, сувни муҳофаза қилишни, шунингдек унинг ҳолати ва режимини яхшилашни таъминловчи тадбирларни амалга ошириш фаолияти сувнинг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, ташкилот ва муассасалар, маҳаллий ҳокимият органлари, табиатни муҳофаза қилиш, сув хўжалиги, санитария назорати органлари ҳамда бошқа манбаатдор идоралар билан келишган ҳолда технология, ўрмон мелиорация ва агротехника, гидротехника, санитария техника тадбирларини ўтазишлари шарт, деб кўрсатилган.

Хозирги шароитда сувлар асосан чиқит ва саноат чиқиндиларини ташлаш, оқизиш оқибатида ифлослантирилмоқда. Ушбу муаммо қонуннинг 99-моддасида ифодаланган, унга кўра, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларга куйидагилар тақиқланади:

- ишлаб чиқариш чиқитлари, майший ва бошқа хил чиқитлар ҳамда чиқиндиларни сув обьектларига ташлаш;
- мой, ёғоч, кимёвий ва нефть маҳсулотлари ҳамда бошқа маҳсулотлар билан ифлослантириш;
- сув ҳавзаларининг юзи, сув ҳавзаларини қоплаб турган яхлар ва музликларнинг юзаси саноат чиқитлари, майший чиқинди ва бошқа ташландик чиқитлар, шунингдек ер усти ва ер ости сувларнинг сифатини ёмонлаштириб юборадиган нефть ва кимёвий маҳсулотлар билан ифлослантириш;
- сувни ўғитлар ва заҳарли кимёвий моддалар билан булғатиш.

Оқинди сувларни сув обьектларига оқизишга ушбу қонуннинг 73, 74 ва 75-моддаларида кўрсатиб ўтилган талабларга риоя қилинган тақдирдагина йўл кўйилади. Шунингдек амалдаги қонунда, айнан ер ости ва кичик дарёлар сувларини экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишга эътибор берилган. Мазкур қонуннинг 101-моддасида ер ости сувларини муҳофаза қилиш тартиби ифодаланган. Ер ости сувлари чиқариш ва ундан фойдаланиш билан шуғулланувчи идоралар сув чиқарилётган профилактика ва унга туташ ҳудудларда ер ости сувларига доир режимларга риоя этилишини кузатиб боришлари, шунингдек фойдаланилаётган сувнинг миқдори ва сифатининг ҳисобини юритишлари шарт. Башарти фойдали қазилмалар конларини қидириш, уларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бурғилаш ҳамда бошқа кон қидирув ишларини бажариш чоғида, ер ости сувлари бор қатламлар аниқланган тақдирда, бу ҳақда

табиатни мухофаза қилиш, сув хўжалиги органларига маълум қилиниши ҳамда белгиланган тартибда ер ости сувларини мухофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилиши лозим. Саноат оқовиба сувларини оқизиш учун қазиладиган қудуқлар сувли қатламларни ифлослантириш манбаига айланиши мумкин бўлса, бундай қудуқларни қазиш ман этилади.

Ўз-ўзидан сув чиқарадиган, суви фойдаланиш учун яроқсиз бўлган қудуқларга сувни бошқариш ускуналарининг ўрнатилиши, қонунларда белгиланган тартибда тўхтатиб қўйилиши ёки тугатилиши лозим.

Сифатли ер ости сувлари тўпланадиган манбалар теграсида қаттиқ ва суюқ чиқиндилар тўплаш, ахлатхоналар барпо этиш, ер ости сувларининг ифлосланниш манбаига айланиш эҳтимоли бўлган саноат, қишлоқ хўжалик обьектлари ва бошқа обьектлар курилишига йўл қўйилмайди. Ер ости сувларини мухофаза қилиш чора-тадбирларини кўриш, шу жумладан қудуқларни кузатиш тармоғини яратиш фаолияти ер ости сувларининг ҳолатига таъсир кўрсатувчи корхоналар томонидан амалга оширилади. Кўриниб турибдики, ушбу моддада ер ости сувларини экологик-ҳуқуқий мухофаза қилишга ҳар томонлама эътибор берилган.

Хўжалик фаолияти кичик дарёларнинг ҳолати ва режимига салбий таъсир кўрсатувчи корхоналар, ташкилотлар, муассасалар деҳқон хўжаликлари сув хўжалиги, табиатни мухофаза қилиш органлари билан биргаликда сувни, унинг мусаффолиги ва сифатини сақлаш чора-тадбирларини кўришлари лозим. Кичик дарёларнинг сувини мухофаза қилиш минтақалари, бу минтақалардаги корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг хўжалик фаолияти режими қонунлар билан белгиланади.

Сув манбаларини ифлосланнишдан мухофаза қилишнинг энг яхши йўли марказлашган сув таъминотини ташкил қилишдан иборат. Очиқ сув ҳавзаларидан сув олинадиган жойни танлашда сувнинг ифлосланмаслиги, сув ҳавзасига етарли миқдорда сув тушиб туришини, сув ҳавзаси атрофининг тўсилганлигини, қирғоқнинг бузилмаслигини ҳисобга олиш керак. Сув олинадиган жойни танлаш ҳар сафар мураккаб санитария масаласи ҳисобланади. Муҳими, сув олинадиган жой танлангода оқова сувлар тушадиган жойдан холи бўлиши ва аҳоли яшайдиган пунктнинг истиқболи, яъни кенгайишини назарда тутиш керак. Шунингдек, сув олинадиган жой дарё ирмоқлари ва сойлардан юқорида бўлиши лозим. Сув дарё қирғоги чуқурлиги камида 2,5 метр бўлган, қирғоги ювилмайдиган жойдан олинади. Бу қоида сув омборларига ҳам тегишилдири.

Хар қандай сув манбаи, айниңса очиқ сув ҳавзалари, ташқи мұхит билан боғланғанлиги, табиий ҳодисалар, саноат ва коммунал қурилишлар, ақолининг хұжалик ва турмушдаги фаолияти таъсир қилишини ҳисобға олиб, қувур қурилишида санитария зонаси ташкил этиш лозим. Мавжуд қонунчилкка асосан, қувури бор ташкилоттар барча қувурлар учун санитария муҳофазаси зонаси ташкил қилишлари керак.

Сувни муҳофаза қилиш табдирларини барча очиқ сув ҳавзалари, ер ости сув манбаларида улар марказлашган ёки марказлашмаган сув таъминоти учун фойдаланиладими-йўқми, бундан қатын назар, амалга ошириш шарт. Санитария-маиший сув таъминотидан фойдаланадиган ҳудудларда санитария муҳофаза зонаси яратиш зарур. Бундай ҳолларда санитария назорати органлари ва шу территориядаги сувдан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни бошқарадиган органларга қуидаги ҳажмда ер ажратилади:

- очиқ сув ҳавзалари учун 100 м. Сувнинг иккала қирғоғига инспекторлик йўллари қилинади, кўкаламзорлаштирилади, шаҳар доирасида эса қирғоқлар кўшимча равища обод қилинади;

- ўзанли ва сув қуилиб турадиган сув омбори учун 300 м. Чор атрофи муҳофаза қилинади;

- артезиан учун фойдаланиладиган айрим қудуқлар, булоқлар ва чашмалар ёки ер ости сувлари усти 30 м радиусда сувга чидамли материаллар билан том қилиб ёпилади, майдони камида 0,25 га бўлади;

- айрим қудуқлар учун ер ости суви ёки инфильтрацион сувдан фойдаланганда 30 м радиусда усти ёпилади, майдони камида 0,75 га бўлади.

Айрим ҳудудларда, масалан, йирик шаҳарлар ёки саноат корхоналарида, қишлоқ хўжалигига заҳарли химикатлар кўп ишлатилганда санитария назоратининг тегишли органлари талабига кўра, бу зоналар кенгайтирилиши мумкин. Шунингдек, ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалиги ва бошқа корхона, муассаса, ташкилотларда ҳамда республикамизда сувдан фойдаланиш ва уни ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг бир қатор илмий экологик-ҳуқуқий ечимлари айрим ҳуқуқий адабиётларда ёритилган. Аммо ҳозирги бозор иқтисодиёти ва турмуш тарзи яна янги-янги ҳуқуқий-илмий ва экологик ечимларни қўллашни талаб қиласи. Зоро, сув ресурсларини экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш ақолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга хизмат қилиб, гигиеник жиҳатдан касаллик тарқалишининг олдини олишда катта аҳамиятга эга.

Сув манбаларини экологик муҳофаза қилиш, ҳаёти сув билан боғлиқ бўлган бутун мавжудотни, умуман олганда она табиатни, сақлаб қолишга ёрдам беради.

Хуллас, сувдан экологик-ҳуқуқий фойдаланиш, сувдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш, уни тасарруф этиш, экологик муҳофаза қилиш, ундан оқилона, тежамкорлик билан фойдаланиш, фойдаланилаётган сув манбаларидан тегишли қонунлар асосида фойдаланиш, сувни санитария қоидалари асосида сақлаш лозим. Умуман, сувни экологик муҳофаза қилиш ишини янада яхшилаш ҳаётни яхшилаш, узоқ-умр кўришdir.

## 2-§. Давлат сув фонди ва уни бошқариш органлари

Об-ҳаётдан фойдаланишдаги бошбошдоқлик ва масъулиятсизлик ёмон оқибатларга олиб келишини Марказий Осиёда ташкил топган мустақил давлатлар ҳамда Қозогистон Республикаси мелиорация ва сув хўжалиги хизмати раҳбарлари обдон мулоҳаза қилиб кўрдилар, бу масаланинг аҳамияти ва мураккаблигини тушуниб етдилар.

1992 йилнинг 18 февралида Қозогистон Республикасининг аввалги пойтахти Олмаота шаҳрида минтақадаги давлатлараро сув захираларини биргаликда бошқариш ва муҳофаза қилиш юзасидан аҳднома тузилди. Аҳднома хужжатини Марказий Осиё республикалари ҳамда Қозогистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлари имзоладилар. Хужжатда сув манбаларидан оқилона фойдаланишга, сув захираларини муҳофаза этишда минтақадаги барча давлатлар тенг ҳуқуқли ҳамда баб-баравар масъулиятига эга экангликлари кўзда тутилди. Ҳар бир республика ўз худудида Аҳдномага асосан амал қилиш мажбуриятини олдилар. Жўмладан, аҳдлашувчи томонларнинг манфаатларини ҳурмат қилиш, сувдан фойдаланишда бир-бирига зиён етказмаслик, сув захираларини ифлослантирмаслик ҳақида Аҳдномада кўзда тутилган талабларга оғишмай амал қилиш мажбуриятлари диққат-эътиборда тутилади, деб келишиб олинди. Томонлар сувни исроф қилмаслик, бу бебаҳо бойлиқдан самарали фойдаланиш хусусида, шунингдек, экология муаммолари, Орол денгизига ҳар йили зарур миқдорда сув етказиб туриш ҳақида бамаслаҳат бир фикрга келдилар.

1993 йил 6 майда Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниб, у сув ва сувдан фойдаланишга доир муносабатларни тартибга солишдан, аҳоли в ҳалқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сувдан оқилона фойдаланишдан, сувни булғаниш, ифлосланиш ва камайиб

кетишдан, сувнинг заарли таъсирини олдини олиш ва уни бартараф қилишдан, сув объектларининг ҳолатини яхшилашдан, шунингдек, сувга доир муносабатлар соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, деҳқон хўжаликлари ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат бўлди. Мазкур қонунда биринчи марта ягона давлат сув фонди масаласига аниқлик киритилди. Ўзбекистон Республикасининг ягона давлат сув фонди:

- дарёлар, кўплар, сув омборлари, бошқа ер усти сув ҳавзалари ва сув манбалари, канал ва ҳовузларнинг сувларидан;
- ер ости сувлари ва музликлардан иборатdir.

Давлатларо дарёлар – Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёси, Орол денгизи ва бошқа сувлардан фойдаланиш ҳуқуқи давлатлараро битимларда белгилаб берилади (4-модда).

Шунингдек, қонунда давлат ҳокимиияти ва бошқарув органларининг сувга доир муносабатларни тартибига солиш соҳасидаги ваколатлари ҳам аниқ кўрсатилди. Жумладан, қонуннинг 5-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сувга доир муносабатларни тартибига солиш соҳасидаги ваколатлари қуидагича кўрсатилди:

- сувга доир қонунлар қабул қилиш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;
- сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга оид давлат сиёсатиниг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда сув хўжалигига оид стратегик давлат дастурларини қабул қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасарруфиға кирадиган бошқа масалаларни ҳал этиш.

Ушбу қонуннинг 6-моддасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг сувга доир муносабатларни тартибига солиш соҳасидаги ваколатларига эътибор берилган, улар қуидагилар:

- сув ресурсларидан оқилона, комплекс фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида ягона сиёсат ўтказиш;
- сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва уларни муҳофаза этишда вазирликлар, идоралар ва юридик шахсларнинг фаoliyatiini уйғунлаштириш;
- сув фонди ҳосил қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини белгилаш, сувдан фойдаланишнинг меъёрлари ва лимитларини тасдиқлаш;
- сувнинг давлат томонидан ҳисобга олиб борилишини ҳамда сувдан фойдаланишни назорат қилиш ва уларни муҳофаза этишни таъминлаш, давлат сув кадастри ва сув мониторингини юритиш;

– йирик авариялар, фалокатлар, экологик танглик ва сувларнинг заарли таъсири олдини олиш ҳамда уларга барҳам бериш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиши;

– сув ресурсларидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш, сув объектларини булғатганлик ва қутириб қўйганлик учун ҳақ ундириш тартибини белгилаш;

– давлатлараро муносабатларни ривожлантириш;

– қонунларда назарда тутилган бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.

Эътиборли томони шундаки, мазкур қонунда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатларига ҳам эътибор қаратилган. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги тасарруфига куйидагилар киради:

– ўз худудидаги сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш;

– сув ресурсларидан фойдаланиши тартибга солиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида қонунийлик ҳамда ҳуқуқтартиботни таъминлаш;

– сув объектлари ҳолатини ҳисобга олиб бориш ва уларга баҳо бериш, сувлардан фойдаланилиши ва уларнинг муҳофаза қилиниши, сув истеъмолининг белгиланган лимитларига риоя этилиши, сувдан фойдаланувчиларнинг сувдан фойдаланиш ҳисобини юритишлари устидан назорат қилиб бориш;

– сув объектларини саклаш ва уларнинг ҳолатини яхшилаш, сувнинг заарли таъсир кўрсатишини, шунингдек булғанишини олдини олиш ва уни бартараф этиш ҳамда авариялар, тошқин, сел ва табиий оғатлар натижасида вайрон бўлган объектларни тикилаш юзасидан тадбирлар ўтказиш;

– қонунларда назарда тутилган бошқа масалаларни тартибга солиш (7-мода).

Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратининг вазифаси сувдан фойдаланиш борасида белгилаб қўйилган тартибга барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, давлат, кооператив, жамоат корхоналари, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларнинг риоя қилишлари, сувни муҳофаза қилиш, сувнинг заарли таъсирини олдини олиш ва бартараф қилиш вазифаларини, сувни ҳисобга олиш қоидаларини, шунингдек, сув тўғрисидаги қонунларда белгилаб берилган бошқа қоидаларни бажаришларини таъминлашdir. Ўзбекистон Республикаси «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунининг 8-моддасига асосан, сувдан

фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви қўйидагича кўрсатилган.

Сувдан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг маҳаллий хокимиият ва бошқарув органлари, шунингдек, шу соҳада маҳсус ваколати бўлган ҳамда сувдан фойдаланишни бевосита ёки ҳавза (худудий) бошқариш орқали тартибга солиб турувчи давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (ер усти сувлари), Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология ва минерал ресурслар қўмитаси (ер ости сувлари) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Саноатда ва кончилиқда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорот қилиш давлат қўмитаси (ер ости иссиқ сувлари ва минерал сувлар) ўз ваколатлари доирасида сувдан фойдаланишни тартибга солиш соҳасида маҳсус ваколати бўлган давлат органлари ҳисобланади.

Маълумки, 1991 йилдан сув учун ҳақ тўлашнинг узоқ муддатга мўлжалланган иқтисодий нормативларини белгилаб қўйиш зарур деб топилди. Шу боис ҳам сув истеъмолининг белгилаб қўйилган лимитларига риоя қилинишини оператив назорат қилиш катта аҳамиятга эга. Бу масалага амалдаги сув қонунчилигига эътибор берилган.

Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратининг вазифаси сувдан фойдаланиш борасида белгилаб қўйилган тартибларга барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, мулкчиликнинг барча шаклларидағи корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, деҳқон хўжаликлари ва фуқаролар риоя қилишлари, сувни муҳофаза қилиш, сувнинг заарли таъсирини олдини олиш ва бартараф қилиш вазифаларини, сувни ҳисобга олиш қоидаларини, шунингдек сув тўғрисидаги қонунларнинг бажарилишини таъминлашдир.

Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини маҳаллий ҳокимиият ва бошқарув органлари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Саноатда ва кончилиқда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Ўзсувназорат» республика сув инспекцияси органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги амалга оширадилар.

Сувдан фойдаланиш устидан идоравий назоратни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология ва минерал ресурслар қўмитаси

органлари амалга оширадилар. Бундан ташқари, сувдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда жамоат бирлашмалари, жамоалар ва фуқароларнинг иштироки катта аҳамиятга эга.

Жамоат бирлашмалари, жамоалар ўз низомларига мувофиқ сувдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда давлат органларига кўмаклашадилар. Бу тадбирларни ўтказишда давлат органлари жамоат бирлашмалари, жамоат ва фуқароларнинг таклифларини хисобга оладилар.

Хуллас, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза этиш устидан давлат бошқаруви ҳамда назоратини олиб бориш катта аҳамиятга эга бўлиб, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, тежаб-тергаш ва соғлигини саклаш ҳамда ҳар қандай ножӯя экологик хукуқбузарликларнинг олдини олишни таъминлайди.

### **3-§. Сувдан фойдаланиш ҳуқуқи. Унинг пайдо бўлиши ва бекор бўлиш асослари**

Сувдан фойдаланиш ҳуқуқи асосан икки ҳолат билан кўпроқ боғлиқ. Биринчидан, у сув ҳуқуқининг асосий институтларидан бири бўлиб, сув ва сувдан оқилона фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш ҳамда сув билан боғлиқ барча муаммоларни ўз ичига олади. Иккинчидан, у сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари билан боғлиқ.

Сувдан фойдаланиш ҳуқуқи кўпроқ сувдан фойдаланиш ҳуқуқининг пайдо бўлиши ва бекор бўлиш асосларида ифодаланади. Сувдан фойдаланиш ҳуқуқи бир қатор принципларга асосланади:

- сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш;
- сув ресурсларини муҳофаза қилиш;
- бошқа барча табиат бойликлари билан чамбарчас боғлиқлиги;
- сув ресурсларидан қонунда кўрсатилган аниқ мақсадларда фойдаланиш;
- сувдан фойдаланиш давлатнинг экологик сиёсати билан бевосита боғлиқлиги;
- сувдан фойдаланганлик учун тегишли ҳақ тўлаш лозимлиги;
- сув қонунчилиги билан бирга бошқа барча экологик қонунларни ўз вақтида амалга ошириш ва бажариш;
- сувдан фойдаланиш билан боғлиқ халқаро шартномалар ва конвенцияларни ўз вақтида бажариш ва бошқалар.

Сув ресурсларидан фойдаланишнинг барча турлари «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 21–24-моддаларида аниқ кўрсатилган. Ушбу қонуннинг 21-моддасига кўра, «Сув обьектлари аҳолининг ичимлик сувга бўлган эҳтиёжларини, майший, даволаш, курорт, соғломлаштириш, ҳордиқ чиқариш ва бошқа эҳтиёжларини, қишлоқ хўжалиги, саноат, энергетика, транспорт, балиқчилик хўжалиги ҳамда бошқа давлат ёки жамоат эҳтиёжларини қондириш учун қонунларда кўзда тутилган талаблар ва шартларга риоя қилинган ҳолда фойдаланишга берилади. Оқава сувларни оқизиш учун сув обьектларидан фойдаланишга қонунларда кўзда тутилган ҳолларда ҳамда маҳсус талаблар ва шартларга риоя қилинган тақдирдагина йўл қўйилиши мумкин. Сув обьектлари айни бир вақтда битта ёки бир нечта мақсадларда фойдаланишга берилиши мумкин». Республикамиз шароитида фойдаланадиган сув ресурсларининг асосий қисми қишлоқ хўжалигида, яъни суфоришда ишлатилади. Унинг қолган қисми эса саноатда ҳамда майший ва коммунал мақсадларда фойдаланилади. Ана шу ҳар учала йўналиш ҳам йилдан-йилга кўпроқ сув талаб қилмоқда. Натижада минтақамизда сув масаласи тобора жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Бундай шароитда сувни тежаб-тергаб ишлатиш, унинг бехуда исроф бўлишига йўл қўймаслик, қайтарма ва оқава сувлардан унумли фойдаланиш, энг муҳими – сув манбаларини ифлосланишдан ва ортиқча минералланишдан сақлаш талаб қилинади.

Бундан ташқари, ушбу қонуннинг 22-моддасида сувдан фойдаланиш тури икки хил деб кўрсатилган: сувдан умумий фойдаланиш – сувнинг ҳолатига таъсир қиласидиган иншоотлар ёки техникавий қурилмаларни қўлламай фойдаланиш; сувдан маҳсус фойдаланиш – иншоотларни ёки қурилмаларни қўллаш йўли билан фойдаланиш. Иншоотлар ёки техникавий қурилмаларни қўлламай туриб, аммо сувнинг ҳолатига таъсир қиласидиган тарзда сув обьектларидан фойдаланиш ҳам айrim ҳолатларда сувдан маҳсус фойдаланиш турига киритилиши мумкин. Сувдан умумий ва маҳсус фойдаланиш турларининг рўйхати сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш, санитария назорати, геология ва минерал ресурслар органлари томонидан белгилаб қўйилади.

Шунингдек, сув қонунчилигига сувдан биргаликда ва танҳо фойдаланиш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилган. Унга кўра, сув обьектларидан биргаликда ёки танҳо фойдаланиш мумкин. Биргаликда фойдаланиладиган сув обьектлари жумласига танҳо фойдаланиш учун берилмаган сув обьектлари киритилиши мумкин. Танҳо фойдаланиладиган сув обьектларига маҳаллий ҳокимият органлари қарори асосида бирон корхона,

ташкилот ва муассасага бутунлай ёки қисман бериб қўйилган сув объектлари киради (23-модда).

Сув қонунчилигига сувдан экологик талабларга риоя қилиб фойдаланувчиларнинг бирламчи ва иккиламчилигига алоҳида эътибор берилган. Танҳо фойдаланиш учун сув объектлари бериб қўйилган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар сувдан бирламчи фойдаланувчилар ҳисобланиб, улар сув хўжалиги ва табиатни мухофаза қилиш органлари билан келишган ҳолда бошқа корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларга сувдан иккиламчи фойдаланиш учун рухсат беришга ҳақлидирлар. Сувдан иккиламчи фойдаланиш учун берилган рухсатномада сув объектини бериш мақсади ва ундан фойдаланишнинг асосий шартлари кўрсатилади. Зарур ҳолларда сувдан иккиламчи фойдаланиш шартлари, тарафларнинг ўзаро хўкуқ ва бурчлари сувдан бирламчи ва иккиламчи фойдаланувчилар ўртасидаги шартнома билан расмийлаштирилади. Сувдан бирламчи фойдаланувчи сувдан иккиламчи фойдаланувчининг бутун сув хўжалиги фаолияти учун жавобгар бўлади.

Сувдан иккиламчи фойдаланувчи сувнинг тегишли улушини сувдан бирламчи фойдаланувчи ўзлаштириб олган ёки ундан фойдаланган тақдирда, унга нисбатан даъво қўзғашга ва етказилган зарар қопланишини талаб қилишга ҳақлидир (24-модда).

Сувдан фойдаланишнинг қонунда белгиланган муддатлари ҳам мавжуд. Сув объектлари доимий ёки вақтинча фойдаланиш учун берилади. Муддати аввалдан белгиланмаган ҳолда фойдаланиш – доимий фойдаланиш деб эътироф этилади. Сувдан вақтинча фойдаланиш қисқа ва узоқ (3–20 йил) муддатли бўлиши мумкин. Сув объектларидан вақтинча фойдаланиш сувдан фойдаланувчи манфаатдор томонлар илтимосига биноан, сув тўғрисида қарор чиқарган ёки ундан маҳсус фойдаланиш учун рухсатнома берган давлат органлари томонидан узайтирилиши мумкин.

Демак, барча сувдан фойдаланувчиларга қонун асосида, юқоридаги талабларга асосан сувдан фойдаланиш хўкуки берилади. Агар сувдан фойдаланувчилар ундан фойдаланиш қоидаларига зид ҳаракатлар содир этганларида уларнинг сувдан фойдаланиш хўкуклари бекор қилиниши ҳам мумкин. Жумладан, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 36–39-моддаларида сувдан фойдаланиш хўкукини бекор қилиш асослари куйидагича кўрсатилган:

– сувдан фойдаланишга эҳтиёж қолмаганда ёки ундан воз кечилганда;

- сувдан фойдаланиш муддати тугаганда;
- корхона, ташкилот, муассаса ёки дәхқон хұжалиги тутатылғанда;
- сув хұжалиги иншоотлари бошқа сувдан фойдаланувчиларга берилгандан;
- танқо фойдаланилаётган сув объектларини қайтариб олишга зарурат туғилғанда бекор қилинади.

Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш қоидалари бузилған ёки сув объектидан белгилаб қўйилғанидан бошқа мақсадда фойдаланилған, сув ҳақи тўланмаган ҳолларда ҳам корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, дәхқон хўжаликлари ва фуқароларнинг сувдан фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилиниши мумкин (ичимлик сувга бўлған эҳтиёж ва маиший эҳтиёжларни қондириш учун сувдан фойдаланиш ҳуқуқи бундан мустасно).

Қонунларда корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, дәхқон хўжаликлари ва фуқароларнинг сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилишнинг бошқача асослари ҳам кўзда тутилиши мумкин.

Зеро, қонунчилиқда сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш асослари билан бирга, сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш тартиби ҳам аниқ ёритилған:

- сувдан маҳсус, шунингдек иккиласмчи фойдаланиш учун берилған рухсатномани бекор қилиш;
- танқо фойдаланиш учун берилған сув объектларини қайтариб олиш йўли билан бекор қилиш;
- сувдан маҳсус фойдаланиш учун рухсатнома берган органнинг қарори билан бекор қилиш.

Сувдан иккиласмчи фойдаланиш сувдан бирламчи фойдаланувчининг сув хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш органлари билан келишиб чиқарган қарорига биноан бекор қилиниши мумкин (37-модда).

Хуллас, ушбу талаблар сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муаммоларни ижобий ҳал қилиш билан бирга, сув тўғрисидаги қонунларнинг бузилишини ҳам олдини олади.

#### **4-§. Сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 32–35-моддаларида аниқ кўрсатилған. Мазкур қонунинг 32-моддасида сувдан фойдаланувчиларнинг қуидаги ҳуқуқлари баён этилган:

- сув объектлари қандай мақсад учун фойдаланишга берилған бўлса, фақат шу мақсадда фойдаланиш;

- сувдан фойдаланишни амалга ошириш учун иншоотлар, курилмалар ва бошқа объектларни куриш;
- берилаётган сувнинг миқдори ва сифатини текшириш;
- қонунларда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, шартнома бўйича олинмай қолган сув учун товон тўланишини талаб қилиш;
- сув объектларидан фойдаланиш бўйича қонунда тақиқланмаган бошқа ишларни амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

Сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари қонун билан кўриқланади. Уларнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда бу ҳуқуқлар қонунларда кўзда тутилган тартибда тикланиши лозим бўлади. Зеро, қонунга асосан сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини чеклаш ҳоллари ҳам қонунда ифода этилган. Мазкур қонуннинг 34-моддасига асосан, қонунларда кўзда тутилган ҳолларда ахоли сиҳат-саломатлигини саклаш мақсадларини, давлатнинг бошқа манфаатларини, шунингдек сувдан бошқа фойдаланувчилар манфаатларини кўзлаб, сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари чеклаб қўйилиши мумкин. Лекин бу ҳолда ахолининг ичимлик ва майший эҳтиёжлари учун сув объектларидан фойдаланиш шартшароитлари ёмонлашмаслиги лозим.

Барча сув ва сув объектларидан фойдаланувчилар қонунда кўрсатилган мажбуриятларни амалга оширишлари зарур. Сувдан фойдаланувчилар:

- сув объектларидан оқилона фойдаланишлари, сувни тежабтергаб сарфлаш, сувнинг сифатини қайта тиклаш ва яхшилаш тўғрисида қайгуришлари, сув олишнинг белгиланган меъёрларига риоя этишлари;
- ифлос моддалар аралашиб қолган оқава сувларни сув объектларига оқизишни тамомила тўхтатиш чораларини кўришлари;
- бошқа сувдан фойдаланувчиларга берилган ҳуқуқларнинг бузилишига, шунингдек хўжалик ва табиат объектларига (ер, ўрмон, ҳайвонот дунёси, фойдали қазилмалар ва ҳоказоларга) зарар етказилишига йўл қўймасликлари;
- сувни муҳофазалайдиган ва бошқа сув хўжалик иншоотларини ҳамда техникавий қурилмаларни соз ҳолда тутишлари, уларни ишлатиш сифатларини яхшилашлари, олинаётган сувни ҳисоб-китоб қилиб боришлари;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик ҳақини ўз вақтида тўлашлари шарт. (35-модда).

Барча ҳолатларда ердан фойдаланувчилар суғориш жараёнида сувдан фойдаланувчилар ҳам бўлиб ҳисобланади. Шуни учун ҳам ердан фойдаланувчилар Ер кодексининг 39–40-моддалари талабларига ҳам риоя этишлари лозим.

Хуллас, сувдан фойдаланувчиларнинг қонунда кўрсатилган хукуқ ва мажбуриятларга риоя қилишлари, ушбу талабларни доимо амалга оширишлари сувдан оқилона фойдаланиш масаласига ёрдам беради.

## **5-§. Сувни муҳофаза қилишнинг экологик-хукуқий чора-тадбирлари**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сув ресурсларидан фойдаланувчилар ундан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланишлари, уни муҳофаза қилишлари шарт. Агар ушбу талабларга риоя қилинmasa, Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, тегишли хукуқий жавобгарлик мавжуд эканлигини эслатиш лозим. Сув тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун тегишли жавобгарлик масаласи Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 114–116-моддаларида ўз аксини топган. Ушбу қонуннинг 114-моддасида кўрсатилган битимларни бузишда айбдор бўлган шахслар, шунингдек:

- сув обьектларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган ёки сувдан ўзбошимчалик билан фойдаланган;
- сувдан фойдаланиш лимитларини бузган ҳолда сув олган;
- дарёларни булғаган ва ифлослаган;
- сувни булғаш ва ифлослашнинг ёки сув етказадиган зарарли таъсирнинг олдини оладиган иншоотлари ва қурилмалари бўлмаган корхоналарни, коммунал обьектларни ва бошқа обьектларни ишга туширган;
- сувдан (сув обьектларидан чиқариб ёки ажратиб олинган сувдан) хўжасизлик билан фойдаланган;
- сув ҳавзаларида сувни муҳофаза қилиш режимини бузиб, унинг булғанишига, тупроқни сув ювиб кетишига ва бошқа зарарли ҳодисалар рўй беришига сабаб бўлган;
- сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларига шикаст етказган ва уларни вайрон қилган;
- сув хўжалиги иншоотларини ва қурилмаларини ишлатиш қоидаларини бузган;
- сувнинг ҳолатига таъсир қилувчи тўсиқлар, насос станциялари ва бошқа иншоотларни ўзбошимчалик билан қурган;
- сув ҳаки ва сувдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун солинган жарималарни ўз вақтида тўламаган;
- режаларда кўзда тутилиб, сувни булғаниш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлашни, шунингдек сув ҳоллати ва режимини яхшилашни таъминловчи гидротехника, технология, ўрмон-

мелиорация, санитария-техника тадбирлари ва бошқа тадбирларни амалга оширмаган;

– қувур ва канализация тармоқларига ўзбошимчалик билан уланган;

– фойдаланиш ва кузатиш қудукларини йўқ қилиб ташлаган ёки уларга зарар етказган;

– сув қудукларини бурғилашнинг белгиланган қоидалари ва технологиясини бузган;

– сувни муҳофаза қилиш иншоотлари ва қурилмаларини қўришнинг меъёрий муддатларини барбод қилган;

– қурилиши тугалланмаган сувни муҳофаза қилиш иншоотларини, уларнинг самарали ишлашига салбий таъсир этувчи кам-кўстини битирмай ва лойиҳадан четга чиқишилар билан фойдаланишга топширган;

– сувни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этмаган;

– сувдан фойдаланганлик ҳақидаги давлат ҳисоботларини тақдим этмаган ёки ушбу маълумотларни бузиб кўрсатган;

– табиатни муҳофаза қилиш назоратини амалга оширувчи органларнинг кўрсатмаларини бажармаган;

– алоҳида қўриқланадиган сув объектлари режимини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонунларга мувофиқ жиноий, маъмурий ва ўзга тарздаги жавобгарликка тортиладилар. Сув тўғрисидаги қонунларнинг бошқа турдаги бузилишлари учун ҳам жавобгарлик белгиланиши мумкин.

Умуман олганда, сув ресурсларидан ноқонуний фойдаланганлик, у тўғрисидаги қонунларни бузганлик ва сувни муҳофаза қилиш талабларига эътибор бермаганлик учун интизомий, фуқаролик, маъмурий ва жиноий ҳуқуқий чоратадбирлар мавжуд.

**Интизомий-ҳуқуқий жавобгарлик** меҳнат интизомини бузиш оқибатида сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаган тақдирда ёки сув тўғрисидаги қонун талаблари бузилганда пайдо бўлиши мумкин. Сув ва сувдан фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддасига асосан, ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи қўйидаги интизомий жазо чораларини кўллашга ҳақли:

1) ҳайфсан;

2) ўртacha ойлик иш ҳақининг 30 %дан ортиқ бўлмаган микдорда жарима. Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртacha ойлик иш ҳақининг 50 %дан ортиқ бўлмаган микдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Ходимнинг иш ҳақидан жарима ушлаб қолиш ушбу кодекснинг

164-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда иш берувчи томонидан амалга оширилади;

3) меҳнат шартномасини бекор қилиш (100-модда иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари). Ушбу моддада назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўлланиши тақиқланади.

**Фуқаровий-хуқуқий жавобгарлик** эса кўпроқ сув тўғрисидаги қонунларни бузиш ёки ундан оқилона фойдаланмаслик оқибатида келтирилган ёки етказилган зарар натижасида келиб чиқади. Жумладан, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунинг 114-моддасига асосан, сувдан фойдаланиш хуқуқини бошқага бериш ҳамда давлатнинг сувга эгалик хуқуқини ошкора ёки яширин шаклда бузадиган бошқа хил битимлар ҳақиқий ҳисобланмайди. Мазкур қонунинг 116-моддасига биноан, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган сув объектларидан қонунсиз фойдаланиш вақтида қилинган харажатлар қопланмаган ҳолда ўз эгасига қайтариб берилади.

Шунингдек, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 117–118-моддалари «Сув тўғрисидаги қонунларни бўзиш натижасида етказилган заарларни ундириш» масалаларига бағишлиланган. Ушбу қонуннинг 117-моддасига асосан, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, деҳқон хўжаликлари ва фуқаролар сув тўғрисидаги қонунларни бузиш натижасида етказилган заарларни қонунларда белгиланган миқдорда ва тартибда қоплашлари шарт.

Бундан ташқари, мазкур қонуннинг 118-моддасида зарар етказган мансабдор шахслар ва бошқа ходимларнинг моддий жавобгарлигига ҳам алоҳида эътибор берилган. Жумладан, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар зарар харажатларини тўлашда айбор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа ходимлар белгиланган тартибда моддий жавобгар бўладилар.

Таъкидлаш керакки, сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаганлик, улар тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун деярли кўп ҳолларда маъмурий ва жиноий жавобгарликлар қўлланилади.

Сув ресурсларини муҳофаза қилишнинг хуқуқий чоратадбирлари сифатида **маъмурий-хуқуқий жавобгарлик** қўлланилиши мумкин. Ушбу хуқуқий жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида аниқ кўрсатилган. Мазкур кодекснинг 72-моддасига кўра, сувларни ифлослантириш ёки булғатиш, сув тўплаш иншоотларида сувни муҳофаза қилиш режимини бузиш – фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор

шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Корхоналар, коммунал ва бошқа обьектларни сувнинг ифлосланиши ва булғаниши ёки унинг заррали оқибатлари олдини олувчи иншоотлар ва қурилмаларсиз фойдаланишга топшириш, шунингдек сув обьектларининг табиий ҳолатини бузувчи бошқа ҳаракатлар қилиш мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Сув кудуклари қазишнинг белгиланган қоидалари ва технологиясини бузиш, ишлатилаётган ва кузатув қудукларини йўқ қилиб юбориш ёки шикастлантириш, сув ўзи чиқадиган қудукларни тартибга соладиган қурилмалар билан жиҳозлаш, шунингдек ишлатишга яроқсиз кудукларни консервациялаш ёки йўқ қилиш чораларини кўрмаслик, сифатли ер ости сувлари ҳосил бўладиган теграда ер ости сувларининг ифлосланиши ёки уларнинг сифати ёмонлашиши манбаи бўлиб қолиши мумкин бўлган саноат, қишлоқ хўжалик иншоотлари ва бошқа обьектларни жойлаштириш – фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккidan бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса, бир бараваридан уч бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган хукуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса, уч бараваридан етти бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур кодекснинг 74-моддасида ҳам сув ресурсларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган қуидаги хукуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Сувдан хўжасизларча фойдаланиш, гидротехника ишларини ўзбошимчалик билан бажариш, сувдан фойдаланиш лимитлари ва режаларини бузган ҳолда сув олиш, шунингдек лойиҳада назарда тутилган балиқларни муҳофаза қилиш иншоотлари ва қўрилмалари бўлмаган устки сув манбаларидан сув олишни амалга ошириш – фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса, бир бараваридан уч бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақрор содир этилган бўлса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса, уч бараваридан етти бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 75-моддасида «Сувларнинг давлат ҳисобини юритиш қоидаларини бузганлик» учун маъмурий жавобгарлик кўрсатилган. Сув объектларидан олинадиган ва уларга қўйиладиган сув миқдорининг дастлабки ҳисобини юритиш ва оқиб келиб қўшилаётган сувлар сифатини аниқлаш қоидаларини бузиш, шунингдек давлат сув кадастри юритишнинг белгиланган тартибини бузиш – мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақрор содир этилган бўлса, мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Зеро, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 76-моддасида «Сув ҳўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш, улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик» учун ҳам маъмурий жавобгарлик белгиланган. Жумладан, сув ҳўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш – энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Сув ҳўжалиги иншоотлари ва қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш – мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида сув ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузганлик учун **жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик** ҳам белгиланган. Ушбу кодеснинг 203-моддасига биноан, сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача бўлган миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Кейинги пайтларда сув ҳуқуқий жавобгарлигини қўллаш тақлиф қилиняпти. Унга кўра, сувдан фойдаланувчилар маълум пайтгача сувдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин.

Хуллас, сув манбаларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш, улар тўғрисидаги қонунларни ўз вақтида бажариш ва уларга амал қилиш сув билан боғлиқ хукуқбузарликларнинг олдини олади ва унга қарши курашишга ёрдам беради.

## **6-§. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишда ички ишлар органларининг ўрни ва вазифалари**

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда ички ишлар органларининг бажарадиган вазифалари анча катта. Ички ишлар органлари Ўзбекистон Республикаси «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасида кўрсатилган ягона давлат сув фонди: дарёлар, кўллар, сув омборлари, бошқа ер усти сув ҳавзалари ва сув манбалари, канал ва ҳовузларнинг сувлари, ер ости сувлари ва музликларини муҳофаза қилиш ҳамда мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлайди.

Ички ишлар органлари тизимидағи санитария милицияси сув ресурсларининг тозалигини таъминлаш, уни ифлослантирилишини олдини олиш ва бошқа тадбирларни амалга оширади.

Ички ишлар органлари тизимидағи қўриқлаш (муҳофаза) бўлимлари эса мавжуд давлат ва алоҳида аҳамиятга эга бўлган сув обьектларини (масалан сув омборлари) қўриқлайдилар. Ички ишлар органларининг мазкур қўриқлаш функцияси тегишли шартнома, ўзаро келишув асосида ҳам олиб борилиши мумкин. Шунингдек, профилактика нозирлари ҳам ўз ҳудудларида сув обьектларини муҳофаза этиш, уни ифлослантирмаслик, санитария талабларига мослиги ва бошқа масалаларга оид тадбирларни ҳам олиб борадилар.

Юқоридаги барча ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 1997 йил 15 майдаги 109-сонли «Карантин-қўриқлаш тадбирлари ва санитария назоратини таъминловчи милиция бўлинмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги ва 1999 йил 17 январдаги 11-сонли «Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимида санитария назорати тўғрисидаги» буйруғларида ўз аксини топган.

Умуман олганда, ички ишлар органларининг барча фаолияти «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасига, яъни «Сувлар ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш

шартлари»га тұлиқ мос келиши ва амалдаги экологик қонунлар асосида бажарилиши лозим.

### ***Такрорлаш учун савол ва топшириклар***

1. Сувнинг инсон ҳаёти ва биосферадаги аҳамияти нимада?
2. Сувни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишнинг қандай ҳуқуқий асослари мавжуд?
3. Давлат сув фонди ва уни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳақида гапириб беринг.
4. Сув фондиға доир муносабатларнинг ҳуқуқий тартиби қандай?
5. Сувдан фойдаланиш ҳуқуқининг пайдо бўлиши ва бекор бўлиш асослари ҳақида сўзлаб беринг.
6. Сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?
7. Сув тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун қандай юридик жавобгарлик чоралари белгиланган?
8. Сувни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишда ички ишлар органларининг вазифалари нималардан иборат?

VII БОБ  
ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИ  
ЭКОЛОГИК-ХУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТАРТИБИ

**1-§. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уни экологик  
муҳофаза қилишнинг ҳозирги аҳволи**

Она заминимизда табиат ином этган бойликлар кўп. Биз улардан эҳтиёжимизга яраша фойдаланамиз. Мана шу бойликлар ичida ер ости бойликлари бениҳоя катта аҳамиятига эга. Ер ости бойликларининг асосий хусусияти шундаки, улар тикланмайдиган табиий ресурслар турига киради. Негаки, уларни ўсимлик, ҳайвонот дунёси сингари қайташ тиклаш мумкин эмас. Шундай экан, уларни экологик-хуқуқиий муҳофаза қилиш, айниқса улардан тежаб-таргаб фойдаланиш лозим.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, барча маънавий ва табиий бойликлар Ўзбекистон Республикасининг миллый бойлиги, мулкига айланди. Ер ости ҳазиналари – олтин, кумуш, рангли ва нодир металлар, энг қимматбаҳо стратегик хомашё бўлган уран ҳамда юзлаб бошқа ресурслар бундан буён халқимиз манфаатларига хизмат қиласидиган бўлди.

Ўзбекистон замини турли фойдали қазилма захираларига бой. Ватанимиз ҳудудида 2500 дан зиёд ер ости бойликларининг нуқталари мавжуд. Республикамиз МДҲ давлатлари орасида олтин қазиб олиш бўйича 2-ўринда, кумуш ва газ қазиб олиш бўйича 3-ўринда туриши ҳаммамизни қувонтиради.

Шуниси эътиборлики, ҳозирги пайтда қазиб олинаётган 900 дан зиёд нуқталарда 100 турдаги минерал хомашё борлиги аниқланган ва уларнинг 60 туридан саноатда фойдаланилади.

Республикамизда 142 та нефт, газ, 6 та кўмир, 34 та асл металл, 7 та қора металл, 54 та рангли металл, 49 та тоғ-кон, 19 та цемент ишлаб чиқариш, 37 та тоғ-кимёвий, 372 та қурилиш материаллари корхоналари, 172 та ер ости суви захиралари мавжуд.

Сир эмас, мустақилликка қадар республикамиз ҳудудида жойлашган барча олтин конлари собиқ СССРнинг олтин ҳазинасини тўлдирувчи хомашё базаси бўлиб хизмат қилди,

Ўзбекистон сабиқ Иттифоқнинг асосий валюта цехларидан бирига айланди. Бироқ ҳалқимиз бундан сариқ чиқалик наф кўрмади, аксинча, жуда катта табиий бойликларга эга бўлган меҳнатсевар, сабр-тоқатли ҳалқ бокиманда деган таъналарни эшилди. Қазиб олинган қимматбаҳо маҳсулотлар Ўзбекистон күёшини кўрмасдан, пешма-пеш марказдаги маҳсус заводга жўнатиб турилди. Россия Федерацияси ҳудудида жойлашган ва сабиқ СССРда ягона бўлган бу корхонада юртимиздан юборилган олтин хомашёси қайта ишланиб, соғ олтин ҳолида (99,9 %) ажратиб олинар эди.

Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилиниши ва республикамиз раҳбариятининг тинимсиз ҳаракатлари ўлкамиз ҳудудидаги бутун ер ости бойликларининг четга олиб кетилишига батамом чек қўйди. Натижада Ўзбекистоннинг олтин хазинасини яратиш учун имконият туғилди, эндилиқда республикамиизда соғ олтин ажратиб олиш йўлга қўйилган.

Ҳозирги пайтда республикамиизда тахминан 460 млрд. сўмдан ортиқ ер ости бойликлари захираси мавжуд. Олимларнинг ҳисобкитобига қараганда, воҳамиздан қазиб олинган бойлик ҳозиргача 100 млрд. сўмдан кўпроқни ташкил этади. Йилига 70 тоннадан олтин қазиб олинган. Бу сабиқ Иттифоқда қазиб олинган олтиннинг учдан бир қисмини ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида 2002 йил 13 декабрда «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг (янги таҳрири) қабул қилиниши барча турдаги ер ости бойликларига бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш учун асос бўлди. Ушбу қонуннинг 4-моддасида кўрсатилганидек, ер ости бойликлари Ўзбекистон Республикасининг мулки бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Мазкур талаблар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва бошқа экологик қонунларда ўз ифодасини топди.

Кончилик муносабатлари «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинади. Қорақалпоғистон Республикасида кончилик муносабатлари Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади. Ер ости бойликларидан фойдаланиш чоғида юзага келадиган ердан, ер усти сувларидан, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатлар тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ер қаърининг фойдаланилаётган ва фойдаланилмаётган участкалари, шунингдек, техноген минерал ҳосилалар ер ости бойликлари давлат фондини ташкил этади (5-модда).

## **2-§. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир асосий талаблар**

Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир талабларни бажариш эътиборга молик масаладир ва у ҳар қандай шароитда ер ости бойликларидан оқилона фойдаланишни ва уларни экологик-хукукий муҳофаза қилишни таъминлайди.

Ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга доир асосий талаблар «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасида аниқ кўрсатилган. Унга асосан, ер қаъридан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг асосий талаблари қўйидагилардан иборат:

- ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш тўла-тўкис бўлишини ва ундан комплекс фойдаланилишини таъминлаш;
- фойдали қазилмаларнинг ўзбошимчалик билан кавлаб олинишига ва улар жойлашган майдонларда иморат қурилишига йўл қўймаслик;
- фойдали қазилмалар захираларининг давлат ҳисоби юритилишини амалга ошириш;
- фойдали қазилмалар захираларини тасдиқлаш ва геологик материалларнинг давлат экспертизасини ўтказиш;
- ер қаъридан асосий фойдали қазилма ва у билан бирга жойлашган фойдали қазилмалар ҳамда қўшилиб чиқадиган фойдали компонентларнинг иқтисодий жиҳатдан рентабелли захиралари мумкин қадар тўлиқ чиқариб олинишини таъминлаш;
- фойдали қазилма конларини сув босищдан, сув чиқиб кетиб тўлиб қолищдан, ёнгиндан ҳамда фойдали қазилмалар сифатини ва конларнинг саноат кўламидаги аҳамиятини пасайтирувчи ёки уларни ишга солишини мураккаблаштирувчи бошқа омиллардан муҳофаза қилиш;
- ер қаърида консервация қилиб қўйиладиган фойдали қазилмалар захираларининг, ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни олиб боришда кон қазишмалари, қудуклар ва ер ости иншоотларининг сақланишини таъминлаш;

– углеводородлар ва уларни қайта ишлаш асосида ҳосил қилингандык маҳсулотларни, бошқа моддалар ва материалларни ер остида сақлашда, чиқиндиларни сақлаш ва күмишда, оқова сувларни чиқариб ташлашда ер қаъри ифлосланишининг олдини олиш;

– фойдалы қазилмаларни кавлаб олувчи корхоналарни ва фойдалы қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини тугатиш ва консервация қилишни белгиланган тартибда ўтказиш.

Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва минерал хомашёни қайта ишлаш билан боғлиқ ишларни бажариш лойиҳалари давлат экология экспертизасидан ўтказилиши лозим. Давлат экология экспертизасидан ўтказиш талаб қилинмайдиган ишлар рўйхатини Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тасдиқлайди.

Ҳаёт талаби ва эҳтиёжлар шуни тақозо қилмоқдаки, фойдалы қазилмалар жойлашган майдонларда ва унга яқин жойларда иморат қуриш ҳолатлари содир бўлмоқда. Мазкур майдонларда иморат қуриш билан боғлиқ масалалар амалдаги «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонунда ўз аксини топган. Жумладан, аҳоли пунктлари, саноат мажмуалари ва бошқа хўжалик обьектларини лойиҳалаштириш ва қуришга иморат қуриладиган участканинг ер қаърида фойдалы қазилмалар йўқлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг хulosаси керак.

Аҳоли пунктлари, саноат обьектлари ва бошқа обьектларни жойлаштириш учун участкалар танлашда бўлғуси иморат қуриладиган участканинг ер қаърида фойдалы қазилмалар йўқлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг хulosаси керак.

Алоҳида ҳолларда саноат кўламида ўзлаштиришга топширилмаган фойдалы қазилма конлари (кенг тарқалган фойдалы қазилмаларнинг конлари бундан мустасно) жойлашган майдонларда иморат қуришга, шунингдек, бундай конлар жойлашган ерларда фойдалы қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини жойлаштиришга, кончилик муносабатлари соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органлари билан келишувга мувофиқ, ер қаъридан фойдалы қазилмаларни чиқариб олиш имкониятларини таъминланиши ҳисобга олинган ҳолда, йўл қўйилади (42-модда).

Амалдаги қонунчилик талабларига асосан, кончилик муносабатлари соҳасида маҳсус ваколат берилган давлат бошқарув органлари билан келишмасдан туриб:

– фойдалы қазилма конларига туташ жойлашган, конларни ишга солишда фойдаланилиши мумкин бўлган майдонларда;

– фойдали қазилма конларига туташ, ушбу конларни ишга солишдаги портлатиш ишлари ва содир бўладиган силжишларнинг хавфли ва зарарли таъсири тарқалиши мумкин бўлган майдонларда иморат куриш мумкин эмас.

Шунингдек, илмий, тарихий, маданий, эстетик ва бошқа аҳамиятга молик ер қаъри участкаларини муҳофаза қилиш ҳам катта аҳамиятга эга. «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 43-моддасига биноан, илмий, тарихий, маданий, эстетик ва бошқа аҳамиятга молик ноёб табиий ёки сунъий геологик жинслар, минералогик ҳосилалар, палеонтологик, археологик объектлар ҳамда ер қаъри участкалари қонун хужжатларида белгиланган тартибда алоҳида муҳофаза этиладиган геологик объектлар деб эълон қилиниши мумкин.

Ер қаъридан фойдаланилаётганда ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган объектлар топилиб қолса, ер қаъридан фойдаланилувчилар ер қаърининг тегишли участкасидаги ишларни тўхтатиб туришлари ҳамда бу ҳақида лицензия берган орган ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларини хабардор қилишлари шарт.

Шуниси ажабланарлики, ер ости бойликлари кўп бўлган Ўзбекистонда уларни ҳуқуқий муҳофаза қилишга оид ҳуқуқий адабиёт ёки илмий изланишлар деарли йўқ.

Республикаимизда ер ости бойликларидан фойдаланишда давлат назорати талаб даражасида эмас. Бу вазифани бевосита шу соҳа билан шуғулланаётган, минерал ҳомашё базасини ташкил этаётган ва унинг табиий геологик ҳамда иқтисодий жиҳатларини ўрганаётган геология тармоғи ташкилотлари зиммасига юклаш мақсадга мувофиқ.

Ўз навбатида, Ўзбекистон геология-қидириув ходимлари республика равнақи йўлида ёқилғи-энергетика, қурилиш индустрияси базаларини мустаҳкамлаш, қимматбаҳо металлар ва бошқа фойдали ҳомашё қазиб олувчи йирик саноат комплекси районларида қазилма бойликлар захираларини аниқлашни кўпайтириш, сув таъминотидаги бир қатор катта муаммоларни ҳал қилиш йўлида изланишлари лозим. Чунки бу масалага республикаимиз Президенти алоҳида эътибор бериб, 1991 йилда «Ўзбекистон Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасини ташкил этиш тўғриси»да алоҳида фармон қабул қилди. Бизнингча, бу тармоқга янгича ҳуқуқий мақом берилиши геология-қидириув ишларини олиб боришда барқарорликка эришишни, энг муҳими эса, республика эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, экологик талаблар асосида геология тармоғининг юксалишини таъминлайди.

Хуллас, ер ости бойликлари ва фойдалали қазилмалардан күйидаги шартлар асосида фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади: қазиб олишда шу бойликлар ва қазилма-ресурслардан комплекс ва оқилона фойдаланишишини таъминлаш; атроф мухит, ер ости бойликлари ифлосланишининг олдини олиш; фойдалали қазилмаларни ковлаб олиш чоғида ҳолати ўзгарган ерларни рекультивация қилиш; қайта тикланадиган фойдалали қазилмалардан табиий қайта тикланишига эришиладиган даражадагина фойдаланиш ва ҳ.к.

### **3-§. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда давлат бошқаруви**

Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни экологик-хуқуқий муҳофаза қилишда давлат бошқаруви катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»<sup>1</sup>ги 2002 йил 13 декабр қонунида ҳам ушбу масалага алоҳида эътибор берилган. Жумладан, мазкур қонуннинг 7-моддасига асосан, кончилик муносабатлари соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, маҳсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги кончилик муносабатлари соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органлари ҳисобланади. Кончилик муносабатларини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий вазифалари:

- минерал хомашё базасини ривожлантиришни таъминлашдан;
- фойдалали қазилмаларнинг асосий турларини қазиб олишнинг ҳозирги пайтдаги ва истиқболга мўлжалланган ҳажмларини белгилашдан;
- ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ ва минерал хомашёнинг айрим турларига нарх белгилашдан;
- ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер ости бойликларини геологик ўрганиш ҳамда минерал ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан текширув ва назорат тизимини ташкил этишдан иборат.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Халқ сўзи. 2003 йил. 23 январь

Ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уни экологик-хуқуқий муҳофаза қилиш устидан давлат бошқаруви Вазирлар Маҳкамасининг асосий диққат-эътиборида туради, ҳамда у, қонунга асосан, бир қатор ваколатларга эга бўлади. Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонунига биноан, кончиллик соҳасида Вазирлар Маҳкамасининг қуидаги ваколатлари мавжуд:

- минерал хомашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилиш, ер қаърини муҳофаза этиш дастурларини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш;
- ер қаъри участкаларини фойдаланишга бериш ва ер қаъри мониторингини амалга ошириш тартибини белгилаш;
- фойдаланишга берилган ер қаъри участкаларининг давлат ҳисоби юритилишини ва ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқлари давлат рўйхатидан ўтказилишини ташкил қилиш;
- фойдали қазилмалар захираларини тасдиқлаш ҳамда фойдали қазилмалар захиралари давлат баланси, фойдали қазилма конлари, фойдали қазилма белгилари ва техноген минерал ҳосилалар давлат кадастри юритилиши тартибини белгилаш;
- кенг тарқалган фойдали қазилмалар рўйхатини тасдиқлаш;
- ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини ташкил қилиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш (8-модда).

Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уни экологик-хуқуқий муҳофаза қилишда барча органлар қатори маҳаллий ҳокимият органларининг ҳам алоҳида ўрни мавжуд. Амалдаги «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонунда, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг кончиллик муносабатлари соҳасидаги бир қатор ваколатларининг кўрсатилиши катта аҳамиятга эга. Мазкур қонуннинг 9-моддасига асосан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига қуидагилар киради:

- тегишли худудда минерал хомашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилиш, ер қаърини муҳофаза қилиш давлат дастурлари ишлаб чиқилишини ва амалга оширилишида иштирок этиш ҳамда уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;
- кенг тарқалган фойдали қазилмалар кавлаб олинаётганда ер қаъридан фойдаланиш шартларини келишиб олиш;

- ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

#### **4-§. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқи, унинг объекти ва субъектлари**

Ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқини тўлиқ тасаввур этиш учун улардан фойдаланиш турлари ҳақида тегишли тушунчага эга бўлиш лозим. Ер ости бойликларидан фойдаланиш турларини тўғри туркумлаш ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишда катта аҳамият касб этади.

Ер ости бойликларидан фойдаланишни туркумлашга асос бўлиб уларнинг табиат объекти сифатидаги вазифаси хизмат қиласди.

«Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасида ер қаъридан фойдаланишнинг турлари аниқ кўрсатилган. Ер қаъри қуидаги мақсадлар учун берилади:

- геологик жиҳатдан ўрганиш;
- фойдали қазилмаларни кавлаб олиш;
- техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш;
- фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини, шу жумладан нефть, газ, газ конденсати (бундан буён матнда углеводородлар деб юритилади), бошқа моддалар ва материалларни ер остида сақлаш иншоотларини куриш ҳамда улардан фойдаланиш, чиқиндиларни сақлаш ва кўмиб ташлаш;
- алоҳида муҳофаза этиладиган геологик объектларни барпо қилиш;
- нодир тош хомашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш.

Ер ости бойликларидан фойдаланувчи субъектларга ер ости бойликларидан фойдаланиш пуллидир, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ер қаъри муддатли (муваққат) ва муддатсиз фойдаланишга берилиши мумкин. Ер қаъридан фойдаланиш муддатлари ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ҳисобланади.

*Ер қаъри участкаларидан муддатли фойдаланиш.* Ер қаъри участкалари муддатли фойдаланишга:

- геологик жиҳатдан ўрганиш учун – беш йилгача муддатга;
- фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун – фойдали қазилма конини ёки техноген минерал ҳосилаларни ишга солишининг техник-иктисодий асосларда белгиланган муддатига;
- нодир тош хомашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш учун – икки йилгача муддатга берилади.

Ер қаъридан фойдаланвчи лицензияда белгиланган шартларни бажарган тақдирда ҳамда ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, шунингдек, фойдали қазилма конини ишлатиш, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш ёхуд фойдали қазималарни кавлаб олувчи корхоналарни ва фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини тугатиш ёки консервация қилиш ишларини амалга ошириш зарурати бўлган тақдирда, ер қаъридан фойдаланиш муддати ер қаъридан фойдаланувчининг ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни (бундан буён матнда лицензия деб юритилади) берган органга ер қаъридан фойдаланиш муддати тугатишидан камида олти ой олдин юборган аризасига биноан узайтирилиши мумкин (23-модда).

*Ер қаъридан муддатсиз фойдаланиш* мазкур қонуннинг 24-модасига асосан, ер қаъри участкалари муддатсиз фойдаланишга фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш учун, шунингдек, алоҳида муҳофаза этиладиган геологик объектларни барпо қилиш учун берилиши мумкин.

*Ер қаъри участкалари маълум ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензия асосида берилади.* Мазкур қонуннинг 26-моддасига асосан, тадбиркорлик таваккалчилиги шартлари асосида геологик жиҳатдан ўрганиш учун, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш ва фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадлар учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи юзага келишининг асоси лицензия ҳисобланади.

Лицензия тегишли давлат органининг ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни олиб бориш учун ер участкаси берилишини кафолатловчи қарори мавжуд бўлганда берилади.

Лицензия ўз эгасининг муайян чегарадаги ер қаъри участкасидан белгиланган муддат мобайнида фойдаланиш

хуқуқини тасдиқлайди ҳамда ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларини белгилайди.

Ер қаъридан фойдаланишнинг бир йўла бир неча турига лицензиялар берилишига йўл қўйилади. Лицензия:

- лицензия эгаси ҳақидаги маълумотларни;
- ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишлардан мўлжалланган мақсадни;
- фойдаланишга берилаётган ер қаъри участкасининг дастлабки талаб кўрсаткичларини;
- ер қаъридан фойдаланиш муддатлари ва ишларни бошлаш муддатларини;
- ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини молиялаштирган юридик ва жисмоний шахслар ўзлари қидириб топган кондан фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун лицензия олишда мутлақ хуқуқа эга.

Лицензия юридик ёки жисмоний шахсларга лицензия беришга ваколатли орган томонидан берилади.

Лицензияларни бериш очиқ ким ошди савдолари ёки юридик ва жисмоний шахсларнинг лицензия беришга ваколатли органлар билан тўғридан-тўғри музокаралари натижалари асосида ўттиз кун ичida амалга оширилади.

Агар ер қаъри участкасидан фойдаланиш хуқуки юридик шахсларнинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган бирлашмасига бериладиган бўлса, лицензия бундай бирлашманинг иштирокчиларидан бирига берилиб, унда мазкур иштирокчи шу бирлашма номидан иш юритаётганлиги, шунингдек, бирлашманинг барча иштирокчилари кўрсатилади.

Геологик жиҳатдан ўрганиш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини куриш ва улардан фойдаланиш, алоҳида муҳофаза этиладиган геологик обьектларни барпо этиш ҳамда нодир тош хомашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш учун лицензиялар Узбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан берилади, ушбу модданинг бешинчи ва олтинчи қисмларида кўрсатилган лицензиялар бундан мустасно.

Углеводород конларини аниқлаш ва қидириш ҳамда углеводородларни кавлаб олиш мақсадида геологик жиҳатдан ўрганиш, углеводородларни сақлаш учун ер ости иншоотларини куриш ва улардан фойдаланиш учун лицензияларни Узбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонодан ваколат берилган орган беради.

Чиқиндиларни сақлаш ва кўмиб ташлаш мақсадида ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш учун лицензиялар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тўғридан-тўғри музокаралар натижалари асосида берилади.(27-модда)

Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ўзларига берилган ер участкалари доирасида ўз хўжалик ва рўзгор эҳтиёjlари учун портлатиш ишларини кўпламаган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда захиралари фойдали қазилмалар захиралари давлат баланси ҳисобига олинмаган кенг тарқалган фойдали қазилмаларни кавлаб олишни ҳамда ер ости иншоотларини қуришни лицензия олмасдан амалга ошириш ҳуқукига эга.

Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар томонидан қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда кенг тарқалган фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва ер ости иншоотларини қуриш белгиланган тартибда тақиқланиши мумкин.

Хуллас, ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуки субъектларининг хусусияти шундаки, улар тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларни давлат мулк ҳуқуқининг объекти бўлган ер ости бойликларига нисбатан амалга оширадилар ва бу ердаги айrim субъектлар айни вақтнинг ўзида ҳам бошқарув органи, ҳам фойдаланувчи ёки эгалик қилувчи орган бўлиб ҳисобланадилар. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқининг объекти эса барча ҳолларда давлат мулк ҳуқуқининг объекти бўлиб ҳисобланади ва амалдаги қонунлар билан тартибга солинади.

## **5-§. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқининг пайдо бўлиши ва бекор бўлиш ҳолатлари**

Экология ҳуқуқида ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқининг пайдо бўлиш ва бекор бўлиши ҳолатларини ўрганиш нафақат амалий, балки илмий-назарий аҳамиятга ҳам эгадир.

Ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуки, амалдаги қонунчиликка асосан, маълум муддатга берилади. Ер ости бойликларидан фойдаланишининг қонуний муддати Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонунида аниқ кўрсатилган. Ер ости бойликлари маълум фойдаланувчи субъектларга, яъни юридик ва жисмоний шахсларга қонун асосида берилади. Жумладан, мазкур қонуннинг 22-моддасига биноан, «Ер қаъридан фойдаланиш муддатли (муваққат) ва

муддатсиз бўлиши мумкин. Ер қаъридан фойдаланиш муддати олдиндан белгилаб қўйилмаган бўлса, у муддати чекланмаган ҳисобланади. Ер қаъридан чекланган муддат давомида фойдаланиш учун ер лицензияда белгиланган муддатга бериб қўйилади. Заруратга қараб бу муддат узайтирилиши мумкин. Ер қаъридан фойдаланиш муддати фойдаланиш ҳукуқи берилган кундан бошлаб ҳисобланади».

Амалдаги қонунчиликка асосан, ер қаъридан фойдаланишнинг ер қаърини геологик ўрганиш учун бериб қўйиш (25-модда), кон ажратмаси ҳамда фойдали қазилмалар қазиб олиш ва бошқа мақсадлар учун фойдаланишга бериб қўйиш (28-модда), ер қаъридан хўжалик ва рўзғор эҳтиёжлари учун фойдаланиш (31-модда) турлари кўрсатилган. Уларнинг ҳукуқий ҳолати ва экологик аҳамиятини биз юқоридаги параграфларда кўриб чиқсан эдик.

Амалдаги қонунчиликда ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳукуқининг пайдо бўлиши билан бирга, айрим ҳолларда бекор бўлиш ҳолатлари, яъни ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳукуқини тўхтатиш ҳам кўзда тутилган. Ҳусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонунига асосан, ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳукуқи қуйидаги ҳолларда чекланиши, тўхтатиб турилиши ёки муддатидан илгари тугатилиши мумкин:

- ер қаъри участкаларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишлар таъсири доирасидаги аҳоли ҳаётига ёки соғлиғига, атроф-муҳитга таҳдид юзага келганда;

- агар ер қаъридан фойдаланувчи бир йил мобайнида ер қаъри участкасидан фойдаланишга киришмаган бўлса;

- ер қаъридан фойдаланганлик учун тўловлар мунтазам равишда тўланмаган тақдирда;

- ер қаъридан фойдаланувчи лицензиянинг асосий шартларини бузган тақдирда;

- ушбу қонуннинг 36, 37, 39 ва 40-моддаларида назарда тутилган қоидалар бажарилмаган тақдирда.

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳукуқи қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- ер қаъри участкасидан фойдаланишнинг белгиланган муддати тугаганда;

- ер қаъридан фойдаланувчи ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳукуқидан воз кечганда;

- фойдаланишига ер қари участкаси берилган юридик шахс тутатилган ёки якка тадбиркорнинг фаолияти тутатилган тақдирда.

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳукуқини чеклаш, тўхтатиб туриш ва тутатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади (34-модда).

Шунингдек, ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқи тегишли органларнинг улар тақдим этган лицензия ва кон ажратмаси беришига оид далолатномани бекор қилиши орқали тұхтатилади.

Қайд этиш лозимки, ер ости бойликларидан фойдаланиш учун ҳақ тұланади. Бу «Ер ости бойликлари тұғрисида»ги қонуннинг 21-моддасига асосан амалга оширилади. Ушбу моддага биноан, ер қаъридан фойдаланиш пуллицидир, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолаттар бундан мустасно.

Ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳам катта аҳамиятга эга. Амалдаги қонунчилликка асосан, давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органларининг ер ости бойликларидан фойдаланувчилар фаолиятига аралашишларига йүл күйилмайды, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқининг тұхтатиб турилиши, чеклаб қўйилиши ёки тұхтатилиши тұғрисидаги қарорларнинг қай даражада асослилиги, шунингдек заарни қоплаш тұғрисидаги низолар суд томонидан кўриб чиқилади. Бузилган ҳуқуқлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тикланади. Ер ости бойликларидан фойдаланувчига ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқи асессиз равишда тұхтатиб турилиши, чеклаб қўйилиши ёки тұхтатилиши туфайли етказилган зарар, шу жумладан бой берилған фойда, тұлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

## **6-§. Ер ости бойликларидан фойдаланувчиларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Ер қаъридан фойдаланувчи субъектлар, яъни юридик ва жисмоний шахслар, бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар. Эътиборли томони шундаки, ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир-бирлари билан ўзаро чамбарчас боғлиқидир.

Ер қаъридан фойдаланувчиларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрираги «Ер ости бойликлари тұғрисида»ги қонунида ўз ифодасини топган. Ушбу қонуннинг 32-моддасига асосан, ер қаъридан фойдаланувчилар қуидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

– ўз фаолияти натижаларидан, шу жумладан ер қаъри тұғрисида олинган геологик ва бошқа ахборотдан, шунингдек, кавлаб олинган фойдали қазилмалар ёки уларнинг лицензия шартларига кўра тасарруфларида бўладиган улушидан фойдаланиш;

– агар лицензияда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ҳамда минерал хомашёни қайта ишлаш жараёнида олинган техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш;

– ер қаъри участкаларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни олиб бориш технологияси юзасидан қарор қабул қилиш;

– техник лойиҳалар ва кончилик ишларини ривожлантириш режаларига, шунингдек, углеводород конларини ишлатиш ва ободонлаштириш лойиҳаларига белгиланган тартибда ўзgartишириши;

– фойдали қазилма конларини ишлатиш жараёнида фойдаланув кондицияларини қўллаш;

– лицензияга мувофиқ берилган кон ажратмаси доирасида қўшимча рухсатномасиз ер қаъри геологик жиҳатдан ўрганилишини амалга ошириш;

– кон ажратмаси ва белгиланган тартибда ажратилган ер участкалари доирасида ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш, шунингдек, умум фойдаланишидаги объектлар ва коммуникациялардан шартнома асосида фойдаланиш;

– ер қаъри участкасидан фойдаланиш билан боғлиқ ишларнинг айрим турларини ёки мажмууни бажарувчиларни шартнома асосида жалб этиш;

– минерал хомашёга ва уни қайта ишлаш маҳсулотларига бўлган конъюнктура ўзгарганлиги муносабати билан фойдали қазилмаларни кавлаб олиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга номувофиқ бўлганда, шунингдек, лицензия берилгандагидан анча фарқ қилувчи ҳолатлар юзага келганда ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат этиш.

Ер қаъридан фойдаланувчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хукукларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Ер қаъридан фойдаланувчилар, юқоридаги хукуклардан ташқари, бир қатор мажбуриятларга ҳам эгадирлар. Улар ўз фаолиятларида ушбу мажбуриятларни бажаришлари ва унга амал қилишлари лозим. Ер қаъридан фойдаланувчилар:

– ер қаъри участкаси қайси мақсадда берилган бўлса, ундан шу мақсадда фойдаланиши;

– ер қаъридан фойдаланиш ва минерал хомашёни қайта ишлаш билан боғлиқ ишларни олиб бориш технологияси нормалари ва қоидаларига риоя этиши;

– кончилик ишларини ривожлантиришнинг техник лойиҳалари ва режаларидаги, шунингдек, углеводород конларини ишлатиш ва ободонлаштириш лойиҳаларидаги талабларга риоя этиши;

– фойдали қазилма конларини ишлатиш, ер қаъридан фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш жараёнида геологик, маркшейдерлик ва бошқа ҳужжатларни юритиш ҳамда уларнинг сакланишини таъминлаши;

– чиқариб олинадиган ва ер қаърида қолдириладиган асосий фойдали қазилма ва у билан бирга жойлашган фойдали қазилмалар ҳамда қўшилиб чиқадиган компонентлар захиралари, шунингдек, минерал хомашёни ва техноген минерал ҳосилаларни қайта ишлаш маҳсулотлари миқдори ва сифати ҳисобини юритиши;

– кавлаб олинаётганда қўшилиб чиқадиган, лекин вақтинча фойдаланилмаётган фойдали қазилмалар ва фойдали компонентларни саклаши;

– фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва минерал хомашёни қайта ишлаш чоғида нобудгарчилик нормативларига риоя этилишини таъминлаши;

– конларнинг фойдали қазилмаларга бой участкалари танлаб ишлатилишига йўл қўймаслиги;

– асосий фойдали қазилма ва у билан бирга жойлашган фойдали қазилмалар ҳамда қўшилиб чиқадиган фойдали компонентлар захираларининг ҳолати ва ўзгариши тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, фойдали қазилма конлари, фойдали қазилмалар белгилари ва техноген минерал ҳосилалар давлат кадастрини юритиш учун маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига тақдим этиши;

– кавлаб олинган фойдали қазилмалар ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этиши;

– ер қаъри участкаларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишлар таъсири доирасидаги ишловчилар (ходимлар) ва аҳолининг хавфсизлигини таъминлаши;

– ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишлар бехатар олиб борилишини, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш чоралари кўрилишини, фалокатларни бартараф этиш режалари ишлаб чиқилишини таъминлаши;

– фойдали қазилмаларни кавлаб олувчи корхоналарни ва фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини тутатиш ва консервация қилишнинг белгиланган тартибига риоя этиши;

– тўкинди ўюмларининг ёнбағирларини ва очиқ конларнинг ён чеккаларини режалаш ёки поғоналаш ишлари, шунингдек, эрозияяга қарши тадбирлар ўтказилишини таъминлаши;

– атроф-мухитни муҳофаза қилишга, шунингдек, ер қаъридан фойдаланишда ишдан чиқсан ер участкаларини ва бошқа табиий обьектларни кейинчалик фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириши шарт.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ер қаъридан фойдаланувчилик зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин (33-моддаги).

Хуллас, ер ости бойликларидан фойдаланувчилик юқорида кўрсатилган барча ҳуқуқ ва мажбуриятларга риоя қилишлари, уларни бажаришлари мазкур обьектдан оқилона фойдаланиш ҳамда уни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишни таъминлайди.

## **7-§. Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик**

Ҳар қандай ҳолатда ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунларни ҳамда улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун маълум жавобгарликлар белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонунининг IV бўлими ер қаъридан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш масалаларига доир низоларни кўриб чиқиш ҳамда ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масаласига бағишлиланган. Қонуннинг 51-моддаси талабларига кўра, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш масалаларга ва кончилик муносабатларига доир низолар қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда кўриб чиқиласди.

«Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 52-моддасига асосан, айбордor шахслар қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар. Зоро, ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳамда талабларини бузганлик учун **интизомий, маъмурӣ, фуқаролик (мулкий) ва жиноий жавобгарликлар** кўлланилади.

**Интизомий жавобгарлик** фуқароларни тарбиялаш ва илк бор қилинган ножӯя, қонунга хилоф ҳаракатларнинг олдини олиш, уларни содир этганлик учун кўлланиладиган дастлабки чора ҳисобланади. Ушбу чорани ер ости бойликлари ҳақидаги қонун ва экологик талабларни бузиш ҳолатлари меҳнат талабларига хилоф бўлганда бевосита корхона, муассаса, ташкилот раҳбари кўллайди. Бунда ходимдан бевосита шу корхона, муассаса, ташкилотнинг ички тартиб-қоидаларига тўлиқ амал қилиш, меҳнат интизомини бузмаслик ва унга аниқ риоя қилиш талаб этилади. Агар ишчи ёки хизматчи ер ости бойликларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунни аниқ бажармаса ёки унинг экологик

қоидаларини бузса, яъни уларни бажариш билан боғлиқ бурчига совуққонлик билан ёндашса ёки ўз мажбуриятини бажармаса интизомий жавобгарликка тортилади.

Шунингдек, ер ости бойликларини қазиш, давлатга олтин ва бошқа қимматбаҳо металл ҳамда тошларни топшириш билан боғлиқ қоидалар бузилганда, бу ножӯя ҳаракатлар бевосита иш жараёнида амалга ошириш ва бажариш билан боғлиқ бўлганда ҳамда бошқа экологик талаблар бузилганда, бу чорани раҳбар ёки жамоа қўллади.

«Ер ости бойликлари тўғрисидаги» қонун ҳужжатлари ва экологик талабларни бузгандлик учун **маъмурий-ҳукуқий жавобгарлик** Ўзбекистон Республикасининг **Маъмурий жавобгарлик** тўғрисидаги кодексида аниқ ифодасини топган. Ушбу кодекснинг 70-моддасига кўра, фойдали қазилмалар жойлашган майдонларда ўзбошимчалик билан иморатлар қуриш, фойдали қазилма конларини табиатни муҳофаза қилиш ва кон назорати органлари билан келишмай туриб ишга солиш, ер ости бойликларидан фойдаланиш талабларини бузиш, ер ости бойликларини муҳофаза қилиш қоидаларини ва табиий муҳитни, бинолар ва иншоотларни ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишларнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш талабларини бажармаслик, ер ости сувлари режимини кузатиш учун қазилган қудуқларни, маркшайдерлик ва геологик белгиларни йўқ қилиш ёки шикастлантириш, худди шунингдек ерга эгалик қилувчиликлар ва ердан фойдаланувчилар томонидан умумтарқалган фойдали қазилмалардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача жарима солишга сабаб бўлади.

Конларнинг бой участкаларини танлаб ишлатиш, минерал хомашёни қазиб олаётганда ва қайта ишлашда фойдали қазилмаларни нормативдан ортиқ нобуд қилиш, фойдали қазилма конларини яроқсиз ҳолга келтириш ва фойдали қазилма захираларидан оқилона фойдаланиш талабларини бошқача тарзда бузиш мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача жарима солишга сабаб бўлади.

Маркшайдерлик ҳужжатларини йўқотиш, тугатилаётган ёки консервация қилинаётган конларни ва бурғиланган қудуқларни аҳолининг хавфсизлигини таъминловчи ҳолатга келтириб қўйиш талабларини, шунингдек консервация вақтида конларни, қазилаётган жойларни ва бурғиланган қудуқларни муҳофаза этиш талабларини бажармаслик мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача жарима солинишига сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ёки учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақрор содир этилган бўлса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан етти бараваригача бўлган миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 71-моддасига мувофиқ, «Ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини олиб бориш қоидалари ва талабларини топилган фойдали қазилмалар захираларига ёки фойдали қазилмалар қазиб олиш корхоналари, шунингдек фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланиш шароитларига нотўри баҳо берилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган тарзда бузиш, ер ости бойликларини кейинги геологик жиҳатдан ўрганишда ва конларни ишга солишда зарур бўлган геологик ҳужжатларни, фойдали қазилма намуналари дубликатларини ва кернларини йўқотиб қўйиш мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача бўлган миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақрор содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача бўлган миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Табиий мухитни тиклаш, табиий захираларни қайта хосил қилиш ва табиий мухитга заарларни таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаганлик – фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан етти бараваригача бўлган миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади (ЎЭР МЖТК , 95-модда).

Шунингдек, мазкур кодекснинг 97-моддасига асосан, саноатда ҳамда «Давтехконназорат» органлари назорати остидаги бошқа обьектларда ишларни бехатар олиб боришга оид қоидалар, меъёрлар ва йўрикномаларни бузиш – фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса бир бараваридан уч бараваригача бўлган миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақрор содир этилган бўлса – фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан етти

бараваригача бўлган миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Ушбу қонунда бошқа ҳолатлар учун, жумладан, саноатда ҳамда «Давтехконназорат» органлари назорати остидаги бошқа обьектларда портловчи ҳамда радиоактив материалларни (манбаларни) ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидалари, нормалари ҳамда йўриқномаларини бузиш – фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса бир бараваридан уч бараваригача бўлган миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси кўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан етти бараваригача бўлган миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

**Фуқаровий ҳуқуқий жавобгарлик.** Ер ости бойликларини экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишда ушбу жавобгарликнинг таъсири катта. Бу жавобгарлик Ўзбекистон республикаси Фуқаролик кодексининг 985-моддасига биноан, «... етказилган заар, тўлиқ миқдорда заар етказган шахс томонидан тўланиши лозим. Заар етказган шахс, бу заарнинг ўз айби билан етказилмаганлигини исботласа, зарарни тўлашдан озод қилинади.

Агар корхона, муассаса, ташкилот ходимлари ер ости бойликларини қазиб олаётган ёки бошқа таъмирлаш ишларини олиб бораётганда, яъни меҳнат бурчларини бажариб турган вақтларида уларнинг айби билан етказилган зарарни тўлашга мажбур бўладилар».

Умуман олганда, ер ости бойликларига, уларнинг сифати ва самарадорлигига, экологик ҳолатига етказилган заар, ҳар қандай ҳолатда Фуқаролик қонунларига асосан жавобгарликнинг моҳиятини белгилайди.

**Жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик** – Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига асосан амалга оширилади. Жиноят кодексининг 197-моддасида ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлса – энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз баравари миқдорида жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши кўрсатилган.

Умуман олганда, ер ости бойликларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш қуйидаги ҳаракатларда ифодаланади ва юқорида кўрсатилган жавобгарликларга сабаб бўлади:

а) ер ости бойликларини ўзаро шартнома рухсати ёки маҳсус рухсат этувчи гувоҳномаси бўлмаган шахс томонидан ўзбошимчалик билан ишлатиш. Бундай шахсларга қалбаки гувоҳномаси бўлган шахслар, гувоҳномасининг муддати ўтиб кетган шахслар ёки ғайриқонуний тарзда гувоҳнома олган шахслар ҳам кирадилар;

б) маҳсус рухсатномаси бор олтин изловчи шахсларнинг ўзларига бириктирилмаган худудларда ер ости бойликларини излашлари;

в) олтин изловчи артелларнинг аъзолари томонидан ўзларига тегишли бўлмаган худудларда ер ости бойликларини излашлари;

г) хусусий шахслар ҳамда маҳсус рухсатномаси бор олтин изловчи шахслар томонидан ўлжа қилиш мақсадида ер ости бойликларига ишлов бериш қатъий тақиқланади;

д) ер ости бойликларида ишлаш қоидаларини бузиш характеристлари ўзи тугалланган жиноятни билдиради;

е) хусусий шахслар томонидан қазилма бойликлари топилганда яшириб қолиш ва ўзлаштириш, бошқа олтин қидирувчилар артелига ёки бошқа шахсларга топшириш ҳам жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Хуллас, республикаимиздаги ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

1) Ўзбекистоннинг мустақиллигини ҳисобга олиб, ер ости бойликларини ҳуқуқий тартибга соладиган ҳуқуқий нормаларни «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонун талаби даражасига мослаштириш ва ижросини таъминлаш;

2) республикамида мавжуд бўлган ҳар бир ер ости манбаини янгидан ҳисобга олиб, уларнинг географик харитасини тузиш;

3) ҳар бир ҳисобга олинган ер ости бойликларини оқилона тарзда келажак авлоднинг яхши яшаши учун хорижий мамлакатлар АҚШ, Англия, Япония, Хитой, Франция, Швейцария ва бошқа мамлакатларнинг илфор технологиясидан кенг фойдаланган ҳолда амалга жорий этиш;

4) ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш мақсадида университетларнинг геология бўлими ёки факультетида геолог эколог мутахассислар тайёрлаш ва ҳ. к.

Бундан ташқари, ҳар бир турдаги ер ости бойлиги бошқа мамлакатларга сотилаётганда, халқимиздан ортганигина айирбошланса ўринли бўлади.

## **8-§. Ер ости бойликларини экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишда ички ишлар органларининг вазифалари**

Ер ости бойликларини экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш ички ишлар органлари фаолиятида алоҳида ўрин тутади.

Зеро, ички ишлар органлари ушбу жараёнда фаол иштирок этиб, ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ишига катта ҳисса қўшадилар, атроф-табиий муҳит ва ер ости бойликлари ифлосланишининг олдини оладилар, фойдали қазилмалардан ўзбошимчалик билан фойдаланиш, уларни қазиб олиш ҳолларига чек қўядилар.

Ер ости бойликларини экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишда барча профилактика нозирлари (айниқса, фойдали қазилмалар мавжуд жойлардаги профилактика нозирлари), санитария милицияси, йўллар ҳаракатланиш хавфсизлиги давлат хизматининг ходимлари, ёнғиндан сақлаш, кўриқлашда хизматларининг масъулияти катта бўлади.

Мазкур бўлинмаларнинг олдидаги барча вазифалар ИИВнинг 1998 йил 10 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ИИВ идораларининг санитария назорати милиция бўлинмалари ҳақидаги низомида» ва «Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимида санитария назорати тўғрисида»ги 1999 йил 17 январь буйруғида ўз аксини топган.

### ***Такрорлаш учун савол ва топшириқлар***

1. Ер ости бойликларининг жамият ҳаётидаги аҳамияти нимада?
2. Ер ости бойликларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга қандай талаблар қўйилган?
3. Ер ости бойликларидан фойдаланиш соҳасида давлат бошқарувининг моҳияти нимада?
4. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқининг пайдо бўлиши ва бекор бўлиш ҳолатлари ҳақида сўзлаб беринг.
5. Ер ости бойликларидан фойдаланувчиларнинг асосий ҳукуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?
6. Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун қандай ҳуқуқий жавобгарлик чоралари назарда тутилган?
7. Ер ости бойликларини ҳуқуқий муҳофаза қилишда ички ишлар органларининг ўрни ва вазифалари ҳақида сўзлаб беринг.



**VIII БОБ**  
**ЎСИМЛИКЛАР ДУНЁСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УНДАН**  
**ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЭКОЛОГИК-ХУҚУҚИЙ ТАРТИБИ**

**1-§. Ўсимликлар дунёсидан фойдаланишнинг тарихи  
ва аҳамияти**

Инсоннинг шифобахш ўсимликлардан фойдаланиши узоқ тарихга эга. Ибтидоий даврларда одамлар ўзларининг дардларига даво излаб, аввало, ўсимликлар оламига мурожаат этгандар. Даврлар ўтиши билан табиат яратиб кўйган доривор ўсимликларнинг аҳамияти ошиб бораверган. Милоддан анча олдин қадимги Миср, Хиндистон, Хитой ва Араб давлатларида ўсимликлар билан даволаш кенг тус олган ва шифобахш ўсимликлардан фойдаланиш усуслари ёзилган қўлланмалар пайдо бўлган.

Шифобахш ўсимликлар милоддан 6000 йил аввал Осиёда (ҳозирги Ироқда) маълум бўлган. Ундан олдин ҳам ўсимликлардан дори сифатида фойдаланилган, уларнинг шифобахш хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар оғиздан-оғизга ўтиб келган.

Қадимги Рим тиббиётида сезиларли из қолдирган Асклепиад (милоддан аввалги 128-56 йиллар), Карнелий Цельсларнинг (милоднинг бошида) ҳам бу соҳада хизматлари катта бўлган. Римнинг энг машхур врачи ва табиат фанларининг билимдони К. Гален (Жолинус ҳаким, милоднинг 130-200 йилларида яшаган) ўзининг тиббиёт соҳасидаги баракали хизматлари билан танилган. К. Гален ўзидан аввал ўтган ва у билан бир даврда яшаган йирик олимларнинг тиббий амалларидан атрофлича фойдаланган ҳолда, тиббиёт соҳаси бўйича 131 та илмий асар ёзган. К. Гален асарларининг факат 83 таси бизгача етиб келган. У ўз асарларида 304 та шифобахш ўсимлик, 80 та ҳайвон маҳсулотидан тайёрланадиган ҳамда 60 га яқин моддадан олинадиган дори-дармонлар билан даволаш йўлларини тавсия этган.

Шунингдек, кўхна Рим алломаларидан катта Плинит ўз асарларининг 12 жилдини тиббиёт ва доришуносликка

бағишилаган. Айниқса, доривор ва шифобахш ўсимликлар ҳақидаги бизгача етиб келган маълумотлар асосан юон адабиётларида сақланиб қолинган.

Машхур юон табиби Гиппократ (милоддан олдинги 460–377 йиллар) ўзининг «Корпус Хиппократикум» асарида тиб илмига, шу жумладан дори-дармонларга, оид кўплаб маълумотлар қолдирган. Унинг асарларида доривор ўсимликларнинг 236 таси ҳақида маълумот берилган.

Шунингдек, юонистонлик машхур олимлардан Аристотель (милоддан олдинги 384–322 йиллар) қомусий олим бўлиб, юон файласуфлари ичида алоҳида ажралиб турган. У тиббиётга ҳам салмоқли ҳисса қўшган. Аристотель шогирди Теофраст билан бирга, табиий фанлар қатори, доривор ўсимликлар ҳақида ҳам ёзиг қолдирган.

Тиббиёт фанининг ривожланиши ва шифобахш ўсимликлардан кенг фойдаланишда қадимию Осиё мамлакатларининг ҳиссаси катта. Араб мамлакатлари, Ҳиндистон, Тибет ва Хитойда доривор ўсимликлар билан даволаш кенг тус олган. «Яжур-веда» (Ҳаёт ҳақидаги фан) доривор ўсимликлар ҳақида ёзилган қадимию ҳинд китобидир. Шифокор Сушрута ёзган мазкур китобда 700 хил доривор ўсимлик ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Шунингдек, Шарқнинг машхур олимлари Мұхаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Мансур Бухорий ҳам кўплаб шифобахш ўсимликлардан тиббиёт фанида кенг фойдаланганларини ёзиг қолдирганлар.

Шифобахш ўтларни тиббиёт фанига киритиш ва улардан фойдаланишда аллома Абу Али ибн Синонинг жаҳоншуумул ютукларини алоҳида қайд этиш ўринли. Ибн Сино 450 дан ортиқ қимматли асарлар яратган. Бизгача етиб келган 240 та асаридан 40 таси тиббиётга оидdir. У ўзининг «Ал-қонун» асарида 900 га яқин турдаги ўсимликларнинг шифобахш хусусиятлари ва улардан фойдаланиш йўлларини кўрсатган. Айниқса, унинг энг машхур асари «Тиб қонунлари»да шифобахш ўсимликларнинг хусусиятлари, улардан фойдаланиш, уларнинг аҳамияти кабиларга оид қимматли маълумотлар бор.

Россияда ҳам шифобахш ўсимликлар қадимдан ишлатиб келинган, бу иш билан асосан шифокорлар шугулланганлар. Шаҳарларда алоҳида «Қўк дўконлар» очилиб, шифобахш ўсимликлар ва улардан тайёрланган дорилар сотилган.

Шунингдек, лотин ва немис тилида ёзилган жуда кўп қўлэзмаларнинг асл нусхалари XVI аср охирида Россияда таржима қилинган. XVI асрда Москвада шифобахш ўсимликлардан фойдаланишга ёрдам берадиган «Травник

тамошних и здешних земель» деган қўлланма пайдо бўлган. Бу китоб XVI аср охиригача беморларни даволашда қўлланиб келинди, бир неча марта кўчирилди, янгидан-янги материаллар билан бойитилди ва мукаммаллаштирилди.

Бу масалага бир неча юз йиллар олдин ҳам эътибор берилган. Масалан, Петр I шифобахш ўсимликларни йиғиш тўғрисида фармон чиқаргандан кейин Россияда доривор гиёҳларни ўрганиш ва уни ҳукуқий муҳофаза қилишга қизиқиш янада ошди.

1873 йилда Петр I буйруги билан давлатга қарашли дорихоналар ва йирик шаҳарлардаги госпиталлар қошида дорихона томорқалари ташкил этилди.

XVIII аср охири ва XIX аср бошларида Россияда шифобахш ўсимликларни ўрганиш, улардан оқилона фойдаланиш ишлари янада ривожланди. 1912 йилда профессор Р. К. Верлихнинг «Рус доривор ўсимликлари» деган асари нашр этилди. Умуман, Биринчи жаҳон урушидан кейин ҳам шифобахш ўсимликларга катта эътибор берилган.

Булардан ташқари, 1930 йилда мамлакатнинг турли географик зоналарида (жумладан, Ўзбекистонда ҳам) шифобахш ўсимликлар ўстириладиган маҳсус тажриба ҳудудлари ташкил қилинди. 1931 йилда бу ҳудудлар Бутуниттифоқ шифобахш ўсимликлар илмий-текшириш институти (ВИЛР) ихтиёрига ўтди ва бу борадаги бутун илмий ишлаб чиқариш ишларини бирлаштириди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, шифобахш ўсимликлар инсон ҳаёти ва унинг яшashi учун катта аҳамият эга бўлиб, улар ҳар доим инсон ҳимоясига муҳтождир.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, бу соҳада Ўзбекистонда йўқолиб бораётган ёввойи ва шифобахш ўсимликларнинг ноёб турларини сақлаб қолишга қаратилган чора-тадбирлар кўриш юзасидан ҳали кўп ишлар қилиниши лозим.

## **2-§. Ўсимликлар дунёсининг инсон ҳаётида тутган ўрни ва уларни экологик-ҳукуқий муҳофаза қилиш**

Ер юзида инсон пайдо бўлгандан бери миллионлаб йиллар ўтганлиги маълум. Шундан буён у ўзини куршаб турган табиат, атроф муҳит, биринчи навбатда, наботот дунёси билан алоқада бўлиб келган. Ўсимликлар ер юзида одамнинг пайдо бўлиши ва турмуш кечириши учун зарур бўлган ҳамма шароитларни яратади. Улар дастлабки одамларнинг асосий овқати бўлган, ҳозирги кунда ҳам инсон уларсиз кун кечира олмайди. Ўсимликлардан саноат,

тиббиёт, чорвачилик ва бошқа күпгина соҳаларда фойдаланилмоқда.

Ўсимликларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти фақат шу билан чекланмайди. Улар нормал биологик жараённи таъминлайди ва ҳавони кислород билан бойитади, микроиқлимга ижобий таъсир кўрсатади, иссиқлик мувозанатининг шаклланишида катта ўрин тутади, ҳавонинг намлигини оширади, заарарли моддаларнинг муайян қисмини ютади. Яшил ўсимликлар эрозия ва чангга қарши курашда катта аҳамият қасб этади. Уларнинг рекреация аҳамиятини ҳам унтутиб қўймаслик керак. Кейинги йилларда одамларнинг дам олиш кунлари шаҳардан табиат бағрига чиқишига интилиши, бўш вақтни тоғлар, дараҳтзорлар ва сув ҳавзалари бўйида ўтказишга эҳтиёжлари кескин кучайди. Бироқ инсон ҳар доим ҳам табиатга, атроф муҳитга яхши муносабатда бўляптими, уларга заарар етказмаяптими? Афсуски, бу саволларга ижобий жавоб бериш қийин.

Шуни қайд қилиш ўринлики, ер юзининг 70 %ни ўтсимон ўсимликлар қоплаб олган. Ер юзининг маданий ўсимликлар экиладиган жами майдони 1,5 млрд. гектарига тенг бўлиб, бу умумий экин майдоннинг 1/10 миқдорига тенгдир. Таъкидлаш лозимки, ер шарида 300 минг турдаги гулли ўсимликлар мавжуд. МДҲ давлатлари худудида уларнинг 21 минг, ёрта Осиёда 7 минг, республикаимизда 4148 та тури учрайди.

Ўзбекистон ўсимликлар дунёсининг хилма-хиллиги ва ҳалқ хўжалигидаги аҳамиятига кўра ўзига хос ўринга эга. Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, ўлкада 146 та оиласа мансуб 4500 га яқин ўсимлик турлари борлиги аниқланди. Буларнинг аксарият қисмини қоқидошлар (600 га яқин тур), бурчоқдошлар (450 га яқин тур), буғдоидошлар (260 га яқин тур), карамдошлар, ялпиздошлар, швитдошлар, шўрадошлар, лоладошлар, чиннигулдошлар, ёронгулдошлар, говзабондошлар, раъндошлар каби йирик оиласаларнинг вакиллари ташкил этади. Ўзбекистон флораси пайдо бўлиши, тарқалиши, тур, туркум ва оиласаларнинг умумий ўхшашлиги жиҳатидан Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар, Эрон, Афғонистон ўсимлик қопламига жуда яқин туради.

Шуниси ачинарлики, республикамиз худудидаги 4500 га яқин турдаги ўсимликларнинг 10–12 % муҳофазага муҳтож. Республикада табиатни муҳофаза қилиш мақсадида ихота ўрмонлари бунёд этиш ишлари давом этмоқда. Сўнгги йилларда эса қурилиш материали сифатида фойдаланилувчи импорт ёғоч кескин камайиши муносабати билан теракзорлар бунёд этилмоқда.

Бундан 30–35 йил муқаддам текислиқдаги дарё ва сойларнинг қирғоқлари анча зич түқай ва қамишзорлар билан қопланган бўлиб, түқайларда туранғил, тол, жийда, юлғун каби дараҳт ва буталар яйраб ўсар эди. Кейинги йилларда тұғон, сув омборлари ва каналлар қурилиши авж олиб, дарё ҳамда сой сувларининг кескин камайиши, сизот сувларининг сатҳи тобора камайиб, уларнинг минераллашуви ва шүрлиги ортиши натижасида бу түқайларнинг катта қисми тугаб кетди. Республика яйловларининг ҳозирги аҳволи ҳам анча ташвишлидир. Бунинг асосий сабаблари – яйловлардан нотұғри фойдаланиш, тоғ олди ва chalачүл зонасидаги катта-катта майдонлар асоссиз равишда ҳайдалиб, әкинлар экилгандылығы, чүлда саксовул, тоғларда арча каби дараҳт ва бута ўсимликларининг күплаб кесилиб кетгандылығы, яйловларда қўй боқиши меъёрига амал қиласлиқ, янги ерларнинг ўзлаштирилиши, чўл зоналарида янги-янги шаҳар ва йуллар қурилиб, янги конлар ишга туширилиб, аҳоли зичлигининг тобора ортишидир.

Ўзбекистоннинг ўрмон фонди асосан тоғ ўрмонларидан иборат бўлиб, табиатни муҳофаза қилишда катта аҳамиятта эга. Улар ажойиб табиий манзара яратади, ўзига хос соғлом микроиклим ҳосил қиласди, сувни тежайди ва тупроқни эрозиядан асрайди, атроф мухитнинг санитария-гигиена ҳолатини яхшилади.

Ўзбекистон «Қизил китоби»га йўқолиб кетиш хавфи бўлган ўсимликларнинг 42 та оиласи, 111 та авлодига мансуб 301 та тури киритилган. Уларнинг кўпчилиги қимматбаҳо доривор ўсимликлардир. Ўзбекистон ҳудудида маълум шароитлардагина учрайдиган, фан оламида эндем деб юритиладиган ўсимликларнинг 390 та тури мавжуд бўлиб, улар республикаимизнинг бебаҳо миллий бойлиги ва фахри ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг табиий флораси мевали, доривор, саноатбоп, манзарали, эфир мойли ва бошқа ёввойи ўсимликларга бойлиги билан ажралиб туради. Бу ранг-баранг ёввойи ўсимликлардан инсонлар манфаати йўлида оқилона фойдаланиш ва уларни келгуси авлодлар учун сақлаб қолиш республика олимлари ва кенг жамоатчилик олдидаги энг муҳим вазифалардан биридир.

Маълумки, ўсимликнинг қадр-қиммати, биринчи навбатда, унинг хусусиятларини ўрганиш туфайли аниқланади. Ўзбекистоннинг ёввойи ўсимликлари хомашё нуқтаи назаридан ҳанузгача етарли даражада ўрганилмаган.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик ва саноат қурилиши ишларининг жадал суръатда ортиб бориши табиатга, шу жумладан ўсимликлар дунёсига, ўз таъсирини кўрсатмоқда. Айниқса, жуда кам учрайдиган эндем ва реликт турлар ўсиб

турган шароит ўзгартирилса, улар тез орада қуриб, ер юзидан бутунлай йўқолиб кетиши мумкин. Табиий ўсимликлардан озиқовқат, зиравор, доривор ва хушманзара ўсимлик сифатида оқилона фойдаланмаслик оқибатида уларнинг ареаллари торайиб, захиралари эса кескин камаймоқда, ҳатто айрим турлари бутунлай йўқолиб кетиш хавфи остида турибди. Буларга мисол тариқасида беҳ зира, анзур пиёзи, лола ва ширачларнинг кўпгина турлари, саллагул ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Республика ҳукумати баъзи ёввойи ўсимлик турларининг йўқолиб кетиш хавфини эътиборга олиб, айрим ёввойи ўсимлик турларини йиғиши тартибга солиш мақсадида, лола турларининг барчаси, заъфаронлар, бойчечаклар, анзур пиёзи ва бошқаларни давлат муҳофазасига олиш ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритишга қарор қилди.

Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га 400 дан ортиқ ноёб ўсимлик турлари киритилган. «Қизил китоби»га киритилган, муҳофазага муҳтож барча турларни табиатдан йиғиб олиш, сотиш ва поча орқали бошқа жойларга юбориш қатъий ман этилди. Бундай ўсимликларга зарар етказган айбдор шахслар қонун асосида маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилади.

Атроф муҳитнинг бошқа манбалари каби, ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ҳам халқ хўжалигининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ўсимликлар бизга ҳавони тозалашда катта ёрдам беради. Ўз навбатида, биз ҳам ўсимликларнинг яхши ривожланиши учун қулай шароитларни яратиб беришимиз керак. Афсуски, ҳамма ҳам буни яхши тушиниб етмаяпти.

Академик Т. Франк: «Биз табиат сўзини тез-тез тақрорлаймиз-у, аммо бизнинг ўзимиз ҳам унинг кичик бир қисми эканлигимизни унутиб қўямиз», – деб тўғри айтган эди.

Инсон ишлаб чиқаришнинг у ёки бу соҳасида ўсимликлардан муайян даражада фойдаланади. Бироқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган ўсимлик манбалари чекланган. Мамлакатимизда доривор ўсимликларнинг таҳминан 100–110 турдагиси йиғиб олинади. Ҳозирнинг ўзидаёқ уларнинг 40га яқин тури муҳофаза остига олиниб, улардан самарали фойдаланишни тақозо этмоқда. Табиат биз учун ўта мушкул ва муҳим бўлган ишни – ер куррасида ҳаётни сақлаш имконини берадиган жараёнларни вужудга келтиради. Фан-техника ютуқлари ана шу беминнат ишни бажара олиши мушкулдир. Шу нуқтаи назардан қараганда, инсон ҳар қандай фойдали ишни қилмасин, аввало, атроф муҳитни сақлаши, ундаги мувозанатни бузмаслиги шарт.

Умуман олганда, шифобахш ўсимликлар дунёсининг илмий тиббиётда 300 га яқин, халқ тиббиётида 500 та, ветеринарияда

100 та тури ишлатилади. Бой флора асосан, Ўрта Осиёда, Кавказда жойлашган. Ўзбекистоннинг бой ва турли-туман ўсимликлар дунёси 4148 турдан ташкил топган, уларнинг 577 та тури шифобахш ўсимлик ҳисобланади, 115 та тури илмий тиббиётда ишлатилади, 47 та тури эса Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармасининг рўйхатига киритилган.

Республикамиз дори-дармон билан таъминланиш жиҳатидан МДҲда охирги ўринлардан бирини эгаллайди, ўсимликлардан дори-дармонлар ишлаб чиқариш эса талаб даражасида эмас.

Академик Собир Юнусов: «ўсимликларнинг қўлига паспорт бериш лозим», – деб таъкидлайди. Яъни илмий муассасалар дори яратиш ўрнига ўсимликларни ўрганиб, дориворлигини аниклаб, тавсияномалар ишлаб чиқишилари керак. Дори-дармон тайёрлаш билан ягона институт, ташкилот шуғулланса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бизнингча, доривор ўтларни саноатбоп қилиб ўстирадиган йирик хўжалик тузиш, йўқолиб бораётганларини асраб қолиб, кўпайтириш чораларини кўриш кун тартибида турган муҳим масалалардан биридир.

Шифобахш ўсимликларнинг тиббиётдаги катта аҳамияти, фуқароларнинг саломатлигини сақлашдаги ўрнига оид ҳикоят ва ҳикматлар тўпланиб халқимизга армуғон этилди. Бундай адабиётлар илгари араб, форс, тожик, лотин ва бошқа тилларда мавжуд бўлган. Ушбу китобларда кўплаб нодир фикрлар, шифобахш ўсимликларнинг қайси касалликларга даво эканлиги ва кўлланилиши аниқ ва батафсил кўrsатилган.

Биз наботот олами ва шифобахш ўсимликларни ҳар томонлама экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш учун қуйидаги экологик тадбирларни амалга оширишимиз лозим: 1) республикаимизда ўрмонларни кенгайтириш, дарахтлар орасида ўсадиган шифобахш ўсимликларнинг барча турларини сақлаб қолиш, уларни кўпайтириш; 2) барча жойларда, аниқса тоғларда, чўл ва далаларда мол боқишини тартибга солиш; 3) шифобахш ўсимликларни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш, боғларни, кўриқхоналарни айнан тиббиёт мақсадида ишлатиш учун барпо этилган лаборатория ва илмий текшириш институтлари фаолиятининг барча имкониятларини янада кучайтириш; 4) фуқаролар томонидан айнан шифобахш ўсимликлар билан савдо-сотиқ қилинишни назорат қилиш, улардан хўжасизларча фойдаланишга чек қўйиш; 5) наботот олами ва шифобахш ўсимликларни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишини янада яхшилаш мақсадида зарур қонун хужжатлари қабул қилиш; 6) Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бу соҳадаги

ишларини кучайтириш; 7) барча жойларда ўрмонларни муҳофаза қилиш мақсадида тоғбегилар хизмат қилади, улар фақат дараҳтлар, ўрмонларни муҳофаза қилиш билан күпроқ шуғулланадилар. Шифобахш ўсимликларни ҳимоя қилувчи алоҳида «штат»лар ташкил этиш; 8) табиатни муҳофаза қилиш иши билан шуғулланувчи жамғармаларнинг ишларини яхшилаш ва ҳ. к. Табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг иш фаолияти жуда серқирра. У кенг миқёсда тарғибот ишлари олиб бориши, ҳар йили слётлар ва табиатшунослар конкурси ўтказиши, болаларнинг табиат қўйнига саёҳатларини уюштириши, ноёб ўсимликлар ва ҳайвонлар кўргазмасини ташкил қилиши, истироҳат боғлари барпо этиши зарур.

Мактаб ўрмоншуносилиги – табиатни муҳофаза қилишнинг фаол маркази. Ўрмоншунослик ишлари қизиқарли ва серқиррадир. Бунда болалар қишлоқ кўчалари ва атрофини кўкаламзорга айлантирадилар, қандай маҳаллий дараҳтлар, буталар, ўт ва ўсимликлар ўсишини аниқлайдилар.

Шунингдек, ёшларимиз ўртасида Ўзбекистон Республикасида 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги<sup>1</sup> ҳамда бошқа экологик қонунларнинг моҳиятини кенгроқ тушунтириш зарур.

Бу ишни янада яхшилаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Экология ва табиий ресурслардан фойдаланиш кўмитаси ишини, божхона фаолиятини янада кучайтириш, кенг жамоатчилик ёрдамида иш олиб бориш, мактаб ўкувчиларидан самарали фойдаланиш ҳам яхши натижа беради. Шунингдек, шифобахш ўсимликларни муҳофаза қилиш қонун-қоидалари ер сатҳининг кўриниши, манзараси, ўсимликлар дунёсининг турли туманлиги, кам учрайдиган ўсимликларни, экологик тизим ва уларнинг ўзаро алоқасини ҳисобга олган ҳолда атроф муҳитни муҳофаза қиладиган объектларни ташкил қилишни кўзда тутиш керак. Ушбу мақсадда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги 1993 йил 7 май қонуни катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки алоҳида муҳофаза этиладиган жойларда ўсимликларнинг барча турлари маълум мутаносиблиқда сақланади. Ҳозирги пайтда барча соҳаларда, жумладан ўсимликлар дунёсини ҳуқуқий муҳофаза қилиш, улардан оқилона

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998. № 1. 12-м.

фойдаланиш, улар ҳақидаги айрим ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиш талаб даражасида эмас. Шунинг учун ҳам ҳозирги ахволни ҳисобга олиб, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш ҳақида»ги кодексни қабул қилиш керак.

Бизнингча, бу ҳуқуқий тадбир нафақат шифобахш ўсимликлар, балки барча ўсимликларни муҳофаза қилиш билан бирга, инсонларнинг соғлигини, ҳавонинг мусаффолигини, ўрмонларнинг бойлигини, жониворларни кўпайтиришни, ернинг унумдорлигини таъминлайди.

### **3-§. Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви ҳамда назорат олиб бориш**

Ўсимликлар дунёсини экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш, ундан фойдаланишнинг ҳуқуқий тартиби ҳамда бошқарув ва назорат қилиш ҳоллари Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги 1997 йил 26 декабрь қонуни билан тартибга солинган.

Мазкур қонун табиий шароитда ўсадиган ўсимлик дунёсини, шунингдек, тақрор етишириш ва генетик фондини сақлаш учун экиб ўстириладиган ёввойи ўсимликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Қонун Ўзбекистон Республикасининг барча экологик, географик, иқтисодий ва ҳуқуқий хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- флоранинг тур бўйича таркибини ва генетик фондини табиий шароитларда сақлаб қолиш;
- табиий ўсимлик жамоалари ва ёввойи ўсимликлар ўсадиган муҳитнинг бир бутунлигини сақлаб қолиш;
- ўсимлик дунёсидан оқилона фойдаланиш ва уни тақрор етиширишни таъминлаш;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишдир (қонуннинг 2-моддаси).

Ўрмонларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар ўрмонлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасида ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви ҳамда назарати катта аҳамиятга эга бўлиб, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлайди. «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунда ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви аниқ кўрсатилган. Жумладан, мазкур қонунда кўрсатилишича, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, маҳсус ваколат берилган давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузиридаги ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида маҳсус ваколат берилган давлат бошқарув органларидир.

Ўсимликлар дунёси давлат мулки – умуммиллий бойлик бўлиб, ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат муҳофазасидадир (3–4-моддалар).

Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқарувининг асосий хусусияти ҳам шундаки, у бевосита ўрмон бойликларини, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ.

Давлатнинг ўсимликлар дунёси обьектларини муҳофаза қилиши ва улардан фойдаланишини назорат қилиши катта аҳамиятга эга. Ушбу масала ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонунда ўз ифодасини топган. Жумладан, ушбу қонуннинг 27-моддасига асосан, ўсимлик дунёси обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўсимликлар дунёси обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш устидан идоравий, ишлаб чиқариш ва

жамоатчилик назорати қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Хуллас, ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви ҳамда назоратини олиб бориш ўсимликлар дунёсини экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлайди.

#### **4-§. Ўсимликлар дунёси объектларидан фойдаланиш турлари ва хусусиятлари**

Ўсимликлар дунёси объектлари тушунчаси, улардан фойдаланиш турлари ва хусусиятлари Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги 1997 йил 25 декабрь қонунида ўз ифодасини топган. Ушбу қонунда биринчи марта «ўсимлик дунёси обьекти» тушунчаси берилди.

Қонуннинг 5-моддасига асосан, ўсимлик дунёси обьектлари куйидагилардан иборат:

- ёввойи организмлар – дараҳтлар, буталар ва ўтсимон уруғлайдиган ўсимликлар, қирқулоқсимонлар, йўсисимонлар, сувўтлар, лишайниклар ва замбуруғларнинг хилма-хил турлари;
- ёввойи организмлардан ташкил топадиган табиий ўсимлик жамоалари ёки уларнинг ҳар қандай мажмуи;
- камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик турлари;
- ёввойи ўсимликларнинг мевалари, уруғлари ва бошқа қисмлари ёки улар фаолиятининг маҳсуллари.

Кўриниб турибдики, мазкур қонун илк бор ўсимлик дунёсини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш тушунчасини бериш билан бирга, уларни маълум туркумларга бўлиб, аниқлаштиради.

Ўсимликлар дунёси обьектларининг муҳофазаси кўпроқ улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам ушбу масалага қонунда алоҳида эътибор берилган.

Ўсимликлар дунёси обьектларидан фойдаланиш умумий ва маҳсус бўлиши мумкин. Ўсимликлар дунёси обьектларидан умумий фойдаланиш жисмоний шахслар томонидан ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондириш учун қонун хужжатларида белгиланган микдорда ва тартибда бепул амалга оширилади. Ўсимликлар дунёси обьектлари маҳсус фойдаланишга ишлаб чиқариш фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга ошириш учун ҳақ тўлаш эвазига юридик ва жисмоний шахсларга рухсатномалар асосида бериб қўйилади. Ўсимлик дунёси обьектларидан фойдаланиш учун обьектини, турини, ҳажмини ва муайян ҳудуд доирасида

фойдаланиш муддатини белгилайдиган рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, ваколатли давлат органлари томонидан берилади. Ўсимлик дунёси обьектларидан маҳсус фойдаланиш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатларида белгиланади (6-модда).

Шунингдек, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунида, ўсимлик дунёси обьектларидан фойдаланиш турлари ва улар қайси мақсадлар учун қўлланилиши масаласига ҳам алоҳида эътибор берилган. Ўсимликлар дунёси обьектларидан фойдаланиш турлари мазкур қонуннинг 7-моддасида ўз ифодасини топган, улар қўйидагилардан иборат:

- чорвачилик эҳтиёжлари учун ёввойи озуқа маҳсулотларини тайёрлаш;
- чорва молларини ўтлатиш;
- ўсимлик дунёси обьектларидан овчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш;
- ёввойи ўсимликларнинг техник хомашёсини тайёрлаш;
- ёввойи ўсимликларнинг доривор хомашёсини тайёрлаш (ийиши);
- ёввойи ўсимликларни озиқ-овқат мақсадлари учун тайёрлаш (ийиши), дарахт ва буталарни кесиш;
- ўсимлик дунёси обьектларидан илмий-тадқиқот мақсадларида фойдаланиш;
- ўсимлик дунёси обьектларидан маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреацион ва эстетик мақсадларда фойдаланиш;
- ўсимликлар дунёси обьектларидан табиатни муҳофаза қилиш мақсадларида фойдаланиш.

Қонун ҳужжатларида ўсимлик дунёси обьектларидан фойдаланишнинг бошқа турлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ўсимлик дунёси обьектлари доимий ёки вақтинча (узоқ муддатли ва қисқа муддатли) фойдаланишга бериб қўйилиши мумкин. Шуни таъкидлаш лозимки, ўсимлик дунёси обьектларидан фойдаланиш маҳсус нормативларга риоя қилишни талаб этади. Амалдаги қонунчиликка асосан, ўсимлик дунёси обьектларидан фойдаланиш нормативлари қўйидагилардан иборат:

- доривор ва озуқабоп ўсимликларнинг ёввойи турларини ҳамда ўсимликлар техник хомашёсини тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан келишиб тасдиқлаган квоталар;

– табиий пичанзорлар ва яйловларда пичан ўриш ҳамда чорва молларни ўтлатишнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тегишли қишлоқ ва сув хўжалиги, шунингдек, ўрмон хўжалиги давлат органлари тақдимномаси бўйича тасдиқлаган нормативлари ва муддатлари;

– қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа нормативлар ҳам бўлиши мумкин (9-модда).

Ўсимликлар дунёси объектларидан фойдаланиш турлари, уларни муҳофаза қилиш ҳоллари бир қатор ҳуқуқий хусусиятларга ҳам эга:

1) ўсимликлар дунёси объектларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, табиат объектлари ва уларнинг нормал сақланиши ҳолати билан;

2) ўсимликлар дунёси объектларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш Узбекистон Республикасининг «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ўрмон тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа экологик қонунлар талабининг ижроси билан;

3) мазкур обьектни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳозирги замон тиббиёти ва табобати олдига қўйган вазифаларни амалга ошириши билан;

4) ушбу обьектни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш ҳозирги экологик мухитни барқарорлаштириш, инсонларнинг экологик мухитни сақлаш ҳамда экологик хавф ва инқарозларнинг олдини олиш билан ҳам боғлиқ бўлади.

Хуллас, ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва уларни экологик муҳофаза қилиш катта аҳамиятга эга бўлиб, экологик муаммоларни ҳал этишни, келажак авлоднинг соғлом ва яхши экологик мухитда яшашини таъминлайди.

## **5-§. Ўсимликлар дунёси объектларидан фойдаланиш ҳуқуқининг пайдо бўлиши ва бекор бўлиш асослари**

Қонунчиликда ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ҳуқуқининг пайдо бўлиши ва бекор бўлиш асослари ўсимлик дунёси объектларидан тўғри, қонуний фойдаланишни ҳамда экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишни таъминлайди. Мазкур масала «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунда ўз аксини топган. Қонуннинг 11-моддасига асосан, ўсимлик дунёси объектларини сақлаб қолиш ва уларни такроран етиштириш ҳамда улар ўсадиган мухитни сақлаш ва қайта тикилаш мақсадида ўсимлик дунёси

объектларидан фойдаланиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чеклаб қўйилиши, тўхтатиб турилиши ёки ман этилиши мумкин.

Қўриқхоналар, қўриқланадиган тегралар ва табиат ёдгорликларидан ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи бор ўсимлик турларини тайёрлаш (йигиш) ман этилади.

Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган ўсимлик турларидан фойдаланиш, улар билан (уларнинг қисмлари ёки фаолият маҳсуллари билан) савдо қилиш, уларни чет элга олиб чиқишига алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг тақдимномаси ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хуносаси бўйича берадиган рухсатномалари асосида йўл қўйилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш хукуқининг пайдо бўлиши ўсимликлар дунёси қандай мақсадда берилиши билан кўпроқ боғлиқ. Ушбу ҳолат, юқоридаги қонунга асосан, қуйидаги мақсадларни ўзи ичига олади:

1) юридик ва жисмоний шахслар томонидан чорвачилик эҳтиёжлари учун ёввойи озуқа маҳсулотларини тайёрлаш ва чорва молларни ўтлатиш, ана шу мақсадлар учун уларга маҳсус бериб қўйилган табиий ем-хашак етиштириладиган майдонларда қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- ўрмон фонди ҳудудида – ўрмон билетлари бўйича;
- қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари эгалигидаги ерлар ҳудудида – уларнинг рухсатномалари бўйича;
- захирадаги ерларда – маҳаллий давлат ҳокимиияти органларининг қарорлари асосида;

2) юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимлик дунёси объектларидан овчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиши уларга ўсимлик дунёси объектларини олиб қўймаган ҳолда берилган овчилик ерларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади;

3) табиий ўсимликлар жамоаларида ёввойи ўсимликларнинг доривор ва техник хомашёсини озиқ-овқат мақсадлари учун юридик ва жисмоний шахслар томонидан тайёрлашга (йигишга) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўйилади;

1) ёввойи ўсимликларни, уларнинг қисмларини ва маҳсулотларини ўсиш мухитидан ажратиб олмасдан ва ажратиб олган ҳолда ўсимлик дунёси объектларидан илмий тадқиқот мақсадларида фойдаланишга қонун ҳужжатларида белгиланган

тартибда йўл қўйилади. Табиий ўсимликлар жамоаларида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш учун тегишли юридик шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳсус участкалар ажратилиши мумкин, бу участкаларда ўсимлик дунёси обьектларидан бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг фойдаланиши илмий-тадқиқот ишларини ўtkазиш мақсадларига номувофиқ бўлса, бундай фойдаланиш чекланади ёки ман этилади;

5) ўсимлик дунёси обьектларидан маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреацион ва эстетик мақсадларда фойдаланиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Шифобаҳш хусусиятларга эга бўлган ва аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароит яратадиган ўсимлик дунёси обьектларидан соғломлаштириш ва рекреацион мақсадларда фойдаланилади;

6) ўсимлик дунёси обьектларидан табиатни муҳофаза қилиш мақсадларида фойдаланиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Амалдаги қонунчилиқда ўсимликлар дунёси обьектларидан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш масаласи ҳам кўрсатилган. Ушбу қонуннинг 19-моддасига биноан, ўсимлик дунёси обьектларидан фойдаланиш ҳуқуқи қўйидаги ҳолларда бекор қилинади:

- ўсимлик дунёси обьектидан фойдаланиш ҳуқуқидан воз кечилганда;
- белгиланган фойдаланиш муддати тугаганда;
- ўсимлик дунёси обьектидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган юридик шахс тутатилганда;
- ўсимлик дунёси обьектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни такрор етишириш қоидалари, нормативлари ва бошқа талаблари бузилганда;
- ўсимлик дунёси обьектларидан фойдаланганлик учун ҳақ белгиланган муддатда тўланмагандан;
- фойдаланиш оқибатида табиий ўсимликлар жамоаларида аслига қайтариб бўлмайдиган ўзгаришлар хавфи туғилганда;
- ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёjlари учун олиб қўйилганда.

Ўсимлик дунёси обьектларидан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

## **6-§. Ўсимликлар дунёси объектларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Экология ҳуқуки фанида ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари масаласининг ёритилиши нафақат ўсимликлар дунёси, балки она табиатимизнинг бошқа бойликларини ҳам кўз қорачигидек асрашга, улардан оқилона фойдаланишга ундайди. Зеро, ҳуқуқ фанининг умумназарий-ҳукукий талаби шуни тақозо қиласди, ҳуқуқсиз – бурч, бурчсиз – ҳуқуқ бўлмайди. Шундай экан, ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва уларни авайлаб-асраб, оқилона фойдаланиш бир қатор ҳуқуқларни амалга оширишини тақозо қиласди.

«Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасига асосан, ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчилар қуидаги ҳуқуқларга эга:

- ўсимлик дунёси объектларидан уларни бериб қўйиш шартларига мувофиқ фойдаланиш;
- ўсимлик дунёси объектларининг белгиланган тартибда олинган маҳсулотини тасарруф этиш;
- ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш борасидаги бузилган ҳуқуқларнинг тикланиши ва ўзларига етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилиш.

Кўриниб турибдики, ўсимликлар дунёсидан фойдаланиш учун қонуний ҳуқуқ берилган. Аммо, ҳаётий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, берилган ҳуқуқ ва имтиёзлар ўз вақтида бажарилмаяпти, уларга амал қилиш талаб даражасида эмас. Ана шу мақсадда, юқоридаги моддага асосан, ўсимлик дунёси объектидан фойдаланувчилар бир қатор мажбуриятларни ҳам бажаришлари ва уларга амал қилишлари лозим. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчилар:

- ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этишлари;
- фойдаланишга бериб қўйилган ўсимлик дунёси объектларидан оқилона фойдаланишлари;
- ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва уларни такрор этиштириш чора-тадбирларини амалга оширишлари;
- ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш жойларида ёнгин хавфсизлигига риоя этишлари ва ёнгинга қарши тадбирларни амалга оширишлари, ёнгин чиққан ҳолларда уни ўчириш чораларини кўришлари;
- ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида тўлашлари шарт.

Үсімлік дунёси объектларидан фойдаланувчилар қонун ҳужжатларыда белгиланған бошқа хуқуқ ва мажбуриятларга әга бўлишлари ҳам мумкин.

Хуллас, үсімлік дунёси объектларидан фойдаланувчилар қонунда кўрсатилған хуқуқ ва мажбуриятларни ўз вақтида бажаришлари, мавжуд наботот оламидан оқилона фойдаланишлари ва уларни экологик муҳофаза қилиш учун хизмат қилишлари керак.

## **7-§. Үсімліклар дунёсига оид қонунларни бузганлик ва улардан нотўғри фойдаланғанлик учун экологик-хуқуқий жавобгарлик**

Үсімліклар энг кўп заарни одамлардан кўради. Шунинг учун ҳам ер юзида йўқолиб кетаётган ёки нодир үсімліклар жумласига кирган турлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ҳозирги кунда үсімлікларнинг 25–30 мингга яқин тури, яъни 8–10 % йўқолиб кетиши хавфи остида турибди. Үсімліклар туркуми ҳам жадал суръатда йўқолиб бормоқда. Уларнинг аксарияти фақат кўриқхоналар ва дам олиш масканларида сақланиб қолган. Лекин шуни унутмаслик керакки, үсімлік туркуми тўлиқ йўқ бўлиб кетгандан кейин амалда қайта тикланмайди, балки мангубўлиб кетади.

Бизнингча, бунинг сабаби инсон билан табиат ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши, табиат бойликларига, жумладан ўрмон ва үсімлікларга шафқатсиз муомалада бўлиш, қолаверса, одамларнинг экологик-хуқуқий маънавияти ва маданиятининг талаб даражасида эмаслиги, профилактик ишлар етарли даражада олиб борилмаганлигидадир.

Үсімліклар дунёсими мухофаза қилиш, улар тўғрисидаги қонунларни бузганлик ва улардан нотўғри фойдаланғанлик учун экологик-хуқуқий жавобгарлик масаласи «Үсімлік дунёсими мухофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунда аниқ кўрсатилған. Унинг 28-моддасига кўра, үсімлік дунёсими мухофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбор бўлган шахслар белгиланған тартибда жавобгарликка тортиладилар. Юридик ва жисмоний шахслар үсімлік дунёсими мухофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш оқибатида етказилған зарарни қонун ҳужжатларыда белгиланған тартибда қоплашлари шарт. Зарарни қоплаш айборларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликдан озод қилмайди.

Қонунга мувофиқ, наботот олами ва шифобахш ўсимликлардан нотўғри фойдаланганлик ва улар тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун куйидаги жавобгарликлар мавжуд.

**Интизомий-ҳуқуқий жавобгарлик.** Бу жавобгарлик катта экологик-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлиб, кўпроқ меҳнат қонуллари ёки интизомини бузиш оқибатида рўй беради. Ўсимликлардан нотўғри фойдаланганлик учун интизомий жавобгарлик (ёки таъсирий чора) асосан корхона, муассаса, ташкилот ходимига айнан шу ишхона маъмурияти томонидан қўлланилади. Шуниси ташвишлики, бизнинг республикаимизда шифобахш ўсимликларни ўстириш, кўпайтириш, сақлаш учун ширкат хўжаликлари, дехқон, фермер ва ижара хўжаликлар ёки бирор эътиборли ташкилот йўқ. Шифобахш ўсимликлар фақатгина парклар, кўриқхоналарда, кўплаб тоғларнинг чотқол жойларида гина ўсади, холос. Шунинг учун ҳам интизомий-ҳуқуқий жавобгарлик қўриқхона, парклар, айрим кооператив (ширкат хўжаликлари, дехқон, фермер ва ижара хўжаликлари) раҳбарлари томонидан қўлланилади.

Интизомий жавобгарлик баъзан ходимлар бажаришлари лозим бўлган мажбуриятларини ўз вақтида бажармасликлари оқибатида ҳам қўлланиши мумкин. Таъкидлаш керакки, шифобахш ўсимликларни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишда интизомий жавобгарлик кам қўлланилмоқда.

Интизомий жавобгарлик, унга тортиш ва қўллаш чоралари Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси талаби асосида амалга оширилади.

**Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик** асосан шифобахш ўсимликлардан фойдаланишда, уларнинг тиббиёт соҳасидаги аҳамиятини ҳисобга олиб терилаётганда, сақлашда, куритиб олинаётганда етказилган заарар асосида пайдо бўлади. Ушбу соҳадаги жавобгарликнинг асосий мазмуни етказилган заарни қоплаш, яъни тўлаш (қайтариш) шарти билан белгиланади. Улар куйидаги ҳолларда акс этиш мумкин:

- ўсимликларнинг асосий манбаи бўлган адир, сахро ва ўрмонларни ёнғин хавфидан сақлаш, уларни экологик муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш;

- шифобахш ўсимликларга заараркунандаларча муносабатда бўлиш, уларни илдизи билан қўпориш, ҳали етилмаган пайтида молга едириб юбориш, пайҳон қилиш;

- ўсимликлар касалликларининг олдини олмаслик, тушунтириш ишларини йўлга кўймаслик, ўсимликлар карантини, шунингдек, физикавий, кимёвий ва биологик усуслардан фойдаланиш қоидаларини бузиш.

Бу қоидаларни бузувчилар кўпинча дам олишга чиққанлар, мевалар ва шифобахш ўсимликларни йиғувчилар бўлиши мумкин. Шундай «сайёхлар» ҳам учрайдики, улар ўсимликларни синдириб гулхан ёқадилар, дараҳтларни кесиб, ўт-ўланларни пайхон қиладилар, дам олган ерларини ифлос қилиб кетадилар. Бу эса ўрмон комплексининг бузилишига олиб келади. Ўсимликлар дунёсидаги ўзгаришлар ҳайвонот оламига ҳам ўз таъсирини кўрсатади: сайроқи күшларнинг йўқолиши, зааркунандаларнинг пайдо бўлиши, кемирувчиларнинг кўпайиши худудни эпидемик жиҳатдан даҳшатли ҳолатга олиб келиши мумкин. Табиатга мутлақо зарар етказмай узоқ вақт дам олиш учун сайёҳатни режалаштириш ва тўғри ташкил қилиш катта аҳамиятга эга.

Алоҳида қайд этиш ўринлики, республикаимизда ўсимликларнинг ноёб турлари йўқолиб кетишига асосий сабаб чорва молларини режасиз равишда боқишидир. Чорва моллари ўсимликларни, айниқса дараҳтларни заарлайди, улар кўп бўлган жойларда ўсимликларнинг гуллаши, чангланиши, уруғ хосил қилиш жараёнига зарар етади.

Келтирилган ҳар қандай заарни моддий ўндириш мумкин, аммо шифобахш ўсимликларни ва уларнинг табиат гўзаллигидаги ўрнини қайтариб бўлмайди.

Шартнома ва битимларни бузиш оқибатида ўсимликлар дунёсига етказилган мулкий заарни қоплаш, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси талаблари асосида амалга оширилади. 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида экологик ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ҳуқуқий жазо қўллаш кўрсатилган. Жумладан, ушбу кодекснинг 81-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоби»га киритилган ўсимликларни ёхуд шундай ўсимликларнинг илдизлари, поялари, шохлари, барглари, гуллари, мевалари ва уруғларини ўзбошимчалик билан йиғиш – фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккidan бир қисмидан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса, икки бараваридан беш баравари миқдорида жарима солинишига сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса, уч бараваридан етти баравари миқдорида жарима солинишига сабаб бўлади.

Зеро, мазкур кодекснинг 89-моддасида ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ содир этилган бошқа экологик ҳуқуқбузарликлар учун ҳам жазо чораси мавжудлиги белгиланган.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, яъни уларнинг ўсишини тезлаштирувчи воситаларни, минерал ўғитлар ва бошқа дориларни ташиш, сақлаш ва қўллаш қоидаларини тупроқ, сув, атмосфера ҳавосининг ифлосланишига ёки ўсимликлар, ҳайвонот дунёсини йўқ қилиб юборилишига олиб келиши мумкин бўлган тарзда бузиш – фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса, бир бараваридан уч баравари микдорида жарима солинишига сабаб бўлади. Худди шундай хукуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса ёхуд тупроқ, сув, атмосфера ҳавосининг ифлосланишига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зарар етишига олиб келса – фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса, уч бараваридан етти баравари микдорида жарима солинишига сабаб бўлади.

Қайд қилиш ўринлики, ҳозирги пайтда ҳар қадамда ўсимликлар дунёсига нисбатан ваҳшиёна муносабатда бўлиш ҳоллари учрайди-ю, аммо тегишли чоралар қўлланилмайди. Мақсадимиз жарима солиш эмас, бебаҳо ўсимликлар ва наботот оламини кўпайтириш ҳамда ўзлигича сақлаб қолишидир.

**Жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик** – ўсимликлар дунёсини ҳуқуқий-экологик муҳофаза қилишнинг бирдан-бир тўғри тадбири ҳисобланади. Шуниси ачинарлики, бизнинг жиноят қонунчилигимизда ўсимликлардан нотўғри фойдаланиш, айниқса шифобахш ўсимликларнинг йўқ бўлишига йўл қўйиш ҳолатлари учун жиноий жавобгарлик белгиланмаган.

Бизнингча, айнан шифобахш ўсимликларни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш борасида алоҳида модда бўлмагани туфайли ҳам кейинги пайтларда кўплаб ноёб ўсимликларнинг турлари йўқолиб кетмоқда. Ўзбекистон Республикаси амалдаги Жиноят кодексининг 199-моддасида ўсимликлар касалликлари ёки зааркунандалари билан кураш талабларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик кўрсатилган, холос. Унга кўра, ўсимликлар касалликлари ёки зааркунандалари билан кураш талабларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлса – энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача микдорда жарима ёки беш йилгача муайян хукуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Бизнингча, Жиноят кодексида наботот олами ва шифобахш ўсимликларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш учун қуйидаги талабларга ёътибор бериш зарур:

– янги қонунларда, жиноят ёки ўсимликларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунга асосан, ўсимликлардан фойдаланиш, уларни

экиш, сотиш, қазиб ёки юлиб олганлик учун маъмурий чора кўрилгандан кейин жиноий жавобгарлик белгилаш керак;

– жиноий жавобгарликдан ташқари, кўпроқ келтирилган зарарни қоплаш билан боғлиқ маъмурий жазолар қўлланилиши лозим;

– Жиноят кодексида «Қизил китоб»га кирган ўсимликларни муҳофаза қилиш мақсадида, уларни қазиб олиш, нотўғри фойдаланиш, кесиш ва бошқа ноқонуний ҳолатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланиши мумкин;

– ўсимликларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунга шифобахш ўсимликлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тўғрисида алоҳида боб киритиш, аниқ ҳолатларни содир этганик учун жиноий жавобгарлик белгиланиши зарур;

– ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва уларни кўпайтириш билан шуғулланадиган алоҳида эколог мутахассислар тайёрлаш шу куннинг талабидир;

– кўпроқ доривор ва шифобахш ўсимликлардан нотўғри фойдаланганлик ва улар тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун иқтисодий-хукуқий жавобгарлик белгилаш ўринлидир.

Хуллас, ўлкамиз табиий ҳамда маданий ҳолда ўсадиган ўсимликларга бой. Ўзбекистоннинг шифобахш ўсимликлари саноатда, ноз-неъмат сифатида ҳамда шифобахш дори сифатида фойдаланилади. Шунинг учун ҳам мевали боғларимизни, табиий ҳолда ўсадиган турли хил гиёҳларни асрасак, она табиатимизнинг чиройи янада очилган бўлар эди. Бунинг учун кенг жамоатчилик ҳаракати бениҳоя фаол бўлмоғи лозим.

## **8-§. Ўсимликлар дунёсини экологик-хукуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишда ички ишлар органларининг ўрни ва вазифалари**

Ўсимлик дунёсини экологик-хукуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишда ички ишлар органларининг вазифалари жуда кенг.

Ўзбекистон Республикасида «Қизил китоб»га киритилган, йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ўсимликларни муҳофаза қилишда ички ишларни органлари катта ишлар олиб боришлари лозим. Ички ишлар органларининг профилактика нозирлари, санитария милицияси, қўриқлаш хизмати бўлими ва ДИХХХ ходимлари Узбекистон иклимида маълум шароитлардагина учрайдиган, фан оламида «Эндем» деб юритиладиган, республикаимизнинг бебаҳо миллий бойлиги ҳисобланган ўсимликлар дунёсини экологик-хукуқий муҳофаза қилишга ёрдам

берадилар. Зеро, ички ишлар органларининг асосий вазифалари ушбу турдаги ўсимликлар дунёси йўқолиб кетишининг олдини олиш, ёнгиндан сақлаш, ҳар қандай транспорт воситалари билан уларни ноқонуний равишда бошқа жойга олиб бориб сотиш, турли касалликлар тарқалишининг олдини олишдан иборат бўлиши керак.

Мазкур вазифаларни амалга оширишда, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 1997 йил 15 майдаги 109-сонли «Карантин-кўриқлаш тадбирлари ва санитария назоротини таъминловчи милиция бўлинмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги ва 1999 йил 17 январдаги 11-сонли «Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимида санитария назорати тўғрисида»ги буйруқлари ва бошқа норматив ҳуқукий хужжатлари дастур бўлиб хизмат қиласди.

### ***Такрорлаш учун савол ва топшириқлар***

1. Ўсимликлар дунёсини экологик-ҳуқукий муҳофаза қилишнинг аҳамияти нимада?
2. Ўсимликлар дунёси инсон ҳаётида қандай ўрин тутади?
3. Ўсимликлар дунёсидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат бошқарувининг моҳияти нимада?
4. Ўсимликлар дунёсидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати нима?
5. Ўсимлик дунёси обьектларидан фойдаланиш ҳуқуқининг пайдо бўлиши ва бекор бўлиш ҳолатлари қандай?
6. Ўсимликлар дунёси обьектларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини санаб беринг.
7. Ўсимликлар дунёсига оид қонунларни бузганлик учун қандай юридик жавобгарлик назарда тутилган?
8. Ички ишлар органларининг ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилишдаги вазифалари нималардан иборат?

## IX БОБ ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЭКОЛОГИК-ХУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

### **1-§. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолати ва хусусиятлари**

Ҳайвонот дунёси табиат бойликларининг бир қисми бўлиб, жамиятда ва инсон ҳаётида катта экологик аҳамиятга эга. Ҳайвонот дунёси иқтисодий аҳамияти нуқтаи назаридан муҳим табиий ресурс, озиқ-овқат маҳсулоти, саноатбоп, техникавий ва доривор хомашё ва бошқа моддий бойликлар олиш манбаи эканлиги маълум. Шунинг учун ҳам уни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш жуда зарурдир. Бу ишда қонунларимиз Ўзбекистон фуқароларини ҳайвонот дунёсига инсоний муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашга, бу бебаҳо дунёни муҳофаза қилиш ҳамда ундан самарали ва оқилона фойдаланишга қаратилган бўлмоғи лозим. Чунки ҳайвонларнинг Ўзбекистон фаунасига хос бўлган талайгина турлари йўқолиб кетиш арафасида турибди, айримлари (кулон, турон йўлбарси, ола-була сиртлон ва бошқалари) эса бутунлай йўқолиб кетди. Шу боисдан ҳам ноёб ва йўқолиб бораётган ҳайвонларни экологик-ҳуқуқий асосда муҳофаза қилиш катта аҳамиятга эга.

Ҳайвонот дунёси ер юзининг ҳамма жойларида мавжуд. Қуруқлиқда яшовчи ҳайвонлар жами ҳайвонот турининг 93 %ни, сув ҳайвонлари эса 7 %ни ташкил этади. Умуман олганда, ер юзида яшовчи ҳайвонлар тури ўсимликларга қараганда 4 баравар кўп бўлиб, тахминан 2 млн. дан ортиқроқдир.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бутун жониворларнинг 75 % ҳашаротлардир. Ҳашаротлардан кейин малюскалар (8,8 %), улардан кейин жамики умуртқалилар турари (кушлар, балиқлар, қуруқлиқда ва сувда яшовчилар, сут эмизувчилар). Умуртқалиларнинг 35600 тури мавжуд бўлиб, уларнинг ярми балиқлардир. Сут эмизувчилар эса умуртқалиларнинг 0,1 %ни ташкил этади.

Маълумотларга кўра, кейинги 100–150 йил мобайнинда ҳайвонларнинг кўплаб турлари йўқ бўлиб кетди. Масалан, 1800

йилгача сут эмизувчиларнинг 33 тури, қушларнинг 30 тури йўқ қилинган бўлса, ундан кейинги 100 йилда 73 турдаги сут эмизувчилар, 120 турдаги қушлар батамом йўқолган. Кейинги 50 йилда эса ҳайвонот дунёсининг ундан ҳам кўпроги йўқ қилиб юборилган.

Марказий Осиё худуди ўз ҳайвонот ва ўсимлик оламининг хилма-хиллиги, бойлиги билан ажралиб туради. Масалан, Ўзбекистонда 650 дан ортиқ турдаги умуртқали ҳайвонлар, шу жумладан сут эмизувчиларнинг 99 тури, қушларнинг 410 тури, судралиб юрувчиларнинг 57 тури, сувда ва қуруқликда яшовчиларнинг 3 тури учрайди.

Аммо шуниси ачинарлики, Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га умуртқали ҳайвонларнинг нодир ва йўқолиб кетиш ҳавфи остида бўлган 63 та тури киритилган бўлиб, улар орасида 22 та турдаги сут эмизувчи ҳайвонлар, 31 турдаги қушлар, 5 турдаги судралаб юрувчи ҳайвонлар ва 5 турдаги балиқлар бор.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, иқтисодий, экологик, географик ва миллий хусусиятлар ҳисобга олиниб, бир қатор янги қонунлар қабул қилинди. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш табиатнинг барча обьектлари, бойликларининг маълум мутаносиблиқда сақланиши билан боғлиқ.

Олий Мажлиснинг қабул қилган «Табиатни муҳофаза қилиш» (1992 й.), «Сув ва сувдан фойдаланиш» (1993 й.), «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар» (1993 й.), «Ер ости бойликлари тўғрисида» (янги таҳрири 2002 й.), «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш» (1996 й.), «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш» (1997 й.), «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш» (1997 й.), Ер кодекси (1998 й.), «Ўрмон тўғрисида» (1999 й.), «Экологик экспертиза» (2000 й.), «Чиқиндилар тўғрисида»ги (2002 й.) ва бошқа бир қатор қонунлар республикамизда экологик ҳолатни яхшилашга хизмат қилмоқда.

Жумладан, республикамиздаги мавжуд ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 1997 йил 26 декабрдаги сессиясида қабул қилинган «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни катта аҳамиятга эга.

Ушбу қонун қуруқликда, сувда, атмосферада ва тупроқда табиий эркин ҳолатда яшайдиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий ёки вақтинча турадиган ёввойи ҳайвонларни, шунингдек, илмий ёки табиатни муҳофаза қилиш мақсадида яrim эркин шароитда ёки сунъий яратилган яшаш мухитида

боқилаётган ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари кўлланилади.

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифаси, ҳайвонот дунёсининг яшаш шароитларини таъминлаш, уларнинг хилма-хил турлари ҳамда табиий галалари бутлигини саклаш мақсадида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш, уни тиклаш ва тақрор етиштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

«Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида ҳайвонот дунёсига нисбатан мулқдорлик масаласи кўрсатилган, унга асосан, ҳайвонот дунёси давлат мулки – умуммиллий бойлик бўлиб, ундан оқилона фойдаланиш лозим ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Шундай экан, ҳайвонот дунёси обьектларига нималар киришини билиб олиш зарур. Ушбу қонуннинг 4-моддасида кўрсатилишича, ҳайвонот дунёси обьектлари қуидагилардан иборат:

- келиб чиқиши ҳайвонларга мансуб бўлган организмлар – сут эмизувчилар, паррандалар, судралиб юрувчи ҳайвонлар, ҳам қуруқликда, ҳам сувда яшовчи ҳайвонлар, балиқлар, умуртқасизлар ва уларнинг популляциялари;

- ёввойи ҳайвонлардан ташкил топадиган табиий ҳайвон галалари ёки уларнинг ҳар қандай тўдалари;

- ёввойи ҳайвонларнинг камёб ёки йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган турлари;

- ёввойи ҳайвонлар яшаш фаолиятининг маҳсулотлари.

Таъкидлаш ўринлики, амалиётда ҳар доим ҳам ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишга, ундан оқилона фойдаланишга эътибор берилмайди. Шунинг учун ҳам, қонуннинг 30-моддасига биноан, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш борасида қуидаги тадбирларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- ҳайвонот дунёси обьектларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни тақрор етиштириш қоидалари ва нормаларини белгилаш;

- ҳайвонот дунёсидан фойдаланишда чеклашлар ва тақиқлар белгилаш;
- ҳайвонот дунёсидан ўзбошимчалик билан фойдаланишнинг ва ундан фойдаланиш борасида белгиланган тартибни бошқача бузилишларининг олдини олиш;
- ҳайвонларнинг яшаш муҳити, уларнинг урчиш шартшароитлари ва кўчиб юриш йўллари муҳофаза қилинишини ташкил этиш;
- хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошириш, транспорт воситаларидан фойдаланиш пайтида ҳайвонлар нобуд бўлишининг олдини олиш;
- алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлар барпо этиш;
- камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвон турларини тутқунликда урчитиш;
- ҳайвонлар касаликка чалинганда, табиий оғатлар ва бошқа сабаблар оқибатида нобуд бўлиши хавфи туғилганда уларга ёрдам бериш;
- ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тадбирларини асослашга қаратилган илмий тадқиқотларни ташкил этиш;
- ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш бўйича бошқа тадбирларни ўтказиш.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчи субъектлар – юридик ва жисмоний шахслар, фуқаролар ҳамда жамоат бирлашмалари ҳайвонот дунёсини ҳамда унинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш соҳасига оид ҳукуқ ва мажбуриятларни амалга оширишлари зарур.

Жумладан, фуқаролар ва жамоат бирлашмалари:

- ҳайвонот дунёсини ва унинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширадилар;
- ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини руёбга чиқарилишига кўмаклашадилар;
- экология соҳасида жамоатчилик экспертизасини ўтказадилар;
- жамоатчилик назоратини амалга оширадилар;
- ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оладилар;
- ҳайвонот дунёси ва унинг яшаш муҳитига етказилган зарарни қоплаш масаласини қўядилар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқ ва мажбуриятларни амалга оширадилар.

Шу билан бирга, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида давлат бошқарувини олиб борилиши ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва

ундан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги ўрмон хўжалиги бош бошқармаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади. Зеро, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш устидан давлат назоратини олиб бориш ушбу муаммо билан боғлиқ кўпгина масалаларни ҳал этишга ёрдам беради.

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш устидан идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## **2-§. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқи ва унинг турлари**

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқи, ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишлари, унга амал қилишлари, ундан давлат мулки сифатида оқилона фойдаланишлари ва давлат томонидан муҳофаза қилиш ишларига бўлган муносабатлари тушунилади.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар юридик ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Улар ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш борасида ўзларига тегишли ҳуқуқни қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар ва тартибда амалга оширишлари лозим.

Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш умумий ва маҳсус фойдаланиш тартибида амалга оширилади. Ҳайвонот дунёси объектларидан умумий фойдаланиш жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бепул амалга оширилади. Ҳайвонот дунёси объектларидан маҳсус фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда бериладиган рухсатнома асосида ҳақ эвазига амалга оширилади.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар қонунда кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини талаб даражасида амалга оширишлари шарт. Ана шундай ҳолатлар «Ҳайвонот дунёсини

муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддасида аниқ кўрсатилган. Жумладан, ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар:

- ҳайвонот дунёси обьектларидан уларни бериб қўйиш шартларига мувофиқ фойдаланиш;
- тутиб олинган ҳайвонот дунёси обьектларига ва улардан олинган маҳсулотга нисбатан мулқорлик хукуқига эгадирлар.

Ов қилиш ёки балиқ овлаш хўжалигини юритувчи юридик шахслар:

- юридик шахсларга ҳайвонот дунёси обьектларидан белгиланган нормалар доирасида фойдаланиш учун рухсатномалар беришга;
- юридик ва жисмоний шахслар ҳайвонот дунёси обьектларидан ов қилиш мақсадида белгиланган нормалар доирасида фойдаланиши учун улар билан шартномалар тузишга;
- ов ва балиқ маҳсулотини қайта ишлаш ҳамда ҳайвонот дунёси обьектларидан буюмлар ишлаб чиқаришга;
- ҳайвонот дунёси обьектларидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва буюмлардан фойдаланиш ҳамда уларни сотишга;
- сунъий равишда етиштирилиб, табиий яаш мұхитига чиқарып юборилган ҳайвон турларидан фойдаланишга ҳақлидирлар.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар:

- ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг белгиланган нормалари ва муддатларига риоя этишлари;
- ҳайвонот дунёсининг муҳофаза қилинишини таъминлашлари;
- ҳайвонот дунёсидан табиий галаларининг бутлиги бузилишига йўл қўймайдиган ва фойдаланишга бериб қўйилмаган ҳайвонларнинг сақлаб қолинишини таъминлайдиган усувлар билан фойдаланишлари;
- ҳайвонларнинг яаш мұхити бузилишига йўл қўймасликлари;
- ҳайвонлар микдорини ҳамда улардан фойдаланиш ҳажмларини ҳисобга олишлари;
- ҳайвонот дунёсини тиклаш ва такрор етиштиришга қаратилган тадбирларни амалга оширишлари шарт. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар қонун хужжатларида белгиланган бошқа хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлишлари мумкин.

Шунингдек, ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш турлари ва усувларининг хукукий ҳолати ҳайвонот дунёсидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга катта ёрдам беради.

Ҳайвонот дунёсидан белгиланган хукукий нормалар асосида қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

1) ҳайвонот дунёси обьектларини уларнинг яшаш мұхитидан ажратиб олиб ва ажратиб олмасдан қонун ҳужатларида белгиланган тартибда илмий, маданий-маърифий, тарбиявий ва эстетик мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилади;

2) ҳайвонларнинг фойдали ҳусусиятларидан – тупроқ ҳосил қилувчилардан, мұхитнинг табиий санитарларидан, ўсимликларни чанглатувчилардан, шунингдек, ҳайвонот дунёси обьектларининг бошқа ҳусусиятларидан фойдаланиш уларни яшаш мұхитидан ажратиб олмасдан уларга ёки улар яшайдиган мұхитта зарар етказмасдан амалга оширилади;

3) ҳайвонлардан уларнинг маҳсулотларини олиш мақсадида фойдаланишга ҳайвонот дунёси обьектларини яшаш мұхитидан ажратиб олмасдан ва уларни нобуд қилмасдан, шунингдек, улар яшайдиган мұхитни бузмасдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўйилади.

Шунингдек, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасига асосан, ҳайвонот дунёси обьектларининг миқдорини тартибга солиш квоталар асосида амалга оширилади. Квоталар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ҳисобга олиш маълумотлари ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хulosалари асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.

Ҳайвонларнинг айрим турларини муҳофаза қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хulosалари асосида ана шу турдаги ҳайвонлардан фойдаланишга ёки фойдаланишнинг айрим турларига чеклашлар ёхуд тақиқлашлар белгиланиши мумкин.

Аҳоли соглигини сақлаш, қишлоқ ҳўжалик моллари ва бошқа уй ҳайвонларини касалликларга чалинишини, юридик ва жисмоний шахсларга зарар етказилишининг олдини олиш, ҳайвонот дунёсининг турлари бўйича хилма-хиллигини сақлаб туриш мақсадида ёввойи ҳайвонларнинг айрим турлари миқдорини тартибга солиш тадбирлари ўтказилади. Айрим турдаги ҳайвонлар миқдорини тартибга солиш тадбирлари ҳайвонларнинг бошқа турларига зарар етказилишини истисно этадиган ва уларнинг яшаш мұхити сақланиб қолишини таъминлайдиган усууллар билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хulosаларини ҳисобга олиб ҳамда ер, сув ва ўрмон захираларини муҳофаза қилишни амалга оширадиган тегишли давлат органлари билан келишган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Миқдори тартибга солиниши мумкин бўлган ҳайвон турлари ва уларнинг миқдорини тартибга солиш тадбирларини ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланади. Ушбу масала «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасида ўз аксини топган. Унга кўра, ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш турлари қуидагилардан иборат:

- ов қилиш;
- балиқ овлаш;
- ҳайвонот дунёсидан илмий, маданий-маърифий, тарбиявий ва эстетик мақсадларда фойдаланиш;
- ҳайвонлар фаолиятининг фойдали хусусиятларидан фойдаланиш;
- ҳайвонлардан уларнинг фаолияти маҳсулотларини олиш мақсадида фойдаланиш. Қонун ҳужжатларида ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турлари ҳам назарда тутилиши мумкин. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳайвонот дунёси объектларини яшаш мухитидан ажратиб олиб ёки ажратиб олмасдан амалга оширилади.

Хуллас, ҳайвонот оламидан фойдаланиш ҳукуқи мустақил тартиблар мажмуи ҳисобланниб, у экологик ҳукуқнинг бир қисмидир. Демак, ҳайвонот дунёсини экологик-ҳукуқий муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш деганда, қонунда белгиланган ва унинг экологик аҳамиятини сақлашга, жамиятнинг иқтисодий, илмий, маданий, эстетик, табиий, тарбиявий ва бошқа эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган давлат ва ижтимоий-ҳукуқий экологик тадбирларнинг уйғунлиги тушунилади.

Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ҳайвонот дунёсини экологик- ҳукуқий муҳофаза қилиш ва фойдаланишда, ноёб ҳайвонларни келажак авлод учун сақлаб қолиш ва кўпайтиришда хорижий мамлакатлар, айниқса АҚШ, Канада, Англия, Япония, Франция, Швейцария каби мамлакатларнинг тажрибаларидан фойдаланишимиз мақсаддага мувофиқдир.

### **3-§. Ов қилиш ва балиқ овлашни ҳукуқий тартибга солиш**

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш турларидан ов қилиш ва балиқ овлашни ҳукуқий тартибга солиш алоҳида аҳамиятга эга.

«Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасида ов қилиш билан боғлиқ масалаларнинг ҳукуқий изоҳи берилган. Унга асоссан, табиий эркинлик ҳолатида яшайдиган ёввойи ҳайвонларни тутиш мақсадида излаш, изига тушиш ва қувлаб бориш, тутишга интилиш ёки тутиш (отиш, тутиб олиш) ов қилиш ҳисобланади. Ов

саноат, ҳаваскорлик ва спорт мақсадларини кўзлаб ҳам олиб борилиши мумкин.

Шунингдек, қонунда балиқ овлаш масаласига ҳам катта эътибор қаратилган. Балиқ ва умуртқасиз сув ҳайвонларини тутиш балиқ овлаш ҳисобланади. Балиқ овлаш ҳам юқоридаги мақсадларда олиб борилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай вазиятда ҳам ов қилиш ва балиқ овлаш учун юридик ва жисмоний шахсларга белгиланган ҳуқуқий нормалар доирасида тегишли рухсатномалар бўлиши керак. Улар ов қилиш ва балиқ овлашда белгиланган нормалар доирасида фойдаланиши, тегишли шартномалар тузиши, ов ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда ҳайвонот дунёси объектларидан буюмлар ишлаб чиқиш ва тегишли жойларга топшириш мажбуриятларини ўз зиммаларига олишлари зарур.

Таъкидлаш лозимки, мазкур қонунда ов қилиш ва балиқ овлашнинг ман қилинган усувлари ҳам ёритилган. Ов қилиш ва балиқ овлашда умумхавфли қуроллар ва усувларни кўллаш, фалокатга учраган ва ўзи учун нотабийи шароитда турган ҳайвонларни ов қилиш ман этилади (20-модда).

Шуниси эътиборлики, ов қилиш ва балиқ овлаш хўжалигини юритиш, хўжалик фаолиятини қонуний такомиллаштириш лозим. Мазкур қонуннинг 25-моддасига биноан, ов қилиш ва балиқ овлаш хўжалигини юритиш юридик ва жисмоний шахслар томонидан:

- ов қилинадиган ва балиқ овланадиган ер-сув майдонлари лойихаларининг давлат экология экспертизаси;
- ҳайвонлар микдорини ҳамда ов қилинадиган ва балиқ овланадиган майдонлар ҳолатини ҳисобга олиш материаллари;
- ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган квоталар ва рухсатномалар, ҳайвонот дунёси объектларини ва улар яшайдиган муҳитни муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш, уларни тақрор етиштириш тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги шартномалар асосида амалга оширилади.

Ов тўғрисидаги ҳамда ов қилиш ва балиқ овлаш хўжаликларини юритиш тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Унга кўра, ов қилиш ва балиқ овланадиган майдонларни лойихалашда ҳам экологик ҳолат ва вазият инобатта олиниши ҳамда давлат экологик экспертизасидан ўтказилиши мақсадга мувоффикдир. Ушбу қонунга асосан, кўйидагилар давлат экологик экспертизасидан ўтказилиши лозим:

- барча турдаги қурилишлар учун майдон танлаш материаллари, амалга оширилиши ҳайвонот оламининг ҳолатига ёки унинг яшаш муҳитига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган режадан олдинги, лойихадан олдинги ва лойиха ҳужжатлари;

- ов қилинадиган ва балиқ овланадиган майдонларни ташкил этиш лойиҳалари;
- ҳайвонларни янги иқлимга мослаш ва дурагайлаш ишларининг лойиҳалари;
- ҳайвонот дунёси ва унинг яшаш муҳити учун хавфли бўлган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари.

Ҳайвонот дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат экологик экспертизаси Узбекистон Республикаси Табиятни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади (7-модда).

Демак, юқоридаги барча ҳолатлар ов қилиш ва балиқ овлашни тўғри йўлга қўйишда қонуний ёрдам беради.

#### **4-§. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқининг бекор бўлиш асослари**

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилишга асос бўлиб, ҳайвонот дунёсини ва унинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш ҳамда ундан фойдаланишга оид асосий талабларни бузиш ёки уни бажармаслик, унга эътибор бермаслик оқибатида вужудга келади. «Ҳайвонот дунёсими муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасида ана шу талаблар қўйидагича ифодаланган:

- ҳайвонларнинг тур бўйича хилма-хиллигини ва улар галаларининг бутлигини табиий эркинлик ҳолатида сақлаб қолиш;
- ҳайвонларнинг яшаш муҳитини, урчиш шарт-шароитларини ва кўчиб юриш йўлларини сақлаб қолиш;
- ҳайвонот дунёси объектларидан оқилона фойдаланиш, уларни тиклаш ва такрор етиштириш;
- аҳоли соғлигини сақлаш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга зарар етказилишининг олдини олиш мақсадида ҳайвонот дунёси объектларининг микдорини тартибга солиш.

Демак, барча ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар юқоридаги талабларга риоя қилишлари шарт. Бундан ташқари ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчи субъектлар мазкур қонунда кўрсатилган бир қатор талабларни бажармасалар, яъни: ҳайвонот дунёсинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган фаолият кўрсатса (31-модда), хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятни амалга ошириш пайтида ёввойи ҳайвонлар касалликка чалиниши ва нобуд бўлишининг олдини олиш

қоидаларини бузса ва талабларни амалга оширмаса (33-модда), худудни хўжалик мақсадларида ўзлаштириш пайтида ҳайвонларнинг яшаш мұхитини ва уларнинг урчиш шароитларини сақлаш тадбирларини бажармаса (34-модда), ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб ўтиш йўлларини, яшаш ва урчиш жойларини сақлаб қолиш талаб ва қоидаларини бажармаса (35-модда), камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвон турларини мухофаза қилиш қоидаларига амал қилмаса ёки бузса (36-модда) ҳам ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқлари бекор қилиниши мумкин.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш ушбу қонуннинг 27-моддасига асосан қўйидаги ҳолларда амалга ошади:

- фойдаланиш зарурати қолмагандан ёки ундан воз кечилгандан;
- фойдаланишнинг белгиланган муддати тугагандан;
- ҳайвонот дунёсини мухофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилгандан;
- ҳайвонот дунёси объектларини мухофаза қилиш мақсадида уларни фойдаланишдан ажратиб олиш зарурати туғилгандан;
- фойдаланиш ҳуқуқи берилган юридик шахс тугатилгандан.

Қонун ҳужжатларида ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш учун бошқа асослар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқи руҳсатномаларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиш йўли билан тугатилади.

## **5-§. Ҳайвонот дунёсини мухофаза қилишнинг экологик-ҳуқуқий чора-тадбирлари**

Ҳайвонот дунёсини мухофаза қилиш масаласи Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни мухофаза қилиш тўғрисида»ги қонунида ҳам аниқ кўрсатиб ўтилган. Ушбу қонуннинг XI бўлими «Табиатни мухофаза қилишга доир қонунларни бузганлик учун жавобгарлик ва табиатни мухофаза қилишга оид низоларни ҳал қилиш» масалаларига бағишлиланган бўлиб, 47-моддаси «Табиатни мухофаза қилишга доир қонунларни бузганлик учун жавобгарлик» деб номланади.

Албатта, ҳайвонот дунёсини экологик мухофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун интизомий, маъмурий, фуқаролик ва жиноий жавобгарликлар мавжуд. Шунингдек, ҳайвонот дунёсини мухофаза қилишнинг ҳуқуқий чора-тадбирлари 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган «Ҳайвонот дунёсини мухофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 39-моддасида ҳам баён этилган.

**Интизомий-хуқуқий жавобгарлик** ҳайвонот дунёсининг экологик аҳамиятини ҳисобга олиб, ундан турли мақсадларда фойдаланиш ёки муҳофаза қилиш қоидалари бузилган ҳолларда қўлланилади. Интизомий-хуқуқий жавобгарлик айнан ҳайвонот дунёси муҳофаза қилинаётган, қўриқланаётган, кўпайтирилаётган, сақланаётган қўриқхона ходимларига нисбатан қўлланилади.

Интизомий-хуқуқий жавобгарлик бевосита меҳнат интизоми бузилиши оқибатида вужудга келиб, айнан шу ҳодим ишлаётган корхона, муассаса, ташкилот раҳбари томонидан қўлланилади.

Интизомий жавобгарлик содир этилган хуқуқбузарлик учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддаси талаби асосида қўлланилиши лозим.

**Фуқаровий-хуқуқий жавобгарлик** ҳайвонот дунёсини экологик-хуқуқий муҳофаза қилишда катта аҳамиятга эга. У етказилган зарарни қоплаш ёки тўлаш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни 40-моддасига мувофиқ, қонунга хилоф равишда тутилган ҳайвонот дунёси обьектлари, улардан олинган маҳсулот, қонунга хилоф равишда фойдаланилган тутиш қуроли ва воситалари, шу жумладан транспорт воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб қўйилади ёки мусодара қилинади.

Қонунга хилоф равишда тутилган ҳайвонларни ва улардан олинган маҳсулотни айбдор шахслардан олиб қўйиш имкони бўлмаган тақдирда, уларнинг қиймати қонун ҳужжатларида назарда тутилган миқдорлар ва тартибда ундирилади. Фуқаровий-хуқуқий жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талаблари асосида қўлланилади.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг хуқуқий чора-тадбири сифатида **маъмурый-хуқуқий жавобгарлик** ҳам белгиланади. Мазкур жавобгарлик тури маъмурый-экологик хуқуқбузарликни содир этган субъектларга нисбатан қўлланилади.

Ушбу жавобгарлик тури 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурый жавобгарлик тўғрисидаги кодексида аниқ кўрсатилган. Ушбу кодексининг 90-моддасига мувофиқ, ов қилиш, балиқ тутиш ёки балиқ захираларини муҳофаза этиш қоидаларини, шунингдек, ҳайвонот дунёсидан фойдаланишниниг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш – шу хуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиш ёки фуқароларга энг кам иш хақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор

шахсларга эса, иккидан бир қисмидан икки баравариача бўлган миқдорида жарима солинишига сабаб бўлади.

Тегишли руҳсати бўлмай туриб, тақиқланган жойларда ёхуд тақиқланган муддатларда, тақиқланган қуроллар ёки усуплар билан ов қилиш ва балиқ тутиш, шунингдек, ов қилишга ёки балиқ тутишга оид бошқа қоидаларни мунтазам равишда бузиш – шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса, бир бараваридан уч бараваригача бўлган миқдорда жарима солинишига ёхуд шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, уч йилгача ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўлади.

Мазкур кодекснинг 92-моддасида эса бошқача содир этилган экологик ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик ҳолати баён этилган. Унга кўра, ҳайвонлар яшайдиган муҳитни ва уларнинг кўчиш йўлларини муҳофаза қилиш қоидаларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни вужудга келтириш, тўлдириш, сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш қоидаларини, зоологик ва ботаник коллекциялар билан савдо қилиш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни бошқа жойга жўнатиш ва чет элга олиб кетиш қоидаларини бузиш, худди шунингдек, ҳайвонларни ўзбошимчалик билан бошқа ерга кўчириш, иқлимлаштириш ёки чатиштириш – фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса, бир бараваридан уч бараваригача бўлган миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Маъмурний жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 93-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган ҳайвонлар ва ўсимлик турларини сақлашга зарар келтиради деб топилган ҳайвонлар ёки ўсимликларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикаси олиб келиш – фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса, уч бараваридан етти бараваригача бўлган миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Эътиборли томони шундаки, ушбу кодексда ноёб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турган ҳайвонларни қирилиб кетиши, йўқ қилиб юбориш, ўлжа қилиш ёхуд шундай ҳайвонларнинг сони камайиб кетишига ёки яшаш муҳити бузилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳаракатлар учун жавобгарлик ва жазо чоралари ҳам кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган ҳайвон турларига мансуб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфига турган

ҳайвонларни йўқ қилиб юбориш, ўлжа қилиш ёхуд уларнинг тухум, увилдириқ қўядиган инларини, бошпаналарини йўқ қилиш, инлари, уялари ва бошқа яшаш жойларини бузиш ёхуд шундай ҳайвонларнинг қирилиб кетишига, сони камайиб кетишига ёки яшаш муҳити бузилишига сабаб бўладиган бошқа ҳаракатлар содир этиш ёхуд бундай ҳайвонларни овлаш руҳсатномасида кўрсатилган шартларни бузган ҳолда ўлжа қилиш – шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли бўлган ашёларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккidan бир қисмидан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса, икки бараваридан беш бараваригача бўлган миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса – шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли бўлган ашёларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса, уч бараваридан етти бараваригача бўлган миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади (94-модда).

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чора-тадбири сифатида содир этилган экологик ҳуқуқбузарлик учун **жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик** белгиланади. Албатта, жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик бошқа ҳуқуқий жавобгарлик турларига нисбатан анча оғир формада, яъни ҳайвонот дунёсини ўлишига, қирилиб кетишига, камайиб қолиши ёки бошқа ҳолатларда содир этилган экологик ҳуқуқбузарлик учун қўлланилади. Содир этилган бундай ҳуқуқбузарлик учун Узбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилган Жиноят кодексининг 202-моддасида аниқ жавобгарлик ва жазо чораси белгиланган. Унга кўра, овчилик, балиқчилик ёки ҳайвонот дунёсининг бошқа турларини ушлаш қоидаларини бузиш, ноёб ҳайвонларни тутишнинг белгиланган тартиби ёки шартларини ёхуд ўсимликларнинг дори-дармон, озиқ-овқат ва манзарали (декоратив) турларини йиғиш ёки тайёрлаш, шунингдек, маҳсус қўриқланадиган табиий ҳудудлардаги ҳайвонот ва ўсимлик оламидан фойдаланиш тартибини бузиш кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса – энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача бўлган миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) ҳайвонлар, паррандалар, балиқ, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг «Қизил китоб»га киритилган бошқа турларини нобуд қилиш билан;

б) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

в) бир гурух шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса – энг кам ойлик иш ҳақининг элик бараваридан етмиш беш бараваригача бўлган миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша қилмишлар:

- а) хавфли рецидивист томонидан;
  - б) шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб;
  - в) ер, сув ёки ҳавода ишлатиладиган механизациялаштирилган воситалардан фойдаланиб;
  - г) портлаш қурилмалари, заҳарли кимёвий моддалар ёки бошқа ялпи қириб юборадиган ёки нобуд қиладиган усулларни кўллаган ҳолда;
  - д) уюшган гурух томонидан;
- е) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса – энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача бўлган миқдорда жарима ёки мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилдан беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

## **6-§. Ҳайвонот дунёсини экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишда ички ишлар органларининг вазифалари**

Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунида кўрсатилганидек, жонли табиат дейилганда табиий ўсимликлар, шу жумладан, ўрмон, табиатда яшайдиган ҳайвонлар ва бошқа жонли организмлар тушунилади. Жонли табиат объектларидан:

- уларни қайта тикланиш қобилиятини сақлаш;
- уларнинг хилма-хил турини ва тўдаларининг барқарорлигини сақлаш;
- атроф-табиий муҳитнинг биологик жиҳатдан ифлосланишига йўл қўймаслик шарти билан фойдаланилади.

Демак, ички ишлар органларининг санитария милициялари, профилактика нозирлари, қўриқлаш ҳамда ёнгиндан сақлаш хизмати ҳайвонот дунёсини экологик муҳофаза қилишда муҳим ишларни олиб борадилар.

Ички ишлар органларининг бўлинмалари Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш», «Санитария назорати тўғрисида» ва «Ветеринария тўғрисида»ги қонунлари талабларини амалга оширишга ёрдам берадилар.

Ушбу фаолиятда улар Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 1997 йил 15 майдаги 109-сонли «Карантин-қўриқлаш тадбирлари ва санитария назоратини таъминловчи милиция бўлинмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги ва 1999 йил 17 январдаги 11-сонли «Ўзбекистон Республикаси ИИВги тизимида санитария назорати тўғрисида»ги қонунлари ҳамда 1997 йил 15 майдаги 109-сонли «Ўзбекистон Республикаси ИИИнинг карантин қўриқлаш тадбирлари ва ветеринария назоратини таъминловчи милиция бўлинмалари ҳақидаги низом»ига асосан қабул қилинган буйруқларига бевосита амал қиласдилар.

Барча бўлинмалар, бошқа хукуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда иш олиб бориб, ҳайвонот дунёси ва унинг барча турларидан ноқонуний фойдаланишга қарши курашадилар.

Шунингдек, ички ишлар органлари ҳайвонот дунёсида турли касалликларнинг олдини олиш ва ушбу касалликларга қарши курашиш, ноқонуний ов қилиш, уларни отиб ўлдириш, қириб юбориш, улар яшаётган мұхитни бузиш, улар яшаётган жойларда ёнғин хавфининг олдини олиш ва бошқа бир қатор вазифаларни амалга оширишда божхона, солиқ, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ва кенг жамоатчилик ёрдамида ўз ишларини олиб борадилар.

### ***Такрорлаш учун савол ва топшириқлар***

1. Ҳайвонот дунёсининг биосфера ва инсон хаётидаги аҳамияти нимада?
2. Ҳайвонот дунёси қай тариқа хукуқий муҳофаза қилинади?
3. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш хукуқи нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
4. Ов қилишнинг хукуқий тартибини сўзлаб беринг.
5. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш хукуқи қандай ҳолларда бекор бўлади?
6. Ҳайвонот дунёси тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун қандай юридик жавобгарлик назарда тутилган?
7. Ички ишлар органларининг ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишдаги вазифаларини айтиб беринг.

Х БОБ  
ҮРМОНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УЛАРНИ МУХОФАЗА  
ҚИЛИШНИНГ ЭКОЛОГИК-ХУҚУҚИЙ ТАРТИБИ

**1-§. Ўрмонларнинг инсон ҳёти ва жамиятдаги  
экологик аҳамияти**

Ўрмон – инсон учун табиатдаги энг фойдали бойлик манбаи, унинг инсонга берадиган тухфалари бениҳоя катта. У турли-туман фойдали ҳайвон ва паррандалар, ёввойи мева ва замбуруғлар, қимматли мўйналар, касалликларни даволайдиган ўт-ўланлар армуғон этади ҳамда сув мусаффолиги ва ҳавони тоза сақлашга, ҳалқ хўжалигининг ривожланишига улкан ҳисса қўшади. Шу билан бирга, у ҳаво ва тупроқ ҳароратини мувозанатга келтириб туради, далаларни қуриқ, иссиқ шамоллардан ҳимоя қилиб, тупроқ бузилишининг олдини олади. Шу боис қадимги Римнинг машҳур жамоат арбоби Цицерон: «Ўрмонларни йўқотувчи кишилар жамиятимизнинг душманидир», – деган эди.

Кейинги пайтларда инсониятнинг яшаш шарт-шароитини яхшилаш учун ўрмонлар аёвсиз қирқиладиган бўлди. Мана шу туфайли ўрмонларнинг бир қисми кесилиб, 2 минг йил ичida 0,5 млрд. гектар ерда ўрмон ўрнида чўллар пайдо бўлди! Шунинг учун ҳам ўз вақтида А. Гумбольдт: «Инсондан аввал ўрмон бўлган, одам ўзи билан чўл келтиради», – деб бежизга айтмаган.

Ўрмон бойликлари битмас хазина. Мисол учун фақат ёғочнинг ўзидан 20 мингдан ортиқ турли хил материаллар ва моддалар олинар экан. Ҳисоб-китобларга кўра, бир куб метр ёғочдан 1,5 минг метр сунъий ипак ёки 600 та трикотаж костюм ёхуд 200 килограмм қофоз олинар экан. Кўриниб турибдики, ўрмон ҳар томонлама инсон эҳтиёжини қондириш учун хизмат қиласиган, одамларни ва ерни боқадиган, кийинтирадиган, даволайдиган ҳам ташналигини қоидирадиган асосий манба бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам турк оғаларимизнинг «сердараҳт қишлоқда бемор кам бўлади», деган мақолини эслашимиз зарур.

Демак, инсон ҳёти ташки муҳит билан чамбарчас боғлиқ. У ташки муҳитнинг барча омиллари, табиат ва жамиятнинг ҳар томонлама ўзаро комплекс таъсири остида яшайди.

Буюк аллома Абу Али ибн Сино: «Одамнинг саломатлиги ташки мухит шароити билан чамбарчас боғлик», – деб ёзган эди. Шунинг учун ҳам инсон ҳаёти барқарор ва соғлом кечиши учун табиатнинг асосий омиллари бўлган ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари, ҳаво ва ернинг яшил қоплами маълум мутаносибликда сақланиши зарур.

Бу масалага эътибор бериб, таниқли рус адаби С. П. Костичев: «Агар яшил дунё ўз фаолиятини бир неча йил тўхтаса, ер шарида бутун жонли маҳлуқ, шу жумладан, инсон ҳам ҳалок бўлур эди», – деб ёзганди.

«Яшил дунё» инсон ҳаёти учун нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги чуқурроқ англаш мақсадида айрим мисолларга мурожат қиласйлик. Ёзда бир ўрмон бир кеча-кундуз давомида 220–275 килограмм карбонат ангирид газини ютиб, 180–215 килограмм кислородни ажратади. Бу миқдор 430–500 кишини ўн соат давомида кислород билан таъминлашга етади. Тўртта дараҳт бир кишининг бир кеча-кундузда кислородга бўлган эҳтиёжини қондира олади. Яна бир қизиқарли мисолга эътибор берайлик. Катта шаҳар шароитида бир куб метр ҳавода 25 грамм чанг, 36 минг бактерия ва бошқа моддалар мавжудлиги аниқланган. Олимларимизнинг ҳисобига кўра, бир гектар қорақарағай дараҳтзори 36 тоннагача чанг ва бошқа моддаларни ўзида сақлаб қолади. Бир гектар ёш қарағай дараҳтзори бир соатда ўзидан 0,154 кг дан 0,392 килограммгача учувчи фитонцид ажратади ёки бир гектар ўрмон 30 килограммгача фитонцид ишлаб чиқаради. Шунинг учун ҳам ўрмон ҳавоси тоза бўлади. Ялталиқ олима М. Н. Артемьеве бир гектар баргли дараҳтзор бир суткада 2 килограмм, нинабаргли ўсимликлар эса 5 килограммгача учувчи органик араплашма чиқаришини аниқлаган. Дараҳтдан чиқувчи учувчи фитонцидлар об-ҳаводаги ҳар хил заҳарли микробларни ўлдиради. Бундан ташқари, яшил ўсимлик инсон учун зарур бўлган кислород манбаидир. Кислородсиз тирик организм яшай олмайди. Бир одам ўрта ҳисобда бир кеча-кундузда 500 литр кислород ютиши аниқланган.

Ер куррасида яшил ўсимликлар ҳар йили 500 млрд. тонна карбонад ангирид газини ютиб, 400 млрд. тонна кислород ишлаб чиқаради. Бир гектар майдондаги ўрмон 3–6 тонна ис газини ютиб, 245 тоннагача кислород ишлаб чиқаради. Ўрта ёшдаги бир дараҳт ишлаб чиқарган кислород 3 одамга бир умрга етади. Зараарли ҳашаротларга қирғин келтирадиган фойдали ҳашаротлар ўрмон ва дараҳтзорларда одатдагидан икки баробар кўп яшайди.

Ер юзидағи ўрмонларнинг умумий майдони 4100 млн. гектар атрофида, яъни бу қуруқликнинг 31 %дан салгина ошади.

Ўрмонлардаги ёғочнинг миқдори 130–140 млрд. метр куб. Мамлакатнинг ўрмон билан таъминланганлик даражасини ахоли жон бошига тўғри келувчи ўрмон майдони жуда яхши кўрсатади. Албатта, бу жиҳатдан Канада энг олдинги ўринда туради. Канадада жон бошига 24,0; Норвегияда – 2; Европанинг кўпчилик давлатларида – 0,1–0,4 гектардан ўрмон тўғри келади. Ўзбекистонда ўрмонлар майдони 712,8 минг гектар бўлиб, ҳар бир кишига 0,04 гектардан ўрмон тўғри келади.

Биз ўрмонга боймиз-у, лекин у кундан-кунга инсоннинг жабрига учрамоқда, камайиб кетмоқда. Кейинги 100 йил ичидаги АҚШда 540 минг гектардан ортиқ ўрмон кесилган. Мадагаскарда мустамлакачилик даврида ўрмонларнинг 90 % қирқилган. Асримиз бошида Куба худудининг ярмидан ортиғи ўрмон эди, ҳозир эса ўрмонлар мамлакат майдонининг атиги 8 %ни ташкил этади. Ҳозирги пайтда яшил бойликларни муҳофаза қилиш ва янги яшил зоналар барпо этиш иши билан 100 дан ортиқ ўрмон хўжалиги шуғулланмоқда. Эндиликда бу тадбир ҳар бир корхона, муассаса, ташкилот ва фуқаронинг бурчи бўлмоғи лозим.

Табиат шу қадар нозикки, катта шаҳарнинг кислород мувозанатини сақлаб туриш учун 1 кишига 25 квадрат метр яшил майдон бўлиши талаб қилинади. Дараҳт ва бута барглари, кўкатлар шаҳар осмонидаги чангнинг 72 %ни ушлаб қолади. Тўғри танланиб ўтқазилган дараҳт ва бутазорлар шаҳар шовқинини анча пасайтиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ўрмон ресурсларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш тобора кескинлашмоқда. Дараҳтлар қониқарсиз парвариш қилинаётганлиги, зааркунандалар ва касалликларга қарши етарли кураш олиб борилмаётгани оқибатида ўрмон хўжалиги корхоналари ишининг самарадорлиги пасайиб кетмоқда.

Шуниси ажабланарлики, ҳалқ хўжалигига ишлатиладиган, ўрмондан тайёрланадиган ёғоч маҳсулоти йилига 370–410 млн. куб метрни ташкил этади. Ўрмон нафақат кони фойда, балки «Ўрмон – сув демакдир, сув эса ҳосил ва ҳаёт манбаи», деб баҳоланди 1954 йил Ҳиндистонда ўтказилган ўрмоншунослар конгрессида. Кўриниб турибдики, ўрмон табиатнинг буюк бойлиги, у сув, ер ресурсларини сақлашда, бутун ҳайвонот ва наботот дунёсини камайиб кетишининг олдини олишда, атроф мухитни яхшилашда, дадил айтиш мумкинки, ер юзидағи бутун турмушни соғломлаштиришда, экологик ҳолат бузилишининг олдини олишда жуда катта ўрин тутади.

Статистик маълумотларга қараганда, мамлакатимиз ўрмон фондининг умумий майдони 9147275 гектарни ташкил этади. Жумладан, шу майдоннинг 3 002 541 минг гектари ўрмон билан

қопланган бўлиб, унда 12 млн. куб метр ёғоч захираси мавжуд. Республикамиз худудининг 5,1 %ни дарахтзарлар ташкил этиб, у ҳар бир киши бошига 0,1 гектарга тўғри келади. Республикамизда жами 90 та ўрмон хўжалиги корхонаси мавжуд бўлиб, булардан 72 таси ўрмон хўжалиги, 6 таси давлат қўриқхонаси, 2 таси доривор ва озуқа ўсимликлари ўстириш ва қадоқлашга ихтисослашган хўжалик, 2 таси ўрмон овчилик хўжалиги, 2 таси Зомин ва Угом-Чотқол миллий истироҳат боғлари ва 2 таси хўжалик ҳисобидаги ўрмон участкалари, 1 та ихтисослаштирилган ўрмон хўжалиги, 2 та боз ўрмон корхонаси ва 1 таси ишлаб чиқариш ўкув марказидир<sup>1</sup>.

Ўрмонлар катта аҳамиятга эгалиги, уларни ўстириш узоқ муддат талаб этишини инобатга олиб, ўрмон бойликларидан оқилона фойдаланиш, уларни асраш, кўпайтириш ишига умумдавлат иши сифатида қараш шарт.

## **2-§. Ўзбекистон Республикасининг ўрмон тўғрисидаги қонунлари, уларнинг экологик-хуқуқий аҳамияти**

Ўрмон тўғрисидаги барча қонунлар фуқароларимизнинг ўрмон бойликларидан илмий асосланган ҳолда комплекс фойдаланишига, уларни режали равишда узлуксиз кўпайтиришга, бугунги кун ва келажак авлодларнинг манфаатлари йўлида самарали муҳофаза қилишга, ўрмон бойликларини тежаб-тергаб, оқилона, вижданан муносабатда бўлиш учун юксак масъулият руҳида тарбиялашга хизмат қилмоғи лозим.

1978 йил 26 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг «Ўзбекистон Республикаси ўрмонларини муҳофаза қилишни янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарори эълон қилинган эди. Бу қарорнинг асосий моҳияти ўрмон бойликларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш, ўрмон хўжалиги юритиш маданиятини яхшилаш, ўрмонларни кўпайтириб бориш, қўриқлаш ва ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида ўрмон кодексини тезда тасдиқлашга қаратилди. Бу қонун 1978 йил 26 июлда қабул қилиниб, унда «Ўзбекистон Республикаси ўрмон тўғрисидаги кодекси» 1979 йил 1 январдан бошлаб кучга киритилиши кўрсатилган эди. Ушбу қонун VII бўлим 136 моддадан иборат бўлиб, тарихий нуқтаи назардан ўрмон бойликларининг асосий хуқуқий манбаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат ўрмон қўмитасининг 1998 йил ҳисобот хужжатлари. Дело №1. 1999 й.

Албатта, ўрмон бойликларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш мақсадида яна жуда кўплаб қарорлар қабул қилинган. Лекин биз ҳозирги кун талаби асосида янги вазифалар қўйган қарорларни таъкидлаб, бошқаларига кейинги параграфларимизда эътибор берамиз.

Ўрмонларни кўпайтириш масаласи ҳар доим долзарб мавзу бўлиб келган. Собиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Совети ўзининг 1987 йил 26 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ҳар йили ўрмонлар ва боғлар барпо этиш икки ойлигини ўтказиш тўғрисида»ги қарорида бунга алоҳида эътибор берди. Қарорда кўкаламзорлаштириш, дараҳтзор майдонларни кенгайтириш, уларни эсон-омон ўстириш учун Ўзбекистоннинг жуда бой табиий имкониятларидан етарлича фойдаланилмаётгалиги таъкидланди. Шуниси эътиборлики, мустақиллик даврида барча ўрмон бойликлари билан боғлиқ масалаларни янада яхшилаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори катта аҳамиятга эга бўлди. Ушбу ҳуқуқий хужжатда табиатнинг ҳолати, фуқароларнинг эсон-омонлиги ва сиҳат-саломатлиги, бирлашмалар, корхона ва ташкилотларнинг табиатни муҳофаза қилиш тартиб-қоидаларига риоя қилишларига алоҳида эътибор бериш кераклиги уқтириб ўтилган.

Собиқ Иттифоқ даврида қабул қилинган бир қатор ҳуқуқий хужжат ва олиб борилган илмий изланишлар ҳозирги давр талабига жавоб бермай қолди. Эндиликда ўрмон бойликларига муносабат бутунлай бошқача бўлиши ва мустақил Ўзбекистон Республикаси хусусиятларидан келиб чиқишини тақозо қилмоқда. Шунинг учун ҳам ҳаёт олимларимиздан янги замон талаби асосидаги илмий ишларни олиб боришни, ўрмон тўғрисида янги қонунлар қабул қилишни тақозо қилмоқда. Ниҳоят, 1999 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. У 43 моддадан иборат бўлиб, ихчам, шунингдек, ўрмон билан боғлиқ муаммоларни аниқ ўз ичига олган ҳуқуқий манба бўлиб ҳисобланади.

Ўрмон тўғрисидаги қонун хужжатлари ушбу қонун ҳамда бошқа ҳуқуқий норматив қонун ости хужжатлардан иборат.

Ер, сув, ер ости бойликлари ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ҳамда ўрмонлардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар тегишли қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

Қоракалпоғистон Республикасида ўрмонга оид муносабатлар Қоракалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ўрмон тұғрисидаги қонун ҳужжатлари дидагидан бошқача қоидалар белгиланған бўлса, ҳалқаро шартнома қоидалари кўлланилади.

Ўрмон тұғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан оқилона фойдаланиш, такрорий кўпайтиришни таъминлаш ҳамда ўрмонлар маҳсулдорлигини ошириш мақсадида, ўрмонга оид муносабатларни тартибга солишдан, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳукуқларини муҳофаза қилишдан иборат.

Ўрмонлар асосан экологик (сувни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, санитария-гигиена, соғломлаштириш, рекреация), эстетик ва бошқа вазифаларни бажаради, чекланған даражадаги фойдаланиш аҳамиятига эга. Шундай экан, қабул қилинган «Ўрмон тұғрисида»ги қонуннинг аҳамияти ва унинг қуйидаги экологик-ҳукуқий хусусиятларини таъкидлаш мумкин:

1) «Ўрмон тұғрисида»ги қонун Ўзбекистон Республикаси ҳалқи ҳаёти, фаолияти ва фаравонлигининг асоси сифатида ўрмондан оқилона фойдаланиш ва уни ҳукуқий муҳофаза қилиш имконини яратди;

2) ўрмон бойликлариға нисбатан мулкчилик белгиланди, ҳамма ўрмонлар давлат мулки – умумиллий бойлик эканлиги таъкидланиб, улардан оқилона фойдаланиш тартиби ҳам белгиланди, яъни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддаси талабларини ўзида мустаҳкамлади;

3) янги ижтимоий тузум, бозор муносабатларини мустаҳкамлаш учун янги ҳукуқий замин тайёрлаб, ўрмон соҳасида алоҳида, экологик тиклаш, купайтириш, муҳофаза этишини ўз олдига мақсад қилиб кўйди;

4) қонун мамлакатимизнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва экологик ҳаётида содир бўлган ўзгаришларни, айниқса аграр ва экология соҳадаги ислоҳотларни, янада чукурлаштиришга асосий ҳукуқий манба бўлди;

5) 1978 йил 26 июлда қабул қилинган Ўрмон тұғрисидаги кодексдан батамом фарқ қилиб, ҳозирги шароитдаги ўрмонлардан фойдаланиш ва уни ҳукуқий муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган барча муаммоларни ўзида тўлароқ акс эттириди;

6) янги талаб ва бозор иқтисодиёті шароитда қабул қилинган экологик ва аграр қонуллар: «Табиатни муҳофаза қилиш», «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлар», «Сув ва сувда фойдаланиш», «Ер ости бойликлари», «Атмосфера ҳавосини

муҳофаза қилиш», «Ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш», Ер кодекси каби қонун ҳужжатларини қўллаш ва улар билан ҳамоҳанг табиат бойликларини асрашга хизмат қиласидиган бўлди;

7) ушбу қонуннинг энг муҳим жиҳати узоқни, яъни XXI аср экологик муаммоларини ўзида акс эттирганлиги ва барқарорлигидир. Мазкур қонуннинг аҳамияти унинг норма ва принциплари узоқ муддатни ҳисобга олиб қабул қилинганлигидир.

### **3-§. Ўрмонлардан фойдаланиш ҳуқуқи, субъектлари ва объектлари**

Ўрмонлардан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчаси илмий категория бўлиб, «ўрмон фонди», «ўрмон фонди ерлари», «ўсимлик дунёси» каби бир қатор тушунчаларнинг юридик маъноси ва моҳиятини, уларнинг ўзаро муносабатини акс эттиради.

Ўрмон – табиий ёки сунъий равишда ўрмон фондига кирадиган, давлат томонидан муҳофаза этиладиган, табиатдаги мавжуд экологик вазиятни нормаллаштириб, бу муаммоларни олдини оладиган ва чекланган даражадаги фойдаланиш аҳамиятига эга бўлган, ўсимлик, бутазор, дараҳтлар ва бошқа табиат объектларини ўзида қамраб олган яшил қатлам.

Ўрмонлардан фойдаланиш ҳуқуқи ўрмонлардан фойдаланиш турлари билан ҳам боғлиқ.

Ўрмон тўғрисидаги қонуннинг 25-моддасига асосан, ўрмонлардан фойдаланиш турлари куйидагилардан иборат:

- дараҳтзорлар ва бутазорларни кесиш;
- ўрмонлардан кўшимча фойдаланиш (пичан ўриш, мол боқиш, асалари уялари ва кутиларини жойлаштириш, ёввойи ўсимликларнинг доривор хомашёсини тайёрлаш (йиғиш) ва озиқовқат мақсадлари учун ёввойи ўсимликларни тайёрлаш (йиғиш);
- давлат ўрмон фонди участкаларидан овчилик ҳўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш;
- давлат ўрмон фонди участкаларидан илмий-тадқиқот мақсадларида фойдаланиш;
- давлат ўрмон фонди участкаларидан маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреацион ва эстетик мақсадларда фойдаланиш.

Қонун ҳужжатларида ўрмондан фойдаланишнинг бошқа турлари ҳам назарда тутилиши мумкин. Давлат ўрмон фонди участкалари юридик ва жисмоний шахсларга фойдаланишга берилади.

Ўрмондан фойдаланиш учун ҳақ тўланади, ушбу қонуннинг 30-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Тўловлар миқдори ва уларни ундириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Ўрмондан фойдаланиш доимий ва вақтинчалик бўлиши мумкин.

Ўрмон фонди ерлари доимий эгалик қилишга бериб қўйилган ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ўрмондан доимий фойдаланувчилардир. Ўрмондан вақтинчалик фойдаланиш қисқа муддатли – уч йилгача ва узоқ муддатли – ўн йилгача бўлиши мумкин (19-модда).

Демак, ўрмондан фойдаланиш ҳуқуки субъекти бўлиб, ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган фуқаролар ва юридик шахслар ҳисобланади. Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқининг обьекти бўлиб эса, ўрмонлар, ўсимликлар дунёси ва наботот олами ҳамда ўрмон билан экологик боғлиқ бўлган обьектлар киради.

#### **4-§. Давлат ўрмон фондидан экологик-ҳуқуқий фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш устидан давлат бошқаруви**

Давлат ўрмон фонди ерларининг экологик-ҳуқуқий ҳолати нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Шунинг учун ҳам ўрмонларга бўлган мулкчилик ва давлат ўрмон фондининг ҳуқуқий аҳамиятини қонунда белгиланиши катта аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тўғрисида»ги қонунига асосан, Ўрмонлар давлат мулки – умуммиллий бойлик бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш лозим ҳамда улар давлат томонидан кўриклиданади. Ҳамма ўрмонлар давлат ўрмон фондини ташкил этади. Давлат ўрмон фонди давлат аҳамиятига эга бўлган ўрмонлардан, яъни давлат ўрмон хўжалиги органлари қарамоғидаги ўрмонлардан, бошка идоралар ва юридик шахслар фойдаланадиган ўрмонлардан иборат.

Ўрмон билан қопланган ерлар ўрмон билан қопланмаган, аммо ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар ўрмон фонди ерлари ҳисобланади. Ўрмон фонди ерларининг чегаралари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

Ўрмон фонди ерлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эгалик қилиш, фойдаланиш, шу жумладан, ижарага берилиши мумкин.

Давлат ўрмон фонди участкалари давлат ўрмон фондининг бир қисми бўлиб, уларнинг муайян чегараси, майдони, жойлашган

манзили, хукуқий режими қайд этилган ҳамда чизма-картографик материалларда кўрсатилган бўлади (7 – 8-моддалар).

Юридик адабиёт ва «Ўрмон тўғрисида»ги қонунда ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан фойдаланиш ва уларни тақорорий кўпайтириш соҳасидаги давлат бошқаруви ва назорат қилиш тартиби кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тўғрисида»ги қонуни мазмuni ва талабидан келиб чиқадиган бўлсак, ўрмондан фойдаланиш хукуқини ва юкорида кўрсатилган тартибини белгиловчи ташкилотларни қўйидаги турларга бўлиш мумкин: 1) Вазирлар Маҳкамаси; 2) Давлат ўрмон қўмитаси<sup>1</sup>; 3) Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси; 4) маҳаллий давлат ҳокимият органлари; 5) ўрмондан доимий фойдаланувчилар. Ўрмондан фойдаланиш хукуқини берадиган ушбу ташкилотларнинг юкоридағи тизимидан кўриниб турибдики, бу хукуқ асосан маъмурӣ рухсат бериш, бошқариш ва назорат қилиш тартиби орқали вужудга келади.

Ушбу масала, «Ўрмон тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасида шундай уқтирилади: «Ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан фойдаланиш ва уларни тақорорий кўпайтириш соҳасидаги давлат бошқаруви Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси ва унинг жойлардаги идоралари давлат ўрмон хўжалиги ташкилотлари ҳисобланади».

Шунингдек, мазкур қонунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўрмонга оид муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари аниқ кўрсатилган. Ўрмонга оид муносабатларни тартибга солиш соҳасида қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига киради:

- ўрмонларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;
- давлат ўрмон фондини тасарруф этиш;
- ўрмонларнинг қўриқланиш тоифаларини аниqlаш тартибини белгилаш;

<sup>1</sup> Қаранг: Давлат ўрмон қўмитаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 30 мартағи 160-сонли қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси этиб ўзгартирилган

– ўрмондан фойдаланганлик учун ҳақ ундириш тартибини белгилаш;

– ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан фойдаланиш ва уларни тақорорий қўпайтириш устидан давлат назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш;

– ўрмонларнинг давлат ҳисобини ва давлат ўрмон кадастрини юритиш тартибини белгилаш;

– ўз ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳал қилиш (10-модда).

Зеро, амалдаги қонунчиликда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўрмонга оид муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари ҳам белгилаб қўйилган. Ушбу масала «Ўрмон тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасида қўйидагича кўрсатилган:

– давлат ўрмон хўжалиги ташкилотлари била келишган ҳолда юридик ва жисмоний шахсларга давлат ўрмон фонди участкаларини бериш, давлат қўриқхоналарининг ўрмонлари ҳамда давлат миллий табиий боғларининг қўриқхона минтақалари бундан мустасно;

– ўрмонларнинг давлат ҳисоби ва давлат ўрмон кадастри юритилишини таъминлаш;

– ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан фойдаланиш ва уларни тақорорий қўпайтириш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

– ўрмонлар ҳолатига зарар етказадиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш ва тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

– ўрмонларда мол боқиш ҳамда ёғочга таалуқли бўлмаган ресурслардан фойдаланишнинг бошқа турлари нормаларини давлат ўрмон хўжалиги органлари билан биргаликда белгилаш ва тартибга солиш;

– ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан фойдаланиш ва уларни тақорорий қўпайтириш борасида аҳолининг маърифатли бўлишини ташкил этиш;

– ўз ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан фойдаланиш ва уларни тақорорий қўпайтириш устидан давлат назорати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан фойдаланиш ва уларни тақорорий қўпайтириш устидан идоравий

назорат Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси томонидан амалга оширилади (12-модда).

## **5-§. Ўрмонлардан фойдаланиш ҳуқуқининг пайдо бўлиши ва бекор бўлиш асослари**

Амалиётда ўрмонлардан фойдаланиш ҳуқуқининг пайдо бўлиш ва бекор бўлиш асослари ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлиб, ўрмонлардан фойдаланишни ва муҳофаза этишни ҳар томонлама мустаҳкамлайди.

Ўрмонлардан фойдаланиш ҳуқуқининг пайдо бўлиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тўғрисида»ги қонунида ўз ифодасини топган.

Мазкур масала қонуннинг 20-моддасида кўрсатилган бўлиб, унга кўра, ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи юридик ва жисмоний шахсларга, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, давлат ўрмон хўжалиги органлари томонидан ёки улар ваколат берган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан берилади.

Ўрмондан фойдаланишга маҳсус рухсатнома – дарахт кесиш ёки ўрмон чиптаси асосида йўл қўйилади, ушбу қонуннинг 30-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Ўрмондан фойдаланувчилар давлат ўрмон фонди участкаларидан ўрмондан фойдаланишнинг маҳсус рухсатномаларда назарда тутилган турларидангина фойдаланишга ҳақлидир. Ушбу моддадан кўриниб турибдики, ўрмонлардан фойдаланиш ҳуқуқини ўрмондан фойдаланувчи субъектларга факат давлат ўрмон хўжалиги органлари ёки улар ваколат берган корхона, муассаса, ташкилотлар томонидан берилган тегишли рухсатнома асосида йўл қўйилади.

Шунингдек, қонунчиликда ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқининг бекор бўлиш асослари ҳам кўрсатилган.

Ўрмон бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни бошқаришда Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси маҳсус бошқарув органи сифатида муҳим ўрин тутади. У ўрмон хўжалигининг аҳволи ва уни янада ривожлантириш, тармоқда фан-техника тараққиёти, ўрмонлардан оқилона фойдаланиш, уларни кўпайтириш, муҳофаза ва ҳимоя қилиш, овчиллик хўжалиги ва қўриқхона ишларини, ўрмон фонди

худудида миллий паркларнинг ишларини юритишни ташкил этиш, ўрмонларнинг экологик ва бошқа фойдали вазифаларини кучайтириш, шунингдек, бошқарма тизими корхоналари, ташкилотларини ижтимоий ривожлантириш учун жавоб беради.

Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг норматив ҳуқуқий ҳужжатларига амал қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ўз фаолиятини маҳсус низом асосида амалга оширади<sup>1</sup>.

Ўрмонлардан фойдаланишни бошқаришда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси алоҳида ўринни эгаллайди. Чунки, ер фонди таркибига ўрмон фонди ерлари ҳам киритилган бўлиб, бу ерларни бошқариш Ер ресурслари давлат қўмитаси зиммасига юклатилган.

Хуллас, ўрмон фондидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза этиш устидан давлат бошқаруви ва назорат қилиш тартибини ҳозирги замон талаби асосида олиб борилиши, ўрмон бойикларини экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишга хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тўғрисида»ги қонунида ушбу масалага алоҳида эътибор берилган. Мазкур қонуннинг 24-моддасида ўрмондан фойдаланиш ҳуқукининг тугатилиш ҳоллари ифода этилган. Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуки қуидаги ҳолларда тугатилади:

- ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечилгандা;
- ўрмондан фойдаланиш муддати тугаганда;
- давлат ўрмон фонди участкаси субъекти бўлган юридик шахс тугатилганда;
- ўрмонлардан ва ўрмон фонди ерларидан белгиланган мақсадда фойдаланилмаганда;

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 30 мартағи 160-сонли қарорига асосан, «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тўғрисидаги низом» тасдиқланган.

- ўрмондан фойдаланиш ўрмонлар ва бошқа табиий объектларнинг ҳолатига ҳамда уларни такорий кўпайтиришга салбий таъсир кўрсатадиган усуллар билан амалга оширилганда;
- ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузганда;
- ўрмондан фойдаланганлик учун ҳақ белгиланган муддатларда тўланмаганда;
- ўрмон фонди ерлари давлат ёки жамият эҳтиёжлари учун олиб кўйилганда.

Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади (24-модда).

## **6-§. Ўрмондан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Ўзбекистон Республикасида ўрмон бойликларидан оқилона фойдаланиш, уни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш, тикиш ишларини олиб бориш ўрмон бойликларидан фойдаланувчиларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажаришлари билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам амалдаги қонунларда ўрмондан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ кўрсатилиши катта аҳамиятга эга.

Мазкур масала 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган «Ўрмон тўғрисида»ги қонунда ўз ифодасини топган. Ўрмондан доимий фойдаланувчилар қуидаги ҳуқуқларга эга:

1) давлат ўрмон фондининиг ўзларига бериб кўйилган участкаларида ўрмон хўжалигини мустақил юритиш, ўрмондан фойдаланиш;

2) ўрмон фонди ерларидан, сув ресурсларидан, кенг тарқалган фойдали қазилмалардан, ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда фойдаланиш;

3) белгиланган тартибда йўл очиш, ўрмон маҳсулотини жойлаштириш учун майдончалар жиҳозлаш, ишлаб чиқариш ва уй-жой бинолари ҳамда иншоатлари қуриш;

4) тайёрланган маҳсулотга ва уни сотишдан олинган даромадга мулкдор бўлиш;

Ўрмондан доимий фойдаланувчилар қуидаги мажбуриятларга эга;

- ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни такорий кўпайтиришни таъминлаш;

- ўрмонларнинг давлат ҳисобини олиб бориш;

ўрмонларнинг ҳолатига ва уларни тақорорий кўпайтиришга, тупроқ ва ҳайвонот дунёсига, шунингдек, сув обьектлари ва бошқа табиий обьектларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатишига йўл қўймайдиган усууллар билан иш олиб бориш;

– ўрмондан фойдаланганлик учун ўз вақтида ва белгиланган тартибда ҳақ тўлаш;

– алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режимини таъминлаш;

– ўрмондан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузмаслик.

Ўрмондан доимий фойдаланувчилар қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлишлари ва ўзга мажбуриятларни бажаришлари ҳам мумкин (21-модда).

Кўриниб турибдики, ушбу моддада ўрмондан доимий фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбурияти аниқ кўрсатилган.

Шунингдек, «Ўрмон тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддасида ўрмондан вақтинча фойдаланувчиларнинг ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган. Ўрмондан вақтинчалик фойдаланувчилар қуидаги ҳуқуқларига эга:

– ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларда кўрсатилган давлат ўрмон фонди участкалари доирасида, муддатларида ҳамда ундан фойдаланиш турларида ўрмондан фойдаланишни амалга ошириш;

– белгиланган тартибда йўл очиш, ўрмон маҳсулотини жойлаштириш учун майдончалар жиҳозлаш, ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари қуриш.

Ўрмондан вақтинчалик фойдаланувчилар қуидаги мажбуриятларга эга:

– ўзларига бериб қўйилган яйловлар, пичанзорлар ва бошқа ўрмонзорлардан оқилона фойдаланиш;

– ўрмонларнинг ҳолатига ва уларни тақорорий кўпайтиришга, тупроқ ва ҳайвонот дунёсига, шунингдек, сув обьектлари ва бошқа табиий обьектларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатишига йўл қўймайдиган усууллар билан иш олиб бориш;

– ўрмондан фойдаланганлик учун ўз вақтида белгиланган тартибда ҳақ тўлаш;

– ўрмондан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузмаслик.

Ўрмондан вақтинчалик фойдаланувчилар қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлишлари ва ўзга мажбуриятларни бажаришлари ҳам мумкин.

Таъкидлаш жоизки, амалдаги қонунчилиқда ўрмондан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини кафолатлашга ҳам катта эътибор берилган.

«Ўрмон тўғрисида»ги қонун талабларига асосан, давлат, хўжалик ва бошқа органлар ҳамда ташкилотлар ўрмондан фойдаланувчиларнинг фаолиятига аралашишларига йўл қўйилмайди. Ўрмондан фойдаланувчиларнинг бузилган ҳуқуқлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тикланиши лозим. Ўрмондан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини бузиш оқибатида етказилган заарлар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланиши зарур.

Кўриниб турибдики, бизнинг ўрмон бойликларига нисбатан айrim мажбуриятларимиз мавжуд. Шундай экан, мазкур соҳада:

- 1) мавжуд ўрмон бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш;
- 2) халқ хўжалигига ёки бошқа мақсадлар учун ишлатилган ўрмонларни тиклаб, экиб, кўпайтириб бориш;
- 3) ўрмонларни ёнғиндан саклаш ёки ёнғин қоидаларига амал қилишни қаттиқ назорат қилиш ва ушбу соҳада тегишли тадбирлар ўтказиш;
- 4) ўрмон ҳақидаги қонунларни ёки ўрмондан фойдаланиш қоидаларини бузган тақдирда ёки амал қилмаганда фуқароларга ҳуқуқий жавобгарлик мавжудлигини тушунтириш мақсадга мувофиқдир.

Хуллас, ўрмондан фойдаланувчи субъектлар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар қандай вазиятда беками кўст бажаришлари ва унга амал қилишлари ўрмон бойликларини экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилинишини тамиnlайди.

## 7-§. Ўрмон тўғрисидаги қонун талабларини ва ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқини бузганлик учун экологик-ҳуқуқий жавобгарлик

Ўрмон тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун экологик-ҳуқуқий жавобгарлик қонунларимизда ўз аксини топган. Жумладан, ўрмон ва бошқа дараҳтларни кесганлик, ёндирганлик ёки қонунга зид бошқа хатти-ҳаракатлар қилганлик учун маълум ҳуқуқий жавобгарликлар мавжуд. Ўрмонлардан оқилона фойдаланилмаганлик ва уларга оид қонунларни бузганлик учун

**интизомий, маъмурий, фуқаровий ва жиноий-ҳуқуқий** жавобгарликлар қўлланилади.

Ўрмонларни қўриқлаш ва улардан фойдаланиш масалаларига тааллукли низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади. Ўрмон тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганликда айбордor бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Интизомий-ҳуқуқий**      **жавобгарлик**      экологик ҳуқуқбузарликлар содир этилганда корхона, муассаса, ташкилот раҳбари томони қўлланилади. Масалан, ўрмон хўжалиги раҳбари томонидан ходимига нисбатан меҳнат мажбуриятларини ўз вақтида бажармаганлиги муносабати билан қўлланиши мумкин.

Интизомий-ҳуқуқий жавобгарлик ўрмончилик соҳасида Меҳнат кодекси ёки тегишли низом талабларини бузганлик учун қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддасига асосан, ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи қуидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли:

1) ҳайфсан;

2) ўртacha ойлик иш ҳақининг 30 %дан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима. Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртacha ойилик иш ҳақининг 50 %дан ортиқ бўлмаган миқдорида жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ходимнинг иш ҳақидан жарима ушлаб қолиш ушбу кодекснинг 164-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда иш берувчи томонидан амалга оширилади;

3) меҳнат шартномасини бекор қилиш (100-модданинг иккинчи қисми 3 ва 4-бандлари). Ушбу моддада назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўллаш тақиқланади.

**Маъмурий-ҳуқуқий**      **жавобгарлик**      ўрмон тўғрисидаги қонунларни ва ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқини бузганлик учун тегишли органлар томонидан қўлланилади. У Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига асосан амалга оширилади. Мазкур кодексда ўрмон билан боғлиқ 5 та ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик кўрсатилган.

1. Кесиладиган ўрмон фондидан фойдаланиш тартибини бузганлик учун:

Кесиладиган ўрмон фондидан фойдаланиш, ёғоч тайёрлаш ва ташиб олиб кетиш тартибини, шунингдек ўрмон кесиш чиптаси (ордери)да ёки ўрмон чиптасида белгиланган бошқа талабларни бузиш – фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса, бир бараваридан уч бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (ЎзР МЖКнинг 78-моддаси).

2. Дарахтлар, буталар ва бошқа ўрмон ўсимликлари ёки ниҳолларини ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёхуд йўқ қилганлик учун:

Дарахтлар, буталар, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш – фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса, бир бараваридан уч бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақрор содир этилган бўлса – фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса, уч бараваридан етти бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (ЎзР МЖКнинг 79-моддаси).

3. Ўрмонларни тиклаш, уларнинг ҳолатини ва тури таркибини яхшилашга, уларнинг маҳсулдорлигини оширишга, шунингдек, этилган ёғоч захираларидан фойдаланишга оид қоидалар ва йўриқномаларни бузиш – мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (ЎзР МЖКнинг 80-моддаси).

4. Ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилиб юборганлик учун:

Ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилиб юбориш – фуқароларга энг кам иш ҳақиниг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса, бир бараваридан уч бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (ЎзР МЖКнинг 83-моддаси).

5. Ўрмонларда ёнгин хавфсизлиги талабларини бузганлик учун:

Ўрмонларда ёнгин хавфсизлиги талабларини бузиш – фуқароларга энг кам иш ҳақининиг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса, бир бараваридан уч бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақрор содир этилган бўлса – фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса, уч бараваридан етти бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (ЎзР МЖКнинг 84-моддаси).

**Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик** меҳнат интизоми ва уни бажарилиш мажбуриятини бузганликда, тузилган шартнома талабларини бажармаганликда, қонунсизлик оқибатида давлатимизнинг экологик тизимиға, жумладан ўрмон бойликларига етказилган заарар натижасида вужудга келади.

Бу етказилган заарарни тўлатиш ёки қоплаш ҳуқуқбузарлик содир этган субъектга нисбатан даъво аризаси орқали мурожаат

етилади ва хўжалик суди ёки фуқаролик судлари томонидан мазмунан кўрилиб ҳал этилади. Урмон тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва ўрмондан фойдаланиш тўғрисидаги ҳукуқларни бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплаш, ундириш ва тўлатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси талаблари ва бошқа қонулар билан тартибга солинади.

**Жиноий-ҳукуқий жавобгарлик** ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноя кодексида ўрмон ва улар билан боғлиқ ножӯя хатти-ҳаракатларни содир этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 198-моддасида, экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дараҳтларга шикаст етказиш ёхуд уларни нобуд қилганлик учун жиноий жавобгарлик кўрсатилган. Ўнга кўра, оловга эҳтиёtsизлик билан муносабатда бўлиш натижасида экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дараҳтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш ёхуд бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса – энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўрмон ёки бошқа дов-дараҳтларни қонунга хилоф равища кесиш кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса – энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч ойдан олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дараҳтларга қасддан шикаст етказиш, уларни пайҳон қилиш, нобуд қилиш кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса – энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хуллас, касби коридан қатъи назар, ҳар бир фуқаро, корхона, муассаса, ташкилот, ширкат хўжалиги, ижараби дехқон, фермер хўжаликлари юртимизнинг бебаҳо бойлиги бўлган ўрмонларни муҳофаза қилишга, экологик ҳолатини тўлиқ сақланишига ўз хиссасини кўшмоғи лозим.

## **8-§. Ўрмонлардан фойдаланиш ва уларни экологик-ҳукуқий муҳофаза қилишда ички ишлар органларининг вазифалари**

Ўрмон бойликларидан фойдаланиш ва уларни экологик-ҳукуқий муҳофаза қилишда ҳам ички ишлар органларининг

фаолияти кенг. Ички ишлар органларининг ёнғиндан сақлаш бўлинмаси ўрмон ва ўсимликлар дунёси мавжуд бўлган жойларда ёнғин хавфини олдини олиш, унга қарши курашиш, ёнғинга қарши тегишли тадбирлар ўтказиш ва ёнғин чиққанда тезлик билан ўчириш вазифасини бажаради.

*Профилактика нозирлари* мавжуд ўрмонлар ва у ердаги барча табиат бойликларини экологик муҳофазасига алоҳида эътибор берадилар, ўрмонларни қирқиш ва улардан ноқонуний фойдаланишларга қарши тадбирлар олиб борадилар.

*Санитария милицияси* ўрмон ва дараҳтлар ўсадиган жойларда турли касалликлар пайдо бўлиши ва уни тарқалишини олдини оладилар ҳамда унга қарши курашадилар.

*ДИХХХ ходимлари* турли мақсадларда ноқонуний (ордерсиз) кесилган дараҳтларни транспорт воситалари орқали олиб кетиш жараёнини назорат қиласидилар ва уларни тегишли органлар ёрдамида давлатга қайтарилишини таъминлайдилар.

*Ички ишлар органларининг қўриқлаш хизмати* ўрмон бойликлари мавжуд бўлган, давлат аҳамиятига эга ўрмон худудларини қўриқлайдилар, муҳофаза қиласидилар ва ёнғин хавфсизлигини таъминлайдилар.

Хуллас, ички ишлар органлари ўрмон бойликларини муҳофаза қилишда бевосита Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан қабул қилинган барча норматив-хуқуқий хужжатларга, кўрсатма ва буйруқларга бўйсунадилар ҳамда уларни амалга оширадилар.

Шунингдек, ички ишлар органлари Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тўғрисида»ги қонуни талабларини амалга оширишда бир қатор бошқа вазифаларни бажаришда ва тадбирларни ўтказишда кўмаклашадилар.

### ***Такрорлаш учун савол ва топшириқлар***

1. Ўрмонларнинг жамият ва инсон ҳаётидаги экологик аҳамияти қандай?
2. Ўзбекистон Республикасида ўрмонлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг хуқуқий асослари нималардан иборат?
3. Ўрмонлардан фойдаланиш хуқуқи нима ва унинг мазмунига нималар киради?
4. Ўрмон бойликларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан давлат бошқаруви қандай олиб борилади?

5. Ўрмон бойликларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат назорати нималардан иборат?

6. Ўрмон тўғрисидаги конунларни бузганлик учун қандай юридик жавобгарликлар назарда тутилган?

7. Ички ишлар органларининг ўрмонларни муҳофаза қилишдаги ўрни ва вазифаларини айтиб беринг.

# ХІ БОБ

## АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ЭКОЛОГИК-ХУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

### **1-§. Атмосфера ҳавосини тирик мавжудот ҳаётидаги аҳамияти**

Сув, замин, қуёш ва ҳаво ҳаёт манбаидир. Ҳавонинг ифлосланиши одам, ҳайвон организмига, ўсимликлар ва бошқа тирик мавжудотларга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам Абу Али ибн Сино, агар ҳавода тутун билан чанг бўлмагандан одамлар минг йил яшар эди, деб бежиз айтмаган. Шуни таъкидлаш лозимки, инсоннинг яшаши учун энг асосий нарса ҳаводир. Одам озиқ-овқат емасдан беш ҳафтагача, сувсиз беш кунгача чидаши мумкин. Ҳавосиз эса, кўпи билан беш минутга чидайди. Аммо одамнинг нормал яшаши учун ҳавонинг ўзигина етарли эмас, у маълум таркибга эга бўлиши, тоза ҳолатда сақланиши зарур.

Тоза, мусаффо ҳаво деганда биз нимани тушунамиз?

Ҳаммамизга яхши аёнки, ер юзидағи бутун мавжудот ҳаво билан тирик. Ҳаво инсон учун сув ва қуёшдек мўътабар ва азиз! Она сайёрамизда ҳаётнинг мавжудлиги ҳам ер атмосферасида яшаш учун энг зарур омил бўлган кислороднинг етарли миқдорда борлигидир. Биз ҳаводан нафас олганимизда кислород нафас йўллари орқали организмимизга сингади, модда алмашуви сингари мураккаб ички биохимик жараёнлар юз беради. Одам бир кеча-кундузда ташки мухитдан 20 куб метр ҳаво олади. Унинг ўпкаси минутига 16-20 мартағача ҳаво ютиб, ҳаво чиқаради.

Маълумки, одамнинг ўпкаси орқали бир минутда ўрта ҳисобда 12 литр ҳаво ўтиб туради. Бир кеча-кундузда эса 17 минг 290 литр ҳаво ўтади. Бу эса 23 килограммни ташкил этади. Демак, одам ҳавони овқатта нисбатан 4-5 баравар кўп истеъмол қиласади.

Абу Бакр Розий таъкидлаганидек, табиатнинг беқиёслигини тан олмоқ керак. Кишининг қанчалик соғлом, носоғлом бўлиши ҳаво, иқлим ва яшаш тарзига боғлиқдир.

Тадқиқотчи олимларнинг маълумотларига қараганда, Американинг энг йирик саноат шаҳарлари – Лос-Анжелосда ҳаво атмосферасига ҳар куни 9 минг тонна, Нью-Йорқда 10 минг тонна

миқдорда газ иси чиқарып ташланади. Нью-Джерси шаҳрининг ҳаво атмосфераси таркибида 44 хил кимёвий модда борлиги аниқланган.

Статистика маълумотларига кўра, ҳозирги кунда жаҳон мамлакатларида 320 млн.дан зиёд автомобиль ҳаракатда. Автомобиль моторидан ҳавога чиқадиган газлар таркибида эса 200 хил турли заҳарли кимёвий моддалар борлиги ўрганилган.

Атмосферага чиқит чиқарилишини камайтириш мақсадида чиқариладиган газларни тозалашнинг юқори самарали воситаларини қурган ҳолда аспирация системаларини марказлаштириш, шу жумладан эскирган тозалаш аппаратларини модернизация қилиш ва янгилари билан алмаштириш, янги технология схемаларини жорий этиш, заарарли моддалар ҳосил бўлишини камайтириш методларини жорий қилиш, майда қозонхоналарни тугатиш, атмосферани булғатувчи моддалар чиқарилишини бошқариш ва назорат қилишни автоматлаштирилган системаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш зарур, 2005 йилгача атмосферага чиқариладиган ифлос газларни 60-65 % камайтириш керак.

Шаҳар ва саноат марказларида дараҳтзорларни кўпайтириш, яшил хиёбонлар сонини ошириш зарур. Олимларимиз катта кўча билан тураг жой бинолари орасида буталарни икки қатор қилиб ўтқазишини тавсия қиласяптилар. Бизда пахта тозалаш заводлари ҳавони ифлос қиладиган асосий манбалардан бири ҳисобланади. Пахта заводларидан чиқадиган чанг таркибида 15 – 32 % силиций оксид, 39 – 58 % силикат бўлади. Булар организм учун заарли. Шунинг учун мавжуд пахта заводларида чанг тутгич мосламаларни кўпайтириш, уларнинг энг самарали хилларини яратиш лозим. Чунки ҳавонинг мусаффолиги табиат мувозанатининг, инсон саломатлигининг гаровидир.

Шу ўринда ёзувчи Павленконинг «Бахт» асарида шифокор тилидан роман қаҳрамонига айтилган қўйидаги сўзларни келтириш мумкин: «Сизнинг дардингиз оддий дорига – ҳавога муҳтож. У қанча мўл бўлса, шунча яхши, уйкуда ҳам, бедорликда ҳам. Соф ҳаво сизнинг у ёғингиздан кириб бу ёғингиздан чиқсин, ҳар бир хужайрангизни ювсин. Очиқ ҳавода овқатланинг, ухланг ҳам. Шундай қилиб чекланмаган миқдорда ҳаво қабул қилинг», – деб бежизга айтмаган.

## **2-§. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишининг ҳозирги ҳолати**

Тирик мавжудоднинг яшаш манбаи бўлган ҳавони (атмосферани) муҳофаза қилиш, уни соғ ҳолда сақлаш ҳамма фанларнинг асосий вазифасидир.

Одамлар табиатни (ҳавони) муҳофаза қилиш табиатшунослик, биология, география, физика, кимё ва бошқа фанларнинг вазифаси деб биладилар. Бошқа фанлар қатори табиат бойликларини, ҳавони муҳофаза қилишда ҳуқуқшунослик фанининг ҳам аҳамияти бенихоя улкандр.

Ҳуқуқшунослик фанида ҳавони ҳуқуқий муҳофаза қилиш масаласига 1970 йилларнинг охири – 1980 йилларнинг бошига келиб эътибор берила бошланди. Кўриниб турибдик, биз табиат муҳофазаси, ҳавони (атмосферани) ҳуқуқий муҳофаза қилиш масаласига эътиборсизлик билан анча кечикиб муомалада бўлганмиз. Республикаимиз миқёсида ҳавони ҳуқуқий муҳофаза қилиш масаласига алоҳида эътибор берилмаган. Олимларимиз томонидан кўтарилаётган муаммолар кўп-у, аммо олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмас.

Хозирча биз айrim журнアル ва газеталарда чиқаётган мақолалар билан чекланиб қоляпмиз. Республикаимиз мисолида ҳавони ҳуқуқий муҳофаза қилиш масаласига бағишланган деярли бирорта илмий ишни кўрсатиш қийин. Оддий бир мисол, республикаимизда транспорт воситаларидан чиқсан заҳарли газлар бир йилда ҳар бир киши ҳисобига 203 – 208 килограммдан тўғри келар экан. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мамлакат миқёсида 450 дан ортиқ шаҳарга ҳавони текшириш учун доимий назорат пунктлари ўрнатган. Текширишлар натижасида ҳавосининг ифлослиги бўйича Тошкент шаҳри энг олдинги ўринларда туриши аниқланган. Кўриниб турибдик, атроф муҳитнинг экологик ҳолати ва худудлар экологик мувозанатининг бузилиши кўп жиҳатдан атмосфера ҳавосининг таркибиغا ҳамда унинг турли ишлаб чиқаришлар таъсиридаги салбий ўзгаришларга боғлиқdir. Бу ўзгаришлар сайёравий, регионал ва топологик (маҳаллӣ) масштабда рўй беради. Ўзбекистон ҳудудининг ўзига хос табиий хусусиятлари уни экологик хўжалик районларига ажратишга ва ҳар бир район ер усти атмосфера ҳавосининг ифлосланиш потенциалини аниқлашга имкон берди. Атмосфера ҳавосининг ифлосланишини бундай илмий башорат қилишда, асосан шамолларнинг такрорланиши, қанча вақт сурункали эсиши, турбулентлик коэффициенти ва бошқа хил кўрсаткичлардан фойдаланилди. Шунда ер юзасида атмосфера ҳавосининг ифлосланиш потенциали (АҲИП) республика ҳудудида 2,4 дан 3,3 гектаргача ўзгариши қайд қилинди. Чунончи, бу кўрсаткич Устюрда 2,4–2,7 гектар, Қуйи Амударёда 2,6–3,0 гектар, Қизилкўмда 2,7 гектар, Қуйи Зарафшонда 2,7–3,0

гектар, Чирчик-Оҳангарон районларида 3,0–3,3 гектар, Мирзачўлда 2,7–3,3 гектар, Фарғона водийсида 3,0–3,3 гектар, Самарқанд районида 2,7–3,3 гектар, Қашқадарё ҳавзасида 2,7–3,3 гектар, Сурхондарё ҳавзасида эса 2,7–3,3 гектарга тенг. Чирчик-Оҳангарон ва Фарғона водийси районларида атмосфера ҳавоси ифлосланиш даражасининг катталигига сабаб, бу ердаги худудий ишлаб чиқариш мажмуалари нисбатан ривожланганлиги, автотранспорт ҳаракатининг кўплиги, тоғ-кон саноатининг салбий таъсири ва қишлоқ ҳўжалигига заарли химикатлардан ортиқча фойдаланишдадир. Айни вақтда, бу жойларда ишлаб чиқариш чиқиндиларини камайтириш ёки зарарсизлантириш тадбирлари суст олиб борилган.

1990-йиллар маълумотларига кўра, республикада ҳавони булғаётган 35 000 доимий манба бўлиб, уларнинг ярмига яқинигина чанг ва турли хил заарарли газларни тутиб қолувчи ва тозаловчи моссламага эга, бу моссламаларнинг 4,1 қисми эса бузук ёки самарадорлиги жуда паст.

Атроф мухитнинг меъёрдан ортиқ ифлосланиши йирик шаҳарларга хос. Ўзбекистон Республикасида Олмалиқ, Фарғона, Бекобод, Андижон, Оҳангарон, Ангрен, Тошкент, Самарқанд, Навоий шаҳарлари атмосфера ҳавоси энг кўп ифлосланган шаҳарлар жумласига киради. Ўзбекистонда ер усти ҳавосининг ифлосланиши 1983 йилда энг юқори даражага етиб, сўнгги йилларда ахволнинг бирмунча яхшиланганлиги қайд қилинган. Саноат шаҳарларида ҳавони ифлослантирувчи асосий моддалар олтингурут II-оксиди ва азот оксидидир. Атмосфера ҳавосини бузувчи омиллардан яна бири, тобора ривожланаётган автомобиль транспорти ҳисобланади. Автотранспортларни янги, экологик безарар ёқилғи турларига ўтказиш, тежамли двигателларга ўтиш, кўчалар четига кўплаб дaraohtlar экиш ҳамон атроф мухит ҳолатини яхшилашнинг мухим муаммолари бўлиб қолмоқда. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, қишлоқ жойларда атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи асосий омил қишлоқ ҳўжалигига фойдаланиладиган турли хил учувчан кимёвий моддалар бўлса, йирик шаҳарларда эса шаҳар транспортидир. Чунончи, пойттахтимиз атмосфера ҳавосининг ифлосланишида шаҳар транспортининг ҳиссаси 80 %дан ортади.

Умуман республика бўйича, атмосферага ҳануз йилига 2,41 млн. тоннага яқин заарарли моддалар чиқариб юборилмоқдаки, булар атмосфера ҳавосинигина эмас, балки сув, тупроқ, инсон, ўсимлиқ ва ҳайвонот дунёсига ҳам маълум даражада зарар етказмоқда.

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, ҳаво бўшлиғининг ифлосланиши ҳам

республикада экологик ҳавфсизликка солинаётган таҳдиддир. Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, ҳар йили республиканинг атмосфера ҳавосига 4 млн. тоннага яқин заарли моддалар кўшилмоқда. Шуларнинг ярми углерод оксидига тўғри келади, 15 %ни углеводород чиқиндилари, 14 %ни олтингугурт кўш оксиdi, 9 %ни азот оксиdi, 8 %ни қаттиқ моддалар ташкил этади ва 4 %га яқини ўзига хос ўткир заҳарли моддаларга тўғри келади.

Атмосферада углерод йиғиндинсининг кўпайиб бориши натижасида ўзига хос кенг кўламдаги иссиқхона эффиқти вужудга келади. Оқибатда Ер ҳавосининг ўртача ҳарорати ортиб кетади.

Арид минтақасида жойлашган Ўзбекистон Республикасида тез-тез чанг бўронларини қўзғатиб турувчи, атмосферани чангтўзонга чулғатувчи Қорақум ва Қизилқум саҳролариdek йирик табиий манбалар мавжуд<sup>1</sup>.

Бемалол айтиш мумкинки, бу соҳада махсус қонунлар қабул қилинган, маҳаллий маъмурий органлар томонидан эса кўплаб қарорлар чиқарилмоқда, афсуски натижаси ҳаво ҳалокатини олдини олишга қодир эмас.

Албатта, бундай нохуш ҳолатларнинг сабаби, қонуннинг кучи, таъсири йўқлиги, одамларнинг экологик тушунчалари паст даражада эканлигидадир.

Шуни ҳам айтиш лозимки, республикаимизда 2005 йилгача бўлган «Табиатни муҳофаза қилишга оид давлат дастури» ишлаб чиқилди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Атроф мухит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси тузилиб, унда 26 нафар депутат фаолият кўрсатаётir, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг вилоят бўлимлари ишлаб турибди, лекин шаҳарларимизда, мусаффо осмонимизда кундан-кунга заҳарли газлар кўпайиб, ажал уруғи сепилаётir. Балки бунинг сабабларидан яна бири ҳозир ҳам эски буйруқбозлик, хўjakўрсинга ишлашлардир.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг аҳоли ўртасида ўтказган тадқиқотига кўра, одамларнинг экология, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни билмайдиган қисми 41 %ни ташкил қиласа экан. Республикаимизда аҳолининг 80 % ўз соғлигининг бузилишини экологик ҳолатни, ер, сув, ҳаво таркибини бузилишида деб билмоқдалар.

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., 1997. 129-б.

Хуллас, мутахассисларнинг маълум қилишича, «бешинчи океан» деб аталувчи сайёрамиз атмосферасининг заҳарли моддалар билан ифлосланиши, кейинги йилларда кескин тус олган. Эътибор берайлик, ерда, осмонда, ер ости бойликларида маълум миқдорда чегара мавжуд, аммо ҳаво ва сувда чегаранинг аҳамияти йўқ, келинг ҳавони муҳофаза қилайлик, ўзимизни-ўзимиз авайлаб келажакни сақлайлик, ҳалокатни олдини олайлик.

### **3-§. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг экологик-ҳуқуқий тадбирлари**

Ҳавони муҳофаза қилиш мақсадида экологик-ҳуқуқий тадбирларни белгилаш ва кучайтириш ҳам давлатимизнинг экологик сиёсатини белгилайди. Ўзбекистондаги мавжуд экологик вазият яхшиланмоқдами? Айтиш мумкинки, бу муаммо, жумладан ҳавони муҳофаза қилиш иши, илгаригидек турибди. Биз газ ва чанг билан ифлосланган ҳаводан нафас олаяпмиз, саломатликка зарарли бўлган, таркиби турли хил зарарли моддаларга бой сувни ичмоқдамиз, кўз олдимиизда дарахтлар кўриб қолмоқда, болалар тез-тез касал бўлиб, инсон умрининг қисқариши пасайиб кетмоқда.

Кейинги йилларда атмосфера ҳавосининг тозалиги устида назоратнинг кучайтирилиши, корхоналарда технология жараёнларининг такомиллаштирилиши, ҳаво тозалагич мосламалардан кўплаб фойдаланиш, мутахассисларнинг экологик онги ва масъулиятининг ошиши, «Экосан» ҳалқаро экологик ва саломатлик жамғармасининг ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг фаол саъй-харакати натижасида Ўзбекистон Республикасида бир қанча ижобий силжишлар рўй бермоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, бу соҳада жуда катта ишлар қилиниб, 1998 йил 7 майда Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси қабул қилинди. Ушбу қонун IV бўлим, XV боб, 135 та моддадан иборат бўлиб, ҳавони муҳофаза қилишга доир янги ҳуқуқий тадбирларни белгилади.

Мазкур қонуннинг 3-моддасига асосан, «Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳаво кемалари парвози хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳалқ хўжалиги ва фуқароларининг эҳтиёжларини қондириш мақсадларида авиация фаолиятини ҳамда самовий худуддан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилайди».

Бундан ташқари, атмосфера ҳавосини ҳуқуқий муҳофаза қилиш Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг, Давлат бошқаруви ва назорати бош инспекциясининг тегишли буйруқлари ҳамда бошқа қонунлар билан ҳуқуқий экологик муҳофаза қилинади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 20-моддасида атмосфера ҳавосидан фойдаланиш шартлари ва талаблари аниқ кўрсатиб берилган.

Ушбу қонунда, «Атмосфера ҳавоси дейилганда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди устидаги ҳаво бўшлиғи тушунилади. Ҳаводан фойдаланишда муайян ҳудуд ҳавосининг сифатини ўзгартирмаслик, уни белгиланган нормативлардан ортиқ даражада ифлослантирмаслик ёки сийриклиштирмаслик шарти билан йўл қўйилади.

Халқаро битимга мувофиқ, вазирликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, хусусий шахслар озон қатламига зарарли таъсир этувчи кимёвий моддалар ишлаб чиқариш ҳамда бундай моддалардан фойдаланишни қисқартиришлари ва келгусида батамом тўхтатишлари шарт», – деб ёзиб қўйилган.

Мазкур қонун кишиларга яхши турмуш шароитлари яратиш – меҳнат қилиш, дам олиш, соғлигини сақлаш учун зарур шароит таъминлаш, моддий ишлаб чиқариш ва маданиятни янада ривожлантириш учун атмосфера ҳавосининг ҳолатини яхши сақлаш, унинг тикланиши ва яхшиланишига қаратилган. Қонунда мустақил Ўзбекистон давлати атмосфера ҳавоси ифлосланишининг ва унга кўрсатиладиган бошқа зарарли таъсирларнинг олдини олиш ва бартараф қилишга қаратилган, илмий жиҳатдан асосланган техник, иқтисодий, социал ва бошқа комплекс тадбирларни ўтказади, шунингдек, бу соҳада халқаро ҳамкорликни амалга оширади, деб аниқ кўрсатилган.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг асосий манбаи бўлиб, Ўзбекистон Республикасида 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун ҳисобланади. Унга асосан, атмосфера ҳавоси табиий ресурсларнинг таркибий қисми бўлиб, у умуммиллий бойлик ҳисобланади ва давлат томонидан муҳофаза қилинади. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

Қорақалпоғистон Республикасида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон

Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Қабул қилинган «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг асосий вазифалари нималардан иборат?

Мазкур қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари қуидагилардан иборат:

- атмосфера ҳавосининг табиий таркибини сақлаш;
- атмосфера ҳавосига заарли кимёвий, физикавий, биологик ва бошқа хил таъсир кўрсатилишининг олдини олиш ҳамда камайтириш;
- давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш.

Юқоридаги қонуннинг 4-моддасига кўра, фуқаролар ҳаёт ва соғлик учун қулай атмосфера ҳавосига эга бўлиш, атмосфера ҳавосининг ҳолати ҳамда уни муҳофаза қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ўз вақтида ва ишончли ахборот олиш, атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмлар чиқарилиши ҳамда физикавий омилларнинг атмосферага заарли таъсир кўрсатиши орқали ўзларининг саломатлигига ҳамда мулкига зиён етказилган ҳолларда заарни ундириб олиш ҳуқуқига эгадирлар. Фуқаролар атмосфера ҳавосини аввайлашлари, унинг ифлосланишига, камайишига ва унга физикавий омиллар заарли таъсир этишига олиб келувчи ҳаракатларни қилмасликлари шарт.

Албатта бу тадбирлар барча табиат бойликлари қатори, атмосфера ҳавосидан оқилона фойдаланиш, уни ифлосланишдан сақлаш учун асосий ҳуқуқий тадбирлардир. Экологик муаммо нақадар долзарб, шунинг учун ҳам атмосфера ҳавосини ҳуқуқий муҳофаза қилиш, уни ифлосланишига қарши чора-тадбирлар белгилаш, мусаффолигини таъминлаш масаласи «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасида ўз аксини топган. Унда барча корхоналар ҳавога заҳарли газлар, чиқиндилар, тутунлар ва химиявий моддалар чиқарганликлари учун қонун олдида жавобгарлиги белгиланган.

Шунинг учун ҳам «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддаси талабларини, яъни атмосфера ҳавосига заарли таъсир кўрсатувчи транспорт воситалари ва бошқа қатнов воситалари ҳамда қурилмаларини таъмирлайдиган ва уларга техник хизмат кўрсатадиган корхоналар ва ташкилотлар ишлатилган газлардаги

ифлослантирувчи моддалар миқдорининг ҳамда уларнинг физикавий омиллари зарарли таъсир кўрсатишнинг нормативларга мувофиқлигини текшириш ва тартибга солиб туришни таъминлашига оид вазифаларини ҳам ўз вақтида бажаришлари лозим.

#### **4-§. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятлар ва давлат ҳисобини юритиш**

Атмосфера ҳавосидан фойдаланувчи барча юридик ва жисмоний шахслар ўз вақтида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишлари ва ундан давлат стандарти талаби асосида фойдаланишлари шарт ва зарур. Шунинг учун ҳам, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунга асосан, улар бир қатор мажбуриятларни ўз вақтида бажаришлари лозим. Ушбу қонуннинг 24-моддасига кўра, барча корхона, муассаса ва ташкилотларнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятлари қўйидагилардан иборат.

- фаолияти атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар, биологик организмлар, иссиқхона газлари ва озонни бузувчи моддалар чиқариш;
- атмосферага чиқарилган чиқиндиларни тозалаш ва заарли физикавий таъсирни камайтириш учун иншоотлар, асбоб-ускуналар ва аппаратуралардан, шунингдек, улар устидан назорат қилиш воситаларидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш;
  - хўжалик обьектлари теварагида санитария муҳофаза зоналари барпо этиш;
  - чиқиндилар чиқаришни ҳамда заарли физикавий таъсирни камайтириш чора-тадбирларини кўриш;
  - чиқариладиган чиқиндилар ҳамда физикавий омиллар заарли таъсирининг йўл қўйиладиган доирадаги нормативларига риоя қилиш устидан назорат ўрнатиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва белгиланган тартибда статистика ҳисботини тақдим этиш;
  - энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш, ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш, экологик жиҳатдан тоза энергия манбаларидан фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш;
  - метеорология шароитлари ноқулай келиши кутилаётганилиги муносабати билан атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмлар чиқаришни камайтириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда чора-тадбирлар кўриш;

- корхоналар ва транспорт коммуникацияларининг таъсир доирасида атроф мухитга ҳамда аҳоли саломатлигига заарли таъсир кўрсатилишини баҳолаш;
- кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар ҳамда буғланувчи бирикмаларни сақлаш, фойдаланиш ва улардан бўшаган идишларни заарарсизлантириш шартларига риоя қилиш;
- атмосферага бирварақайига ёки авария туфайли чиқиндилар чиқиши, яширин ҳавфли вазиятлар юзага келишининг олдини олиш, шунингдек, атмосфера ҳавосининг чегаралараро ифлосланишини камайтириш чора-тадбирларини кўриш;
- чиқиндиларни йўқ қилишни таъминлаш ҳамда улар тўпланиб қолганида ва қайта ишланаётганида атмосфера ҳавосини ифлосланишининг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини бажариш тупроқ, сув ва атроф-табиий мухитнинг бошқа обьектлари ифлосланишига олиб келмаслиги лозим.

Мазкур қонунга асосан, атмосфера ҳавосига заарли таъсир кўрсатганлик учун маълум тўлов тўлаш тартибига ҳам риоя қилиш талаб этилади. Қонуннинг 25-моддасига кўра, атмосфера ҳавосига заарли таъсир кўрсатганлик учун тўловлар корхона, муассаса ва ташкилотлардан қонун ҳужжатларида белгилаб кўйилган тартиб ва миқдорда ундириб олинади.

Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни ва биологик организмларни чиқарганлик, унга физикавий омилларнинг заарли таъсир кўрсатганлиги ҳамда атмосфера ҳавосидан фойдаланганлик учун тўловлар тўлаш корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни ҳавони муҳофаза қилиш чора-тадбирларини бажаришдан ва етказилган заарни қоплаш мажбуриятидан озод этмайди. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат ҳисобини юритиш тартибини аниқ белгилаш ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, қонунда ўз аксини топган. Кўйидагилар давлат томонидан ҳисобга олиниши зарур:

- атмосфера ҳавосининг ҳолатига заарли таъсир кўрсатаётган ёки заарли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган обьектлар;
- фойдаланилаётган атмосфера ҳавосининг ҳажмлари;
- атмосфера ҳавосига чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар, биологик организмлар, иссиқхона газлари ва озонни бузувчи моддаларнинг турлари ва миқдори;
- атмосфера ҳавосига физикавий омиллар кўрсатадиган заарли таъсирнинг турлари ва ҳажмлари.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат ҳисобини юритиш Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

томонидан белгиланадиган тартибда, ягона тизим бўйича амалга оширилади.

## **5-§. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви ва назорат қилиш тартиби**

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви ва назорат қилиш тартиби мамлакатимиздаги атмосфера ҳавосига эътиборли бўлиш ҳамда уни ҳуқуқий муҳофаза қилишга қаратилгандир.

Узбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 7-моддасидан 11-моддасигача давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг табиатни муҳофаза қилишга тааллуқли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари аниқ кўрсатилган. Мазкур қонунда ифода этилган барча органларнинг ваколатлари бевосита атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш масаласига ҳам тегишилдири.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви ва назорат қилиш тартиби, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунида ҳам ўз аксини топган. Мазкур қонуннинг 5-моддасига кўра, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари амалга оширадилар.

Республикаимизда атмосфера ҳавосидан фойдаланиш талаб даражасида эмас. Ҳар йили ҳавога 4 млн. тоннагача зарарли моддалар пуркаляпти. Шунинг учун ҳам атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва унган бўлган муносабатни қаттиқ назорат қилиш лозим.

Самовий худуддан фойдаланиш тўғрисидаги низомга мувофиқ, самовий худуддан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви ва назоратини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги зиммасига юклатилади. Фуқаро ва экспериментал авиация фаолияти соҳасидаги бошқарув ва назоратни Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти амалга оширади.

Давлат авиацияси фаолияти соҳасидаги бошқарув ва назоратни ўз ваколатлари доирасида Мудофаа вазирлиги,

Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ давлат бошқарувининг бошқа органлари амалга оширадилар.

Шунингдек, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунга биноан, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини олиб бориш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилган. Мазкур қонуннинг 28-моддасига асосан, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан, шунингдек, маҳсус ваколат берилган давлат органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш устидан назорат қилиш бўйича маҳсус ваколат берилган давлат органлариридир.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш устидан идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Атмосфера ҳавосининг ҳолатини кузатиш, ахборот тўплаш, умумлаштириш, таҳлил этиш ва истиқболини белгилаш атроф-табиий мұхитнинг давлат мониторинги ягона тизими бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади.

Ана шундай қонун ва ҳуқуқий нормалар мавжуд бўла туриб ҳам атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ишида айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, бутун республика ва Сурхондарё аҳолисини безовта қилаётган Тожикистон Алюминий заводининг ҳавони заҳарлаш билан боғлиқ экологик таъсирини кўрайлик. У ердаги фторли бирикмалар таъсирига бир эътибор беринг. Умумдавлат кузатув маҳкамасининг маълумотларига кўра, Турсунзода районида ана шу бирикмаларнинг ўртача йиғилиб қолиши ёз ойларида нормадагидан 2,4 баравар ортиқ бўлди. Бу бирикмалар асосан Ўзбекистонинг Сариосиё районига ёйилмоқда. Бу районда ҳавонинг булғаниши нормадагига нисбатан 4,8 баравар кўп бўлади. Аҳоли таҳликага тушиб қолди. Заводда электролиз ванналарнинг бир қанчаси тўхтатиб қўйилди, айборларга жарима солинди. Сариосиё районида болаларнинг касалга чалиниши 2,8 баравар кўпайди. Катталар орасида касалга чалиниш 2,2 бараварга ошди. Одам организмининг касалликларга бардош бериши сусайди, гўдакларнинг сут тиши чириши касаллиги икки марта ва енгил флюороза касалига чалиниш 8,8 баравар кўпайди.

Турсунзода районида болаларнинг касалга чалиниши 12 %, нафас йўлларининг касалланиши 1,4 баравар кўпайди, туғма мажруҳлик 9 баравар ортди. Бу жуда хавфли кўрсаткичидир.

Таркибида фторли водород бўлган корхона чиқиндилари токзорларга, мевали дарахтларга, пилланинг маҳсулдорлигига ҳам салбий таъсир эттаётганини тадқиқотлар кўрсатиб турибди. Тиббиёт ходимларининг хulosаси бўйича, заҳарланган ҳаво одамларга хавфли таъсир кўрсатмоқда. Жарқўргон райони Тоҷикистон Алюминий заводидан 130 километр олисликда, лекин касалликка чалиниш сони ҳайратомуз даражада фарқ қиласди. Жумладан, қон айланиш аъзоларининг касалланиши минг киши ҳисобига Сариосиёда – 364,4 нафар бўлса, Жарқўргонда – 6837, нафас олиш аъзоларининг касалланиши Сариосиёда 308,5 бўлса, Жарқўргонда – 162,29, асаб системаси касалликлари тегишлича 248,3 ва 139,5; эндокрин касалликлари 43 ва 11,5; юкумли ҳамда паразитар касалликлар бўйича 196,1 ва 5 кишини ташкил этар экан. Бу заводдан чиқаётган фтор бирикмаларининг таъсири Сариосиё районида сутда – 15 марта, анорда – 8, картошка ва пиёзда – 20, олмада – 23 марта кўп.

Шунингдек, республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам атмосфера ҳавосини ифлосланиш даражаси жуда юқори. Масалан, Олмалиқ цемент заводи бир кечада кундузда 19 тонна заҳарли газ ва чангларни атрофга чиқаради. Чирчиқдаги саноат корхоналари, ТашГРЭС, Ядро физикаси институти, СоюзНИХИ каби ўнлаб йирик обьектлар борки, улар нафақат туман, балки пойттаҳт ва бошқа шаҳарларнинг табиатига, ери ва сувига, ҳайвонот оламига, энг муҳими, инсонлар саломатлигига ҳаддан ташқари зиён етказмоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотларига қараганда, хасталикларнинг 20 % у ёки бу даражада атроф муҳитнинг ифлосланишига боғлиқ. Бундан ҳар йили 8–10 млн. сўмдан зиёдроқ зарар кўряпмиз.

Республикада 1104 та саноат корхонаси бор. Улар ҳавога 1 млн. 300 минг тоннадан ортиқ заҳарли модда чиқармокда. Устига-устак ана шу чиқиндиларнинг ярмидан кўпи тозаланмаган. Нега шундай бўлмоқда? Сабаби шундаки, барча саноат корхоналарининг 68 %гина тозалаш иншоотларига эга, 43 %га газ-чангютгичлар ўрнатилган. Аммо уларнинг 22 % самарали ишламаяпти.

Қурилиш индустрияси корхоналарида аҳвол бундан ҳам ёмон. Уларга ўрнатилган газ-чангютгичларнинг беш % бузук ёки самара бермаяпти. Ўзбекистон Маиший хизмат кўрсатиш вазирлиги, Нефть маҳсулотлари давлат қўмитасига қарашли бир неча

корхоналарда заҳарли моддалар тозаланмасдан ҳавога чиқарилаётир.

Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ахволни яхшилаш учун қандай чораларни кўрмоқда?

Участкаларда, цехларда ишни тұхтатиш тўғрисида қарорлар қабул қилинмоқда, бундай ҳолларга йўл қўяётган корхоналарнинг раҳбарларига жарималар солиняпти, атроф мухитни беҳад ифлослантираётганларнинг иши прокуратурага ўтказилаётир. Демак, кўп нарса корхоналарнинг раҳбарларига боғлиқ. Улар цехлар, участкаларни қайта қуриш, тозалаш иншоотларини ўрнатиш чораларини кўришлари зарур.

Республикада ишлаб чиқариш қолдиқларидан қониқарсиз фойдаланилмоқда. Масалан, Олмалиқ кимё заводида 42 млн. тоннадан ортиқ фосфоргипс тўпланиб қолган. Самарқанд кимё заводида ана шундай модда 25 млн. тоннани ташкил этади. Андижон гидролиз заводида 45 млн. тонна лигнин, Янгийўл биокимё заводида кўплаб чиқиндилар тўпланиб қолганлиги аниқланган. Лигниндан ўғит сифатида фойдаланишга уриниб кўрилди, аммо бу ўзини окламади. Олимлар эса янги усуулларни таклиф эта олмаяптилар.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги стандартлар ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида олиш атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишни таъминлайди. «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг б-моддасига кўра, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги стандартлар атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тартибини, унинг ҳолати устидан назорат усуулларини аниқлаб беради, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича ўзга талабларни белгилайди.

Инсон учун атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги стандартлар (санитария нормалари) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан, атроф-табиий мухит обьектлари учун атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, иклимини ва озон қатламини сақлаш соҳасидаги стандартлар эса Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш учун Табиатни муҳофаза қилиш республика ва вилоят қўмиталари олға қадам ташлаб, аниқ фикрни айтишлари лозим. Албатта буни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни асосий манба бўлади. Ҳозирги пайтда бу масалада хорижий мамлакатлар тажрибасидан кенгроқ фойдаланиш зарур. У ерларда ишлаб чиқариш характеристи билан боғлиқ бўлган ҳар қандай хусусий

мулкчилик ташаббуси ҳам жиддий экологик экспертизадан ўтади. Бундан ташқари, АҚШ, Англия, Германияда шундай жазо чоралари мавжудки, агар маълум корхона ( завод) атроф муҳитни назорат қиласидиган вазирлик ёки идоранинг кўрсатмасига бўйсунмаса, бу корхона батамом тугатилади.

Шундай экан, биз ҳавони тозалигини таъминлаш учун бор имкониятларни қўллаб, назоратни кучайтиришимиз лозим.

## **6-§. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ва талабларни бузганлик учун жавобгарлик**

Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни ва Ҳаво кодексининг 93-моддасида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунларни ва экологик талабларни бузганлик ҳамда уларга амал қиласлик учун маъмурий, жиноий жавобгарликлар белгиланган. Қонунда (уставга мувофиқ) атмосфера ҳавоси ҳақидаги қонунларни бузганлик учун интизомий ва фуқаровий жавобгарликлар ҳам мавжуд. Жумладан, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 29-моддасига асосан, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш оқибатида етказилган зарар ўрнини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қоплашлари шарт. Зарар ўрнини қоплаш айборларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишдан озод этмайди.

**Маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик.** Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ва талабларни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида кўрсатилган. Ушбу қонунда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган 85, 86, 87, 88-моддаларда аниқ маъмурий жавобгарлик ҳоллари кўрсатилган.

Мазкур экологик ҳуқуқбузарликнинг объекти, атроф-муҳит, ифлослантирилаётган обьектлар ёки асосан атмосфера ҳавоси ҳисобланади. Субъекти эса, корхона, муассаса, ташкилотлар ёки юридик ва жисмоний шахслар бўлишлари мумкин.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 85-моддасига биноан, қуйидаги ҳолатда маъмурий жавобгарлик қўлланилади:

- ифлослантирувчи моддаларни атмосферага йўл кўйиладиган нормативдан ортиқ даражада чиқариб ташлаш;
- атмосфера ҳавосига йўл кўйиладиган энг юқори нормативдан ортиқ даражада заарли физик таъсир ўtkазиш;
- маҳсус ваколат берилган давлат органларининг руҳсатисиз атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқариб ташлаш;
- ҳужжатларига мувофиқ зарур бўлган тақдирда маҳсус ваколат берилган давлат органларининг руҳсатини олиш лозим бўлган ҳолларда бундай руҳсатни олмай туриб атмосфера ҳавосига заарли физик таъсир кўрсатиш, худди шунингдек, ноқулай метеорологик шароит даврида атмосферанинг ифлосланганлик даражаси ортиб кетишига сабаб бўлувчи ифлослантирувчи моддаларни чиқаришни қисқартириш чора-тадбирларини тўлиқ ҳажмда бажармаганлик ва бундай моддаларни бир йўла чиқариб ташлашларнинг олдини олиш чора-тадбирларини амалга оширмаслик – мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, мазкур кодекснинг 86-моддасида бошқачароқ содир этилган хатти-ҳаракат учун ҳам маъмурий жавобгарлик аниқ кўрсатилган. Жумладан, атмосферага чиқариладиган заарли моддаларни тозалаш учун ўрнатилган иншоотлар, ускуналар, аппаратуралардан, шунингдек, чиқариб ташланадиган заарли моддалар миқдори ва таркибини назорат қилувчи воситалардан фойдаланиш қоидаларини бузиш ёки улардан фойдаланмаслик – мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса - мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 87-моддасида чиқиндиларида ифлослантирувчи моддалар нормативдан ортиқ бўлган транспорт ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни тайёрлаш ҳамда фойдаланишга чиқариш тартиби бузилиши оқибатидаги содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик кўрсатилган.

Чиқиндиларида ифлослантирувчи моддалар, шунингдек ишлаб турган вақтида шовқин ва бошқа физик таъсир даражаси белгиланган нормативдан ортиқ бўлган автомобиллар, самолётлар, кемалар ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни тайёрлаш ҳамда фойдаланишга чиқариш –

mansabdor shaxslarغا энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Чиқиндиларида ифлослантируви моддалар, шунингдек ишлаб турган вақтида шовқин даражаси белгиланган нормативдан ортиқ бўлган ҳаракатланувчи қурилмалардан фойдаланиш – энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккidan бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмida назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса – фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса, уч бараваридан етти бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

МЖТКда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талаблariга риоя қилмаганлик учун ҳам маъмурий жавобгарлик аниқ белгиланган. Ушбу кодекснинг 88-моддасида ана шу талабларни бузганлик учун жавобгарлик мавжуд. Унга кўра, қурилиш ишларини ва бошқа ишларни бажариш чоғида ёнилғи моддалар ва бинокорлик материалларини тўплаш, маҳсус техник қурилмасиз очиқ аланга олдириб ёкиш, битум эритишида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик – фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса, бир бараваридан уч бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса – фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса, уч бараваридан етти бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**Жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик.** Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш билан боғлиқ содир этилган жиноий ҳуқуқбузарлик учун 2 моддадан иборат жазо тизими кўрсатилган.

Атроф-табииий муҳит (атмосфера ҳавосини)нинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасдан яшириш ёки бузиб кўрсатиш учун ҳам жиноий жавобгарлик кўрсатилган. Жумладан, ЖКнинг 194-моддасига асосан, маҳсус ваколатга эга мансабдор шахслар томонидан зарарли экологик оқибатларни келтириб чиқарган ҳалокатлар ёки атроф-табииий муҳитнинг радиациявий, кимёвий, бактериявий ифлосланганлиги ёхуд одам ҳаёти ёки соғлиғи, тирик табиат учун хавфли бўлган бошқача тарзда ифлосланганлиги ҳақидаги ёхуд аҳоли саломатлигининг ҳолатига доир маълумотларни қасдан яширилиши ёки бузиб

тақдим этилиши аҳолининг оммавий касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса – энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳукуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар одам ўлишига сабаб бўлса – уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки муайян ҳукуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКда кўрсатилган иккинчи жиноят тури атроф-табиий муҳитни, жумладан атмосфера ҳавосини ифлослантирганлик учун жазо чорасини кўрсатилишидир.

Ушбу масала ЖКнинг 196-моддасида ўз ифодасини топган. Зеро, ушбу моддага асосан, ерларни ифлослантириш ёки бузиш, сув ёки атмосфера ҳавосини ифлослантириш одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача бўлган миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳукуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар одам ўлишига сабаб бўлса – уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки муайян ҳукуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**Интизомий-ҳуқукий жавобгарлик.** Интизомий жавобгарлик ишчи ва хизматчиларни, мансабдор шахсларни меҳнат қилиш жараёнида бажариши керак бўлган мажбуриятларини бажармаслик, қабул қилинган фармон, қарор, буйруқ ва кўрсатмаларга амал қиласлиқдан келиб чиқади.

Интизомий жавобгарлик асосан, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ҳақидаги ҳуқукий нормаларни бажармаганлик учун корхона, муассаса ва ташкилот раҳбари томонидан белгиланади.

Атмосфера ҳавоси ҳақидаги қонунларни бузганлик учун интизомий жавобгарлик у содир этилиб аниқлангандан кейин 1 ой ичида қўлланиши лозим. Агар ишчи, хизматчи касал ёки дам олишда бўлса, бу вақт ҳисобга кирмайди. Интизомий жавобгарликка тортилган фуқаро берилган жазодан норози бўлса, у 1 ҳафта ичида судга ёки бошқа «Меҳнат низоларини кўриб чиқувчи комиссия»га мурожаат қилиши мумкин.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун, табиатни муҳофаза қилиш қоидаларига эътибор

бермаганлик ва уларни бажармаганлик учун, тегишли режа ва тадбирларни амалга оширганлик учун корхона, муассаса ёки ташкилот раҳбари мукофотдан тўлиқ ёки қисман маҳрум этилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилган Мехнат кодексига асосан, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ва талабларни бузганлик учун қуийидаги интизомий жазолар кўпланилади:

1) ҳайфсан;

2) ўртача ойлик иш ҳақининг 30 %дан ортиқ бўлмаган микдордаги жарима. Ички меҳнат тартиби қоидаларига кўра, ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг 50 %дан ортиқ бўлмаган микдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Ходимнинг иш ҳақидан жарима ушлаб қолиш ушбу кодекснинг 164-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда иш берувчи томонидан амалга оширилади;

3) меҳнат шартномасини бекор қилиш (110-модданинг 2-қисми 3 ва 4-бандлари).

Ушбу моддада назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўллаш тақиқланади.

Шуниси эътиборлики, мазкур масала юзасидан интизомий жазо берилгани тўғрисидаги бўйруқ (фармойиш) ёки қарор ходимга маълум қилиниб, тилҳат олинади.

**Фуқаровий-хукукий жавобгарлик.** Мазкур жавобгарлик, атроф муҳитни ифлослантирганлик, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ва талабларни бузганлик учун Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

Фуқаровий-хукукий жавобгарлик интизомий жавобгарлик асослари билан бироз боғлиқ ва ўхшаш. Шунинг учун ҳам фуқаролик жавобгарлиги меҳнат интизоми ва уни вижданан бажариш мажбуриятининг бузилиши, тегишли шартномаларни ўз вақтида бажармаслиги, меҳнат интизомига риоя қилмаслик битимларнинг амалга оширилиш ҳолатларига эътибор бермаганлик оқибатида етказилган зарар, шунингдек, экологик талабларга риоя этмаслик ва экологик қонунларни бузиш оқибатида вужудга келади.

Бунда асосий талаб етказилган экологик зарар қопланиши ва тўланиши лозим бўлади. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ва талабларни бузганлик учун етказилган зарарни тўлатиш тартиби хўжалик судларига даъво аризаси бериш билан боғлиқ бўлади ва улар томонидан ҳал этилади.

Ўзбекистон худудида санитария қоидаларини қўпол равища бузиб, ҳавони, сувни ва бошқа табиат бойликларини

ифлослантиrsa ҳамда зарар етказса, Ўзбекистон Республикаси «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги 1992 йил 3 июлда қабул қилинган қонун, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талаблари асосида жавобгарлик белгиланиб, амалдаги қонунлар билан тартибга солинади.

## **7-§. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда ички ишлар органларининг ўрни ва вазифалари**

Ўзбекистон Республикасида барча вазирлик ва қўмиталар қатори ИИВ ҳам атроф муҳит муҳофазаси ва табиий манбалардан фойдаланиш, уларни муҳофаза қилишда бир қатор ишларни амалга оширади.

Атмосфера ҳавосини ифлослантириш кўпроқ транспорт воситалари фаолияти билан боғлик бўлгани учун, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, асосан Давлат йўл ҳаракати ҳавфсизлик хизмати ходимлари (ДИХХХ) зиммасига тушади.

Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 14 ноябрда қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги давлат автомобил назорати ходимларининг масъулиятини оширишга қаратилган чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори катта аҳамиятга эга.

Мазкур қарор ДИХХХ ходимларига атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда алоҳида эътибор бериш, уларнинг экологик-хуқуқий маданияти ва маънавияти юқори бўлиши ҳамда ўз касбини севиб, ардоқлашига алоҳида эътибор қаратди.

Демак, ДИХХХ ходимлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилаётган ва фойдаланилаётган ҳаракатдаги манбалар учун қўйидаги ГОСТлардан фойдаланишни назорат қилишлари лозим.

- темир йўл транспорти бўйича 24028–80, 24585–81, 30574–98;
- автомобил транспорти ва қишлоқ хўжалик машиналари бўйича 17.2.2.03–87; 21393–75; 17.2.2.02–98, 23734–98, 17.2.2.01–84, 17.2.2.02–86, 17–2.2.04–86.
- авиация транспорти учун 17.2.2.04–86.

Шуниси эътиборлики, РД 118.0027714.32–93 сонли «Атмосферага заарли моддалар чиқариш учун рухсатномалар

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. № 9. 355-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1995. № 6. 118-модда; 1999. № 5. 124-модда.

бериш тартиби» раҳбарий ҳужжатга асосан корхона ва ташкилотларга қўзғалмас манбалардан чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар учун Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ПДК меъёрий лойиҳасига мувофиқ руҳсатнома берилади.

Республикамиз ҳудудига транспорт ва ҳаракатланувчи воситаларни олиб келиниши ва олиб кетилишини назорат қилиш ДИХХХ ваколати доирасига киради.

ДИХХХ бўлимлари тасдиқланган «Экологик талонлар бериш, автомобил двигателларидан чиқаётган ишлатилган газлар заҳарлилигини (тутун миқдорини), назорат ўлчов ишларини амалга ошириб, олиб кирилаётган автомобилларга сертификат бериш ва транзит автоуловларга руҳсатномалар бериш» низомга асосан, республикага кириб келиш постларида транзит автоуловларга экоруҳсатномалар, олиб кирилган автомобилларга уларни рўйхатга олиш вақтида эко сертификатлар берадилар.

Демак, ДИХХХ ходимлари атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишларида «Экология постлари», «Экотрансназорат» пости ва бошқа органлар билан ҳамкорликларини кучайтиришлари лозим. ДИХХХ ходимларининг «Тоза ҳаво» тадбирини мунтазам ўтказиши атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга оз бўлса да ёрдам беради.

Хуллас, ички ишлар органлари тизимида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда фақат ДИХХХ ходимлари эмас, балки санитария милицияси, ёнғинга қарши кураш ва қўриқлаш хизмати, профилактика нозирлари ҳам тегишли ёрдам кўрсатишлари лозим.

### ***Такрорлаш учун савол ва топшириқлар***

1. Атмосфера ҳавосининг тирик мавжудот ҳаётидаги аҳамияти нимада?
2. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?
3. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг қандай экологик-ҳуқуқий тадбирларини биласиз?
4. Фуқароларнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги асосий мажбуриятлари нималардан иборат?
5. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат ҳисоби қандай юритилади?
6. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувининг моҳияти нимада?
7. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат назорати қандай олиб борилади?

8. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш түғрисидаги қонун ва талабларни бузганлик учун қандай юридик жавобгарлик белгиланган?

9. Ички ишлар органларининг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишдаги ўрни ва вазифаларини айтиб беринг.

## XII БОБ АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ХУДУДЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК-ХЎҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

### **1-§. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлар экологик-хўқуқий ҳолати ва унинг хусусиятлари**

Бугунги кунда жамият ва табиатнинг ўзаро таъсирига доир муаммолар тобора долзарб бўлиб бормоқда ва ҳозирги, шунингдек келгуси авлодларнинг фаравонлиги, умуман, жаҳон цивилизациясининг тақдири экологик муаммоларнинг ижобий ҳал этилишига борган сари кўпроқ боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Фан-техника ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида кескин ўзгариб бораётган атроф муҳит экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда, инсон ҳаётига, турмуш тарзига ҳамда генетик фонди ва ирсиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса ҳозир ер юзида яшаб турганларнинггина эмас, балки келгуси авлоднинг ҳам саломатлигига, айниқса ер, сув, атмосфера ҳавоси, ер ости бойликлари, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, табиат ва тарихий ёдгорликларнинг табиий ҳолатига ҳам салбий таъсир қилмоқда.

Бу масалага, Ўзбекистон ҳукумати мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ эътибор берди ва 1993 йил 7 майда «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида»<sup>1</sup>ги қонунни қабул қилди.

Мазкур қонун, ҳозирги ва келажак авлод манфаатларини кўзлаб ноёб ҳамда экологик, иқтисодий, илмий, маданий, тиббий ва эстетик нуқтаи назардан миллий бойлик ва умумхалқ мулки бўлган қимматли табиий мажмуналарни муҳофаза этишининг умумий, ҳуқуқий, экологик, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикасида ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини ҳамда давлат миллий табиат боғлари ва тарихий ёдгорликларини сақлаб қолиш, уларнинг сонини кўпайтириш инсон ҳаётини

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ахборотномаси. 1993. № 6. 255-м.

экологик нормал сақлашга, табиат билан жамият ва инсон ўртасидаги маълум мутаносибликни шакллантиришга катта ёрдам беради.

Хозирги пайтда республикамизда қўриқланадиган ерларнинг умумий майдони 2 млн. гектардан ортиқ, алоҳида қўриқланадиган 11 та табиий ҳудудий объект, жумладан 9 та қўриқхона, 400 дан ортиқ табиат ёдгорликлари мавжуд. Демак, ана шунга ўхшаш алоҳида муҳофаза этиладиган ва бошқа табиий ҳудудлар ҳуқуқий муҳофаза қилинмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикасида алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар ушбу қонун, шунингдек ер, сув, ўрмон тўғрисидаги, ер ости бойликларидан фойдаланиш, атмосфера ҳавосини ҳамда атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикасида алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари билан ҳам тартибга солиб турилади.

Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонунларининг вазифалари ноёб табиий мажмуаларни, табиат ёдгорликларини, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондини сақлаб қолишдан, табиий жараёнларни ўрганишдан ҳамда табиий муҳитни кузатиш ва тадқиқ этиш мажмуидан, аҳолини экология бобида тарбиялашдан, табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига молик ҳудудлардан хўжалик мақсадида фойдаланишни чеклашдан иборатдир.

Шуниси эътиборлики, «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар»нинг таърифи ва уларнинг ҳуқуқий мақоми юқорида номи тилга олинган қонуннинг З-моддасида кўрсатилган.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ерлар ва сув кенгликлари (акваториялар)нинг устувор экологик, илмий, маданий, эстетик, санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик қисмларидир.

Табиатнинг ранг-баранглигини сақлаб қолиш, экологик мувозанат ва биосфера мониторингини сақлаб туришга, шунингдек шикаст етган табиий мажмуаларни тиклашга мўлжалланган ягона тизимни ташкил этувчи Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари хўжалик мақсадида фойдаланишдан тўлиқ ёки қисман, бир умрга ёки вақтинча олиб қўйилиши мумкин.

Табиий захиралардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир режалар ва дастурлар, ер тузилиши ва жойларни текислаш кесмалари ҳамда бошқа режаларни ишлаб чиқишида алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳисобга олинади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга қонунда белгилаб қўйилган тартибда давлат қўриқхоналари (шу жумладан биосфера қўриқхоналари), давлат миллий боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, давлат заказниклари мақоми берилади.

Сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари), курорт ва рекреация тегралари, ер усти ва ер ости сувлари ҳосил бўладиган тегралар (дарё увалари, оқизиқли адирлар, тоғ ёнбағирларининг этаклари), нодир ва қимматбаҳо минерал конлари, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг қўриқланма (оралик) тегралари, балиқ хўжалиги тегралари, ўрмонларнинг тақиқланган минтақалари, тарихий-табиий ва ёдгорлик боғлари, ботаника ва ҳайвонот боғлари, дендрарийлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва халқаро шартномалар билан белгилаб қўйиладиган тартиб асосидаги бошқа ҳудудлар ҳам алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга киради. Давлат ҳокимиияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг қарорлари билан алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг бошқа тоифалари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, давлат ҳокимиияти ва бошқаруви маҳаллий идоралари амалга оширадилар.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғисида»ги қонунида ушбу тоифадаги ерларига қандай ерлар кириши ҳам аниқ баён этилган. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерлари табиатни муҳофаза этиш, соғломлаштириш, рекреация ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар жумласига киради. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерларида уларнинг мақсад-муддаосига зид фаолият тақиқланади. Юқорида айтиб ўтилган ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикасининг юқоридаги ва Ер тўғрисидаги қонунлари билан белгилаб қўйилади.

Давлат қўриқхоналари, давлат миллий боғлари ер учун ҳақ тўлашдан озод этиладилар. Алоҳида муҳофаза этиладиган бошқа

табиий ҳудудлар ҳам Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйилган тартибда ер учун ҳақ тўлашдан озод этилишлари мумкин. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда хўжалик фаолияти билан шуғулланилган ҳолларда ижара ҳақи ва ер солиги ундириб олинади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерлари тортиб олинишига фавқулодда ҳолларда Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда йўл қўйилади (5-модда).

Шунингдек, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, қонун асосида, амалдаги ҳуқуқий нормаларга мос бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу масала «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасида ифодаланган. Унга кўра, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ривожлантириш ва жойлаштиришнинг бош кесмаси ёки табиатни муҳофаза қилишнинг ҳудудий мажмуи кесмасига мувофиқ барпо этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ривожлантириш ва жойлаштиришнинг бош кесмасини ёки давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари табиатни муҳофаза қилишнинг идоралари табиатни муҳофаза қилишнинг ҳудудий мажмуи кесмасини тасдиқлаши билан айни бир вақтда муҳофаза этишга тавсия этилаётган ер майдонини захиралаш тўғрисида қарор қабул қилинади. Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудуд ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар мазкур ҳудудда ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг хўжалик фаолияти чекланади ёки тўхтатилади. Бундай ҳолларда ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар, хўжалик фаолиятининг чекланиши ёки тўхтатилиши туфайли, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришида кўрилган йўқотиш ва талафотлар учун товон олиш ҳуқуқига ҳамда ер солиги бўйича имтиёзларга эгадирлар.

Таъкидлаш жоизки, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг давлат кадастри ҳам катта аҳамиятга эга. Ушбу муаммо мазкур қонунда етарлича ўз аксини топган. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг давлат кадастри бу ҳудудларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг жуғрофий мавқеи, миқдор ва сифат кўрсаткичлари, экологик, илмий, маърифий ва бошқа хил аҳамияти тўғрисидаги, ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ҳақидаги маълумотларни қамраб олади.

Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари давлат кадастри мазкур ҳудудлар тармоғини режалаштириш, уларни муҳофаза этишни таъминлаш ва илмий

тадқиқотлар ўтказиш, тегишли қоидаларга риоя этилиши устидан давлат назорати даражасини ошириш, шунингдек ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришни режалаштириш чоғида бу ҳудудларнинг ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олиш мақсадида юритилади. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг давлат кадастри республика бюджети ҳисобидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган ягона тизим асосида юритилади. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг давлат кадастрини юритишини Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг идоралари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргалиқда амалга оширадилар.

Хуллас, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳуқуқий ҳолатининг қўйидаги хусусиятлари мавжуд:

1) у Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қўйган талабига мослиги, конституциявий устунликка эга эканлиги ҳамда давлат томонидан муҳофаза этилиши;

2) алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳуқуқий ҳолатининг ўрганиш ва у тўғрисидаги қонун давлат қўриқхоналари, давлат миллий табиат боғлари, давлат заказниклари ва давлат табиат ёдгорликлари, алоҳида муҳофаза этиладиган ўзга табиий ҳудудлар ва бошқа масалаларни ҳамда у билан боғлиқ барча муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиши;

3) у янги ижтимоий тузум – бозор муносабатларини мустаҳкамлаш ва экологик сиёсатни барқарорлаштириш учун ҳуқуқий замин бўлиб, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ҳамда уларни ҳуқуқий тартибга солиши ўз олдига мақсад қилиб қўйиши;

4) мазкур соҳани ҳуқуқий тартибга солиш бозор иқтисодиётида қабул қилинган экологик қонунларни қўллаш ва улар билан биргалиқда экологик муҳитни яхшилашга, табиат объектларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга, айниқса, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни сақлашга қаратилганлиги;

5) ушбу соҳа фуқароларимиздан шу кунги ҳаёт талаби асосида экологик-ҳуқуқий маънавият ва маданиятли бўлишни ҳамда ушбу йўналишда доим юксалиш бўлишини тақозо қилиши ва ҳ.к.

## **2-§. Давлат қўриқхоналари ва уларнинг экологик-ҳуқуқий тартиби**

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, уларнинг нодир ва тугаб бораётган турларини сақлаб қолиш, сонини кўпайтиришда қўриқхона, заказник ва халқ хиёбонларининг аҳамияти каттадир. Шу мақсадда республикамизда «Жайрон» экологик маркази фаолият кўрсатмоқда. Республикада қўриқланадиган ерларнинг умумий майдони 2 млн. гектардан ортиқ, алоҳида қўриқланадиган 11 та табиий-худудий объект, шу жумладан 9 та қўриқхона бўлиб, 3 таси тоғда, 3 таси дарё қайридаги тўқайда ва 3 таси чўл ландшафтларида жойлашган. Булар Чатқол тоғурмон, Пайғамбаророл, Қизилқум, Бодайтўқай, Нурота, Зарафшон, Ҳисор, Варганза, Кўҳитангтоғ, Китоб қўриқхоналаридир. Бу қўриқхоналарда биоэкологик тадқиқотлар олиб борилади.

Таъкидлаш жоизки, давлат қўриқхоналарининг таърифи ва вазифалари Ўзбекистон Республикасининг «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонунида аниқ кўрсатиб берилган. Мазкур қонуннинг 10-моддасига асосан, давлат қўриқхоналари ўз олдига оддий, одатий ва ноёб табиий мажмуалар, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондларини сақлаб қолиш ва ўрганиш, табиий жараёнлар ва ҳодисалар ўзгариши устидан мониторинг ўтказиш мақсадини кўйган табиатни муҳофаза этувчи илмий-тадқиқот муассасалари ҳисобланади.

Давлат қўриқхоналари ҳудудидаги ер, сув, ер ости бойиклари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси хўжалик фойдаланишидан тўлиқ ва бир умрга олиб қўйилади ҳамда доимий фойдаланиш учун қўриқхоналарга белул берилади. Давлат қўриқхоналари ерларини ижарага бериш тақиқланади.

Худуди табиий ландшафтларнинг хос бўлакларидан иборат бўлган ва белгиланган тартибда биосфера қўриқхоналарининг халқаро шоҳобчасига киритилган давлат қўриқхоналари биосфера давлат қўриқхоналари мақомига эгадир.

Давлат қўриқхоналари зиммасига:

- муҳофаза остига олинган бутун табиий мажмуани табиий ҳолатда асраш;
- илмий тадқиқотлар ўтказиш;
- рўёбга чиқарилганда қўриқхоналар ва муҳофаза этилаётган теграларнинг табиий мажмуига салбий таъсир этиши мумкин бўлган хўжалик объектлари ва бошқа объектларнинг лойиҳалари ҳамда уларни жойлаштириш кесмаларининг давлат экологик экспертизасида қатнашиш;

– табиатни муҳофаза қилиш соҳасида илмий ходимлар ва мутахассислар тайёрлашда ҳамкорлик қилиш;

– экологик билимларни тарғиб этиш вазифалари юкланади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, давлат қўриқхоналарини ташкил этиш тўғрисидаги қарорни Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси қабул қиласди. Давлат қўриқхоналарини бошқариш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган идоралар томонидан амалга оширилади. Ҳар бир қўриқхона қайси идоранинг тасарруфида бўлса, шу идора Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишиб тасдиқлаган низом асосида фаолият кўрсатади.

Амалиётда давлат қўриқхоналарининг мақоми ва маблағлари масаласи катта аҳамиятга эга. Юқорида номи зикр этилган қонун ушбу масалага қўйидагича эътибор беради.

Давлат қўриқхоналари юридик шахс бўлиб, республика бюджетидан таъминланади, мустақил балансда туради, уларнинг банк муассасаларида ўз ҳисоб варақлари, ўз номи ва Ўзбекистон Республикасининг давлат герби туширилган муҳри бўлади.

Давлат қўриқхоналарининг маблағлари, шу жумладан чет эл валютасидан иборат маблағлари:

– Ўзбекистон Республикаси бюджети ажратмаларидан;

– илмий, табиатни муҳофаза қилиш, реклама-ноширлик ва маърифий фаолиятдан келадиган даромадлардан;

– корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айrim шахслар фаолияти натижасида давлат қўриқхонасига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тушумларидан;

– маъмурий ва суд йўли билан ундириб олинадиган жарима пулларидан;

– овчиллик ва балиқчиликнинг мусодара этилган асбобларини, ноқонуний ўлжа қилинган маҳсулотларни сотишдан олинган пуллардан;

– корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, шунингдек фуқаролардан беғараз ёрдам тарзида келадиган тушумлардан ҳосил этилади.

Давлат қўриқхоналари ўз маблағларини аниқ мақсадга қаратган ҳолда мустақил тарзда, ушбу қонуннинг 11-моддасида белгиланган тартибга мувофиқ тасарруф этадилар (12-модда).

Давлат қўриқхоналарининг иш тартиби ҳам амалдаги қонун билан тартибга солинган бўлиб, алоҳида хусусиятга эга. Ушбу қонуннинг 13-моддасига асосан, давлат қўриқхоналарининг худудида қўриқхоналар мақсадларига зид бўлган табиий жараёнларнинг ўзича ривожланишига путур етказадиган ёки табиий мажмуи ва объектлар ҳолатига таҳдид соладиган ҳар

қандай хўжалик, рекреация ва бошқа йўсиндаги фаолият тақиқланади.

Қўриқхоналарнинг худудларида, уларнинг қўриқланма теграларида иклимлаштириш мақсадида ўсимликлар ва жониворларнинг турларини ва хилларини жойлаштириш тақиқланади.

Давлат қўриқхоналарида улар тўғрисидаги тасдиқланган низомга мувофиқ ёнгинга қарши тадбирлар ўтказишга йўл қўйилади.

Қўриқхоналарнинг ёки уларда мутасаддилик қилувчи идораларнинг ходими бўлмаган фуқароларнинг қўриқхоналар худудида бўлишига уларда ана шу идоралар ёки қўриқхона маъмурияти берган рухсатнома бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

Давлат қўриқхоналарининг фаолияти ҳам мазкур қонун билан тартибга солинади. Жумладан, қонуннинг 14-моддаси давлат қўриқхоналарида илмий-тадқиқот фаолияти олиб бориш масаласига бағишлиланган бўлиб, унга кўра, илмий тадқиқотларни йўлга қўйиш ва ўтказиш учун давлат қўриқхоналари ўз илмий ходимлар штати билан таъминланади. Илмий тадқиқотлар, шунингдек, чет илмий ташкилотларни ва айрим мутахассисларни жалб этиш йўли билан ҳам ўтказилиши мумкин. Давлат қўриқхоналарида олимлар кенгаши (илмий кенгаш) тузилади.

«Табиат солномаси»ни юритиш барча давлат қўриқхоналари учун мажбурийдир. Давлат қўриқхоналарининг илмий жамғармаларини сақлаш муддати чекланмайди. Давлат қўриқхоналарига илмий асарлар нашр этиш хукуки берилади. Давлат қўриқхоналарининг илмий тадқиқотларини Ўзбекистон Республикасининг Фанлар академияси мувофиқлаштириб боради.

### **3-§. Давлат миллий табиат боғлари**

Давлат миллий табиат боғлари билан боғлиқ бўлган барча экологик-хукуқий муаммолар Ўзбекистон Республикасининг «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солинади. Қонуннинг 15–18-моддалари бевосита мазкур масалага бағишлиланган.

Ушбу қонунда давлат миллий табиат боғларининг таърифи ва аниқ вазифалари кўрсатиб берилган. Жумладан, ана шу қонуннинг 15-моддасига кўра, давлат миллий табиат боғлари табиатни муҳофаза қилиш муассасаси бўлиб, уларнинг худудлари (акваторийлари) алоҳида экологик, тарихий ва эстетик қимматга эга бўлган ҳамда табиатни муҳофаза қилиш, рекреация,

маърифий, илмий ва маданий мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган табиий мажмууларни қамраб олади.

Давлат миллий табиат боғлари ҳудуди давлат миллий боғларига эгалик қилиш ёки улардан фойдаланиш учун бериладиган ерларда, шунингдек бошқа ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг ерларида жойлашади. Давлат миллий табиат боғларига:

- рекреация, маърифий ва илмий мақсадларда фойдаланиш учун табиий мажмуулар ва тарихий-маданий меросларни асраб қолишини таъминлайдиган иш тартибига риоя этиш;
- шикаст етган табиий мажмууларни тиклаш;
- тарих, маданият, меъморчилик обидаларини сақлаб қолиш;
- туризм, экспурсия ва дам олиш учун шароит яратиш;
- экологик билимларини тарғиб қилиш;
- захираларни тежайдиган, экологик жиҳатдан соғ технологияларни қишлоқ хўёвалиги, саноат ишлаб чиқариши ва бошқа фаолиятда ишлатишга жорий этишга кўмаклашиш;
- табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш, илмий кадрлар ва мутахассислар тайёрлашда ҳамкорлик қилиш вазифалари юклатилади.

Ана шу вазифаларни бажариш бевосита давлат миллий табиат боғларини ташкил этиш ва бошқариш жараёнлари билан ҳам боғлиқ. Давлат миллий табиат боғларини ташкил этиш тўғрисидаги қарорни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор идораларнинг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишиб туриб киритган тақдимномасига кўра қабул қиласди.

Давлат миллий табиат боғларини бошқариш улар фаолияти табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ қайси вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора тасарруфида бўлса, шу вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора томонидан амалга оширилади. Ҳар бир миллий боғ қайси идора тасарруфида бўлса, шу идора тасдиқлаб берадиган низом асосида фаолият кўрсатади. Давлат миллий табиат боғларининг мақоми ва маблағлари ҳам ҳаётий, экологик аҳамиятга эга. Хусусан, қонунга кўра, давлат миллий табиат боғлари юридик шахс бўлиб, давлат бюджетидан таъминланади, мустақил балансда туради, уларнинг банк муассасаларида ўз ҳисоб рақамлари, ўз номида Ўзбекистон Республикаси герби туширилган муҳри бўлади. Давлат миллий табиат боғларининг маблағлари, шу жумладан чет эл валютасидаги маблағлари:

- Ўзбекистон Республикаси бюджети ажратмаларидан;

- рекреация, туризм-экскурсия, реклама-ноширлик ва ушбу қонун ҳамда Миллий боғлар тұғрисидаги низомда рухсат этилган бошқа фаолиятлардан келадиган даромадлардан;
- давлат, кооператив ва бошқа жамоат корхоналари, муассасалари, ташкилотларидан, құшма корхоналар, ажнабий ва халқаро ташкилотлар ҳамда хусусий шахслардан келадиган пул маблағлари ва моддий бойликлардан;
- давлат миллий табиат бөгіні мұхофаза этиш қоидасини бузувчилардан белгиланған тартибда үндериб олинадиган жарима пуллардан иборат тушумлардан;
- корхона, муассаса, ташкилот ва фуқароларнинг фаолияти натижасыда давлат миллий табиат бөгіга етказилған зарар үрнини қоплаш ҳисобидан келадиган тушумлардан ҳосил этилади.

Давлат миллий табиат боғлари ўз маблағларини аник мақсадға қаратған ҳолда мустақил тарзда, ушбу қонуннинг 16-моддасыда белгиланған тартибға мувофиқ тасарруф этадилар (17-модда).

Ушбу қонунда давлат миллий табиат боғларининг иш тартиби масаласыға ҳам эътибор берилған, унга мувофиқ, давлат миллий табиат боғларининг ҳудудларида табиий мажмұа ва объектлар ҳолатини, уларнинг рекреация, мәданий ва эстетик қимматини инобатта олған ҳолда мұхофаза этиш ва улардан фойдаланишининг табақалаштирилған тартиби белгилаб қўйилади.

Давлат миллий табиат боғларининг теграсида давлат қўриқхоналари ҳудудлари учун назарда тутилған тартибдаги қўриқ тегралари, рекреация хўжалик ва ўзга йўсиндаги фойдаланиш тегралари, тарихий-мәданий объектларнинг мұхофаза тегралари ажратилади, уларда давлат миллий табиат боғлари вазифаларига зид бўлмаган фаолият билан шуғулланилади.

Давлат миллий табиат боғларининг ҳудудида:

- дараҳт кесишга (санитария мақсадидаги ва парваришлиш йўсиндаги кесиш бундан мустасно);
- экологик жиҳатдан хавф-хатар туғдирувчи саноат корхоналарининг фаолият олиб боришига;
- гидрологик ва гидрогеологик тартибини ўзgartириб юборувчи ҳаракатларга;
- тупроқ эрозиясини, шунингдек ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг таназзулини келтириб чиқарувчи ҳаракатларга;
- давлат миллий табиат боғларининг фаолияти билан боғлиқ бўлмаган йўл ва мұхандислик-коммуникация ишлари олиб боришига;
- кимё ва радиоактив моддаларнинг чиқиндиларини кўмишга;

– иқлимлаштириш мақсадида тирик организмларни күчириб келтиришга йўл кўйилмайди.

Давлат миллий табиат боғларида улар худудининг табиий, илмий, эстетик ва маданий қиммати пасайишига олиб келувчи бошқа фаолият турлари тақиқланиши ёки чекланиши мумкин.

Боғнинг расамади билан фаолият кўрсатиши учун йўллар, бошқа коммуникация ва иншоотлар қуриш зарур бўлиб қолганда муҳофаза қилиш тадбирлари мажмuinи ўtkазиш мажбурийлиги назарда тутилади (18-модда).

Таъкидлаш жоизки, «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида»ги қонунда, давлат қўриқхоналари ва давлат миллий табиат боғларини муҳофаза қилишга ҳам катта эътибор берилган. Жумладан, ушбу қонуннинг 33-моддасига асосан, давлат қўриқхоналари ва давлат миллий табиат боғларини муҳофаза қилишни маҳсус табиат худудларини муҳофаза қилиш инспекцияси амалга оширади ва бу иш давлат қўриқхонаси тўғрисидаги ёки давлат миллий табиат боғи ҳақидаги низом билан тартибга солинади.

Муҳофаза қилиш ходимлари давлат қўриқхоналари ва давлат миллий табиат боғлари штатида турадилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат инспекторларига хос барча ҳуқуқлар ва имтиёзлардан фойдаланадилар.

#### 4-§. Давлат заказниклари

Қўриқхоналардан ташқари, камайиб кетаётган ўсимлик ва ҳайвон турларини сақлаб қолиш ва тиклаш мақсадида 10 га яқин заказниклар барпо этилган. Масалан Тошкент вилоятидаги Оқбулоқ заказниги Чатқол тизмаси тармоқларида Оқбулоқ сойи ҳавзасида жойлашган бўлиб, майдони 12,5 минг гектардан ортиқ, унинг худудида оқтироқ айиқ, тўнғиз, Ўрта Осиё эчкиси, бўрсиқ ва тош сувсари муҳофаза қилинади. Бухоро вилоятидаги ташлама сувлардан хосил бўлган кўл асосида ташкил этилган Тўдакўл заказнигида (майдони 30 минг гектар) қишлоғга учеб келувчи йирик қушлардан – ўрдак, ғоз, бирқозон, оққуш қўриқланади. Денгизкўл заказнигида ҳам (8620 гектар) сув қушларидан ўрдак, ғоз, қоравой, фламинго (қизилғоз) кабилар ҳимоя остига олинган.

Хоразм заказнигида (майдони 11 минг гектар) кўл ва сув қушлари ҳамда сут эмизувчи ҳайвонлардан тўнғиз, шоқол, тулки, бўрсиқ қўриқланади. Энг жанубий - Кўхитанг заказнигида эса (майдони 43 минг гектар) морхўр, Бухоро тоғ қўйи, бургут каби ҳайвонлар билан бирга, дунё аҳамиятига молик ажойиб археологик ёдгорлик - Зарауткамар қоя ёзувлари ҳимоя қилинади.

1977 йил республикада биринчи халқ хиёбони – Ўзбекистон миллий хиёбони ташкил этилди. У Жиззах вилоятининг Зомин тумани ҳудудида, Туркистон тизмасининг шимолий ён бағрида, денгиз сатҳидан 1000–4030 метр баландлиқда жойлашган (майдони 47,47 гектар). Хиёбоннинг ажойиб иқлими серманзара ландшафтлари аҳолининг дам олиб, хордик чиқариши, спорт туризми билан шуғулланиши учун жуда қулайдир. Унда барги сийрак тоғ ўрмонлари, бутазорлар, арчазорлар, субальп ўтлоқлари табиий мажмуалари муҳофаза қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонунининг 19-моддасида давлат буюртма қўриқхонаси тушунчаси ва бундай қўриқхоналарни ташкил этиш масаласи аниқ кўрсатилган. Унга кўра, давлат буюртма қўриқхоналари табиий мажмуаларни ёки уларнинг айrim бўлакларини асрар, кўпайтириш ва тиклаш мақсадида буюртма қўриқхоналари олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун зарур муддатга ажратиб бериладиган ҳудудлар (акваторийлар)дир.

Давлат буюртма қўриқхоналари республика ва маҳаллий аҳамиятга молик бўлиши мумкин. Буюртма қўриқхоналар вазифасига кўра:

- алоҳида қимматга эга бўлган табиий ландшафтлар ва мажмуаларни асрар ва тиклаш учун мўлжалланган ландшафт (яхлит) буюртма қўриқхоналарга;
- қимматли, нодир ва йўқолиб бораётган ўсимликлар ва жониворлар турларини асрар қолиш ва тиклаш учун мўлжалланган биологик (ботаник, зоологик) буюртма қўриқхоналарга;
- айrim қазилма бойликлар ва уларнинг мажмуини асрар қолиш учун мўлжалланган палеонтологик буюртма қўриқхоналарга;
- жонсиз табиатнинг қимматли обьектлари ва мажмуиларини асрар қолиш учун мўлжалланган гидрологик (ботқоқ, кўл, дарё) буюртма қўриқхоналарга;
- табиат яратган нодир ва ноёб рельеф шаклларини асрар қолиш учун мўлжалланган геморфологик буюртма қўриқхоналарга;
- нодир геологик ва минералогик ҳосилалар ва тузилмаларни асрар қолиш учун мўлжалланган геологик ва минералогик буюртма қўриқхоналарга бўлинади.

Ноёб минерал ва ўзга хил геологик тузилмаларга эга бўлган ҳамда фундаментал илмий аҳамиятга молик геологик буюртма қўриқхоналарга давлат қўриқхонаси мақоми берилиши мумкин.

Буюртма қўриқхоналарнинг фаолият муддатлари кўрсатилмай (муддатсиз), 5 йилдан ортиқ муддатга (узоқ муддатли) ёки 5 йилдан кам муддатга (қисқа муддатли) қилиб ташкил этилади.

Республика аҳамиятига молик давлат заказникларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ташкил этиади. Маҳаллий аҳамиятга молик давлат буюртма қўриқхоналари табиатни муҳофаза этиш идораларининг тақдимномасига кўра, вилоят ҳокимларининг қарори билан ташкил этилади. Шунингдек, давлат заказникларининг иш тартиби ҳам қонунда ўз аксини топган бўлиб, унга асосан, давлат заказниклари деб эълон қилинган ҳудудлар уларни хўжалик мақсадларида истифода этаётган ер эгалари ва ердан фойдаланувчилардан тортиб олинмайди.

Ерида давлат буюртма қўриқхоналари ташкил этилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар давлат буюртма қўриқхонаси белгилайдиган тартибга риоя этишлари шарт.

Давлат буюртма қўриқхоналарининг ҳудудларида буюртма қўриқхона олдига қўйилган вазифаларга зид бўлган фаолиятнинг ҳар қанақа тури тўхтатилади ёки чеклаб қўйилади.

Ҳар бир давлат буюртма қўриқхонасининг аниқ вазифалари ва иш тартибининг ҳусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг идоралари, ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар билан келишиб туриб ишлаб чиқиладиган ҳамда давлат заказниги ташкил этиш тўғрисида қарор чиқарган идора тасдиқлайдиган низомда белгилаб қўйилади (20-модда).

## 5-§. Давлат табиат ёдгорликлари

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси республика ҳудудида 400 дан ортиқ табиат ёдгорлигини ҳисобга олган. Улардан атиги 80 га яқини жонсиз табиат ёдгорликларидир. Жонсиз табиат ёдгорликлари орасида хилмачил карст рельефи шакллари, шу жумладан, археологик аҳамиятга эга бўлган ғорлар ва унгурлар, шунингдек, нодир булоқлар, шаршаралар, илмий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган қоялар ва геологик очилмаларни муҳофаза қилиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Айниқса, ер ости ландшафтлари, уларнинг бетакрор, сеҳрли ва мафтункор манзаралари жиддий муҳофазага муҳтождир.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонунининг 21-моддаси айнан ана шу масала, яъни

давлат табиат ёдгорликларининг экологик-хуқуқий аҳамияти ва уларни муҳофаза қилиш масаласига бағишиланган. Зеро, республикамиз ҳудудидаги табиат, тарихий ва археологик ёдгорликлар ҳозирги пайтда айнан муҳофаза қилинишга, тикланиш (реставрация)га жуда муҳтож.

Экологик, илмий, эстетик, маданий жиҳатдан ноёб, ўрнини тўлдириб бўлмас, қимматли, келиб чиқиши табиий бўлган обьектлар давлат табиат ёдгорликлари деб эълон қилинади.

Табиат обьектларини давлат ҳокимиятининг маҳаллий идоралари табиатни муҳофаза қилиш бўйича давлат идоралари тақдимига биноан давлат табиат ёдгорликлари деб эълон қиласдилар.

Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилардан эгаллаб турган ер участкаларини тортиб олмай туриб ҳам обьект давлат табиат ёдгорлиги деб эълон қилинишга йўл қўйилади. Давлат табиат ёдгорликлари жойлашган ҳудудда уларни асрар қолишга таҳдид этувчи ҳар қандай фаолият тақиқланади.

Табиат ёдгорликларини муҳофаза этиш тартибини таъминлашга оид мажбуриятлар бу ёдгорликлар қайси корхона, муассаса ва ташкилот ҳудудида бўлса, шу корхона, муассаса ва ташкилот зиммасига юкланди. Табиий обьектни давлат табиат ёдгорлиги деб эълон қилиш тўғрисида қарор чиқарган идора обьектни муҳофаза остига ўtkазиш ва муҳофаза этиш мажбуриятини расмийлаштириш ишларини амалга оширади.

Аҳоли диний мақсадларда фойдаланиб турган давлат табиат ёдгорликлари муҳофаза этиш ва ободонлаштириш ишлари ўtkазиш мақсадида, давлат табиат ёдгорлигини асрар қолиш шарти билан диний ташкилотларга ёки алоҳида шахсларга фойдаланиш учун ёхуд ижарага берилиши мумкин.

Эътиборли томони шундаки, «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонунда, давлат буюртма қўриқхоналари ва давлат табиат ёдгорликларини муҳофаза қилиш масаласи ҳам ўз аксни топган. Жумладан, ушбу қонуннинг 34-моддасия биноан, давлат буюртма қўриқхоналари ва давлат табиат ёдгорликларини муҳофаза қилишни давлат заказниклари ва давлат табиат ёдгорликлари қайси корхона, муассаса ва ташкилотнинг ер майдонида жойлашган бўлса, ана шу корхона, муассаса ва ташкилот амалга оширади. Башарти, давлат буюртма қўриқхонаси ёки давлат табиат ёдгорлиги тасаруф этиш ёхуд фойдаланиш учун берилмаган ер майдонида жойлашган бўлса, у ҳолда бундай қўриқхона ёки табиат ёдгорлигини муҳофаза қилишни у қайси идоранинг қарамогида бўлса, ана шу идора таъминлади.

Корхона, муассаса ва ташкилотлар давлат буюртма қўриқхоналари ҳамда давлат табиат ёдгорликлари муҳофаза қилинишини таъминламайдиган ҳолларда давлат буюртма қўриқхонаси ва давлат табиат ёдгорлиги эгаллаб турган ер майдони ҳамда муҳофаза қилинишини таъминлаш учун унга туташ худуд ер эгаларидан ва ердан фойдаланувчилардан олиб қўйилиши мумкин.

Агар давлат табиат ёдгорлиги муайян ердан фойдаланувчи, ер эгаси ёки сувдан фойдаланувчига биркитиб қўйилмаган ер майдонида ёки сув объектида жойлашган бўлса, уларнинг муҳофаза қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқарувчи маҳаллий идоралари томонидан таъминланади.

## **6-§. Алоҳида муҳофаза этиладиган ўзга табиий ҳудудлар**

Ўзбекистон Республикасининг «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонунида мазкур масалага алоҳида эътибор берилиб, қонуннинг 22–32-моддалари айнан шу муаммоларни ўз ичига олган. Жумладан, унинг 22-моддасида сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари) ва уларни ташкил этишга алоҳида эътибор берилган. Унга кўра, дарёлар, кўллар, сув омборлари, каналлар, коллекторлар ҳамда бошқа сув объектарининг ўзанларига туташ худуд сувни муҳофаза қилиш теграси деб эътироф этилади ҳамда уларнинг ифлосланиши, булғаниши, саёзланиши ҳамда тўлиб қолишининг олдини олиш, шунингдек, энг мақбул сув маромини сақлаб туриш мақсадида бу ҳудуд учун маҳсус тартиб-қоида белгилаб қўйилади.

Сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари)нинг иш тартиби ер усти ва ер ости сувлари ҳосил бўладиган тегралар (дарё увалари, оқизикли адирлар, тоғ ёнбағрларининг этаклари)га ҳам тааллуқлидир.

Сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган тартибга мувофиқ табиатни муҳофаза қилиш ва сув хўжалиги идораларининг тақдимиға биноан белгиланади.

Давлатлараво дарёлардаги сувни муҳофаза қилиш тегралари манфаатдор давлатлар ўртасида тузилган шартномаларга биноан белгиланади. Аҳоли пунктлари ҳудудида хўжаликлараро ер тузиш ва ер текислаш чоғида сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари) барпо этишга доир масалалар табиатни муҳофаза қилиш ва сув хўжалиги идоралари билан келишиб олиниши лозим.

Сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари) иш тартибининг ҳуқуқий ҳолати ҳам катта аҳамияга эга. Сувни муҳофаза қилиш теграси доирасида сув объектларини ёқалаб хўжалик фаолияти юритиш қатъий чекланган ҳудуддан иборат қирғоқ бўйи минтақалари ажратилади. Сувни муҳофаза қилиш теграси доирасида аҳоли пунктларидаги аҳолининг ичиши ва рўзгорда фойдаланиши учун сув тўплаш мақсадида сув объектларини ёқалаб санитария муҳофазаси минтақаси белгиланиб, унда ҳар қандай хўжалик фаолияти юритиш ман этилади.

Сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари) доирасида чекланган хўжалик фаолияти юритишга йўл қўйилади. Сувни муҳофаза қилиш теграсида:

- бута-дараҳтларни кесиш (санитария ва парваришилаш мақсадида кесиш бундан мустасно);
- заҳарли кимёвий моддаларни қўллаш, заҳарли кимёвий моддалар ва минерал ўғитлар омборлари қуриш ҳамда бундай модда ва ўғитларни сақлаш;
- канализация-тозалаш иншоотлари ва оқава сувлар тўпланадиган турли хил иншоотлар қуриш;
- чорвачилик комплексларини, ахлат, ишлаб чиқариш чиқинчилари ташланадиган, кўмиладиган ерларни жойлаштириш, шунингдек, суғоришда «шарбат» (суюқ гўнг) ишлатиш;
- автомобиль транспортини кўйиб туриш, уларга ёнилғи куйиш, уларни ювиш ва таъмирлаш жойларини ташкил этиш;
- нефть маҳсулотлари сақланадиган омборхоналарни жойлаштириш;
- зифир, каноп ва тери ювиладиган жойлар ташкил этиш ман қилинади.

Дарё ўзанларини ўзгартириш, фойдали қазилмалар кавлаб олиш ва сув захиралари ҳолатига таъсир қиласидиган бошқа ишлар бажаришга фақат сув хўжалиги, сувни муҳофаза қилиш ва геология идораларининг рухсати билангина йўл қўйилади.

Сувни муҳофаза қилиш теграларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тартиби ҳамда шартларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Бундан ташқари, алоҳида муҳофаза этиладиган бошқа табиат объектларига курорт табиий ҳудудлар киради. Мазкур ҳудудларнинг ҳуқуқий ҳолати, яъни уларни ташкил этиш тартиби «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасида ифодаланган. Унга кўра, даволаш ва саломатликни тиклаш хусусиятларига, минерал манбаларга, даволовчи балчиқ қатламларига, қулай иклим шароитлари ва бошқа шарт-шароитларга эга бўлган табиий ҳудудларнинг курорт

табиий худудлар деб эътироф этилади. Курортлар маҳаллий ва республика аҳамиятига молик бўлиши мумкин.

Республика аҳамиятига молик курортларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма тақдимномасига биноан ташкил этиади.

Маҳаллий аҳамиятга молик курортлар давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма тақдимномасига биноан қабул қилган қарорлар билан ташкил этиади.

Курорт табиий худуд уч теграга, яъни зонага бўлинади:

1) даволаш хусусиятига эга манбалар, даволовчи балчиқ қатламлари бор худуд. Бу худудда хўжалик фаолияти билан шуғуланиш ман этилади, даволаш хусусиятига эга манбалар ва балчиқ билан даволаш шифохоналари теварак-атрофини ободонлаштириш учун зарур иншоотлар қуриш бундан мустасно;

2) санаторийлар, пансионатлар, дам олиш уйларининг дам олувчилар ҳордиқ чиқарадиган манзиллари, улар даволаниши ва яшаши учун қурилган бинолар жойлашган худуд. Бу теграда хўжалик фаолияти юритиш (даволаш ва дам олишни ташкил этиш учун зарур бўлган фаолият бундан мустасно), шунингдек, вақтинча истиқомат қиладиган тиббиёт ходимлари ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари бошқа аҳолининг яшаши ман этилади;

3) санаторийлар, пансионатлар, дам олиш уйларига туташ худуд. Бу теграда даволаш манбаларига зиён етказмайдиган ҳамда атроф муҳитга зарарли жисмоний таъсир этиш ва ифлослантириш йўли билан дам олиш ҳамда даволаниш учун яратилган шароитларни ёмонлаштирумайдиган чекланган хўжалик фаолияти юритишга рухсат берилади. Бундай курорт табиий худудлар доирасида:

- фойдали қазилмаларни кавлаб чиқариш;
- дараҳт кесиш (санитария ва парваришлиш мақсадида кесиш бундан мустасно);
- заҳарли кимёвий моддалар ва минерал ўғитлар омборлари қуриш;
- заҳарли кимёвий моддаларни қўллаш;
- ахлат тўқиладиган, кимёвий ва радиоактив моддаларнинг чиқитлари кўмиладиган ерларни жойлаштириш, кимё, целялюпоза-коғоз, металлургия саноати корхоналарининг иш олиб бориши;
- жойнинг гидрология маромини ўзгартирувчи ишлар бажариш қатъиян ман этилади (25-модда).

Рекреация тегралари ҳам алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга киради. Туризм ва аҳолининг оммавий дам олишини ташкил этиш учун қулай жуғрофий ва иқлим шароитларига эга ҳудудлар рекреация тегралари деб эътироф этилади.

Рекреация тегралари давлат ҳокимияти маҳаллий идораларининг Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тақдимномасига биноан қабул қилган қарори билан ташкил этилади.

Рекреация теграларида оммавий дам олиш ва туризм манфаатларига зид келмайдиган чекланган хўжалик фаолияти юритишга рухсат берилади.

Рекреация теграларида кимё, металлургия, микробиология корхоналари ва ташкилотларининг фаолият кўрсатиши, пестицидларни кўллаш, ҳаром ўлган чорва моллар қўмиладиган, кимёвий ва радиоактив моддалар, рўзгор ва ишлаб чиқариш чиқиндилари ташланадиган ва қўмиладиган жойларни жойлаштириш, дарахт кесиш (санитария мақсадидаги ва парваришлаш йўсинидаги кесиш бундан мустасно), жойнинг гидрологик маромини бузадиган ишлар бажариш ман этилади (26-модда).

Алоҳида муҳофаза этиладиган ўзга табиий ҳудудлар жумласига ботаника боғлари ҳам киради ва уларнинг экологик аҳамияти бениҳоя каттадир. Ботаника боғлари ботаника термалари тузиш, уларни тўлдириш ва асрash, илмий, ўқув ва таълим ишлари олиб бориш йўли билан маҳаллий миқёсдаги ва жаҳон миқёсидаги ўсимликлар мажмуаларининг нодир ва муайян туркумга хос турларини махсус яратилган шароитда асрash, ўрганиш, иклимлаштириш, кўпайтириш ҳамда улардан самарали, оқилона фойдаланиш мақсадида ташкил этилади.

Умумдавлат аҳамиятига молик ботаника боғлари табиатни муҳофаза қилиш борасида илмий-тадқиқот муассасалари ҳисобланади.

Маҳаллий аҳамиятга молик ботаника боғларига белгиланган тартибда илмий-тадқиқот муассасаси мақоми берилиши мумкин.

Ер ва сув кенгликларининг участкалари барча табиий захиралари билан биргалиқда Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйиладиган тартибда хўжалик мақсадларида фойдаланишдан тортиб олиниб, ботаника боғларига берилади. Ботаника боғларининг ҳудудида уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга алоқаси бўлмаган ҳамда ўсимликлар мажмуи термаларини асрashaга таҳдид қилувчи фаолият билан шуғулланиш ман этилади.

Дендрология боғларининг экологик-хуқуқий ҳолати ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, мазкур қонунда ўзга табиий ҳудудлар жумласига киради. Дендрология боғлари илмий, маданий, рекреация ва бошқа йўсинда ғоят самарали фойдаланиш учун, дараҳтлар ва буталарнинг ҳар хил турларини ҳамда улардан таркиб топган дараҳтзорлар-бутазорларни маҳсус яратилган шароитда асраш ва ўрганиш мақсадида ташкил этилади.

Умумдавлат аҳамиятига молик дендрология боғлари табиатни муҳофаза этиш борасида илмий-тадқиқот муассасалари ҳисобланади.

Маҳаллий аҳамиятга молик дендрология боғларига белгиланган тартибда илмий-тадқиқот муассасаси мақоми берилиши мумкин.

Ер майдонлари барча табиий захиралари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйиладиган тартибда хўжалик мақсадларида фойдаланишдан олиниб, дендрология боғларига берилади. Дендрология боғларининг ҳудудида уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга алоқаси бўлмаган ҳамда дендрология термаларини асрашга таҳдид қилувчи фаолият билан шуғулланиш ман этилади.

Дендрология боғларининг ҳудудида ботаника боғлари учун белгиланган талабларга мувофиқ тегралаш ишлари ўтказилиши мумкин (28-модда).

Алоҳида муҳофаза этиладиган ўзга табиий ҳудудлар тоифасига кирадиган қўриқланма (оралиқ) теграларининг ҳам экологик-хуқуқий ҳолати жуда муҳим. Ушбу қонуннинг 29-моддасига кўра, қўриқланма (оралиқ) тегралар давлат қўриқхоналарига, давлат милллий табиат боғларига, давлат заказникларига, давлат табиат ёдгорликларига ва алоҳида муҳофаза этиладиган ўзга табиий ҳудудларга бўладиган салбий таъсирнинг олдини олиш мақсадида чекланган хўжалик фаолияти юритиладиган ҳудудни қамраб олади.

Қўриқланма (оралиқ) теграда хўжалик фаолияти ва табиатдан фойдаланишнинг алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга салбий таъсир келтириб чиқарувчи турлари билан шуғулланиш ман этилади.

Қўриқланма (оралиқ) теграларининг катта-кичиклиги ва уларнинг иш тартиби алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш билан бир вақтда белгилаб қўйилади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган ўзга табиий ҳудудлар жумласига ўрмонларнинг тақиқланган минтақалари ҳам киради. Шунинг учун ҳам ўрмон тўғрисидаги қонун талабларини экологик

жихатдан амалга оширишни ва ушбу ҳудудларни экологик-хуқуқий жихатдан тартибга солишни юқорида номи зикр этилган қонун ўз зиммасига олади.

Бағоят қимматли ва нодир ўсимлик турларининг ирсий фондини муҳофаза этиш ва сақлаб қолиш, шунингдек ўрмон фонди майдонларида давлат қўриқхоналари, давлат миллий табиат боғлари ва алоҳида муҳофаза этиладиган ўзга табиий ҳудудларнинг иш тартибини таъминлаш мақсадида ўрмонларнинг тақиқланган минтақалари белгилаб қўйилади.

Ўрмонларнинг тақиқланган минтақаларини давлат ҳокимиияти ва бошқарувининг маҳаллий идоралари табиатни муҳофаза қилиш ва ўрмон хўжалиги идоралари тақдимиги биноан белгилайдилар (30-модда).

Инсон ҳаётида эстетик ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган яна бир алоҳида муҳофаза этиладиган ўзга табиий ҳудудлар жумласига ҳайвонот боғлари ҳам киради. Ҳайвонот боғлари экологик таълим-тарбия ишларини йўлга қўйиш, ҳайвонларнинг нодир экзотик ва маҳаллий турлари экспозицияларини яратиш, уларнинг ирсий фондини сақлаб қолиш, ёввойи ҳайвонларни ўрганиш ҳамда уларни тутқунлиқда кўпайтиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш мақсадида барпо этилади.

Умумдавлат аҳамиятига молик ҳайвонот боғлари маданий-маърифий йўналишдаги табиатни муҳофаза қилиш муассасалари ҳисобланади.

Ер майдонлари барча табиий захиралари билан бирга Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйилган тартибда хўжалик мақсадларида фойдаланишдан олиниб, ҳайвонот боғларига берилади.

Ҳайвонот боғларининг ҳудудида уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга алоқаси бўлмаган ҳамда ҳайвонларнинг ҳаёти учун қулай шароитни сақлаб қолишга таҳдид килувчи фаолият билан шугулланиш ман этилади.

Ҳайвонот боғларининг ҳудудида улар олдига қўйилган вазифаларни бажаришни таъминлаш мақсадида:

– ҳайвонларини бир жойда асраш ва улардан маданий ҳамда илм-фан ривожи мақсадларида фойдаланиш учун экспозиция теграси;

– сарҳадида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориладиган илмий тегралар (бундай теграга киришга рухсат ҳайвонот боғининг маъмурияти белгилаб қўядиган тартибда берилади);

– ҳайвонот боғи томошабинларининг дам олиши ва уларга хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш учун рекреация теграси;

– ёрдамчи хўжалик обьектларини жойлаштириш учун хўжалик теграси ажратиб берилади.

Хайвонот боғлари жониворларнинг кўчма экспозицияларини ташкил этишлари, жониворларни озуқа билан таъминлаш мақсадида барпо этиладиган ёрдамчи хўжаликларга эга бўлишлари мумкин (31-модда).

Зеро, балиқчилик хўжалиги тегралари ҳам алоҳида муҳофаза этиладиган ўзга табиий ҳудудлар тоифасига кириб, уни экологик-хуқуқий тартиби солиш ва муҳофаза қилиш ҳам жуда зарур. Ушбу масала, мазкур қонуннинг 32-моддасида қўйидагича кўрсатилган.

Нодир, йўқолиб бораётган балиқ турлари ва бошқа сув жонзотларини муҳофаза этиш ва кўпайтириш мақсадида, шунингдек, балиқчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган сув обьектлари ёки уларнинг бир қисми балиқчилик хўжалиги тегралари деб эълон қилиниши мумкин. Сув обьектларининг балиқчилик хўжалиги теграларида иш тартиби табиатни муҳофаза қилиш ва сув хўжалиги идоралари тақдимига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланади.

Балиқчилик хўжалиги теграларида балиқлар ва бошқа сув жонзотларини муҳофаза қилиш ҳамда уларни кўпайтириш билан боғлиқ шароитларга зарар етказувчи ҳар қандай хўжалик фаолияти билан шуғулланиш ман этилади.

Умуман олганда, «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонунда, алоҳида муҳофаза этиладиган ўзга табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш масаласига ҳам катта эътибор берилганлигини таъкидлаш лозим.

Сув муҳофаза этиладиган минтақаларни (теграларини) муҳофаза қилиш табиатни муҳофаза қилиш сув хўжалиги идоралари томонидан таъминланади. Сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари) таркибига кирувчи ерлар чекланган хўжалик фаолияти юритиш учун корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларга фойдаланишига бириктириб кўйилаётган ёки ижарага берилаётган ҳолларда сувни муҳофаза қилиш минтақаларини (теграларини) муҳофаза қилиш вазифаси мазкур корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқаролар зиммасига юқлатилади.

Сув обьектларининг санитария муҳофаза тегралари ички ишлар идоралари томонидан муҳофаза этилади.

Курорт табиий ҳудудлар ва рекреация теграларини муҳофаза қилиш давлат ҳокимияти бошқаруви маҳаллий идоралари ва табиатни муҳофаза қилиш идоралари томонидан таъминланади.

Ботаника боғлари, дендрология ва ҳайвонот боғларининг муҳофаза қилинишини уларнинг маъмурият таъминлайди.

Қўриқланма (оралиқ) теграларни муҳофаза қилишни ҳудудида қўриқланма (оралиқ) тегралар жойлашган ер эгалари ва ердан

фойдаланувчилар таъминлайдилар. Қўриқланма (оралик) теграларнинг ҳудуди корхона, муассаса ва ташкилотларга берилмаган ҳолларда бу теграларни муҳофаза қилиш табиатни муҳофаза қилиш идоралари томонидан таъминланади.

Урмонларнинг тақиқланган миңтақаларини муҳофаза қилишни ўрмонни муҳофаза қилиш идоралари таъминлайдилар.

Балиқчилик хўжалиги теграларини муҳофаза қилишни мазкур сув обьектида балиқчилик билан шуғулланувчи корхоналар ҳамда табиатни муҳофаза қилиш идоралар таъминлайдилар (35-модда).

### **7-§. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик**

Мазкур масала «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонунда қайд этилиб, аниқ ҳолат ва экологик хукуқбузарликларнинг турлари кўрсатилган. Ушбу қонуннинг 37-моддасига асосан, қуйидаги ҳолларда:

- табиат-қўриқхона фонди ҳудудлари ва обьектларидан ўз ўрнида фойдаланмаслиқда, алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларни барпо этиш ва улар ишини йўлга қўйиш лойиҳаларининг талабларини бузганликда;
- алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, уларнинг муҳофаза этиладиган тегралари доирасида ман этилган хўжалик фаолияти билан шуғулланганинда;
- алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг обьектлари ва муҳофаза этиладиган теграларида олдиндан экологик экспертиза ўтказмай туриб ёки бундай экспертиза хulosаларини бузган ҳолда хўжалик фаолиятини йўлга қўйганликда;
- алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда фалокатларнинг экологик оқибатлари ва бошқа заарарли таъсирларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чораларини кўрмаганликда;
- алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар барпо этиш тўғрисидаги илтимосномаларни қараб чиқиш муддатлари ва тартибини бузганликда;
- алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлардан фойдаланиш талабларини бузганликда;
- алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан фойдаланишда кимёвий, физик, биологик ва ўзга хил таъсирлар йўл қўйиладиган меъёрдан ошиб кетганликда, бундай ҳудудларни истифода этиш учун берилган рухсатномаларнинг талабларини бузгаликда;

– алоҳида муҳофаза этиладиган табиий объектларнинг табиий мажмуилари ҳамда уларнинг таркибига киритишни мўлжаллаб асраб қўйилган жойларни бузганлиқда, уларга шикаст етказганлиқда ёки уларни йўқ қилганлиқда;

– алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг чегарасини ўзбошимчалик билан ўзгартирганлиқда, бундай ҳудудларни ўзбошимчалик билан бошқа эҳтиёжлар учун ажратиб берганлиқда айбдор бўлган шахслар интизомий, фуқаровий, маъмурый ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси қонунларида алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонунларни ўзгача тарзда бузганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланиши мумкин.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ўзга юридик ва жисмоний шахслар алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг иш тартибини бузиш орқали етказган заарларини қонунларда белгиланган ҳажмда ва тартибда қоплашга мажбурдилар.

Умуман олганда, «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ти қонун ва талабларни бузганлик учун интизомий, фуқаровий, маъмурый ва жиноий жавобгарликлар кўлланилади.

**Интизомий-ҳуқуқий жавобгарлик** кўп ҳолларда меҳнат интизомини бузиш оқибатида қўлланиши мумкин. Шунинг учун ҳам у, асосан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддасига биноан, қуидаги шаклларда қўлланилади:

1) ҳайфсан;

2) ўртacha ойлик иш ҳақининг 30 %дан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима. Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртacha ойлик иш ҳақининг 50 %дан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Ходимнинг иш ҳақидан жарима ушлаб қолиш ушбу кодекснинг 164-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда иш берувчи томонидан амалга оширилади;

3) меҳнат шартномасини бекор қилиш (100-модданинг иккинчи қисми 3 ва 4-бандлари).

Ушбу моддада назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўллаш тақиқланади.

**Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик** алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонун ва талабларни бузганлик учун қўлланилади. Асосан етказилган заарни қоплаш, тикилаш ва қайтариш билан боғлиқ. Бу эса Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади. Юқорида номи зикр этилган қонуннинг 38-моддасига асосан, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳолатига зарарли таъсир ўтказаётган корхоналар,

ташкилотлар, цехлар, курилмаларнинг фаолияти заарли таъсир кўрсатаётган манбалар, шу жумладан алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳамда уларнинг муҳофаза қўриқланма тегралари ташқарисидаги манбалар бартараф этилгунга қадар тўхтатиб турилади ёки чеклаб қўйилади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга етказилаётган зарарни бартараф этишнинг имкони бўлмаса, корхона, ташкилот, цех ва қурилмаларнинг фаолияти тўхтатилади ҳамда уларнинг фаолият йўналиши ўзгартирилганидан ва алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга заарли таъсири тўлиқ бартараф қилинганидан кейингина фаолиятлари амалдаги қонунларга мувофиқ қайта тикланиши мумкин.

**Маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик.** Ушбу жавобгарлик тури Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 82-моддасига кўра, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тартибини бузганлик учун қўлланилади. Бундай ҳуқуқбузарликни содир этиш – фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса, уч бараваридан беш бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Давлат миллий табиат боғлари, буюртма қўриқхоналари, табиат ёдгорликлари, сувни муҳофаза қилиш тегралари, курорт табиий ҳудудлари, ботаника боғлари, дендрология ва ҳайвонот боғлари, қўриқланма (оралик) тегралар, ўрмонларнинг тақиқланган минтақалари, балиқ хўжалиги тегралари ва алоҳида муҳофаза этиладиган ўзга ҳудудлар тартибини бузиш – фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса, бир бараваридан уч бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса – фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса, беш бараваридан етти бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**Жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик.** Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонун ва талабларни бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Ушбу жавобгарлик бошқа жавобгарлик турларига нисбатан хавфли ва оғирроқ ҳолатда ҳуқуқбузарлик содир этилганда қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 204-моддасига асосан, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тартибини бузиш кўп миқдорда зарар етказилиши ёки бошқача

оғир оқибатларга сабаб бўлса – энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача бўлган миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ ишлари билан жазоланади. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд ёки обьектларни қасддан нобуд қилиш ёки уларга шикаст етказиш кўп миқдорда зарар етказилиши ёхуд бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса – энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача бўлган миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шуни таъкидлаш ўринники, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг иш тартибини таъмин этиш масалаларига доир корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фуқаролар, давлат идоралари ўртасидаги низолар судлар, жумладан Хўжалик суди томонидан қараб чиқилади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардаги табиий захиралардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш масалаларига доир низолар ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларда белгиланган тартибда ҳал этилади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга доир муносабатлар билан боғлиқ мулкий низолар қонунларда белгиланган тартибда суд ёки Хўжалик суди томонидан ҳал этилади.

## **8-§. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишда ички ишлар органларининг ўрни ва вазифалари**

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг ходимлари алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишда алоҳида ўрин тутадилар.

Ички ишлар органлари ўзларининг ҳуқуқлари доирасида ўзаро келишилган ёки шартнома асосида: давлат қўриқхоналари, давлат миллий табиат боғлари, давлат буюртма қўриқхоналари ва давлат табиат ёдгорликларини, сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари), курорт табиий ҳудудлари, рекреацион тегралар, ботаника боғлари, дендрология боғлари, қўриқланма (оралик) тегралари, ҳайвонот боғлари, балиқ ҳўжалик тегралари ва бошқа ҳудудий обьектларни қўриклийдилар.

Шунинг учун ҳам ички ишлар органларида қўриқлаш (хизмати) бўлинмасининг мазкур соҳадаги вазифалари анча кенг. Қўриқлаш хизматининг иши ўз вақтида санитария милицияси, ёнғиндан

сақлаш ва ДИХХХ ходимлари билан ҳам боғлиқ бўлиб, ўз ҳукуқ жараёнида улар билан биргаликда иш олиб борадилар.

Ички ишлар органларининг ходимлари алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни экологик-ҳукуқий муҳофаза қилиш даврида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва ИИВнинг бир қатор норматив ҳукуқий хужжатларига амал қиласидилар.

ИИВнинг «Карантин-қўриқлаш тадбирлари ва санитария назоратини таъминловчи милиция бўлинмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисидаги» 1997 йил 15 май буйруғи, «ИИВ Жамоат тартибини сақлаш бошқармаси карантин-қўриқлаш тадбирларини таъминловчи бўлимни тўғрисидаги» 1997 йил 15 май буйруғи, «ИИИнинг карантин-қўриқлаш тадбирлари ва ветеринария назоратини таъминловчи милиция бўлинмалари ҳақидаги низом», «Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимида санитария назорати тўғрисида»ги 1999 йил 17 январь буйруғи ва бошқа ҳукуқий хужжатлар шулар жумласидандир.

### ***Такрорлаш учун савол ва топшириқлар***

1. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ҳукуқий муҳофаза қилишининг аҳамияти нимада?
2. Давлат қўриқхоналарини муҳофаза қилиш ва уларнинг ҳукуқий тартиби ҳақида сўзлаб беринг.
3. Давлат миллий табиат боғлари нима ва улар қай тариқа ҳукуқий муҳофаза қилинада?
4. Давлат буюртма қўриқхоналари ва унинг ҳукуқий тартиби ҳақида гапириб беринг.
5. Давлат табиат ёдгорликларини экологик-ҳукуқий муҳофаза қилиш нима?
6. Алоҳида муҳофаза этиладиган ўзга табиий ҳудудларга нималар киради ва уларнинг ҳукуқий тартиби қандай?
7. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун қандай юридик жавобгарлик мавжуд?
8. Ички ишлар органларининг алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилишдаги ўрни ва вазифаларини гапириб беринг.

## XIII БОБ ЭКОЛОГИК-ХУҚУҚИЙ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ

### 1-§. Экологик-хуқуқий таълим-тарбия ва унинг вазифалари

Табиат инсоннинг ҳам моддий, ҳам маънавий эҳтиёжларини қондиришга қодир бўлган асосий манбадир. Шунинг учун ҳам комил ишонч билан таъкидлаш мумкини, табиат яъни биосферани сақлаб қолиш ва уни ўзгартериш муаммоси кўп жиҳатдан инсон фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу муаммони ижобий ҳал этишда, яъни табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уларни хуқуқий муҳофаза қилишда, аҳолининг экологик-хуқуқий саводхонлиги, таълим ва тарбия жараёни айниқса катта аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтаётган бир даврда барча фуқароларнинг, айниқса ёшларнинг, экологик-хуқуқий саводхонлигини ошириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Хуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг хуқуқий маданият даражасини юксалтириш, хуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш тўғрисида»ги<sup>1</sup> 1997 йил 25 июнь фармони ҳамда «Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» катта аҳамиятга эга.

Хуқуқий-демократик давлат сари ташланган ҳар бир қадам экологик таълим-тарбияни тўғри олиб бориш ҳамда уни ташкил этишнинг самарси билан ҳам бевосита боғлиқ. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1998 йил 29 май қарори ниҳоятда катта аҳамиятга эга.

Ўқув тизимининг барча босқичларида таълим-тарбия жараёни олдига қўйилган янги талаб Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да

---

<sup>1</sup> Халқ сўзи, 1997. 26 июнь

аник кўрсатилди ҳамда бу борада бир қатор ижобий ишлар олиб борилмоқда.

Қўриниб турибдики, юқорида қўйилган барча талаблар ёшларимиз ўртасида экологик-хукукий таълим-тарбияни замон талаби асосида олиб бориша кенгроқ мушоҳада юритишини тақозо этади.

Президентимиз И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида: «Ёшлар билан ишлаш масалалари алоҳида эътиборни талаб қилади. Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамишга ёдда тутишимиз керак»,<sup>1</sup> – деб жуда тўғри таъкидлаган эди.

Қўйилган ушбу долзарб вазифа ҳозирги кунда олиб борилаётган ва келажақда давом эттирилиши лозим бўлган экологик-хукукий таълим-тарбияга бевосита тегишлидир.

Экологик-хукукий таълим-тарбиянинг асосий хусусияти шундаки, унда экологик ва хукукий таълим-тарбия уйғун ҳолда олиб борилади. Жумладан, Президентимиз И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари»<sup>2</sup> асарининг алоҳида бир боби «Хавфсизликка таҳдид» – деб номланиб, унда экологик муаммоларнинг барча ҳолатлари кўрсатилган.

Экологик-хукукий таълим-тарбияни кучайтиришда Олий Мажлис сессияларида қабул қилинган экологик қонунларни тушунтириб бориш мақсадга мувоффиклар.

Демак, Ер кодекси «Табиатни муҳофаза қилиш», «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида», «Сув ва сувдан фойдаланиш», «Ер ости бойликлари», «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш», «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш», «Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш», «Экологик экспертиза», «Чақиндилар тўғрисида» ва «Ўрмон тўғрисида»ги қонунларни тушунтириш ва ўргатиш билан экологик-хукукий таълим ва тарбия сифатини ҳамда таъсирини кучайтириш мумкин.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., 1999. 2–3-б.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., 1997. 110–133-б.

Мамлакатимиз ўз мустақиллиги ва экологик сиёсатини мустаҳкамлаб бераётган бугунги кунда экологик-хуқуқий таълим ва тарбиянинг қуйидаги вазифалари:

**биринчидан**, мамлакатимизнинг сиёсий ва экологик ҳаётида содир бўлаётган экологик-хуқуқий жараёнларни таҳлил қилиш ва хорижий мамлакатлар билан таққослаш;

**иккинчидан**, экологик-хуқуқий таълим ва тарбия жараёнини барча мактаб, гимназия, лицей, колледжларда, институт, университет ҳамда академияларда миллний, иқтисодий, сиёсий, экологик ва географик хусусиятлар кўрсатилган ҳолда ўқитиш;

**учинчидан**, мамлакатимизда экологик-хуқуқий таълим ва тарбия олиб бориш жараёнларини ривожлантиришнинг янги механизмини, замонавий услубини яратиш ва қўллаш ҳамда уни амалга оширишни таъминлаш;

**тўртингчидан**, барча фуқароларнинг, айниқса ёшларимизнинг, экологик-хуқуқий маънавияти ва маданиятини, экологик-хуқуқий онги ва фаолиятини ошириш, мамлакатимиздаги экологик муаммоларни ҳал этишда фаол қатнашишларини таъминлаш;

**бешинчидан**, мамлакатимизда экологик муаммоларни ҳал этишнинг ҳалқаро стандартларга жавоб бера оладиган кулай йўлларини белгилаш;

**олтинчидан**, жаҳонда ва минтақамизда содир бўлаётган турли экологик инкроз ва ўзгаришларга сиёсий, хуқуқий ва экологик ҳушёрлик билан қараш ғояларини шакллантириш;

**еттингчидан**, экологик барқарорлик, миллатлараро тотувлик, экологик зиддиятларнинг олдини олиш ва тинч-тотув яшашнинг хуқуқий меъёрини таъминлаш;

**саккизинчидан**, хорижий мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш учун хуқуқий таълим ва тарбия олиб боришнинг илмий салоҳиятини яратишни ёшларимизнинг онги ва қалбларига сингдириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш лозим.

Хуллас, инсониятнинг нормал яшashi ва турмуш фаолиятини таъминлаш учун табиатнинг барча манбаларини экологик жиҳатдан сақлаш, хуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш лозим бўлади. Ушбу талабларнинг амалга ошиши эса одамларнинг экологик-хуқуқий таълим ва тарбия жараёни ҳамда экологик-хуқуқий онги, саводхонлиги, маънавият ва маданияти билан боғлиқ.

## **2-§. Экологик-хуқуқий маданият ва тафаккурни шакллантириш**

Экологик-хуқуқий маданият умумий маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, ахлоқий, эстетик, хуқуқий ва бошқа ғоявий-тарбиявий жараёнларда иқтисодий-экологик асос таъсирида шаклланади.

Хуқуқий экологик маданият деганда, биз инсоннинг доимо ривожланиб борувчи экологик-хуқуқий фаолияти ва табиатни хуқуқий муҳофаза қилиш тажрибасини тушунамиз. Хуқуқий экологик маданият Ўзбекистон фуқароси қиёфасининг элементи деб қаралса, унга «табиатни муҳофаза қилиш ҳуқуқларини билиш ва ҳурмат қилиш», «экологик ҳуқуқ талабларига риоя қилиш» ва «қонун бузилишига муросасизлик» тушунчаларини киритиш мумкин.

Демак, инсоннинг маданий ривожланиш даражаси тизимида энг муҳими умуминсоний аҳамиятга эга бўлгани экологик маданиятдир. Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов «Туркистан» газетаси мухбирининг саволларида берган жавобларида: «Ҳар қандай халқни – халқ, миллатни – миллат қиласидиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқравшан, чароғон этадиган мағфорура – миллний ғояни шакллантиришнинг асосий шарти – одамларнинг тафаккури, дунёқарашининг воқеликка нисбатан таъсирини инобатга олишдир. Шу маънода миллний ғоя, миллний онг туйғусининг моҳиятини тўғри англаш, уни тарбия қилиш, уни бугунги куннинг энг зарур вазифаларидан бири сифатида эътироф этиш, бу хусусда баҳсу мунозаралар олиб бориш, фикр алмашиб, очикойдин гапириш, ижтимоий тараққиётимиз учун катта наф келтиради», – деб айтган сўзлари, барча соҳалар қатори, мазкур масалага ҳам бевосита тегишлидир.

Хуқуқий экологик маданият элементлари дастлаб оилада, боғчада ва умумтаълим мактабларида ҳосил бўлади. Илмий асосланган хуқуқий экологик билимлар ва амалий кўнникмалар эса олий таълим олиш жараёнида ижтимоий-сиёсий, хуқуқий-экологик, табиий ва психолого-педагогик фанларнинг ўқитилиши туфайли намоён бўла

ди. Хуқуқий экологик билимларнинг илмий асослари семинар ва лаборатория машғулотлари жараёнида берилади.

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўз келажагимизни ўз қўнимиз билан қурмоқдамиз//Биз ўз келажагимизни ўз қўнимиз билан қурамиз. Т.7. Т., 1999. 298-б.

Хукуқий экологик амалий кўникмалар эса талабаларнинг ўқув дала машғулотларида, экспурсияларида, курс ва диплом ишларини бажариш жараёнларида, фан тўгараклари машғулотларида, ижтимоий фойдали меҳнат жараёнида шаклланади.

Хукуқий экологик қонун-қоидалар талабларини менсимаслик, хукуқий экология принципларини инкор этиш, экологик қонунларни четлаб ўтишга уриниш «ўзбекона маданият» тушунчаси билан сифиша олмайди.

Айниқса, ўқувчиларни хукуқий экологик маданиятли қилиб тарбиялашда ўқитувчининг ўрни катта. Чунки у ўқувчиларнинг мактабдаги энг яқин кишиси бўлганлиги сабабли, унинг хукуқий экологик маданияти болаларга кўпроқ таъсир кўрсатади.

Ёшларнинг хукуқий экологик маданияти кўпроқ дала машғулотлари ва табиат экспурсияларида шаклланади. Негаки ўқувчи ёшлар олган назарий экологик билимларини амалда синаб кўрадилар, шунингдек, ўзлари ўқиётган, ишлаётган жойларда фуқаролар экологик қонунларга қандай амал қилаётганликларининг бевосита шоҳиди бўладилар.

Агар хукуқий экологик маданиятга фуқароларнинг хулқи сифатида қаралса, унда фуқароларнинг экологик қонунларни билиши, ҳурмат қилиши, хукуқий экологик нормалар талабларига риоя қилиши ва экологик қонунларни бузувчи хатти-харакатларга муросасизлиги каби одат элементлари тушунилади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, агар фуқаролар меҳрибон ва хушмуомала, билимдон ҳамда мансабдор шахс бўлсалар-у, аммо экологик қонун талабларига ҳурматсизлик қилсалар, уни бажармасалар, бузсалар бундай одамларни юқори экологик маданиятли кишилар деб бўлмайди.

Юқори экологик маданиятли кишиларни табиат бойликлари ҳақидаги таълимотдан, қонунлардан кенг фойдаланиб хукуқий экологик таълим ва тарбияни мустаҳкамлаш орқали шакллантирамиз.

Ҳозирги шароитда фуқароларнинг, айниқса ёшларимизнинг, экологик-хукуқий тафаккурларини ошириш катта аҳамиятга эга. Умуман олганда, экологик-хукуқий тафаккур (инсоннинг) ёшларнинг ақл-заковат хусусияти, экологик-хукуқий қарашлари ва тасаввурларини акс эттириш, экологик қонун ва талаблар моҳиятини билиш, уларни ўзлаштириш, экологик тушунчалар, тасаввурлар, экологик-хукуқий назариялар, экологик қонунларни ҳаётий муаммоларга татбиқ этиш ва тегишли тарзда ҳаётида ўз йўналишини топиш, экологик-хукуқий фаолиятни саводли

тушуниш ҳамда уни тўғри ҳал этиш ҳолатида ҳам майдонга чиқади<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, экологик-хукуқий тафаккурнинг ривожланиши якка шахслар ва кўпчилик экологик-хукуқий онгининг шаклланиши билан боғлиқдир.

Экологик-хукуқий тафаккур фуқароларнинг экологик-хукуқий воқеликни бевосита акс эттирувчи ва уларнинг мазкур ривожланиши пайтида жамиятнинг экологик, иқтисодий, хукуқий ҳаёти ҳодисаларига муносабатини ифодалайдиган экологик-хукуқий foялари, қарашлари, тасаввурлари мажмуидир.

Экологик-хукуқий тарбия билан биргаликда экологик-хукуқий таълим ҳам шундай онгни шакллантиришда муҳим восита сифатида тан олинади.

Демак, ҳозирги пайтда ёшларни:

- замонавий экологик-хукуқий фан даражасида фикрлашга ва унинг ютуқларини амалиётда самарали қўллашга;
- ҳаётий иқтисодий муаммоларни ҳал этиш ва тадбиркорлик фаoliyatiini юритиша барча экологик қонунлар ва талабларга риоя қилишга;
- яхши яшаш ва келажак авлодни асрарашда экологик ва хукуқий-иқтисодий қонунларни бекаму кўст бажаришга;
- давлатимизнинг экологик сиёсати ва иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлашга;
- экологик ва аграр қонунларимизнинг бажарилиши ҳамда амалга оширилишини таъминлашга ўргатиш зарур.

Ёшларимизда бундай экологик-хукуқий тафаккурнинг шаклланиши экологик билимларнинг мустаҳкамланиши учун шарт-шароит яратади. Шуни таъкидлаш жоизки, экологик-хукуқий тафаккур экологик-хукуқий билимларга асосланади, улар эса, ўз навбатида, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда, экологик сиёсат ва дунёкарашларда ҳақиқий жараёнларни акс эттириши керак.

Экологик-хукуқий маънавият ва тафаккурни шакллантириш, экологик-хукуқий фанларни ўқитиш ўқитувчиларга ҳам боғлиқ. Баъзи педагоглар «ўқувчиларни мураккаб экологик вазиятлар билан танишириб, улардан экологик-хукуқий қонунларни билишларини талаб қилиш мақсадга мувофиқ эмас, бусиз ҳам ўқувчи ва талабалардан кўп нарса тилаб қилинади» деб ҳисобладилар. Натижада, ўқувчи-ёшларга экологик вазиятларни, ҳалокатларни ва талабларни билиш зарурдек кўринса-да, аммо

<sup>1</sup> Қаранг: Холмўминов Ж. Т. Ёшларда экологик-хукуқий тафаккурни шакллантиришнинг айrim жиҳатлари. // Xўжалик ва ҳукуқ. 1999. № 11–12. 26–28-б.

улар қабул қилинган экологик қонунларни билиш унчалик мухим эмас, деган тасаввур пайдо бўлади.

Тажрибаларимиз шуни кўрсатмоқдаки, мактаб, лицей, коллежларда таҳсил олаётган деярли ҳар бир ўқувчи экологик-хукуқий билимлар берилишини, экологик мавзуларга қизиқишини, аммо мактаб, лицей, коллежлардаги ўқув дастурлари уларни қаноатлантирмаётганинги таъкидламоқдалар.

Ёшларнинг 50 % экологик-хукуқий билимларни ўзбек тилидаги китоблар, дарсликлардан, 32 % газета ва журналлардан, 18 % эса радио ва телевидениядан олишларини таъкидлаганлар.

Кўриниб турибдики, бозор муносабатларига ўтаётган демократик хукуқий жамият экологик-хукуқий тафаккурининг мақбул модели ўз-ўзидан шаклланади деб кутиб ўтирумайди. Демак, бундай ёндашув экологик-хукуқий тафаккурга жиддий тарзда тўғаноқ бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳам ҳозирги шароитда, биринчи навбатда, замонавий ишлаб чиқаришнинг барча ходимларига ҳамда барча ёшларимизга чуқур экологик-хукуқий билимларга ва уларни амалиётда қўллаш кўнималарига асосланган юксак даражадаги экологик-хукуқий маънавият ва маданиятни ҳосил қилиш талаби қўйилмоқда.

Ёшлар билан ишлашнинг экологик-хукуқий шакл ва усусларини чуқур ўрганишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Хуллас, ана шундай тадбирлар ёшларимизни замонавий экологик-хукуқий тафаккурни шакллантиришга, ўқувчи-ёшларга экологик-хукуқий тафаккурнинг моҳияти ва мазмунини янада кенгроқ тушунтиришга, келажак ҳаётимиз учун масъулият билан яшашга ундейди.

### **3-§. Экологик-хукуқий таълим ва тарбияни олиб бориш**

Биз шу пайтгача экологик тарбияга табиатга бўлган муносабатимиз сингари бир томонлама ёндашиб келдик, яъни ўқувчиларни табиат ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги билимлар билан қуроллантиридиг-у, уни асраш ва ундан оқилона фойдаланиш ҳақида лом-мим демадик. Айтганларнинг овози ҳам табиат устидан қозонилаётган ғалабаларимиз шарафига янграётган «ура, ура»лар садоси остида билинмай кетди. Энди бу нуқтаи назардан бутунлай воз кечиш даври келди. Иккинчи томондан, бугунги экологик муаммолар ўз вақтида ҳал этилмас экан, инсониятни ҳалокат кутиши табиий. Биз бу йўлда эндинга қадам қўяпмиз, уни давом эттириш эса ёшларимиз зиммасига тушади. Олимларимиз келгусида экологик шароитнинг янада

мураккаблашувини таъкидламоқдалар. Бу ёшлардан кўпроқ билим, масъулият ва куч-ғайрат талаб қиласди. Шу боис ўқувчилик келажакда уларни қандай экологик хавф кутаётганини билишлари, уларни тўғри ва оқилона бартараф этиш учун мактаб партасидаёқ бош қотиришлари лозим. Шундагина улар узоқни кўзлаб фикр юритишни ва ишлашни ўрганадилар.

Баъзан ўқувчи ва талабаларда шундай савол туғилиши мумкин. Нима учун фуқаролар табиат бойликларидан очиқдан-очиқ, хўжасизларча фойдаланадилар (масалан, куппа-кундуз куни арча ёки писта дарахтини кесиш, нодир жониворларни қонунга хилоф тарзда овлаш ҳоллари кўплаб учраса-да, ҳеч ким эътибор бермайди)?

Айтиш мумкинки, ҳозирги пайтда учраб турадиган табиий ресурслардан ноўрин фойдаланиш, уларни ифлослантириш, кўплаб исрофгарчиликка йўл қўйиш каби салбий ҳодисалар илм-фан ютуқларидан етарлича фойдалана олмай, кўплаб табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунларнинг бузилиши, уларга амал қилмаслик, экологик ўзгаришларни олдиндан аниқлаб, айтиб бера олмаслик ва мутахасис кадрларнинг «хукуқий экология асосларидан» етарлича билимга эга эмасликлари натижасида рўй берадиган.

Буларнинг ҳаммаси мактаб ва олий ўқув юртларида етарлича хукуқий экологик билим берилмаётганлигининг оқибатидир. Шу сабабли хукуқий тарбиянинг хилма-хил шакл ва усулларидан кенг фойдаланиб, аниқ мақсадни кўзлаб уюшқоқлик билан иш олиб бориш муҳимдир. Бизнингча, хукуқий экологик таълим ва тарбия бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, турли элемент, талаб ҳамда хусусиятларни ўз ичига олади. Хукуқий экологик таълимга куйидагилар киради:

1) ёшларни табиат гўзалликларидан эстетик завқ олиш ва уни севиш руҳида тарбиялаш;

2) табиат ва жамият ўртасидаги мураккаб хукуқий муносабатлар ҳамда инсон фаолиятининг табиатга таъсири оқибатидаги хукуқий билимларни ўргатиш;

3) ёшларнинг хукуқий экологик маданиятини ошириш ва мустаҳкамлаш. Хукуқий экологик тарбия эса, фуқароларга маҳсус хукуқий экологик таълим ва тарбия бериб, уларда бу соҳада тегишли малака ҳосил қилиш (ҳар бир фуқаро қонун доирасида табиатга қандай муносабатда бўлишни яхши тушуниб олиши, табиат бойликларидан зарар етказмаган ҳолда оқилона фойдаланиши, доимо уларни кўпайтириб, тикланишини таъминлаб боришлари, айниқса оила, бригада, колектив ижараси ва фермерлик шароитида табиат бойликларидан унумли фойдаланишини янада кенгайтириб, экологик фожиали

оқибатларнинг олдини олишда уларнинг жавобгарлигини ошириш зарур).

Экологик ўзгаришларни олдиндан кўра билишни таъминлаш (инсоннинг табиатга таъсири қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан кўра билиш ва қонун талаблари даражасида иш тутиш лозимлиги);

4) экологик-хуқуқий маданиятни ошириш ва табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш руҳида тарбиялаш (табиат кўйнида, яшил яйловларда, ўрмон, кўлларда, тарихий табиий ёдгорликлар кўйнида бўлганда уларга зарар етказмаслик, бунинг учун тегишли хуқуқий жавобгарлик мавжуд эканлигини тушунтириш ва унинг олдини олиш кифоя);

5) ёшларда экологик тафаккур ва экологик онг масаласини шакллантириш. Мана шундай онг ва тафаккурга эга бўлган киши табиатга нисбатан фуқаролик масъулиятини сезиб, табиатдаги экологик маданият намуналарини, табиатга муҳаббат аломатларини кўрсата олади.

Суд, прокуратура, милиция ва балоғатга етмаганлар иши билан шуғулланувчи инспекция ходимлари иштирокида хуқуқий таълим ва тарбия бериш жараёнида оиланинг (жумладан, ота-она билан бола ўртасидаги ижобий хуқуқий муносабатлар), мактабнинг ўрни (дарс жараёнида ва дарсдан ташқари ҳолларда) ҳақида турли хил учрашувлар, хуқуқий экологик мавзуларда маърузалар, савол-жавоблар ташкил этиш фойдали. Масалан, «Экологик тарбия ва қонун», «Исон ва экологик вазият», «Қонун ва экология», «Табиатни қўриқланг» каби мавзуларда сұхбатлар ўtkазиш, ҳар бир синф ва аудиторияларда «хуқуқий экология бурчаги»ни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, бизнингча, хуқуқий экологик таълим ва тарбия муаммоларини мұваффақиятли ҳал этиш учун унинг моҳиятини англайдиган, табиат бойикларини хуқуқий жиҳатдан муҳофаза қиладиган етук кадрлар, яъни хуқуқшунос-эколог, лесник-эколог, эколог-милиция, биоэколог, (биолог-эколог), геоэколог (географ-эколог), водник-эколог, инженер-эколог, медик-эколог, архитектор-эколог ва бошқалар тайёрлаш, балки суд-эколог, адвокат-экологлар каби мутахассисларни жорий этиш фойдалидир.

Шу боисдан ҳамма ўкув юртларида «Экология хуқуқи» курсининг ўқитилишини кенг ривожлантириш, ўқитувчиларнинг бу соҳадаги малакаларини ҳозирги давр талаби асосида муттасил ошириб бориш зарур.

Хуллас, хуқуқий экологик тарбия маънавият билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун она сайёрамиз тақдирига бефарқ қарамаслигимиз, болаларни ўшлиқдан табиатни асраб-авайлашга ўргатишимиш лозим. Ўтиш даврида иқтисодиётнинг

хусусийлаштирилиши экологик ҳолат учун барча фуқароларнинг масъулиятларини оширишнинг зарур шарти бўлиб, халқ хўжалиги экологик жиҳатдан тоза, чиқиндисиз ишлаб чиқариш технологиясига асосланиши, бунинг учун эса экологик-хукукий билимларни тарғиб қилиш ўринлидир.

Яна шуни унутмаслик керакки, экологик тарбияни нафақат табиатшунослик дарсларида, балки ҳар бир дарсда бериш даркор чунки ёш авлодни ҳар томонлама камолга етказишида экологик тарбиянинг имкониятлари кенг.

Шундай қилиб, экологик-хукукий тарбия бериш билан биз ўқувчиларни табиат ва унинг қонунлари тўғрисидаги, жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг тарихи ва келажаги ҳақидаги зарур назарий билимлар билан қуроллантирамиз (ақлий тарбия), унинг гўзаллигидан завқлана олишга ва асрашга ўргатамиз (эстетик тарбия). Шунингдек, улар табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги билимга эга бўладилар (иқтисодий тарбия), атроф мухитни озода ҳолда сақлаш кўникмаларини ўзлаштириб (гигиеник тарбия), табиат муҳофазаси ҳақидаги қонунларни ўрганадилар (хукукий тарбия), жамиятда юриш-туриш қоидаларини эгаллайдилар (ахлоқий тарбия), ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашадилар (меҳнат тарбияси), сайр ва экскурсияларда бўладилар (жисмоний тарбия).

Бунинг учун эса ёшларга хукукий экологик таълим ва тарбия бериш жараёнида уларни замонавий экологик (физикавий, кимёвий, биологик, тиббий ва бошқа) билимлар билан қуроллантириш, хукукий-экологик маданият ва тафаккур эгаси сифатида шакллантириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маърузасида қўйидаги ташвишли гапларни айтгани бежиз эмас: «Дунёдаги кўпгина минтақалар каби Марказий Осиё ҳам ғоят катта миқёсдаги экологик оғатларга дуч келяпти. Энг аввало, бу Орол денгизи фожиасига тааллуқли. Кейинги йилларда унинг ҳажми уч баравардан кўпроқ қисқарди, майдони икки баравар камайди, қирғоқ 80 километрга чекинди, сувнинг минераллашув даражаси тўрт бараварга ошди. Ҳайдаладиган икки млн. гектар ерни кум босди, чанг-тўзонлар бўрони 300 километр ва ундан кўпроқ масофага етиб борадиган бўлди. Мана шуларнинг ҳаммаси минтақадаги «санитария ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги нутқи // Халқ сўзи. 1993. 1 окт.

Ўзбекистон Республикасида табиатни ҳуқуқий экологик муҳофаза қилиш – бу янги такомиллашган технологиялар асосида чиқиндисиз ишлаб чиқаришни жорий этиш; тозалаш иншоотларини тўхтовсиз, экологик хавфсиз равишда ишлатиш; ер ресурсларидан оқилона фойдаланиб, уни ифлослантирмаслик, ўсимлик, ўрмон ва ҳайвонот дунёсини кўз қорачигидек сақлаш, ҳавони ифлосланишдан сақлаш; тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш, тиклаш демакдир. Буларнинг ҳаммаси фуқаролар ҳуқуқий экологик онги ва маданиятининг шаклланиши ҳамда ҳаётга татбиқ этилишига боғлиқ.

Демак, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, уларни асраш ва уларга инсоний муносабатда бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Кескинлашиб бораётган экологик муаммоларни фақат экологик билимларни эгаллаш ва экология тўғрисидаги қонунларни амалга ошириш йўли билангина ҳал қилиш мумкин. Айниска, ҳозирги пайтда «Экология ҳуқуқи» фани ўтилаётган олий ўкув юртларида Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунини, бошқа янги қонунларни, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорлар ва Президентимиз эълон қилган барча фармонларни тушунтириш экологик хавфхатарни олдини олади ҳамда фуқаролар ва ёшларнинг ҳуқуқий экологик саводхонлигини оширади. Бу ўринда АҚШ, Германия, Англия, Япония, Швейцария, Франция каби мамлакатларнинг экология муаммоларини ҳал қилишга қаратилган тажрибаларидан фойдаланиш зарур.

#### **4-§. Экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбияни олиб боришда оиланинг ўрни ҳамда аҳамияти**

Ўзбекистон истиқтолнинг илк кунлариданоқ ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти куришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорларнинг моҳиятига айнан шу мақсад сингдирилди. Ушбу мақсаднинг амалга ошиши ҳар бир фуқаро, ҳар бир оиланинг ҳуқуқий экологик таълим ва тарбия олиб бориши ҳамда уни самарали ташкил этиши билан бевосита боғлиқ. Бу вазифани ижобий ҳал этиш эса ёшларимиздан ҳуқуқий экологик тарбиялашнинг барча тизимлари бўйича катта мушоҳада юритишни талаб қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида, «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдилар», деб кўрсатилиши ҳам ҳар бир

оилада ёшлар тарбиясини ҳозирги давр талаби даражасида олиб боришни тақозо қиласи.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида: «Бизнинг келажагимиз, энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз – бу ўсиб келаётган ёш авлоддир. Мен ўз тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдиди ва келажагини ҳам ана шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок калби, эркин тафаккури, мустаҳкам иродаси ва дунёқарашида кўраман... Демак, ахолининг барча қатламларида мафкуравий, маданий-маърифий, тарбиявий ишларни изчил равишда олиб бориш – бу замон талабидир»<sup>1</sup>, – деб таъкидлаганлари бевосита ёшларимиз ўртасида экологик-хуқуқий таълим ва тарбияни ҳар бир оилада олиб бориш муаммосига ҳам тегишилидир.

Кўриниб турибдики, ҳар бир оила ва ушбу оилада ўсиб-улғаяётган ёшларимиз мустақил давлатимизнинг хуқуқий ва экологик сиёсати ҳамда унинг мазмунини, экологик-хуқуқий муаммолар ҳамда уларни ҳал қилишнинг хуқуқий-иктисодий томонларини яхши билишлари, экологик-хуқуқий билимларга эга бўлишлари ва жамият фаолиятининг экологик-хуқуқий соҳасида фаол қатнашишлари зарур.

Ушбу муаммони Узбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги қонуни ҳам ўзида мужассамлаштирган.

Мазкур хуқуқий хужжатлар ҳамда қўйилган бир қатор талаблар Ўзбекистондаги 4,5 млн. дан ортикроқ оила олдига умумий таълим ва тарбиянинг асосий бир бўлаги сифатида хуқуқий таълим ва тарбияни экологик таълим ва тарбия билан қўшиб олиб бориш масаласини қўймоқда. Чунки дастлабки таълим ва тарбияни олиб бориш жараёни оилада вужудга келади. Шунинг учун ҳам оилаларимизда хуқуқий ҳамда экологик таълим ва тарбияни узвий олиб бориш ёшларимизни мавжуд қонунларни билиб олишга ҳурмат қилиш ва уларга амал қилишга ундейди.

Хуқуқий таълим ва тарбия ҳамда экологик таълим ва тарбия асосан: оилада, мактабгача тарбия муассасаларида, мактабларда (гимназияларда), лицей, коллеж, институт ва университетларда олиб борилади.

«Қўш уясида кўрганини қиласи» деганларидек, ёшларимизнинг хуқуқий ва экологик таълим-тарбияси кўпроқ оилада олиб борилса, мақсаддага мувофиқ бўлар эди.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Миллат құдрати ҳамжиҳатликда. // Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан қурамиз. Т. 7. Т., 1999. 359–360-б.

Шунинг учун ҳам 1998 йилдан бошлаб амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 65-моддасида боланинг оиласида яшаши ва тарбияланиш ҳуқуқи, 73-моддасида эса ота-онанинг болаларга таълим-тарбия беришга оид ҳуқуқ ва мажбуриятлари алоҳида кўрсатилди.

Жумладан, Оила кодексининг 73-моддасида «Ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларини соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт», деб таъкидланиши бежиз эмас.

Оилада экологик-ҳуқуқий таълим қуидаги талабларни ўз ичига олади:

1) оиласида болаларни табиат гўзалликларидан эстетик завқ олиш, севиш руҳида тарбиялаш;

2) оиласида ота-онанинг ғамхўрлиги ва бевосита ҳаракати остида болаларнинг экологик-ҳуқуқий маданиятни ошириш;

3) оиласида ёшларимизга табиат ва жамият ўртасидаги ҳуқуқий муносабат ҳамда инсоннинг табиатга таъсири масаласини тушунириш;

4) ёшларимизга инсон табиатнинг онгли бир маҳсули эканлиги ва барча қонунларга амал қилиши лозимлигини ҳам тушунириб бориш.

Экологик-ҳуқуқий тарбия жараёни кўпроқ олинган билим ва тушунчалар, экологик-ҳуқуқий савия ҳамда бошқа меъзонлар билан боғлиқ бўлади. Оилада экологик-ҳуқуқий тарбия эса қуидагиларни ўзида ифода этиши мумкин:

1) ёшларга табиат бойликлари бўлган ер, ер ости бойликлари, сув, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, ўрмон ва ҳаво (атмосфера)дан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза этиш лозимлигини тушунириш;

2) оиласида экологик-ҳуқуқий тафаккур ва экологик-ҳуқуқий онги ҳосил қилиш, табиатга нисбатан масъулиятли бўлиш ва меҳр-муҳаббат кўрсатиш;

3) ёшларга экологик ўзгаришларни олдиндан кўра билиш кераклигини тушунириш, акс ҳолда салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ўқтириш;

4) ота-оналар томонидан ёшлар онгига экологик-ҳуқуқий маънавият ва маданиятни шакллантириш. Табиатга зарар етказмаслик, етказилган зарар ёки содир этилган ҳуқуқбузарлик учун юридик жавобгарликнинг мавжудлигини тушунириш;

5) оиласида ота-оналар томонидан ёшларга содир этилган ёки содир этилиши мумкин бўлган экологик-ҳуқуқий

хуқуқбузарликларга қарши курашиш ҳамда уларнинг олдини олиш шарт эканлигини ҳам тушунтириш мақсадга мувофиқдир.

Янгича экологик-хуқуқий тафаккурни, маънавият ва маданиятни шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 майда қабул қилган «Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 235-сонли қарори катта аҳамиятга эгадир.

Таъкидлаш жоизки, оилада хуқукий экологик таълим ва тарбиянинг олиб борилиши ҳамда унинг адабиётларда ёритилиши талаб даражасида эмас. Бошланғич экологик ва хуқуқий таълим-тарбиянинг бериш ва мустаҳкамлашда қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир:

- ота-оналарнинг ёшлар ўртасида кўпроқ экологик, хуқуқий таълим ва тарбия мавзуларида тушунтириш ишларини олиб боришлари;

- маҳаллаларда яхши экологик-хуқуқий таълим ва тарбия олиб бораётган ҳар бир оила тажрибаларини ёритиш, уларни маънавий рағбатлантириш;

- оилада оила экологияси, инсон экологияси, ёшлар экологияси нима эканлигини фарзандларга кенгроқ тушунтириш;

- табиат қўйнида оилавий бўлиб дам олиш, болаларда табиатга меҳр-муҳаббат уйғотиш ҳамда табиатни муҳофаза қилиш ва экологик қонунлар ҳақида сўзлаб бериш;

- оилада олиб борилган экологик-хуқуқий таълим ва тарбияни мактабгача тарбия муассасаларида, мактаб, лицей ва коллежларда давом эттириш ва ривожлантириш;

- ёшлар ўртасида экологик-хуқуқий таълим ва тарбияни янада кучайтириш мақсадида «Экологик-хуқуқий таълим ва тарбия» маҳсус курсларини очиш ҳамда бошқа тадбирларни амалга ошириш.

Хуллас, оилада ана шундай тадбирларни олиб бориш ёшларимизда экологик-хуқуқий тафаккурнинг янги замонавий ҳолатини шакллантиришга, экологик-хуқуқий маънавият, маданият ва тафаккур асосларини барпо этишга катта ҳисса қўшади. Оилада болаларга экологик-хуқуқий таълим-тарбия бериш уларнинг келажақда масъулиятли, жонкуяр инсонлар бўлиб етишишига асос бўлади.

## **5-§. Ички ишлар органларининг экологик-хукуқий таълим ва тарбия ишарини олиб боришдаги вазифалари**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Жамиятда хукуқий маданиятни юксалтириш миллый дастури тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг «Жамиятда хукуқий маданиятни юксалтириш миллый дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллый дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги қонунлари ички ишлар органларининг олдига хукуқий, жумладан экологик-хукуқий таълим-тарбияни олиб боришда бир қатор вазифаларни юклайди.

Аҳоли ўртасида экологик-хукуқий таълим ва тарбия олиб бориш ҳақидаги талаб ички ишлар органларининг барча бўлинмаларига ҳам тегишли. Айниқса ДИХХХ ходимлари, санитария милицияси, профилактика нозирлари, қўриқлашёнгиндан сақлаш хизмати, милиция бошлигининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ёрдамчиси ва бошқа таркиблари экологик-хукуқий таълим-тарбия ишларини олиб борадилар.

Шуниси эътиборлики, ҳозирги пайтда ёшларга мактаб, лицей ва коллежларда ташкил этилган «мактаб милицияси»нинг таъсири катта бўляпти.

Хуллас, ички ишлар органларининг аҳоли ўртасида, айниқса ёшларга экологик-хукуқий таълим-тарбия бериш жараёнида:

- табиат бойликларига оқилона муносабатда бўлиш ва улардан оқилона фойдаланиш;
- экологик қонунларни халқимизга кенгроқ тушунтириш;
- экологик-хукуқий билимларни янада кенгайтириш учун мактаб, лицей ва коллежларда дарслар ташкил қилиш;
- «Экология ва қонун», «Тоза ҳаво», «Табиатни асройлик», «Она замин ва биз», «Ёшлар ва қонун» каби учрашувлар ўтказиш;
- аҳолининг, айниқса ёшларнинг экологик-хукуқий таълим ва тарбиясига алоҳида эътибор беришда ижобий таъсир кўрсатадиган бир қатор тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

### **Такрорлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Экологик-хукуқий таълим нима ва унинг вазифаларига нималар киради?

2. Экологик-хуқуқий тарбия ва унинг хусусиятлари ҳақида сўзлаб беринг.
3. Экологик-хуқуқий тафаккурни шакллантириш йўллари қандай?
4. Экологик-хуқуқий маънавият ва маданият нима?
5. Экологик-хуқуқий таълим ва тарбияни чамбарчас олиб бориш йўллари қандай?
6. Экологик-хуқуқий таълим ва тарбия беришда оила қандай ўрин тутади?
7. Ички ишлар органларининг ёшларга экологик-хуқуқий таълим ва тарбия беришдаги вазифалари нималардан иборат?

XIV БОБ  
АТРОФ-ТАБИИЙ МУХИТНИ ХАЛҚАРО ЭКОЛОГИК-ХҮҚУҚИЙ  
МУХОФАЗА ҚИЛИШ

**1-§. Халқаро экология хуқуқи ва  
унинг хусусиятлари**

Ҳозирги пайтда атроф-табиий муҳитни халқаро экологик муҳофаза қилиш энг долзарб муаммодир. Атроф-табиий муҳитни халқаро экологик муҳофаза қилиш халқаро экология хуқуқи билан тартибга солинади.

Халқаро экология хуқуқи – ривожланиб бораётган халқаро хуқуқнинг институтларидан бири бўлиб, кейинчалик хуқук тизимининг алоҳида тармоғи бўлиши мумкин.

Халқаро экология хуқуқи ҳозирги халқаро экологик қонунчиликнинг ривожланиши ва амалга оширилиши муносабати билан ривожланиб бормоқда. Халқаро экология хуқуқи халқаро миқёсдаги экологик қонунларни ва барча халқаро аҳамиятга эга бўлган хуқуқий нормаларни тартибга солиб, халқаро принципларга мос ҳолда табиатни, атроф муҳитни муҳофаза қилишга ҳамда барча табиат бойликларидан оқилона фойдаланишга, дунё халқларга соғ, мусаффо, бой табиатни таъминлашга қаратилгандир.

Халқаро экология хуқуқининг предметини халқаро экологик муносабатлар, дунё халқлари, яъни инсон ва атроф-табиий муҳит, ўртасидаги ўзаро чамбарчас боғлиқлик ташкил қиласди.

Халқаро экология хуқуқининг субъекти миллат ва халқлар, ўз мустақиллигига эга бўлган барча давлатлар, халқаро ташкилот ва бирлашмалар, халқаро экологик муносабатларга қатнашувчи ва ҳал этувчи барча юридик ҳамда жисмоний шахслардир.

Халқаро экология хуқуқининг объекти – дунёвий аҳамиятга эга бўлган, бутун ҳалқ, миллат ва элатнинг яшаши учун ҳаёт манбаи, яъни ер, сув, ҳаво (атмосфера) ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ўрмон, барча ер ости ва усти бойликлари, бутун табиат, яъни она замин ҳисобланади.

Халқаро экология хуқуқининг қўйидаги хусусиятлари мавжуд:  
**биринчидан**, халқаро экологик-хуқуқий муносабатларни мустаҳкамлайди ва тартибга солади;

**иккинчидан**, мавжуд халқаро экологик ҳолат, экологик хавфсизлик ва муаммолар халқаро принциплар асосида кўриб чиқилади ва ҳал этилиши таъминланади;

**учинчидан**, қабул қилинган барча халқаро экологик-хукуқий норматив ҳужжатлар, битта давлат эмас, балки бир неча давлат ва халқлар манфаатидан келиб чиқади;

**тўртингчидан**, халқаро миқёсда тузилган барча экологик-хукуқий нормалар халқаро принципларга асосан амалга оширилиши давлатлар томонидан таъминланади ва ҳоказо.

## **2-§. Атроф-табииий мұхитни халқаро экологик-хукуқий мұхофаза қилиш принциплари**

Экология хукуқида, атроф-табииий мұхитни халқаро экологик мұхофаза қилишнинг принциплари халқаро хукуқнинг асосий принципларидан келиб чиқади ва халқаро экология хукуқига нисбатан кўлланилади. Мазкур принципларни кўллашдан асосий мақсад, табииий мұхитни ва унинг манбаларини сақлаш ҳамда улардан оқилона фойдаланишдир.

Атроф-табииий мұхитни халқаро экологик-хукуқий мұхофаза қилиш принциплари, асосан БМТ ва унинг атроф-мұхит бўйича ўтказилган Стокгольм конференцияси (1972), Европада хавфсизликни таъминлашнинг якуний ҳужжати (Хельсинки, 1975) ва Умумжаҳон табиат хартияси ҳамда Рио-де-Жанейро конференцияси (1992) қарорларида аниқ кўрсатиб берилди.

Энди ушбу принципларга қисқача тўхталамиз.

1. *Табиатни мұхофаза қилиши ва унинг мутаносиблигини сақлаш принципи.* Бунга асосан, барча давлатлар табиат ва унинг бойликларини мұхофаза қилишлари, ҳозирги ва келажак авлод фаравонлигини кўзлаб, экологик тадбирларни биргалиқда амалга оширишлари лозим. Зеро, табиатни мұхофаза қилиш ишида барча давлатлар бир-бирлари билан ҳамкорлик қилишлари зарур. Бундай экологик ҳамкорлик тенг хукуқли ва ўзаро манфаат асосидаги шартномаларга мувофиқ амалга оширилиши шарт.

2. *Ўз ҳудудида табиат бойликларига нисбатан суверенитетлик принципи.* Ушбу принцип дастлаб БМТ Бош Ассамблеясининг 1962 йил 14 декабрда қабул қилган «Табииий бойлик манбалари устидан ажралмас суверенитет» қарорида ўз ифодасини топган. У ҳар бир давлат табииий бойликларини ўз сиёсатига мувофиқ эркин тасарруф этиш бўйича суверен хукуққа эга эканлигини билдиради, бошқа давлатларга эса бу хукуқни ҳурмат қилиш мажбуриятини юклайди.

3. Инсон экологик ҳуқуқининг афзаллиги. Бу принципга асосан, инсоннинг яшаши учун кулай экологик шароит бўлишини таъминлаш, ҳар қандай жараёнда ҳам инсоннинг экологик кулай шароитда яшаш омили биринчи ўринда туриши лозим.

4. Ҳамма соҳада экологик назоратни ташкил этиши ва амалга ошириш. Амалга оширилаётган барча назорат ишлари ҳалқаро ҳуқуқ қоидаларига мос бўлиб, Ўзбекистон Республикасида «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун талабалари асосида ўтказилиши лозим.

5. Ҳалқаро миқёсда экологик ахборотнинг эркин алмашуви принципи. Мазкур ҳолат бўйича, давлат атроф-табииий мухит ҳолатини кузатиб бориш хизмати табииий мухитда содир бўлаётган физикавий, кимёвий, биологик жараёнларни, атмосфера ҳавоси, тупроқ, ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланиш даражасини, ифлосланишнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири оқибатларини кузатиб бориш, манфаатдор ташкилотлар ва аҳолини атроф-табииий мухитда содир бўлаётган ўзгаришлар ҳақида жорий ва шошилинч ахборот ҳамда бу мухит ҳолатига доир тахминлар билан таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

6. Фаевқулодда экологик вазият ҳолатида давлатларнинг бир-бирларига ўзаро ёрдам кўрсатиши. Давлатларнинг ўзаро келишувлари асосида фавқулодда экологик вазият ва оғат минтақаларида шу вазиятни келтириб чиқарган ишлар тўхтатиб қўйилади, атроф-табииий мухитга заарли таъсир этувчи фаолият (аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фаолият бундан мустасно) тақиқланади, табииий мухитни тиклаш ва соғломлаштириш чора-тадбирлари кўрилади.

7. Ҳалқаро экологик ҳуқуқий келишимовчиликлар ва низоларни тинч йўллар билан ҳал этиши. Ҳалқаро миқёсда келиб чиқадиган экологик-ҳуқуқий низолар давлатларнинг ўзаро келишувига асосан тузилган битим ёки шартнома асосида тинч йўл билан ҳал этилади.

Ҳозирги даврда, мазкур принциплардан ташқари қуидаги яна бир қатор принциплар шаклланмоқда:

- бошқа давлатларнинг экологик масалалар билан боғлиқ бўлган ишларига аралашмаслик;
- экологик муаммоларни ҳал этишдаги ҳамкорлик;
- тинчлик ва экологик хавфсизликни сақлашга содиклик;
- экологик муаммоларни ҳал қилишни кўп томонлама келишув асосида ривожлантириш;
- экологик баҳо бериш ва бошқалар.

### 3-§. Атроф-табииий мухитни ҳалқаро экологик-ҳуқуқий

## **муҳофаза қилиш объектлари**

Халқаро экология ҳуқуқида атроф-табиий муҳитни халқаро ҳуқуқий муҳофаза қилиш объектларини ўрганиш жуда катта аҳамиятга эга.

Атроф-табиий муҳитнинг халқаро экологик-ҳуқуқий муҳофазаси объектига ер сайдераси муҳити, жаҳон уммони ва унинг табиий бойлиги бўлган атмосфера ҳавоси, ер атрофи космик фазоси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, сув бойликлари, ернинг генетик фонди ва бошқалар киради.

Халқаро ҳуқуқда халқаро экологик-ҳуқуқий нуқтаи назардан дунёнинг барча табиий бойликлари асосан икки туркумга бўлинади:

- 1) давлатнинг ички (миллий) табиий бойликлари;
- 2) халқаро аҳамиятга эга бўлган табиий бойликлар.

**Давлатнинг ички (миллий) табиий бойликлари** мустақил давлатларнинг бевосита юрисдикциясида бўлади. Зоро, уларнинг экологик-ҳуқуқий ҳолатини белгилашда давлатнинг ички экологик-ҳуқуқий ва бошқа нормалари катта аҳамиятга эга бўлади. Ҳозирги пайтда мустақил республикамизнинг ушбу бойликларини муҳофаза қилишга оид бир қанча давлатлараро битим ва шартномалар қабул қилинмоқда.

**Халқаро аҳамиятга эга бўлган табиий бойликлар** миллий қонунларнинг амал қилиш чегаралари доирасидан ташқарида бўлиб, турли давлатлар худудида бўлади. Ушбу обьектлар одатда давлатлар ўртасида фойдаланилади.

Масалан, очик денгиз, космос, ҳаво ҳавзаси, Антарктида, денгиз туви, дарёларнинг сув ресурслари, кўчиб ва учеб юрадиган ҳайвонот турлари ҳамда давлатлар ўртасидаги чегара доирасидан ташқари ҳолатда фойдаланиладиган барча обьектлар шулар жумласидандир. Шунингдек, халқаро миқёсда дунё «Қизил китоби»га кирган барча ҳайвон ва ўсимлик дунёсининг турлари ҳам алоҳида обьектлар бўлиб, уларни муҳофаза қилишда бир неча давлат, яъни халқаро ҳамкорлик керак бўлади.

Масалан, **Антарктида** олтинчи қитъа сифатида ҳеч қандай давлат ва халқаро ташкилот юрисдикциясига кирмайди. Уни муҳофаза қилиш барча давлатларнинг ўзаро келишуви асосида амалга оширилади. Ҳозирги пайтда Антарктида қитъасидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг асосий принциплари 1959 йилда имзоланган «Антарктида тўғрисида»ги шартномага асосан тартибга солинади. Унга асосан, эркин илмий-текширув фаолияти олиб бориш, ҳар қандай ҳарбий хусусиятга эга бўлган заарли

тадбирларни ўтказмаслик, тирик мавжудотни қўриқлаш каби муаммоларни халқаро миқёсда ҳал этишга алоҳида эътибор берилган.

Хуллас, халқаро табиий бойликларнинг экологик муҳофазаси ва улардан фойдаланишнинг экологик-хуқуқий ҳолати халқаро хуқуқ нормалари билан тартибга солинади.

#### **4-§. Атроф-табиий муҳитни халқаро экологик-хуқуқий муҳофаза қилиш манбалари**

Халқаро хуқуқда атроф-табиий муҳитни экологик-хуқуқий муҳофаза қилиш манбалари давлатларнинг атроф-табиий муҳитни экологик-хуқуқий муҳофаза қилишга ва ундан оқилона фойдаланишга қаратилган ўзаро ҳамкорлик фаолиятини эркин амалга оширишдир.

Атроф-табиий муҳитни халқаро экологик-хуқуқий муҳофаза қилишнинг манбаларини икки гурӯҳга бўлиш мумкин.

*биринчи тоифадаги манбаларга* конвенция (келишув, битим ва шартнома)лар киради.

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикаси жаҳондаги етакчи мамлакатларнинг 120 дан ортиғи билан расмий дипломатик муносабатлар ўрнатган. Тошкентда 35 та мамлакат ўз элчихонасини очган, 19 та хорижий давлатнинг элчилари эса республикамизда ўриндошлик йўли билан ишлаб турибди.

Ўзбекистонда 88 та хорижий ваколатхона рўйхатдан ўтган, 24 та ҳукуматлараро ва 13 та ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилот фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида кўпгина нуфузли давлатлар имзолаган бир қатор конвенцияларга қўшилган, улар билан экологик шартнома ва келишувлар тузилган. Иқлимининг ўзгариши бўйича конвенция (1993 йил 14 май), Биологик хилмачилликни таъминлаш бўйича конвенция (1996 йил 7 май), Хавфли чиқиндиларнинг чегарадан олиб ўтилишини назорат қилиш бўйича Базель конвенцияси (1996 йил 7 май), Ерларнинг чўлга айланиб қолишига қарши кураш бўйича конвенция (1995 йил 13 октябрь)лар шулар жумласидандир.

Табиити муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ушбу конвенцияларда қабул қилинган мажбуриятларни бажариш бўйича бир қатор амалий чораларни кўрмоқда. Жўмладан, атмосфера ҳавосининг озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича Вена конвенцияси ва Монреаль протоколи доирасида озон қатламини емирадиган моддалар инвентаризацияси ўтказилиб, Миллий ҳаракат дастури тайёрланмоқда. Бу дастур асосида

биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича барча тадбирлар Марказий Осиё республикалари билан ҳамкорликда амалга оширилади. Ҳозирги вақтда эса ҳукуматимиз БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг конвенцияларига қўшилиш борасида иш олиб бормоқда. Шунингдек, атроф мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида Туркия Республикаси (1996 йил 8 май) ва Хитой Халқ Республикаси (1997 йил 11 декабр) билан икки томонлама ҳамкорлик битимлари имзоланган. Бундай битимларни бошқа давлатлар билан тузиш учун ҳам тайёргарлик мавжуд.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Давлатлараро экологик кенгаш (ДЭК)нинг фаол иштирокчиси ҳисобланади. ДЭК ташкил этилганидан бери саккиз марта сессия (3-сессия 1993 йил май ойида Тошкентда) ўтказилиб, уларда экология соҳасида иштирокчи давлатлар ўзаро ҳамкорлигининг долзарб масалалари муҳокама қилинди, қатор битимлар имзоланиб, низомлар ишлаб чиқилди.

МДҲ доирасида ҳам атроф мухитни муҳофаза қилиш бўйича Қозоғистон, Қирғизистон, Тоҷикистон, Туркманистон, Грузия давлатлари билан икки томонлама ҳамкорлик битимлари имзоланган.

*Иккинчи тоифадаги манбаларга* БМТ Бош Ассамблеясининг бир қатор резолюция, декларация ва хартиялари киради. Ушбу категориядаги манбалар ичida БМТ Бош Ассамблеяси томонидан ташкил этилган ва чақирилган Стокгольм декларацияси (1972 йил) катта аҳамиятга эга.

БМТ Бош Ассамблеяси 1980 йил сентябрь ойида қабул қилган «Барча давлатларнинг ҳозирги ва келажак авлод учун ер куррасини (заминни) сақлаш учун тарихий жавобгарлиги» тўғрисидаги резолюцияси муҳимдир. Мазкур резолюция дунё ҳалқлари ва барча давлатларнинг ҳарбий куролланишини қисқартиришга ва табиатни муҳофаза қилишга оид аниқ тадбирларни белгилайди.

БМТ Бош Ассамблеяси 1982 йилда тасдиқлаган «Бутунжаҳон табиатни муҳофаза қилиш хартияси». Ушбу ҳужжат 1982 йил 28 октябрда БМТ Бош Ассамблеяси 37-сессиясининг резолюцияси билан тасдиқланган. Хартияда табиатни муҳофаза қилишга оид 24 та асосий принцип кўрсатиб берилган. Мазкур ҳужжатда экологик таълим ва тарбия масаласига алоҳида эътибор берилган.

## **5-§. Жаҳон уммони – дарё, денгиз ва сув бойликларини халқаро экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш**

Халқаро ҳуқуқда жаҳон уммони – дарё, денгиз, океан ва бошқа сув ресурсларини халқаро экологик муҳофаза қилиш катта аҳамиятга эга. Чунки инсон ва бошқа тирик мавжудотнинг нормал яшаши кўпайиши учун сув бойликлари маълум мутаносиблиқда сақланиши зарур.

Денгиз муҳитини ҳимоя қилиш бўйича давлатларнинг биргалиқдаги ҳаракати қоида тариқасида универсал (амалда барча манфаатдор давлатлар иштироки билан) ёки минтақавий даражаларда (аниқ денгизлар – Болтиқ, Ўрта ва бошқа денгизлар бўйидан давлатларнинг иштироки билан) амалга оширилди. Бундай халқаро ҳамкорликнинг ривожланиши асосан денгизларнинг кема қатнови оқибатида, кемалар ва қуруқлиқдаги манбалардан чиқиндиларни чиқариб ташлаш туфайли, денгиз туби имкониятларини тадқиқ қилиш ва фойдаланиш натижасида ифлосланишининг олдини олишни кўзда тутади.

Денгиз муҳитини муҳофаза қилишга қаратилган кўплаб халқаро ҳужжатлар орасида Денгизлар нефть билан ифлосланишининг олдини олиш тўғрисидаги 1954 йилги Лондон конвенцияси (1962, 1969 ва 1971 йиллардаги тузатишлар билан), Денгизларнинг кемалардан ифлосланишининг олдини олиш бўйича 1973 йилги халқаро конвенция, Денгизларнинг чиқитлар ва бошқа материаллар билан ифлосланишининг олдини олиш бўйича 1972 йилги конвенция сингари кўп томонлама халқаро битимлар марказий ўринни эгаллади.

1954 йилги Лондон конвенцияси (1958 йилда кучга кирган) давлатларнинг зиммасига денгиз муҳити ифлосланишининг олдини олиш бўйича муайян мажбуриятлар юковчи дастлабки халқаро битим бўлган эди. Конвенция кемаларнинг нефть ва нефть-сув аралашмаси тўкишини тақиқлади. Дастлаб тўкиш учун тақиқланмаган махсус зоналар белгиланганди, лекин кейинчалик (1969 йилги тузатишга мувофиқ) жуда оз даражадаги истиснони ҳисобга олмаганда, жаҳон уммонининг бутун акваториясида бундай тўкиш тақиқлаб қўйилди. Конвенция иштирокчи давлатлар зиммасига портларда кемалар ва танкерлардан нефть қолдиклари ва аралашмаларини қабул қилиб оловчи курилмалар куриш мажбуриятини юклади.

Жаҳон уммони сувларини ифлосланишдан сақлаш билан бирга денгизнинг жонли бойликларини камайишдан сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳам ғоят муҳим вазифа ҳисобланади. Лондон конвенцияси денгиз балиқчилигини халқаро

хуқуқий тартибга солишининг асосий ғоясини ташкил этади. Очиқ денгизда балиқ овлаш ва тирик жониворларни муҳофаза қилиш тұғрисидаги 1958 йилги Женева конвенциясы (1966 йилда кучга кирган) очық денгизда балиқ овлаш эркінлиги принципини эълон қилди. Шу билан берінше, давлатларга жонли ресурсларни муҳофаза қилиш бүйічә тадбирлар күриш ва бу йұналишдаги жамоавий тадбирларда иштирок этиш мажбуриятини юклади. Халқаро хуқуқнинг умум тан олган қыйидаги қоидалари бундай масалалар бүйічә күп томонлама битимларда аниқлаштирилади вар ривожлантирилади:

– давлатларнинг жонли денгиз бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишда миңтақавий ҳамкорлықни ташкил этиш (Атлантика уммонининг шимолий-ғарбий қисміда балиқ овлаш тұғрисидаги 1949 йилги конвенция, Атлантика уммонининг шимолий-шарқий қисміда балиқ овлаш тұғрисидаги 1959 йилги конвенция, Қора денгизде балиқ овлаш тұғрисидаги 1959 йилги битим, Болтиқ денгизде балиқ овлаш ва жонли ресурсларни муҳофаза қилиш тұғрисидаги 1973 йилги конвенция ва бошқалар);

– овни тартибга солиши ва денгиздеги жониворларнинг айрым турларини муҳофаза қилиш (Болтиқ денгизидеги жониворларни муҳофаза қилиш тұғрисидаги 1962 йилги битим, Кит овлашни тартибга солиши бүйічә 1946 йилги халқаро конвенция, Антарктида тюленларини сақлаш бүйічә 1972 йилги конвенция) ва бошқалар.

Чиқитлар ва бошқа материаллар билан денгизларни ифлослантиришнинг олдини олишга бағишлиланған 1972 йилги конвенция (1975 йили кучга кирган) хавфли моддалар ва материалларни жағон уммонига чүктириб юборышларнинг барчасини тартибга солади. Конвенцияда күзда тутилғанидек, энг хавфли моддалар бундай тартибда чүктириб ёки күмиб юборилмайды. Бундай моддаларни күмиб ёки чүктириб юбориш учун маҳсус рухсатнома зарур. Унчалик хавфли бўлмаган моддаларни кўмиш ёки чүктириш учун эса умумий рухсат берилади. Бундай модда ва материалларнинг рўйхати конвенция иловаларида кўрсатиб берилганды. Ҳусусан, ишланмаган ёки ёнилғи нефть, оғир дизель ёнилғиси ва мойи, юқори радиактив чиқитлар, симоб ва симоб бирикмалари, мўътадил пластмассалар, шунингдек, биологик ва урушда фойдаланиш учун тайёрлаган кимёвий материалларни денгиз ва уммонга ташлаш бутунлай тақиқланади.

Денгизларнинг кемалардан ифлосланишининг олдини олишга қаратилған 1973 йилги конвенция денгиз мұхитини кемалардан денгизга ташланувчы ҳар қандай моддалар: нефть, заҳарлы суюқ моддалар, оқава сувлар ва ахлат билан ифлосланишининг барча

турларига чек қўйиш заруратидан келиб чиқади. Унинг қоидалари амалда барча турдаги денгиз кемаларига, шу жумладан ҳаво «ёстиғи» бўлган кемалар, сувости кемалари, доим бир жойда турувчи ва сузиг юрувчи кичик станцияларга тааллукли. Фақат ҳарбий, ҳарбий ёрдам кемалари ва хукумат савдо кемалари бундан мустаснодир. Конвенцияга мувофиқ, нефть ва суюқ заҳарли моддалар ташиш учун хизмат қилувчи барча танкер ва бошқа кемалар вақти-вақти билан текшириб турилиши ва тегишли ҳалқаро гувоҳнома олиши керак бўлади.

Ҳалқаро тарздаги чоралар давлатларнинг минтақавий ҳамкорлиги билан тўлдирилмас, у ёки бу денгиз минтақаларининг хусусиятлари ҳисобга олинмас экан, жаҳон уммони муҳитини муҳофаза қилиш етарли даражада бўлмайди. Кейинги йилларда бир қатор минтақавий ҳалқаро битимлар худди мана шу мақсадларни кўзлаб тузилди. Булар: Болтик денгизи минтақаси муҳитини муҳофаза қилиш бўйича 1974 йилги конвенция, Урта денгизни ифлосланишдан муҳофаза қилиш тўғрисидаги 1976 йилги конвенция, Шимолий денгизни ифлосланишдан сақлашга қаратилган бир қатор битимлар, денгиз муҳитини ифлосланишдан муҳофаза қилиш бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги 1978 йилги Қувайт минтақавий конвенцияси шулар жумласидандир.

Ҳозирги пайтда бир қанча давлатлар худуди орқали ўтувчи дарёлар ва бошқа сув ҳавзалари давлатлар томонидан асосан саноат, дехқончилик эҳтиёжлари учун фойдаланилмоқда. Шу боис ҳам, бундай дарёлар сувидан фойдаланишга оид барча масалалар ҳамма манфаатдор (қирғоқбўй) давлатларнинг ҳамкорлигини тақозо этади. Ҳалқаро шартнома амалиёти худди мана шу йўлдан бораётир. Ҳалқаро ҳуқуқда ҳозирча бундай дарёлардан кема қатнови, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа мақсадларда фойдаланишни тартиба солувчи принциплар ва нормаларни кодификацияловчи универсал ҳалқаро конвенция йўқ. Бундай фойдаланишнинг барча турлари (ёки уларнинг айримлари)ни тартиба солувчи нормалар қирғоқбўй давлатлар томонидан турли дарё ҳавзаларига хос бўлган омилларни, табиий, иқтисодий ва бошқа шароитларни ҳисобга олган ҳолда тузиладиган маҳсус ҳалқаро битимларда ифодаланади. Бу битимларнинг асосини сувдан teng ҳуқуқли ва одилона фойдаланиш принципи ташкил этади ҳамда ўзга давлатларга сувни ифлослантириш ёки бошқа йўл билан зиён етказишдан тийилиш мажбуриятини юклайди.

Ҳалқаро экология ҳуқуқида Орол муаммоси алоҳида ўрин тутади. Бинобарин, экологик вазиятлар, атроф муҳит муҳофазаси чегара билмайди. Айниқса, бизнинг минтақадаги давлатлар барча экологик муам моларни ҳамкорликда ҳал этишлари зарур. Чунки

улар бир дарёдан сув ичадилар, бир ҳаводан нафас оладилар, бир заминда яшайдилар. Шунинг учун ҳам атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича халқаро ҳамкорлик республикамиз ташки сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланган. Халқаро ҳамкорлик эса, асосан Орол ҳавзасидаги экологик вазиятни яхшилаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генетик фондини сақлаб қолиш, ер, сув, атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш доирасида олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов БМТ Бош Ассамблеясида сўзлаган нутқида: «Орол муаммоси Марказий Осиё ҳудуди доирасидан чиқиб кетди ва жаҳоншумул аҳамият касб этмоқда. Унинг салбий оқибатлари бугунги кунда иқлим шароити, биологик мувозанатнинг ўзгаришида, аҳоли саломатлиги ва бўлгуси авлод генефондига таъсирида кўриниши мумкин»<sup>1</sup>, – деб жуда тўғри таъкидлаган эди.

Ҳозирги пайтда Орол муаммоси нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё олдида турган энг долзарб экологик муаммодир. Шунинг учун бу масалани ҳал қилишда Марказий Осиё давлатлари, бошқа хорижий давлатлар, кенг жамоатчилик, турли ташкилотлар биргаликда фаолият кўрсатмоқдалар. Шу масала юзасидан 1993 йилда Тошкент ва Қизилўрда, 1994 йилда Нукус шаҳарларидағи Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида Орол денгизини қутқариш халқаро фондини ҳамда Орол денгизи ва оролбўйи минтақаси муаммолари бўйича давлатлараро Кенгаш тузиш ҳақида қарор қабул қилинди. Шунинг учун ҳам Орол ва оролбўйи муаммоларини ҳал қилишда Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. АҚШ, Япония, ГДР, Франция ва бошқа ривожланган давлатлар, Бирлашган Миллатлар ташкилоти, Жаҳон банки ва бошқа турли давлат ва нодавлат халқаро ташкилотлар бу аср муаммосини ижобий ҳал қилишга ўз ҳиссаларини кўшмоқдалар.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, жаҳон уммони – дарё, денгиз ва сув бойликларини халқаро экологик-хукуқий муҳофаза қилиш барча халқ, миллат ва элат ҳамда давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашни тақозо қиласди.

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. Т., 2001. 110-б.

## **6-§. Атмосфера ҳавоси ва космик фазони халқаро экологик-хуқуқий муҳофаза қилиш**

Халқаро ҳуқуқда атмосфера ҳавоси ва космик фазони халқаро экологик-хуқуқий муҳофаза қилиш катта аҳамиятга эга бўлиб, улар халқаро ҳаво ҳуқуқи ва халқаро космик ҳуқуқлар билан тартибга солинади.

Табиат бойликлари ичида атмосфера ҳавоси инсон ҳаётини сақлашда, турмуш тарзини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Шунингдек, атмосфера ҳавосини доим барқарор, экологик соғ бўлиши космик фазо ҳавфсизлигини, экологик мувозанатда сақланишини таъминлайди. Умуман олганда, атмосфера ҳавоси атроф муҳитнинг чегара билмайдиган серҳаракат элементи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам атмосфера ҳавоси ва космик фазони халқаро экологик-хуқуқий муҳофаза қилишда барча давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда фаол иштироки керак бўлади.

Бинобарин, ана шундай талабларни амалга ошириш учун 1920–1930-йиллардаёқ кўпгина давлатлар ўз худудларида атмосфера ҳавоси ва ҳаво кенглигининг ҳуқуқий тартибини белгиловчи маҳсус қонун ҳамда ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилдилар.

1929 йилда давлатлар халқаро ҳаво қатновига тааллуқли айрим қоидаларни бир меъёрга солиш учун конвенция (Варшава конвенцияси) ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобладилар ва уни туздилар.

Ҳаво кемаларининг фазодаги учиш қоидалари ва бошқа барча муаммолар 1944 йилдаги Чикаго конвенциясида аниқ кўрсатиб берилган.

Космик фазони ўзлаштиришнинг тезлашуви, ой ва бошқа самовий жисмларнинг тадқиқ этилиши космик муҳитни зарарли оқибатлардан муҳофаза қилиш заруратини туғдирди. Космоснинг радиактив заҳарланишидаги тўсиқ, яъни уни ядрорий синов майдонига айлантиришга тўсиқ бўлиб хизмат қилаётган ҳужжат 1963 йилдаги Москва шартномасидир. Бу шартнома космик фазода ядрорий куролларни синашни тақиқлайди. Космос тўғрисидаги 1967 йилги шартнома, Ой ва бошқа самовий жисмлардаги давлатларнинг фаолияти тўғрисидаги 1979 йилги битим муҳим муҳофаза қоидаларини ифодалайди. Жумладан, 1967 йилдаги шартноманинг IX моддасида, Ой тўғрисидаги битимнинг VI моддасида давлатларга космик фазони, ой ва бошқа самовий жисмларни ифлослантириш, шунингдек, ердан ташқаридаги моддаларни етказиб келиш оқибатида ердаги

мухитни номақбул тарзда ўзгартеришдан сақланиш ва бунинг учун тегишли чоралар кўриш мажбуриятини юкловчи қоидалар келтирилади. Космос тўғрисидаги шартнома ой ва бошқа самовий жисмларга ядро қуролини жойлашириш ёки бу қуролни ер атрофи орбитасига чиқаришни тақиқлаш ҳам космик муҳитни ифлосланиш ва заҳарланишдан сақлаш учун катта аҳамиятга эга.

Зеро, 1971 йилги Монреаль конвенциясида (Гаага конвенциясига нисбатан) фуқаро ҳаво кемаси хавфсизлигига таҳдид солувчи жиной актлар аниқ ва кенг қамровли учиш чоғида ҳаво кемаси ичидаги бўлган шахсга нисбатан зўравонлик, ишлаб турган ҳаво кемасини бузиш ҳамда унга заар етказиш мумкин бўлган қурилмалар ва моддалар, ердаги аэронавигация ускуналарини бузиш, заарлантариш, ҳаво кемаси учиш хавфсизлигига таҳдид солувчи мутлақ ёлғон маълумотлар бериш кабилар кўрсатиб ўтилган.

Кейинги йилларда фан-техника тараққиёти натижасида кенг йўл очилган табиат ва иқлимга сунъий таъсир ўтказиш устидан назорат ўрнатиш ғоят қийин бўлиб, бу ер атмосфераси учун катта ҳавф солмоқда. Хусусан, ҳозирги вақтда ёғингарчиликлар (ёмғир ёки дўл)ни ҳосил қилиш ёки унинг олдини олиш имконияти мавжуд. Худди шунингдек, бўрон ва тўфонларнинг йўналиши ҳамда кучини ўзгартериш мумкин. Табиат ва иқлимга таъсир кўрсатиш инсонга буюк фаровонлик, шу билан бирга, жуда катта заар ҳам келтириши мумкин. Масалан, АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси чоғида Пентагон махфий равишда «ҳаво уруши» олиб бориб, сунъий равишда кучли ёмғирлар ҳосил қилди ҳамда йўллар, тўғон ва тўсиқларни юваб юборди. Келгусида чиндан ҳам уруш олиб боришнинг «апокалиптик» усуслари пайдо бўлиши, бу эса ердаги ҳаётнинг, қуёш ультрабионафша нурларининг ғоят хатарли таъсиридан сақловчи озон қатламини бузаб юбориши, катта худудларда сунъий сув босиши ёки сунъий курғоқчилик ҳосил қилиши мумкин. Бундай жиддий ҳавфни ҳис этган ривожланган давлатлар ташаббуси билан 1977 йилда табиий муҳитга таъсир кўрсатиш воситаларидан ҳарбий ёки ҳар қандай бошқа душманлик мақсадларида фойдаланишини тақиқлаш тўғрисида конвенция қабул қилинишига олиб келди (1978 йил кучга кирди). Унда қатнашувчи давлатлар бошқа иштирокчи давлатларга вайронагарчилик, заар етказиш ёки душманлик мақсадларида салбий оқибатларга олиб келувчи табиий муҳитга таъсир кўрсатиш воситаларидан фойдаланишга интилмасликка аҳдлашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Озон қатламини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 1985 йилги Вена конвенцияси, Озон қатламини емирувчи бирикмалар бўйича 1987 йилги Монреаль протоколи,

Хавфли чиқиндиларни чегаралараро ташишни назорат қилиш тұғрисидаги 1989 йилги Базель конвенцияси, Иқтимім үзгариши тұғрисидаги 1992 йилги Нью-Йорк конвенцияси ва башқа бир қатор конвенцияларга құшилди ҳамда ушбу йұналишда фаол ҳаракатларни амалға оширмоқда.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бүйіча Вена конвенцияси ва Монреаль протоколи мавжуд. Вена конвенциясында жаһондаги 147 та мамлакат құшилған. Дунё халқлари 1995 йилдан бoshlab 16 сентябрни Атмосферанинг озон қатламины муҳофаза қилиш халқаро куни сифатида кенг нишонлаб келмоқдалар.

Бизнинг мамлакатимиз ҳам Вена конвенцияси ва Монреаль протоколига құшилиб, зыммасига тегишли мажбуриятлар олди. Озон қатлами ҳолатини мунтазам кузатиб бориш, емирувчи моддалардан фойдаланишни босқичма-босқич камайтириш шулар жумласидандыр.

1996 йил 26–29 августда Швейцариянинг Женева шаҳрида Монреаль протоколига құшилған давлатлар ишчи гурухининг кенгаши бўлиб ўтди. Ўн учинчى бор ўтказилаётган бу кенгашда 147 та мамлакатдан 400 нафар делегат иштирок этди. Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидан Ўзбекистон, Россия, Белорусь, Украина ва Грузия қатнашди.

Ҳозирги пайтда олимларимиз Ўзбекистонда озон қатламины муҳофаза қилиш бүйіча миллий дастур ишлаб чиқишига катта эътибор бермоқдалар.

## **7-§. Төғ-кон бойликларини халқаро экологик-хуқуқий муҳофаза қилиш ва халқаро ҳамкорлик**

Төғлар табиати, ахолиси, иқтисодиётининг ўзига хос «төғ» шаклига әгалиги, барқарор ривожланиш йұналишлари билан текисликлардан тубдан фарқ қиласы. Төғ худудлари дунё куруқлик юзасининг 40 %ни ташкил этади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг (БА) 53-сессиясида (1998 йил 10 ноябрь) дунёning 130 та мамлакатидан келған делегациялар консенсус тратибида (овоз бермасдан) 2002 йилни Халқаро Төғ йили (ХТИ) деб эълон қилиш тұғрисида маҳсус қарор қабул қилдилар. Бундан олдин, 1997 йил Қирғизистон Республикасы Президенти А. А. Ақаев БМТга 2000 йилни Халқаро Төғ йили деб эълон қилиш тұғрисидаги таклиф билан мурожаат қылған эди. Бу таклифни бир вақтнинг ўзида 43 та мамлакат құллаб-қувватлади. Шундан кейин БМТнинг Иқтисодий ва ижтимаий кенгаши (ECOSOS), Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат ташкилоти (ФАО) билан биргаликда

кўплаб манфаатдор мамлакатлар, ташкилотлар ва мутахассислар билан маслаҳатлашиб, 1998 йилда БМТ Бош котибига таклиф тайёрладилар. Олиб борилган катта ташкилотчилик ишлари натижасида Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш БМТ БАнинг 53-сессиясига 2002 йилни Халқаро Тоғ йили деб эълон қилиш тўғрисидаги таклиф билан мурожаат қилиб, бу ҳақда маҳсус қарор қабул қилди. Бу қарорни 106 та мамлакат қўллаб-кувватлади. Швейцария, Перу, Австрия ва Франция бу ташаббусни энг фаол қўллаб-кувватлаган мамлакатлар бўлди.

Халқаро ҳамжамиятнинг олий органи – БМТнинг ушбу қарори, биринчидан, тоғ ҳудудлари ва аҳолисининг сайдерамиз ҳаётида тутган ўрнини тан олиш бўлса, иккинчидан, кўплаб мамлакатларда 2002 йилгача хилма-хил тадбирларни амалга оширишга асос бўлди. Бу қарор БМТнинг атроф муҳитни ҳимоялаш ва барқарор ривожланишга бағишлиланган конференциясида (1992 йил, Рио-де-Жанейро) қабул қилинган ҳужжатнинг (XXI аср кун тартиби) XIII боби Мўрт экотизимларни бошқариш: тоғли ҳудудларининг барқарор ривожланиши тамойилларини амалга оширишга йўналтирилган. Қарорда дунё мамлакатлари ҳукуматларига Халқаро Тоғ йилини ўтказишга тайёргарлик жараёнида тоғ ҳудудларини барқарор ривожлантиришнинг муҳимлигини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда миллий режаларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш тавсия этилган. Шу жумладан, кўрсатиб ўтилган XIII бобнинг ижрочиси ФАО Тоғ форуми орқали барча манфаатдор ташкилотлар ва шахсларга мурожаат қилиб Халқаро Тоғ йилини самарали ўтказиш юзасидан таклиф ва ғоялар беришни, қолган тўрт йил мобайнида қандай ишларни амалга ошириш кераклигини сўради.

Шуни таъкидлаш жоизки, тоғли ҳудудлар Ўзбекистоннинг 21,3 % майдонини эгаллайди ва бу ерда мамлакат аҳолисининг 10 %дан кўпроғи яшайди. Майдонининг катталиги (96 минг кв км), аҳолисининг сони (2,5 млн. киши), табиий-иқтисодий имконият кўрсаткичлари бўйича, Ўзбекистон дунёнинг тоғли мамлакатлари қаторидан салмоқли ўрин эгаллайди. Ватанимиз тоғларининг майдони Арманистондан 3,2 марта, Швейцариядан 2,3 марта, Грузиядан 1,4 марта, Австриядан 1,4 марта катта бўлса, аҳолисининг сони эса Мўғулистан ва Панама аҳолисининг сонига тенг, табиий-иқтисодий имкониятлари етакчи тоғли ўлкалардан қолишмайди. Тоғлар умумдавлат аҳамиятига эга бўлган катта миллий бойлигимиз бўлиб, улар ғоят муҳим табиий-экологик (энг иирик экотизим, биологик ва ландшафт хилма-хиллигининг асосий маркази, турли-туман табиий бойликлар манбаи), ижтимоий-иқтисодий (тоғ иқтисодиёти, тоғ аҳолиси маданияти) ҳамда табиат муҳофазаси объекти вазифаларини бажаради.

Шу сабабдан Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларини асраш, барқарор ривожлантириш, уларнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш долзарб муаммога айланмоқда. Ушбу йўналишда ҳалқаро ҳамкорлик, биринчи навбатда, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни (ягона тоғ макони – Тянь-Шань ва Помир-Олой тоғ тизимларини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича) кенгайтириш ва чуқурлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Марказий Осиё мамлакатларида ўтказилаётган муҳим тадбирлар қаторига тоғ ҳудудлари муаммолари бўйича тайёрланган давлатларо ҳужжат – Марказий Осиё тоғ ҳудудлари конвенцияси (хартияси) «XXI асрда Марказий Осиё тоғ ҳудудлари ва уларнинг ҳалқларини барқарор ривожлантириш стратегияси» деб аталадиган лойиха ҳисобланади. Бу лойиха ҳозирги пайтда Марказий Осиё давлатлари ҳукуматлари томонидан ўрганилаёттир ва уни имзолаш муддатлари келишилмоқда. Хартияда тоғ ҳудудларида бошқариш, ресурслардан фойдаланиш, барқарор ривожланиш, тоғ муҳитини муҳофаза қилишда айрим давлатлар, давлатлараро алоқалар ва таъсирнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш мақсади кўзда тутилади.

1999 йилнинг май ойида Бишкек шаҳрида Марказий Осиё иқтисодий уюшмаси (МОИУ) мамлакатларининг эксперт гурӯхлари Марказий Осиёда 2002 йилда Ҳалқаро Тоғ йилига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича биргалиқда ҳаракат қилиш дастури лойиҳасини муҳокама қилиб, қабул қилдилар. Бу лойиха муҳокама учун МОИУ давлатлараро кенгashi мажлисининг кун тартибиغا киритилган. Ушбу ҳужжатда БМТнинг Ҳалқаро Тоғ йили ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватланиб, унда Марказий Осиё мамлакатларига Ҳалқаро Тоғ йили бўйича тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш миллий дастурини ишлаб чиқиш тавсия этилган. Бу дастурда Марказий Осиё тоғ ҳудудларини барқарор ривожлантириш стратегиясини биргалиқда ишлаб чиқиш, тоғ районларини ривожлантиришни тартибига солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва табиий ресурслардан фойдаланиш ва тоғ муҳитини муҳофаза қилиш бўйича битимлар рўйхатини келишиб олиш, илмий тадқиқотлар мавзуи ва йўналишларини белгилаш, семинар ва конференциялар ўтказиш, ахборот бюллетенлари чиқариш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш мўлжалланган.

Ҳалқаро Тоғ йилини Ўзбекистонда ўтказиш борасидаги тайёргарликлар тўғрисида мулоҳаза юритганда мустақиллик шароитида мамлакатимиз тоғ ҳудудларида юз бераётган ижобий ўзгаришларни ҳам ҳар томонлама ҳисобга олиш зарур. Масалан, тоғларда тоталитар тузум шароитида шаклланган хўжалик

функциялари ўзгариб, бозор иқтисодиёти талабларига мослаштирилмоқда. Объектив сабабларга кўра индустрисал ривожланиш ва фойдали қазилмаларни қазиб олиш иккинчи даражага тушиб, аграр секторни қайта тиклаш, тоғ катта имкониятларга эга тоғ рекреация қувватларидан кенгроқ фойдаланишга ҳаракат қилиш (курорт, туризм ва бошқалар), тоғ худудларининг транзит қувватларини тобора кўпроқ ишга тушириш (автомобиль, темир йўллар, туннеллар қуриш), алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш (кўриқхоналар, миллый боғлар) катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Тоғ аҳолиси манфаатларини ҳисобга олиш ва уларни ижтимоий ҳимоялашга тобора кўпроқ аҳамият берилмоқда. Бундай ўзгаришлар истиқболда тоғ зонасини интеграл йўналишда ривожлантириш сиёсатининг энг муҳим жиҳатларини белгилаб олишга ёрдам беради. Шу билан бир қаторда, тоғ худудларининг табиий ресурс қувватлари, ижтимоий-иқтисодий имкониятларидан фойдаланиш стратегиясини қайта кўриб чиқиш ва уни барқарор ривожлантириш мақсадларига бўйсундириш ҳам муҳим вазифадир.

Халқаро Тоғ йилини Ўзбекистонда ўтказиш бўйича энг муҳим тадбирлар қаторига қуйидагилар киради:

- Республика жамоатчилигининг эътиборини тоғ муаммоларига жалб этиш (радио, телевидение, матбуот);
- намунавий дастурлар тузиш;
- миллий тоғ сиёсатини ишлаб чиқиш;
- илмий тадқиқотларни ривожлантириш;
- регионал тоғшунослик фанини шакллантириш;
- хилма-хил ташвиқот ва тарғибот тадбирлари (конференциялар, семинарлар, фестиваллар) ўтказиш;
- халқаро муносабатларни ривожлантириш ва ҳ.к.

Таъкидлаш жоизки, бизнинг мамлакатимизда тоғ-кон билан боғлиқ масалалар 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган «Ер ости бойликлари тўғрисидаги» қонун (янги таҳрири) билан тартибга солинади. Ушбу қонун тоғ билан боғлиқ барча муносабатларни тўлиқ акс эттира олмаганлиги учун «Тоғ тўғрисида» алоҳида қонун қабул қилиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

## **8-§. Атроф-табиий муҳитни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишда халқаро ташкилотлар фаолиятининг аҳамияти**

Инсониятнинг ҳаётий фаолияти учун қулай экологик шартшароит яратиш, одамларнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, барқарор экологик вазиятни вужудга келтириш бугунги куннинг энг

долзарб вазифаларидан биридир. Кейинги йилларда республикамизда атроф мухитни муҳофаза қилиш борасида катта тадбирлар амалга оширилди. Айниңса, давлатимиз мустақилликка эришганидан кейин республика ҳукумати атроф мухитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, бу борада хорижий давлатлар, ташкилотлар, уюшмалар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш, улар билан ҳамкорликни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Ҳозирги пайтда атроф мухитнинг хилма-хил муаммоли жиҳатлари билан шуғулланувчи жуда кўп халқаро (хукumatлараро ва ноҳукумат) ташкилотлар мавжуд. Ноҳукумат ташкилотлар орасида 1948 йилда ташкил этилган Табиат ва табиий бойликларини муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи (МСОП) марказий ўрин эгаллайди. Унга давлатлар, миллний ва халқаро ташкилотлар ҳамда ассоциациялар аъзо бўлиши мумкин. Иттифоқ ҳукumatлар, миллний ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликка кўмаклашиш учун тузилган эди. Шунингдек, у атроф мухитни муҳофаза қилиш ва табиий бойликларини сақлаш масалалари билан шуғулланувчи айрим шахслар ўртасидаги ҳамкорликка ҳам кўмаклашади. Шу мақсадда МСОП халқаро тадбирлар ўтказади. Бу соҳадаги энг янги миллний ва техника ютуқларини тарғиб қиласди. Маорифни ривожлантириб, табиатни муҳофаза қилиш тоғларини тарқатади. МСОП табиатни муҳофаза қилиш бўйича халқаро конвенциялар ва битимлар ишлаб чиқишига алоҳида эътибор беради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг табиатни кўриқлаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришда муҳим ўрин тутади. Атроф мухитни муҳофаза қилиш масалалари БМТнинг Бош органлари: Бош Ассамблея, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш, шунингдек, минтақавий иқтисодий комиссиялар, ЮНКТАД, ЮНИДО, ПРООНнинг муттасил диккат марказида туради.

1972 йил Стокгольмда БМТнинг инсонни қуршаб турган мухит муаммолари бўйича ўтказган конференцияси муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унинг қарор ва резолюцияларига биноан, БМТ доирасида янги маҳсус орган – БМТнинг атроф мухит дастури (ЮНЕП) ташкил этилди. ЮНЕП, ўзининг юридик табиатига кўра, БМТнинг ёрдамчи органлари қаторига киради. Айни пайтда у ғоят катта мустақилликка ва халқаро ташкилотнинг бир қатор ваколатларига эга.

ЮНЕП атроф мухитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро ҳуқуқ нормаларини ривожлантиришга кўп эътибор бермоқда, универсал ва минтақавий конвенциялар ҳамда битимлар ишлаб

чиқилишига қўмаклашмоқда. Унинг ташаббуси билан минтақавий денгизлар – Урта денгиз, Қизил денгиз, шунингдек, Форс қўлтиғи ва бошқаларда денгиз мұхитини мұҳофаза қилишга қаратилган дастур амалга оширила бошланади. Бу тегишли халқаро битимларнинг ишлаб чиқилишини кўзда тутади. ЮНЕП БМТнинг ЮНЕСКО, ХСТ, ФАО, ИМКО, ХМТ, БДТ, ИКАО, шунингдек, МАГАТЭ сингари ихтисослашган ташкилотларнинг табиатни кўриқлашга қаратилган тадбирларини молиявий жиҳатдан кўллаб-куvvатлайди ва мувофиқлаштиради.

1993–1999 йилларда Орол муаммоларига бағищланиб республикамизда бир қатор кенгашлар, семинарлар, конференциялар ва бошқа анжуманлар ўtkазилди. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)нинг Тошкент–Урганч шаҳарларида бўлиб ўтган «Атроф мұхитни тиклаш»га бағищланган халқаро семинарида эса Ўрта Осиёда атроф мұхитни тиклаш бўйича кўриладиган тадбирлар ва унда жаҳон ҳамжамиятларининг иштироки мұҳокама қилинди. Шунингдек, 1996 йили Орол дengизи ҳавзасида барқарор экологик ривожланишини таъминлаш бўйича ЕХХТ нинг халқаро семинари ўtkазилди.

Табиатни мұхофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг илмий текшириш институтлари Норвегия мамлакати мутахассислари билан ҳамкорликда тайёрлаган «Ўзбекистон Республикасида экологик ахборот тизими» лойиҳасини нашр эттиргани ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, халқаро ривожланиш бўйича Япония агентлиги билан ҳамкорликда Орол минтақасидаги олтита шаҳарга тоза ичимлик суви етказиб беришнинг техник-иктисодий асослари лойиҳаси ишлаб чиқилди. Швейцария хукуматининг молиявий назоратга ихтисослашган давлат инспекциясининг лабораториялари ёрдамида асбоб-ускуналар, кимёвий реактивлар билан таъминланди. Айни пайтда, Жаҳон банки ҳомийлигида Ўзбекистон Республикасининг табиатни мұхофаза қилиш ва экологик вазиятни яхшилаш бўйича миллий ҳаракат режаси ишлаб чиқилмоқда.

Ҳозирги пайтда тоғ муаммоларига қизиқиш кескин ошди ва бу борада конференция ва семинарлар ўтказиш, илмий ишлар, фотоальбомлар нашр этиш анча кўпайди. Дунёнинг қатор мамлакатлари – Италия, Франция, Швейцария, Австрия, Люксембург, АҚШ, Хитой, Россия, Непал, Покистон, Перу, Кирғизистон ва бошқалар – Халқаро Тоғ йилига катта қизиқиш билан қараб, мұхим тадбирларни амалга оширидилар.

Энг аввало, Қирғизистон Республикаси Президенти А. А. Акаевнинг ташаббуси билан 2002 йилнинг ХТЙ деб эълон

қилиниши кўп мамлакатларда, биринчи навбатда МДҲда, шу жумладан Марказий Осиёда турли тоғ дастурлари ва лойиҳаларининг ишлаб чиқилишини сезиларли даражада кучайтирди. Қирғизистон Тоғ худудларини ривожлантириш миллий маркази, Халқаро тоғ институти ташкил этилди. Тоғ районларини барқарор ривожлантириш бўйича бир нечта дастурлар тавсия қилинди. Шу жумладан, тоғ қишлоқлари тармоқларини моделли ривожлантириш асосида тоғларда яшаш барқарорлигини ошириш дастурида ижтимоий шериклик асосида маҳаллий тоғ ресурсларидан фойдаланишнинг қатор янги концепцияларини амалга ошириш режалаштирилган. Шунингдек, 1997 йилда Қозогистонда Марказий Осиё адир (қурғоқ) тоғларини тадқиқ этиш бўйича халқаро марказ ташкил этилди. Россия давлати ташаббуси билан МДҲ олимлари ҳамкорлигига асосланган «Тоғ экологияси ва барқарор ривожланиш» дастури ишлаб чиқилмоқда.

Марказий Осиё мамлакатларининг Халқаро Тоғ йилини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва тоғларни ўрганиш соҳасидаги илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш масалаларига бағишланган ва 1998 йил май ойида Бишкеқда ўтказилган «Марказий Осиё тоғлари: муаммолар, тажриба, истиқболлар» мавзусидаги халқаро илмий семинари мухим аҳамиятга эга бўлди. Қирғизистон Миллий Фанлар академияси ва Қирғизистон Халқаро университети томонидан ташкил этилган ушбу семинарда Қозогистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон делегацияларига республикалар Фанлар академияларининг президентлари ва вице-президентлари бошчилик қилдилар. Унда Марказий Осиё тоғ худудларини барқарор ривожлантириш стратегияси ва илмий тадқиқотларни фаоллаштириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва тоғ мұхитини муҳофаза қилиш бўйича комплекс дастурлар, лойиҳалар, ҳуқуқий нормалар ва қонунлар қабул қилишда ҳамкорлик қилиш масалалари мұхокама қилинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

1999 йил 10–13 майда Бишкеқда «Марказий Осиё тоғлари: минтақавий жиҳат» мавзуида иккинчи халқаро семинар ўтказилиб, унда Марказий Осиё давлатларининг илмий тадқиқот салоҳиятини аниқлаш, Марказий Осиё Тоғ ахборот тармоғи (МОТАТ) доирасида ҳамкорлик қилиш дастури концепцияси, МОТАТни ташкил этиш масалалари мұхокама қилинди. Семинар ишида Ўзбекистон делегацияси қатор тавсия ва таклифлар берди. Семинарда Марказий Осиё регионал тоғ ахборот тармоғи марказини ташкил этиш ва унинг қароргохини Бишкек шаҳрида

жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди, Марказ фаолиятининг устувор йўналишлари белгиланди.

ХТИ муносабати билан 1999 йил 28-30 сентябрда Душанбе шаҳрида «Марказий Осиё тогли ҳудудлари: барқарор ривожланиш муаммолари» мавзуида ҳалқаро конференция бўлиб ўтди. Конференция ишида Ўзбекистон делегацияси фаол иштирок этди. Конференцияда тоғ ҳудудларининг асосий муаммолари, барқарор ривожланишга эришиш йўллари, тоғларда инсон эҳтиёжларининг ривожи ва хавфсизлик, технологик тўсиқлар ва ривожланиш, тоғ аёллари эҳтиёжлари ҳамда тоғ ҳудудлари келажаги ва бошқалар муҳокама қилинди. Конференция якунида икки муҳим ҳужжат – анжуман қарори ва Марказий Осиё давлатлари бошликларига мурожаат қабул қилинди. Мурожаатда Ҳалқаро Тоғ йилини ўтказиш учун Марказий Осиё қўмитасини тузиш ва 2001 йилда тоғ ҳудудларини барқарор ривожлантиришнинг давлатлараро ҳамкорлиги масалаларига бағишлиланган ҳалқаро (хукуматлараро) конференция ўтказиш тақлиф этилди. Унда МДҲ мамлакатлари Фанлар аадемиялари ҳалқаро ассоциацияси (Москва) доирасида Тоғ дастурини бажариш ташаббуси қўллаб-кувватланди. Марказий Осиё мамлакатларида тоғ регионлари ривожланиши бўйича мутахассислар ва тадбиркор-менеджер мутахассислар тайёрлайдиган (Хорог шаҳрида ташкил этилаётган Ҳалқаро университетга ўхшаш) институтлар ва марказлар барпо этиш тавсия этилди.

1998 йил июнь ойида Даниянинг Орхус шаҳрида атроф муҳит муҳофазасига бағишилаб ўтказилган тўртинчи ҳалқаро конференцияда Ўзбекистон Республикаси вакиллари ҳам иштирок этдилар. Конференция ишида атроф муҳитнинг транспорт воситалари таъсирида ифлосланишини ва иссиқлик электростанцияларининг чиқиндиларини камайтириш, қишлоқ хўжалигида турли заҳарли ўғитлар ишлатилишига барҳам бериш каби қатор масалалар кўрилди ва Ўзбекистон Республикасида ҳам худди шу йўналишда ишлар олиб борилаётгани конференция қатнашчиларига маълум қилинди. Конференцияда янги мустақил давлатлар эҳтиёжларига эътиборни қаратиш, айниқса Ўрта Осиёдаги давлатларга донорлик ёрдамини кучайтириш, унинг самарали йўлларини излаб топишга қарор қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, атроф-табиий муҳит муҳофазаси ва экологик вазиятни яхшилаш барча давлатлар, ҳалқаро ҳамжамиятлар, ноҳукумат ўюшмалар билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш орқалигине барқарор иқтисодий ривожланиш, табиат ресурсларидан самарали фойдаланиш, экологик тангликт

бартараф этиш ва атроф мұхитни мұхофаза қилиш имкониятига әга бўламиз.

### ***Такрорлаш учун савол ва топшириқлар***

1. Атроф-табиий мұхитни халқаро экологик-хуқуқий мұхофаза қилиш қандай аҳамиятга әга?
2. Атроф-табиий мұхитни халқаро экологик-хуқуқий мұхофаза қилиш объектларига нималар киради?
3. Атроф-табиий мұхитни халқаро экологик-хуқуқий мұхофаза қилиш манбалари нималардан иборат?
4. Атроф-табиий мұхитни экологик-хуқуқий мұхофаза қилишда халқаро ташкилотлар ва конференцияларнинг аҳамиятини айтиб беринг.
5. Экологик муаммоларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда халқаро ҳамкорлик қандай йўналишларда амалга оширилмоқда?
6. Атроф-табиий мұхитни халқаро экологик-хуқуқий мұхофаза қилишда ички ишлар органларининг ўрни ва вазифалари нималардан иборат?

## **Барча мавзулар бўйича тавсия этиладиган адабиёт**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 1992.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. Т., 2001.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги 1992 йил 9 декабрдаги қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. № 1. 38-м.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги 1993 йил 5 майдаги қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. № 5. 221-м.
5. Ўзбекистон Республикаси «Алоҳида муҳофаза этиладиганн табиий ҳудудлар тўғрисида»ги 1993 йил 7 майдаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. № 6. 255-м.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги 1991 йил 19 ноябрдаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992 № 1. 43-м; 1993. № 5. 236-м; 1995. № 9. 193-м; 1998. № 3. 38-м; 1999. № 1. 20-м.
7. Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси//Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. № 6. 247-м.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги 1994 йил 23 сентябрдаги қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994. № 10. 252-м.
9. Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги 1996 йил 27 декабрдаги қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. № 2. 52-м.
10. Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги 1997 йил 26 декабрдаги қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998. № 1. 12-м.
11. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги 1997 йил 26 декабрдаги қонун//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998. № 1. 14-м.

12. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998. № 5-6. 82-м.
13. Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тўғрисида»ги 1999 йил 15 апрелдаги қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1999. № 5. 122-м.
14. Ўзбекистон Республикасининг «Экологик экспертиза тўғрисида»ги қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2000. № 5-7. 144-м.
15. Ўзбекистон Республикасининг «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонуни. Халқ сўзи. 2002. май.
16. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Т., 2002. (янги таҳрири).
17. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Т., 2001. (янги таҳрири).
18. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Т., 1999.
19. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т., 1996.
20. Азаров Г. И. Правовая охрана окружающей среды и природоохранительная деятельность ОВД. М., 1992.
21. Бринчук М. М. Экологическое право России. М., 1999.
22. Ер хукуқи//Юридик фанлар доктори, профессор М. Рустамбоевнинг умумий таҳрири остида. Т., 2002.
23. Ерофеев Б. В. Экологическое право России. М., 1996.
24. Намозов Ф. Ўзбекистонда ўрмонлардан фойдаланиш хукуки. Т., 2000.
25. Нигматов А. Экология хукуки (Чизмаларда). Т., 1999.
26. Петров В. В. Экологическое право России. М., 1995.
27. Сайдов А. Х. Халқаро хукуқ. Т., 2001.
28. Турсунов Х. Т. Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. Т., 1997.
29. Усмонов М. Б. Ер ва қонун. Т., 1994.
30. Усмонов М. Б., Рустамбоев М. Х., Холмўминов Ж. Т. Экология хукуки. Т., 2000.
31. Холмўминов Ж. Т. Бозор иқтисодиёти шароитида табиатни экологик-хукуқий муҳофаза қилиш. Т., 1994.
32. Холмўминов Ж. Т. Экология ва ердан фойдаланишнинг хукуқий масалалари. Т., 1991.
33. Холмўминов Ж. Т. Экология ва қонун. Т., 2000.
34. Холмўминов Ж. Т. Экология хукуки: Чизмалар альбоми. Т., 2002.
35. Холмўминов Ж. Т. Эколо-правовые проблемы использования орошаемых земель в Республике Узбекистан. Т., 1996.
36. Шодиметов Ю. Ш. Ижтимоий экологияга кириш. Т., 1994.

37. Юридик энциклопедия//Юридик фанлар доктори, профессор У. Таджихановнинг умумий таҳрири остида. Т., 2001.
38. Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоби». Т., 2000.
39. Ўрмон ҳуқуқи//Юридик фанлар доктори, профессор М. Рустамбоевнинг умумий таҳрири остида. Т., 2002.
40. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи. Т., 2000.

Жуманазар Тоштемирович ХОЛМҮМИНОВ  
*юридик фанлар доктори*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ  
Дарслик

Муҳаррир **Б. А. Яров**  
Техник муҳаррир **М. М. Сафаров**

---

Босишга 2003 й. да рухсат этилди. Нашриёт-ҳисоб табоғи 20.  
Адади. . Буюртма №. Баҳоси шартнома асосида

---

700197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси